


# МУСТАҚИЛЛИК - ОРЗУЛАР РЎЁБИ



Маънавият қаноти - маърифат дейишади. Маърифат асосида эса мутолаа ётади. Айниқса, ёшликда олинган билим онг-тафаккурни, дунёқарашни шакллантиришида асосий восита бўлиб хизмат қилади. Демак, ёшларда яхши асарларга эҳтиёж кучли бўлади.

Яқиндагина нашрдан чиққан "Баркамол авлод орзуси" ("Шарқ", Тошкент, 1999) китобидан "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга ошириш борасидаги публицистик мулоҳазалар ўрин олган. Ушбу тўпلام мағзи тўқлиги, ёшлар, уларнинг тарбияси ҳақидаги қиматли мулоҳазалар, доно фикрлар, мушоҳадага чорловчи ўйлар берилганлиги билан эътиборингизни ўзига тортади.

Сиз ушбу китобни ўқинг, азиз ёшлар. Сиз бу китобни ўқинг. Зеро, баркамол авлод сизнинг, бизнинг, жамиятимизнинг орзуси. Буюк давлатни эса комил инсонлар, маънавияти юксак ёшлар қуради.

Қуйида ушбу тўпلامдан кичик бир парчани эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Таҳририят.

Келажакда  
Ўзбекистон  
юксак  
даражада  
тараққий  
ётган  
иқтисоди  
билангина  
эмас,  
балки  
билимдон,  
маънавий  
жиҳатдан  
етук  
фарзандлари  
билан ҳам  
жаҳонни  
қойил  
қилиши  
лозим.

Ислом  
КАРИМОВ

## МИЛЛАТ ҚОНИДАГИ БАРҲАЁТ МАЪРИФАТ

Баркамол авлод тарбиялаш инсониятнинг энг ёрқин орзуси бўлиб келган. Бирок дунё халқларининг барчаси ҳам бу ҳақда ўйлайвермаган. Бундай орзудаги инсонлар азалий маърифатга, маданиятга мансуб бўлган юртларнинг донишмандлари - энг мўътабар зиёлилари, ҳ у к м д о р л а р и ҳисобланганлар. Уларнинг орасида Ўзбекистон деб аталмиш муаззам заминимизда яшаган боболаримизнинг ўз ўрни, ҳурмати бор. Бу жаҳон ҳамжамияти томонидан қабул қилинган ҳақиқатдир. Баркамол авлодни тарбиялаш орзусига ўз тарихимиздан

жуда кўп далиллар келтиришимиз мумкин. Ал-Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» асаридаги ғояни ёдга олинг. Унга кўра жамиятнинг ҳар бир фуқароси - мансаби, тутган ўрни, яъни ким бўлишидан қатъий назар **ФОЗИЛ** киши. Фозил инсон ўз давлатининг барча қонун-қоидаларини яхши билади, унга амал қилади, фикрлайди, ўз касбининг устаси, лозим бўлганда Ватани учун жон фидо қилади. Фозиллар шаҳри аҳолиси бир-бирига ҳурматда бўлади. Ота-она ва фарзанд, устозу шогирд ўртасида шарқона назокат, меҳр ва эҳтиром бўлади. Аввало бундай фикр

Маърифатга  
интилиш  
халқимизнинг  
азалий  
фазилатларидан  
биридир.

Исло  
КАРИМОВ

юритишнинг ўзи боболарнинг маънавий даражаси нақадар юксак бўлганлигини ва албатта бундай фикр айтиш бу борада кўп асрлик меросларни ўрганиш натижасида вужудга келишини таъкидлаш жоиз. Демак бизнинг баркамол авлод тарбиялаш ҳақидаги ниятимиз учун маънавий асос бор. Миллатимиз урф-одатларидаги, қонидаги маърифат тушунчаси, илм ва билимга интилиш хислати бир неча

## МАЪРИФАТНИ УНУТИШ ПОЙМОЛ БЎЛИШДИР

Амир Темур асос солган давлатни жаҳолат ботқоғига ботган авлодлар таназзулга элтдилар. Давлатнинг асоси - пойдевори нотўғри қўйилгани учун эмас, билъак мустаҳкам асос устига яхши пиширилмаган гиштар кинғир-қийшиқ терилгани боис бинога дарз кетди. Туркистон XIX асрнинг иккинчи ярмида ўзга давлатга маҳв бўлди. Жаҳолат ҳеч қачон илм-фанни тан олмайди. Жаҳолатнинг бошида турган илмсиз кимсанинг тубан дунёқарашига хос биқик «қоидалар» вужудга келади ва бошқаларни унга бўйсунушга мажбурлай бошлайди. Илм-фансиз боболар меросини

минг йиллар давомида шаклланган, сайқал топган.

Боболарнинг шу каби ўй-фикрлари тилдан тилга кўчган, китобларда қолган. Бундан халқ, айниқса юртбошилар хабардор бўлишган. Чунончи Соҳибқирон Амир Темур ҳам буюк давлат қуришда, иш юритишда ўтиб кетган боболарнинг ўғитлари, давр донишларининг маслаҳатлари билан ишлаганлиги тарихий манбалардан аён. Бутун дунёга маълумки ўша даврда илм-фан ривожини учун шароит яратилган. Маданият ривожланган, бугун дунёни лол этаётган осмонўпар минораю масжидлар бунёд этилган. Бу давлатни барча давлатлар энг юқори маданият ўчоғи сифатида тан олишган, ўз элчиларини жўнатишган. Элчиларни юбориш мазкур давлатни ҳурмат қилиш, тан олиш натижасидир.

ўрганиб, ривожлантириш у ёқда турсин, ҳатто асраб бўлмайди. Шу боис Амир Темур давлатчилиги, Форобийнинг фозиллар жамияти, Ибн Сино тиббиёти, Хоразмийнинг аниқ фанлари, Берунийнинг қомусий илми, Улуғбек қоиноти - ҳамма ҳаммаси жаҳолат пардаси ортида қолди, унутилди. Боболар орзуси орзулигича қолиб кетди.

Орзу йўқолса ҳаёт тўхтаган ҳисобланади. Шу боис боболар қонидаги шундай орзу XIX аср охирида бош кўтарди. Орзунинг поймол бўлишига жаҳолат сабабчи бўлганлигини Чор Россияси мустамлакасида эзилиб, ундан қутулиш

Мен олимларга,  
илоҳиётчиларга,  
файласуфларга ва  
тарихчиларга  
ҳурмат-эҳтиром  
кўрсатдим. Мен  
уларни ҳурмат  
қилдим ва  
эъвозладим.

Амир ТЕМУР

чорасини излашга тушган юрт зиёлилари биринчи бўлиб таҳлил этишди. Озодлик учун ўз жонини тиккан миллат фидойиси, Туркистон жадидларининг етакчиси, муфти Маҳмудхўжа Бехбудий шу жаҳолатни келтириб чиқарган иллатларни таҳлил қиларкан, шундай хулосага келди:

«Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур». («Эҳтиёжи миллат». «Самарқанд» газетаси, 1913 йил, 26-сон).

Шу қисқача иқтибосда «Биз нега мустамлака бўлиб қолдик» деган саволга жавоб бор эди. Таъкидланаётган «дунёвий фан ва илм» бу бир давлатнинг қудратини, маданиятини, маънавиятини ривожланган мамлакатлар қаторида сақлаб турувчи омилдир. Бундай илм-фаннинг ривожини эса таълим тизимининг пухталиги, фаннинг ривожланиши учун яратиладиган шароитдир. Шу боис Тошкентда Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Бухорода Фитрат, Қўқонда Ашурали Зоҳирий, Самарқандда Абдуқодир Шақурий каби қатор жадидлар бу фикрга қўшилган ҳолда таълим ислоҳига киришдилар...



Сирожиддин САЙИД

# БИР БЕҒАМ, БЕЗАВОЛ ДАВРОНИНГ...



## ОДДИЙ ТИЛАКЛАР

Кўнгилларга сафо бергил,  
Софлик беру оқлик бер.  
Муҳаббат бер, мурувват ҳам  
Меҳр бер, муштоқлик бер.

Оталарга фароғат бер  
Ва роҳат бер бус-бутун,  
Оналарга саодат бер,  
Умр беру соғлиқ бер.

Ўғлонларга иқбол бергил,  
Имон бергил саломат,  
Шижоат бер, ору номус,  
Доим кўкси тоғлик бер.

Латофат бер қизларга ҳам  
Малоҳат бер, садоқат,  
Яна ҳусну чиройига  
Бахтини ҳам боғлиқ бер.

Ёр кўксидан паноҳ бергил  
Севиб севилганларга,  
Севганларга ёр зулфидан  
Дорлик бер, сиртмоғлик бер.

Айвонларга мунавварлик  
Ой ва кўёш меҳридан,  
Ҳар бир уйни бешиқлик бер,  
Аллалик, уйғоқлик бер.

Ким бўлмасин, тўкис айла  
Ризқу насибасини,  
Чеккан ранжу заҳматидан  
Ҳар он вақтичоғлик бер.

Дўстлар сафин мустаҳкам эт,  
Аҳил этгил, иттифоқ,  
Душманларнинг қаторига  
Тоқлик бер, тарқоқлик бер.

Ҳаволанмоқ нечун ахир,  
Инсонмизку ҳаммамиз,  
Ҳар кимга ҳам инсоф бергил,  
Ўзингдан кўрқмоқлик бер.

Жилғаларга жавлон бергил,  
Чопсин кўзичоқлардай,  
Чўққиларга залвор бергил,  
Қорлик бер, виқорлик бер.

Сен қўлладинг, тўлди гулу  
Чечакларга бул Ватан,  
Бундан сўнг ҳам бағрин баҳор,  
Бўстонлик бер, боғлик бер.

Шеърга солмоқ учун шунча  
Орзу ва умидларни,  
Менинг шоир дилларимга  
Дардкашлик бер, доғлик бер.

## СЕНИНГ УМРИНГ

Ойларнинг ўрнини чақинлар олар,  
Сойларнинг ўрнини тошқинлар олар.  
Бир кун агрофингда фақат ер қолар,  
Бошингдан юлдузли осмонинг кетар.

Гулгун кунларингни ортига ташлаб,  
Гоҳ яшнаб, гоҳида қиличдай чақнаб,  
Адирлар ортидан қулундай кишнаб,  
Бир беғам, безавол давронинг кетар.

Баҳоринг кетгайдир аста қўлингдан,  
Хаслар ҳикмат сўйлар юрган йўлингдан,  
Муҳаббат кетса гар ул кун дилингдан,  
Пойингдан устивор нарвонинг кетар.

Дийдаларинг аро кетмай ним кулгу,  
Аларга ўрнашиб олмишдир қайғу.  
Ярми кўк, ярмиси сарғайган орзу  
Мисоли бир барги хазонинг кетар.



Нолакор янграгай ногоҳ созларинг,  
Сароб севгиларда куймиш ёзларинг.  
Учгайлар видоли ўрдак, ғозларинг,  
Кўкларда нолаю афғонинг кетар.

Сенга кам дегандай шунча мотамни,  
Йиллар йиқитгайлар бир кун отангни,  
Муз шамол тилгайдир ноҳос бетингни,  
Кўксингни тўсган ул қалқонинг кетар.

Ҳазинлик қоплагай майсазорингни,  
Боғларинг чорламас тоғда қорингни.  
Сени ёр англамас, сен-чи ёрингни,  
Мижгонлари айтган достонинг кетар.

Шудрингдан саодат кутгай йигитлик,  
Ўт ютиб, вале гул тутгай йигитлик,  
Шамшир шуъласидай ўтгай йигитлик,  
Шу оний шуълада қарвонинг кетар.

## О В О З

Мунисам, овозинг бунчалар майин,  
Гулга қўнаётган капалак каби.  
Бу дунё, сен секин сўзлаган сайин  
Товланар кўзимга камалак каби.

Умрим осмонимга ой узатгандай,  
Тун менга тилларанг чой узатгандай.  
Борлиқ ҳам нурланиб юзаётгандай,  
Сен-чи, сўзлаётган сувмалак каби.

Тилнинг асалидан қорилган розми?  
Лаблар шакқаридан яралган нозми?  
Яна қайдин тошгум бундай овозни  
Оламни айлансам чархпалак каби?

Гарчи неларнидир сўраётирсан,  
Асли ипак ипга ўраётирсан,  
Гўёки тилимлаб бераётирсан  
Орзуни энг ширин ҳандалак каби.

Қадр билмас ёр олдида қадрим надир?  
Изтиробим, ихлосим ҳам дардим надир?  
Туфроқ бўлсам бу йўлларда гардим надир?  
Увол этдим, эсиз, дилнинг дарёсини.

Балдоғидай ялтироқдир оламлари,  
Жондин ўтди миннатлари, аламлари.  
Доғларимнинг кўмиридан қаламлари,  
Кўзга суртди, лек билмади маъносини.

Кўнгил у кун адирларда йиғлар эди,  
Тошқинлари тошлар аро ухлар эди.  
Кўклам ҳар қир, ҳар ўнгирида тахлар эди  
Менинг бағир қонларимдан сарпосини.

Бир осмонни бир юлдузга зор этди ёр,  
Бу дунёни ўз кўзига тор этди ёр,  
Менинг туфроқ остонамни хор этди ёр,  
Топсин энди остонанинг тиллосини.

Аҳду паймон дейсан бунча,  
Борлигинг бир аҳд эмасми?  
Еру осмон дейсан бунча,  
Шу сўринг бир тахт эмасми?


Надир гўзал ёрнинг кўзи?  
Эй ношукур, Худо ўзи  
Гўзал кўнгил бермиш сенга,  
Шунинг ўзи бахт эмасми?







Анвар СОБИРЖОН ўгли



Рассом Рустам Зуфаров

Қисса

НОЛДУЗ ТЎЛА ОСМОН

## МУҚАДДИМА

Паст бўйли, қориндор, бировга боққанида митти кўзлари чақчайиб кетадиган газламафуруш Юнусбой мачит томон лапанглаб қадам қўйиб бораркан, тасбеҳини айлантирганча тушга қадар қанча савдо қилганлигини хаёлан хомчўт қиларди. Ногаҳон бой:

- Пўшт-пўшт, - деган таҳдидли овозни эшитиб, таққа тўхтади.

Бойнинг ёнгинасидан олти отлик тупроқ чангитиб ўтди. Кайфи бузилган бой жаҳл билан уст-бошини қоқаркан, отликлардан бирининг юзи ўзига танишдай кўринганини эслади. Лекин суворийлар жуда тез ўтиб кетгани учунми, хотираси панд берди. Бой: «Мингбошининг йигитларидандир», деб тўнғиллаб қўйди-да, намози қазо бўлиши мумкинлигини ўйлаб, илдам йўлга тушди.

Бу пайт бояги олти отлик Заргар маҳалласига шиддат ила яқинлашиб келарди.

Катта ариқ ёқасидаги бақатерак соясида турган, эски духоба паранжили жувон чавандозларни кўрдию, кўча ичкарисига юрди.

Аёлни кўрган отликлар ҳам тўхташди. Сўнг улардан иккитаси кўча оғзида қолди, тўртовлон эса отларини секинлатиб жувон ортидан юришди. Тўғри кўчанинг икки четидаги мевали дарахтларнинг аксари ҳосилларини кўтара олмай деворга ёнбошлаб қолган. Шундоққина қўл чўзса етадиган, кип-қизил олмаларга суворийлар эътибор ҳам бермадилар. Ниҳоят тўрт пахса бўйли девор билан ўраб олинган ҳовли олдида аввал аёл, ундан уч-тўрт қадам нарида эса отликлар тўхтади.

Эшик олдида тупроқдан ҳаммомпиш ясаб ўтирган болакайлар бадқовоқ отликлар тўхтаган захоти тумтарақай бўлишди. Иссикданми ё тез юрганиданми ҳарсиллаб қолган аёл ўймақор эшикни устма-уст тақиллатиб:

- Ойсулув-в, - дея чақирди. - Хой Ойсулув.

Ичкаридан қиз боланинг майин овози эшитилди: - Ҳозир-р.

Аёл чачвонини қия очиб, кўк салла ўраган отлик йигитга маъноли қаради-да, илжайиб қўйди. Юзига сурқалган қалин упа, қош-кўзга тортилган қуюқ сурма, яноғи устига кўндирилган мошдай ясама ҳол, қулоқлари олдидаги гажаклар унинг сатанлигидан дарақ беради. Йигит калласини лиқиллатиб қўйгач, аёл зипиллаб ўзини тор кўчага урди.

Бу орада эшик очилди ва атлас қўйлак устидан нозик гавдасини сиққан қизил нимча кийиб олган ўн етти ёшлардаги қиз остонада кўринди. Қиз йигитни кўриши билан бир чўчиб тушди, сўнг «Вой сизми?» деганича уйга қайтиб кириб кетмоқчи бўлди. Бироқ йигит чаққонлик билан энгашиб қизни даст кўтариб отига ўнгарди.

Кўрқиб кетган Ойсулув:

- Ая! Аяжон, ёрдам беринг! - деб чинқирдию, ваҳиманинг зўридан ҳушидан кетди.

Йигит эгарга қистириғлик қопга ўхшаш матони қиз устига ёпаркан, от бошини орқага буриб, жиловни бўш қўйди:

- Чўх, жонивор!

Отликлар мумкин қадар чет кўчалардан юриб шаҳар дарвозасига ошиқдилар. Йўловчилар бу шошқин тўдага таажжубланиб қараб қўярдилар.

- Мусулмонлар, ушланглар уларни, ушланглар! - дея айюҳаннос солди отликлар аёл кишини олиб қочишаётганини пайқаб қолган бир мешкоб.

Бошига кигиз қалпоқ, устига эски йиртик-ямоқ чопон кийган қаландар йўлни тўсмоқ ниятида кўча ўртасига отилиб чиқди-ю, отликлар тикка устига бостириб келаётганларини кўргач, кўрқди шекилли, ерга юз тубан ётиб олди. У белига осиб олган носқовокдаги чақа тангалар чор тарафга сочилиб кетди.

Қиличларини яланғочлаган суворийлар қаландар устидан отларини сакратиб ўтиб кетишди.

Шаҳарнинг жанубий дарвозаси олдида кираётган-чиқаётган йўловчиларни кузатиб навкарлар турар, дарвоза биқинидаги тупроқ супага шолча ташлаб ўтирган мирза пат қаламини қитиллатиб йўловчиларнинг исмларини ёзар, сўнг бож оларди.

Отликлар шиддатни сусайтирмай навкарлар устига тикка босиб келаверганларидан сўнг, улар ўзларини аранг чеккага олиб улгурдилар. Мирза «Подшодлик пулини ким тўлайди?» деганича қолаверди. Ниҳоят ўзларини ўнглаб олган ўн икки сарбоз отларига миниб, қочқинларни қувишга тушдилар.

Ойсулувни ўнгариб олган суворий йўлни чўл томон солди. Қолган беш отлик эса отларини орқага бурдилар-да, яқинлашиб қолган икки сарбозга ҳамла қилишга чоғландилар. Уларнинг важоҳатидан чўчиган сарбозлар отларининг тизгини тортидилар. Афтидан улар қандайдир бир номаълум аёлни деб жонларини хавф остига қўйишни истамадилар.

Тоғлар қуёш нуридан ранг олган момик, булутлар қучоғига кириб кетаётгандай кўринди. Ҳатто ҳиссиз, раҳмсиз чўл ҳам қизғиш-ҳаворанг тус олиб, ажиб манзара касб этган. Суворийлар тоғлар панасига бекинаётган қуёшни қувиб етмоқчи бўлгандай бир-бирларидан ўзишга ҳаракат қиладилар.

Йўл ўқорига кўтарила бошлагач, юриш оғирлашди. Ногоҳ катта харсанг тош ортидан:

- Тўхта! - деган ҳукм эшитилди.

- Ҳакимбой, мен бўламан, - дея овоз берди қизни ўнгариб олган отлик.

- Ия, янглишмасам йигитларинг орасида аёллардан йўқ эди-ку? Ё жангда асир олдингми? - деди Ҳаким деганлари панадан чиқаркан.

Отлик бу саволга жавоб бермай дағал оҳангда сўради:

- Қилич шу ердами?

- Пойлаб турибди.

- Хўп.

Отликлар кенг дарага чиқиб олдилар. Дара ўртасида ёнаётган улкан гулхан шуъласида атрофдаги уйлар қизғиш-қорамтир кўринарди.

## I

Беғубор осмон юзи бир дамда қора булут билан қопланиб, майин шабада ўрнини кишини димиқтириб қўядиган чанг-тўзон эғаллади. Сўнг шамол аралаш ёмғир томчилаб турди-да, бирдан қаттиқ жала қуйди.

- Шамол, бағринг камол, - деб турган болалар қий-чув қилиб уйларига қочиб кирдилар.

Ариқлар бир пасда лойқа сув билан тўлиб-тошди.

Баҳор булутлари кўз ёшларини тўкиб бўлгач эса кўк юзи биллурдек тиниклашиб, камалак пайдо бўлди-ю, ўз сепини ёйган келинчақдек минг бир хил рангда товланиб тусланди. Қуёш қарақлаб нур соча бошлади. Гўё борлиқ бутун гўзаллигини намойиш этиб қуйлаётгандай эди...

Ариқ бўйларидаги барра ўтлар орасидан баҳорнинг биринчи элчиси бўлмиш гунафшалар ёмғирда ювилган юзларини қуёшга тутдилар.



Ана, хонага адашиб кириб қолган чумчук, пати юлинган ҳолда, ўжар боланинг кўлидан қутилганига ишонқирамай учади. Мўрилардаги мусичалар ҳам қарга тусини олгандек қорайиб, бирин-кетин парвоз этадилар.

Юнусбойнинг уйига ҳам кўклам ўз ташвишларини олиб келди. Чунончи, бой тезроқ сафарга отланиш иштиёқида эди. «Фақат яхши бир хизматкор, тўғрироғи, гумашта керак. Токи сафарда менинг кўриқчим, садоқатли кишим бўлсин. Лекин бундай одамни қаердан топсам экан? Дарвоқе, Қулмухаммадхон олдига борсамми?» - деган ўйларга борди бой феруза осмон тухфаси - камалак ёйига боққанча.

Бир зум тараддулланиб қолган Юнусбой лўла болишини бир четга суриб, «бисмилло» дея ўрнидан турди. Эрининг отланаётганини кўрди чоғи, ичкари уйдан озгин, ёши қирқларга борган Хошиябиби чиқди.

Бой кўрсатма берди:

- Мингбошининг уйига кетяпман. Агар Суюмбой келса, молни ташлаб кетаверсин, уқдингми?

Хошиябиби маъқул ишорасини қилиб қозикдаги саллани узатди. Ковушини кийган бой эшикка йўналди.

Мингбошининг уйи шаҳар зиндонига яқин ерда. Юнусбой йўлни яқин қилиш мақсадида кулолчилик маҳалласининг қинғир-қийшиқ кўчасидан ўтиб, катта гузарга чиқди. Бу ердаги уч чойхона ҳам анҳор бўйидаги соя-салқин ерларга жойлашган. Кучоқ сиғмас азим чинорлар ерга тангадек офтоб туширмайди. Тўрқовоқларга солиб қўйилган беданалар бири олиб, бири қўйиб сайрайди. Чойхоналарни ўзига макон қилиб олган беданавозларнинг «бос, бос, саники қочди, зангар!» каби қийқириқлари оламни тутарди.

Бедана боқиш бекорчининг иши деб биладиган, аммо унинг сайрашини ёқтирадиган Юнусбой ҳар галидек бедана нолишини бир пас тинглаб тургач, «ха, овозингдан!» деганча йўлида давом этди. Бой мингбоши дарвозаси олдига яқинлашганида, икки киши ичкарига киришга рухсат кутиб турган эди. Соқчи тавозе билан эшикнинг бир табақасини очиб бойни ичкарига таклиф этди.

Қулмухаммад мингбошининг уйи ташқи, ички ховлидан иборат бўлиб, ичкарида оиласи турар, ташқарида ўзининг соқчи навқарлари учун бино, отхона, омборхона, шунингдек қабулхона жойлашган эди.

Режа билан экилган турли мевали дарахтлар, гулларга бурканган богдаги товуслар ўз ҳуснларини кўз-кўз қиладилар. Ховли ўртасидаги мрамар ховузга қарата қурилган шийпонларнинг пештоқларидаги нақшлар офтобда «ялт-юлт» этиб товус билан рақобатлашади.

Шийпонда ўтирган мирза Ашур бой истикболига чиқди.

- Ассалому алайкум.

- Ваалайкум ассалом, мирза Ашур.

Улар ясатиғлик дастурхон олдига чўккалашиб, кўлларини юзларига сийпалашди.

- Келсинлар, тақсир.

- Мингбоши шу ердаларми?

- Ана ўзлари, - деди мингбоши ичкари ховлидан чиқиб келаётганини кўрган мирза.

Қулмухаммадхон чўзиқ юзли, дўнг пешонали киши эди. Гарчанд катта хотини билан андек жанжаллашиб чиққани учун таъби хира бўлса-да, бойга буни сездирмасликка уринди.

Бироз тамадди қилганларидан сўнг Ашур арзчилар пойлаб турганини эслатди. Мингбоши қабулга розилик

берди.

Қабулхонага киришганларида, арзчилар этакдаги наमत устида ўтиришардилар. Салом-алиқдан кейин қирганлар қават-қават солинган хонтахта олдидан жой олишдилар. Мирза мингбоши ёнбошига қўйилган алоҳида курси ёнига чўккалаб пат қалам, самарқанд қоғозидан икки варақ олиб қўйгач арзларни ўқиди.

Шикоятчиларнинг иккиси ҳам шаҳар биқинидаги Бодомзор қишлоғидан эди. Бири оқсоқол, иккинчиси оқ яқтак кийган барваста деҳқон йигит. Унинг кўзлари қишлоққа бир соддалик билан боқди.

Мингбоши сукутга кетди. Кўпчилик у киши одил ҳукм чиқариш учун фикр дунёсига ғарқ бўлдилар, деган мулоҳазага борди.

Холбуки, Қулмухаммад катта хотини хусусида ўй сурадди. «Агарда бирор тағи пастроқ одамнинг қизи бўлганда-ку, оғиз очирмасдим-а», дея аламли қарорга келди мингбоши.

Ниҳоят, мирзанинг бир-икки йўталидан сўнг сесканиб кўз очган мингбоши:

- Ёз, - деди мирзага. - Ҳукм: «Бодомзор қишлоғилик Дилмурод исмли деҳқон қарзини вақтида тўлай олмагани учун ер-сувини оқсоқолга топширсин».

- Тақсир, одиллик қилинг! - дея қичқириб юборди деҳқон жон ҳолатда. - Ер-сувсиз ҳалок бўламан-ку!

Мингбоши пинағини бузмади.

- Чоракор бўлиб ишлайсан.

- Чоракор бўлгунча...

Дилмурод шартта ўрнидан туриб чиқиб кетаётган эди:

- Тўхта, иним. Анча баъмани йигит кўринасан. Мани хизматимга қирмайсанми? - деб юборди Юнусбой ўзига гумашта кераклигини эслаб.

Йигит эшик остонасида иккиланиб туриб қолди. Қишлоқдан чиқаётгандаёқ, агар ер-сувмидан ажралсам шаҳарда ишлайман, ҳар ҳолда куним ўтиб турар, деган қарорга келганди.

Бой ўрнидан туриб, йигитга яқин келди.

- Узок ўйланишининг на ҳожати бор? Ҳалол меҳнат қилсанг, бир йилдаёқ ерингни қайтариб олшингга ёрдам бераман.

- Хўп, фақат қишлоққа икки кунга бориб, баъзи ишларимни саранжомлаб келсам. Агар сиз рози бўлсангиз, бой ота.

- Бу бўлак гап, - мамнун тарзда деҳқоннинг елкасига қокди бой. - Заргар маҳаллага бориб Юнусбой ҳовлиси қаерда десанг, ҳамма кўрсатиб қўяди.

Дилмурод чиқиб кетди.

«Шаҳарлик бир қаллобни билмай хизматимга олиб қўйсамми, ҳамма бойлигимни ўмариб кетиши ҳеч гап эмас. Қишлоқлар эса одатда содда бўлиб, муғомбирликни билмайдилар», деган хаёлга борган бой мингбошига мурожаат қилди:

- Сиз қандай ўйлайсиз, тақсир, қидираётган кишим шу эмасми?

Мингбоши оқсоқолга ишора қилди:

- Буни мендан эмас, анавидан сўранг.

Оқсоқол ўзига эътибор беришгандан мамнун бўлиб, ёйлиб илжайди.

- Бу йигитга ишонсангиз бўлади. Кўп меҳнатқаш, бировнинг мулкига кўз олайтирмайди. Жойидан ажралишига келсак, бултур қузда ўлган отасининг қарзлари сабабли.

Мингбоши суҳбатга яқун ясади:

- Ундай бўлса, мен сизга одам излашдан қутулибман.



## II

Шом пайти эшик тақиллади.

Айвонда ёнбошлаб ҳисоб-китоб қилаётган Юнусбой бошини кўтармай:

- Кираверинг, - деди.

Йўлакда Дилмурод кўринди.

- Ассалому алайкум.

- Ваалайкум ассалом. Келдингми, кани бу ёкка ўтир-чи.

Дилмурод айвон четига омонатгина ўтириб, ховлига кизиксиниб бир назар ташлаб кўйди.

- Хизматимга қирадиганга ўхшайсан. Шундайми?

- Шундай, таксир.

- Яқин орада сафарга чиқаман. Менга ҳамроҳ бўласан. Ҳозирча дўконимдаги ишларга қарашиб тур. Айтмоқчи, ҳисобдан хабаринг борми?

- Раҳматли падарим даврида мактабдор домланинг юмушини қилиб ўқиган эдим.

- Жуда соз. Яроғ ишлатишни биласанми?

- Хон навкарларидек қилич уролмасам-да, ҳар ҳолда сизни химоя қила олурман.

- Ҳозирдан эътиборан сени хизматимга олдим.

Ховлига хизматкор Жаъфарали ҳарсиллаганча коп орқалаб кириб келди. Дилмурод сапчиб туриб, чолнинг «Йўк, кўяверинг, ўғлим» дейишига қарамасдан копни олди.

Бой ковоғини уйди.

- Айтган буюмларимнинг ҳаммасини олиб келдингми?

- Худога шукр, олиб келдим.

- Бу йигит янги хизматкорим, сен билан туради.

Бориб жойни кўрсат.

- Бош устига. Марҳамат.

Жаъфарали Дилмуродни омборхонага бошлади.

Ховли саҳни кенг.

Тўрға бир қатор кунгай уйлар тушган. Баланд сўрилардаги ток новдалари эндигина шўра чиқарган. Ховли этагида отхона, молхона, ўтинхоналар жойлашган. Ўтинхонанинг чап томонига тушган кичкина хужрача сўккабош Жаъфарали бобоники экан.

Мўъжазина хона ўртасида сандал, тўрдаги тахмонга икки-учта увадаси чиққан кўрпа-тўшак тахлаб кўйилган. Токчаларнинг бирида беш-олтита лаби учган пиёла, чегаланган чойнак, иккинчисида нон солинган қутича.

Эшик тепасидан очилган дарчага ёпиштирилган қоғоз ис босиб қорайиб кетгани учунми, уй ичи ним ёруғ.

Жаъфарали дастурхонга суви қочган нон, туршак кўйиб, кумғон тагига олов ёқаркан:

- Сўраганининг айби йўк дейдилар, қаерлик бўласиз? Шахарликка ўхшамасиз, - деди.

- Тўғри топдингиз, отахон. Қишлоқданман. Бодомзорлик. Ночорлик мажбур этди бу ерга келишимга.

- Хафа бўлманг. Мана энди иккаламиз бирга-бирга хизмат қилаверамиз.

Ниҳоят паға-паға буғ чиқиб, кумғон қайнаб қолди. Қуюкқина чой дамланди.

Ичига иссиқлик югуриши билан Дилмурод терлади, шунда қишлоқдан чиққандан бери туз тотмагани эсига тушди. Ўзини гапга алаҳситиш учун:

- Хўжайин савдогармилар? - деб сўради.

- Балли, шундай. Юнусбой Бухоро, Самарканд, ҳатто узоқ Термизгача бориб мол сотади, мол олиб келади. Мени ҳам ўзи билан оларди авваллари. Йўллар

кўп хатарли эди-ю, лекин саёҳатнинг гашти ҳам ўзгача-да.

Жаъфарали «эх» деб хўрсиниб кўйди. Дилмурод гурунгни давом эттирди.

- Хизматкорлари кўп экан-да?

- Йўк. Йўлга чиқаётганларида мингбошидан навкар оладилар.

- Бой отамнинг мингбошига қариндошлик томонлари борми?

- Шундоқ, бўлгуси қайноталари.

Дилмурод илжайди.

- Э, гап бу ёкда денг.

- Нимасини айтасиз. Ойсулув кўп мақбул қиз. Ёлғиз бўлгани билан баъзи оймчаларга ўхшамайди. Онасига тортган. Шундай кизни уч хотинлик Қулмухаммадхонга беришмоқчи, - деди қўниб Жаъфарали.

Юлдузларга тўла қоронғу осмон азонга яқин бўзариб оқарди. Тоғлар ортидан қуёш кўтарилиб улгурмаган бўлса-да, борлиқ аста-секин ёришди.

Элдан бурун турувчи мешкобчилар шаҳар ўртасидаги ховуздан сув олиб кўчаларга кўлоблатиб сена бошладилар. Лекин тушга бориб сепилган сувдан асар қолмай, шаҳар узра чанг-тўзон кўтарилди. Сўнг чанг дарахтларга, томларга, одамлар усти-бошига ўрнашади.

Тўрт дарвоза очилиши билан атрофдаги қишлоқлардан деҳқонлар эшак-араваларда, улови йўқлар қопларини орқалаганча шаҳарга кириб келаверадилар. Булар билан бирга ўзга шаҳар, бўлак юртлардан мол олиб келаётган савдогарларнинг бош-адоксиз қарвонлари ҳам шаҳарга қиради.

Шаҳарликларнинг аксарияти эрта тонгдан дўконларга, темирчилик, қосибчилик устахоналарига йўл оладилар.

Юнусбойнинг дўкони шовқин-сурондан йироқ савдогарлар растасида.

Дилмурод дўкондаги бўздан тортиб шойингача бўлган хилма-хил газламаларни кўриб хайрат бармогини тишлаб қолди.

Биринчи кунлари унинг иши керакли молларни ичкари хонадан олиб чиқиб туриш бўлди, холос. Кенг жойда яшаб ўргангани учунми дўкон йигит кўзига кафасдек тор кўринарди.

Бой, Дилмуродни синаш мақсадида бўлса керак, бир гал пуллари солинган ғаладонни очик қолдириб, ўзи бозор айлангани чиқиб кетди. Дўконда ёлғиз қолган, очик-сочик турган пуллари кўрган Дилмурод ғаладондан узоқроқда тик турганича хўжайиннинг қайтишини сабрсизлик билан кутди.

Юнусбой қайтиб келасола дарҳол ғаладонга кўз ташлади: пуллар қандай тахлаб кетилган бўлса, шундай турарди...

Уйдаги бир бўғча молни олиб кетиш учун келган Дилмурод ховлига кириши билан айвонда дўппи тикиб ўтирган Ойсулувни кўрди-ю, лол қотиб қолди.

Хизматга кирганига уч ҳафта бўлган бўлса-да, йигит Ойсулувни биринчи марта кўриб туриши эди.

Ўзига қадалиб қолган йигитга ногаҳон кўзи тушган Ойсулув дув қизарганча ишпечини ташлайсола ўзини ичкари уйга урди. Кўп ўтмай қиз кириб кетган хонадан Хошнйабиби чиқди:

- Келинг, тинчликми?

- Бой амаким юбордилар. Катта уйдаги қизил сандиқда бир бўғча мол бор экан. Шунини олиб беришни буюрган эдилар.

- Ҳозир, айланай.

Хошнйабиби қайтиб уйга кириб кетди. «Беҳад



чиройли қиз экан», деб ўйлади Дилмурод Ойсулов хақида.

- Яна ўн беш кунлардан кейин сафарга отланамиз, - деб эълон қилди Юнусбой.

Бой сафар тарадудди оворасида бўлиб, ишончини қозонган Дилмуродни дўконда кўпинча ёлғиз қолдирадиган бўлди. Шундай пайтлари йигит «ҳисобдан адашиб кетмай» деган хавотирда мумкин қадар кўпроқ нарсани ўрганиб олишга интиларди.

Нихоят Юнусбой ўзининг укувли хизматкорига анча-мунча ишонадиган бўлди. Дилмуродга ҳам шу керак эди. Ахир шу тарзда бир йил ишласа, яна ўз ерсувини қайтариб олиши мумкин. Ана шундан кейин тинчгина деҳқончилик қилиб яшайверади.

Фақат Ойсулов нега гоҳо-гоҳо жиламайиб қараб-қараб қўйишига тушунолмайти йигит. Авваллари уни кўрса бас, оҳудек хуркиб қочадиган қиз кунлар ўтиши билан фақат юзинигина яшириб, баъзида эса ўғринча кўз қирини ташлаганча айвонда тикиш-чатишини давом эттирадиган бўлди.

Барча зарур моллар тўпланиб, сафарга тахт қилиб қўйилган кун жума эди. Юнусбой шу оқшом ўзига ҳамроҳ бўлувчиларга кичкина зиёфат берди.

Карвон саҳарда шаҳарнинг шимолий дарвозасидан чиқиб, Хева томон йўл олди.

### III

Қир-адирларнинг субҳидам шамолида мавжланиб, чўгдек ёнган лолаларнинг даври ўтди. Болалар, ўспиринлар энди-энди адирларга чиқиб варрак учира бошлайдилар. Одатда мўйлови сабза урган ўспиринлар ўз бўйлари баробар савағичдан ясалган қуроқларини бирор тепаликда учуришга шийлайдилар. Шамол бир тортилса бас: беш-олти газ келадиган ранг-баранг «думлар» илондек тўлғанади, дарданаклар титраб пириллайди.

Дарахтлар барг ёзиб, чигитдек-чигитдек довучалар маржон шодалари янглиг шохчаларга терилган. Ҳаво кундан-кунга исиб, ёзнинг жазирама бўлишидан дарак беради.

Ҳошиябиби қизи билан айвонда тушки овқат ичишаётган маҳал эшик тақиллаб қолди. Дарахтлар тагини омшатаётган Жаъфарали илдам бориб зулфинни туширди. Остонада зар чопон кийган, қимматбаҳо тошлар қадалган қилич осиб олган Қулмуҳаммад гердайиб турарди. У бир томоқ қириб олгач ховлига кирди.

Дарҳол Ойсуловни ичкарига йўллаган Хошиябиби мингбоши ҳурмати учун ўрнидан турди.

Қулмуҳаммад Юнусбойдан хат-хабар келган келмагани билан қизиқди, уйга қолганларнинг аҳволини сўраган бўлди-да, сўнг:

- Ойсулов кўринмайдилар, - дея асл мақсадга кўчди.

- Қизим ҳалиги... тоғасиникида эди, - деди Хошиябиби ўнғайсиз аҳволда.

- Ойсуловга арзимас совға олиб келгандик. - Мингбоши духобадан бежирим қилиб тикилган, халтачадан гавҳар кўзли тилла узук олиб узатди. - Қўлларига тақиб кўярсиз.

Шундан кейин мингбоши хайрлашиб чиқиб кетди.

Чўгдек гавҳар ҳар ёққа нур таратиб жилваланарди. Ичкари уйдан Ойсулов мўралаганини кўрган она дарҳол узукни яширди.

Осмон бўзариб, офтоб заррин нурларини саҳро устига ёя бошлаганда қирқ туядан иборат карвон шаҳар дарвозаси олдига етиб келди.

Деворнинг юқорисида турган соқчи сарбоз карвонни мингбоши навкарлари ўраб келишаётганини кўргач, дарвозани очишга руҳсат берди.

Оғир табақалар «ғик-ғик» этиб аста-секин очилиб, савдогар Юнусбойнинг карвони шаҳар ичига кирди.

Туяларнинг биридаги кажавага ўтириб олган бой эсон-омон қайтиб келгани эвазига дарвозанинг икки тарафига жойлашиб олган гадоиларга чақа тангалардан садака қилди.

Бой ёнида юзи чўл шамолида қорайган Дилмурод от суриб келарди. Йигит сафар давомида кўпгина нарсаларни кўрди, ўрганди, Хева шаҳрининг катталиги, маҳит-мадрасаларнинг беҳисоблиги айниқса уни хайратга солди.

Туялар вазмин кадам ташлаб, кўчалардан секин юриб ўтаркан, тоқати тоқ бўлган йигит сабри чидамай:

- Таксир, уйга бирров бориб, келганингизни айтиб суюнтирайми? - деди.

- Майли. Лекин тезда ортга қайт.

Дилмурод отига қамчи солди.

«Ойсулов нима иш қилаётган экан? Ҳойнаҳой, айвонда дўппи тикиб ўтиргандир...» Қизик, нега бутун сафар давомида қизни тез-тез эслаб турди?..

Эшик очик экан. Йигит отни йўлак ёнида қолдирганча айвонга шошилди.

- Вой! - деб юборди Дилмуродни биринчи бўлиб кўрган Ойсулов. Ва қизнинг оппоқ чехрасига қувонч аралаш қизиллик югурди...

Юнусбой келган кунининг эртасига савдогар ошна-оғайнилари, шулар жумласидан Қулмуҳаммадхонни ҳам чақириб зиёфат берди. Сухбат давомида Хевада кўрилган, эшитилган қизик воқеалар тилга олинди. Чой ташиб турган Дилмурод хақида ҳам илиқ гаплар айтилиб, ундан келажакда уддабурон гумашта чиқиши мумкинлиги эътироф этилди.

Тузуккина фойда кўрганидан хурсанд бой яна сафар тўғрисидаги режани мясидида пиштиб, ахйири Қулмуҳаммадхонга маслаҳат солди. Бир ижирганиб қўйганини сездирмасликка уринган мингбоши:

- Жуда тўғри ўйлабсиз, - деб қўйди.

Юнусбой сафар ҳаракатига тушиб қолгани боис Дилмурод дўконда савдо-соғикни юргизиб турди.

Харидор пойлаб ўтирган Дилмурод ногаҳон мошранг духоба паранжили аёлли кўрди-ю, бир қалқиб тушди. Наҳотки Ойсулов? Юриши, устидаги паранжиси жуда-жуда таниш...

Аёл дўкон қаршисида бир сония иккиланиб туриб қолгач, сўнг тез-тез юриб Дилмурод олдига келди.

Бу Ойсулов эди.

- Дилмурод ака, дадамлар йўқмидилар?

Қизнинг титроқ товушида орзиқиб қутилган қувонч билан бирга кўркув оҳанглари ҳам бор эди.

- Д-дадангизми? - деганича Дилмурод довдираб жим қолди. Сўнг қурукшаб кетган оғзини очишга ҳаракат қилди: - Дадангиз бир ошналари олдига кетган эдилар.

- Яқинда сафарга отланар эмишсизлар.

- Шундай.

Ойсулов ийманиб, узр оҳангида деди:

- Мен кетай бўлмасам.

- Келганингизни дадангизга айттайми?

- Вой ўлай, асло билмасинлар! Мен ўзим... шундай...

- дедию қиз илдам юриб дўкондан чиқиб кетди.

Дилмурод қизариб кетди: «Э, хом калла! Дадангизга айттайми деб ўтирибман-а».

Дилмурод яқин орада сафарга чиқишлари лозимлигини эслаб хафа бўлди. Демак, Ойсуловни яна узук муддат кўрмас экан-да...

«Ўтган гал куруқ ўзим келдим. Энди албатта, бойдан қарз олиб бўлса-да, бирон совға олиб келамаман Ойсулугва», - деган қарорга келди Дилмурод.

## IV

Шаҳар деворининг қорамтир кўриниши секин-аста юлдузларга тўла қоронғу осмон билан бирикиб, кўздан йўқолди. Туялар ҳали совиб улгурмаган қум устида қадам ташлайдилар. Ўларнинг бўйинларига осилган кўнғироқчалар жаранг-журунги саҳро мусикасига жўр бўлаётгандек.

Умрининг қарийб қирқ йилини мана шу яйдоқ чўлу саҳрода ўтказган сарбон қарвонни ишонч билан манзил томон бошлайди. Осмондаги юлдузлар, атрофда кўриниб қоладиган якка туп саксовуллар, ҳатто эчкелар уялари ҳам унинг хизматида.

Ўзоқларда туя ўрқачидай эгри-бугри тоғларни кўриб Юнусбойнинг кўнглини бир дам қўрқув хисси чулғаб олар, лекин қароқчилар тўдасига бирон маротаба йўлиқмагани учунми, шайтон васвасасини ҳайдашга ҳаракат қиларди.

Атрофни шубҳаланиб кузатаётган навкарлар бирон нарсани шитирлаб қолса, дарҳол қиличларини яланғочлаб:

- Ким у? Тўхта! - деганларида кўп ҳолда чўчиган эчкелар ўзини инига уради.

Итоаткор туялар учун хашағу сув бўлса бас. Ҳеч қандай фойда ҳақида ўйламасдан, қадамларини шошмай босиб кетаверадилар.

Қарвон навбатдаги қудуқ олдига етиб келганда, субҳидан пайти эди.

Юнусбой туялар устидаги баъзи арқони бўшаган молларни қайта маҳкамлашни буюрди-да, қумга солинган шолчага ёнбошлади.

Дилмурод туяларни сўғоришда қарвонбошига ёрдамлашди. Соқчи навкарларининг бир қисми юкларни боғлашга киришишди, қолганлари эса бирин-кетин қумга чўзилдилар.

Эрталабки изғирин шамол охириги кучини тўплаб юз-кўзларга қум аралаш урилади.

Ногаҳон ғира-шира ёришган тоғ томондан от туёқлари дупури эшитилди. Одатда дупур-дупур қарвоннинг қарама-қарши томонидаги йўлдан ёки орқадан эшитилиб, кўпинча хоннинг хат ташувчи ноибни ёки навкарлари ўтиб қоларди. Лекин тоғ томондан...

- Булар кимлар бўлди экан? - деб сўради Дилмурод ташвишланиб қарвонбошидан.

- Билмайман, лекин отликлар яхши ният билан келаётганига шубҳам бор.

Навкарлар дарҳол қурол-яроғларини тақиб олиб, яқинлашаётган нуқталарга тикилиб қолдилар.

Дилмурод бойни уйғота бошлади.

- Тақсир, бегона отликлар биз томонга келишмоқда. Юнусбой: «А, нима? Ким?» деганча уйғониб кетди-ю, қаршисида Дилмуродни кўриб хотиржам тортиди.

- Нечун безовта этдинг? Не гап?

- Бегона отликлар!

Қуюндай яқинлашиб келаётган отликларни кўрган бойнинг ранги оқариб кетди: «Қилич қора!»

Бойнинг тамом бўлганини кўрган Дилмурод дарҳол навкарларга туяларни доира шаклида чўктиришни буюрди.

Қилич ўйнатиб келаётган отликлар қароқчилар эканлиги аниқ эди.

Қийқирик, бақририк-чақририк авж олди: қароқчилар оз сонли, ҳорғин навкарлар устига ташландилар.

Навкарлар ўз жонларини қутқариб қолиш учун

жон-жаҳдлари билан олишдилар, улар сафидаги Дилмурод от жиловини маҳкам ушлаганча ўнг-сўлдан келаётган қароқчиларга ҳамла қиларди.

Туялар безовталаниб, қонлари билан қумни кизартириб ётган одамларни босиб-янчиб, ҳарён тўзғиб кетдилар.

Дилмуродга олти қароқчи барабар ёпишди-да, отдан қулатиб, қўлини қайириб, бир отлик олдига итариб юбордилар. Бу отликнинг қилич ялаб ўтган юзида чуқур из, чап кўзини эса латта билан боғлаб олганди; якка кўзи сўқир кўзнинг қувватини ҳам ўзида бириктириб олгандек совуқ чакналар, икки томонга буралиб кетган мўйлови дароз дароз қоматини янада баҳайбат кўрсатарди. «Қилич қора деганлари шу бўлса керак», деб ўйлади Дилмурод.

- Қўл-оёғини ечинглар! - деб буюрди Қилич қора. Қўл-оёғи бўшаши билан Дилмурод ўрнидан дик этиб туриб олди.

- Қарвонга кетаётган эдиларинг? Қарвон хўжайини ким?

- Хевага. Хўжайин анави бехуш ётган киши, - деди Дилмурод қўли билан бойни кўрсатиб.

- Гапга тушунадиганга ўхшайсан. Қани, тезроқ уни дўзахга жўнат! Қани бўл, баччага!

Нима қилиш керак?

- Мен хизматқорман. Хўжайинга қўл кўтара олмайман, - деди Дилмурод Қилич қоранинг якка кўзига тикилиб.

- Қўл кўтармас эмиш! Ваҳ-ҳа-ҳа.

Атрофни ўраб турган қароқчилар ҳам саҳрони бошларига кўтариб кула бошлагандилар, бирдан:

- Бас! - деган овозини эшитиб, нафасларини ичларига ютдилар.

- Қани, содик қул, эгангни уйғотиб қўй-чи, бўлмаса. Агар юраги ёрилиб ўлмаган бўлса.

Дилмурод мешдан сув олиб Юнусбой бетига сепувди, у сесканиб кўзини очди-ю, Қилич қорани кўриб йўлбарс олдида турган куёндек дағ-дағ титрай бошлади.

- Р-рахм-ш-шафқат қилинг, мендек бир мўмин бечорага. Ҳамма молимдан воз кечаман. Манови қўлимдаги узукни ҳам олинг. Омон қолдирсангиз бас. Бола-чақангиз ҳақида дуо қилиб юрар эдим, - дея илтижо қилишга ўтди бой.

- Э, муттаҳам бой! Сендан сўраб молингни олмайман. Бундай узукларни тақшига эса ор қиламан. Бола-чақаннинг роҳатини ҳам ҳеч қачон кўра олмайман.

Чунки сендек бир бой оиламни вайрон қилиб, хотинимни тортиб олган. Сен тулки раҳм-шафқат сўрадинг. Мен эса бундайларни биринчи бўлиб ўлдираман, - деди Қилич қора бой эгилиб узатган узукни қумга отиб юбораркан.

Даҳшатга тушган Юнусбой ўзини тап этиб қумга ташлади. Қароқчилардан бири қуллук қилиб, узукни қумдан кўтарди-да, бармоғига тақиб олди.

- Хўжайин билан қулбаччанинг қўл-оёғини боғланглар. Манзилда буларнинг бошини силаб қўяман. Бойларга малай бўлишни бу йигитга кўрсатаман... Туялардаги моллардан биронтаси тушиб қолмасин.

Қилич қора айғири жиловидан силтаганди, от иккала олдинги оёғини кўтарганча кишнаб юборди.

Қароқчилар Дилмурод билан бойнинг қўл-оёқларини чилвирда чандиб боғлашгач, туялардаги кажавалардан бирига ташлаб қўйдилар.

Қилич қора фармон берди:

- Отларга!

Қарвон йўлга тушди.

Қароқчилар туяларни Хевага қарама-қарши





томондаги тоғ тарафга бурдилар.

Иссиқлаб кетган, нафас олишга қийналаётган Дилмурод кўлини харчанд бўшатиб олишга ҳаракат қилса-да, эпюлогач, ҳуноби ошиб сўкинди.

- Дилмурод, менинг гапимни эшитяпсанми, - деб шивирлаб қолди бир пайт бой ҳарсиллаб. - Агар мени шуларнинг чангалидан кутқариб олсанг, бир умрга унутмайман. Истасанг мол-дунё оласан, истасанг ўзимга куёв қилиб оламан. Тушундингми?

Дилмурод ўз қулоқларига ишонмади. Бой нима деяпти? Ё молимни ол, ё қизимни деяптими? Наҳотки Ойсулувни... бир фақирга раво кўрса?..

- Қўлимдан келган ҳаракатни қиламан, бой ота, - деди ҳовлиқиб кетган Дилмурод. - Насиб қилса, майитимиз бу саҳроларда қолиб кетмас.

Дилмурод энди бир амаллаб қочиш режасини туза бошлади.

Кеч бўлиб, атрофга қоронғулик тушганда тоғ оралиғидаги манзилга етиб келишди.

Қилич қора базмга ризолик билдиргач, бўрдоки кўйлардан бир йўла иккитасининг бўзига пичоқ тортиди. Базмхонага ертўладаги майлар солинган кўзалардан олиб кирилиб, дастурхон ясашга киришилди.

Қўлга туширилган моллар омборхонага жойланди. Дилмурод билан бой отхонага қамалди, уларга Акбар исмли навқар соқчи қилиб қўйилди.

Акбар деганлари ичимлик бўлса ўзини томдан ташлайдиган экан. У дамо-дам ғойиб бўлиб қолар, сўнг шароб бурқситиб қайтиб келарди-да, калласини лиқиллатиб хиргойи қилишга тушарди.

Дилмурод ўзича бир нималарни мулоҳаза қилиб кўргач, ниҳоят бойга режасини баён этди. Юнусбой хизматкорнинг пичирлашига диққат билан қулоқ сола бошлади.

- Хой, нимани гаплашяпсанлар? - дея дўк уриб қолди бир пайт соқчи тўйнуқдан мўралаб.

Дилмурод бепарво оҳангда жавоб беришга уринди:

- Арзимаган гап.

- Қанақа арзимаган гап экан?

- Э, йўлингдан қолма.

- Нима? Айт, бўлмаса қилич билан икки нимта қилиб ташлайман. Бу ерда мен хўжайин.

- Оббо сен-е, кўрқитиб юбординг-ку. Биласанми, тўним орасида учта қиммат баҳо тош яширилиб қўйилган эди. Шу ҳақда гаплашяпмиз.

- Ростданми?

- Ёлғон бўлса нимталаб кўя қол. Кел, қўлимни ечгин, олиб кўрсатаман.

Акбар гандираклаганча отхонага кирди-ю, ёнидан пичоқ олиб чилвирни кесди.

Қўли бўшаши билан Дилмурод соқчининг қорнига мушт тушириб ағанатди-ю, оёқ-қўлини боғлаб, оғзига латта тикди.

Дилмурод қалтираб ётган Юнусбойни ҳам арқонлардан халос этди.

Отлар безовталаниб кишнашди. Дилмурод мажолсиз бойни отлардан бирига мингазиб, ўзи ҳам бир отни етаклаб олди.

Ташқарида ҳеч ким кўринмасди. Фақат дарчалардан ёруғлик тушиб турар, қорамтир сояларнинг пиёлаларни кўтариб май ичишлари-ю, гўнғир-гўнғир овозлари эшитиларди.

Дилмурод отга минди.

Отхонадан узоклашиб, кўргон атрофи ўралган ғов олдига келишгач, Дилмурод очик дарвоза қароқчиларида шубҳа уйғотмасин деган ўйда отдан тушиб, эшикни ичкаридан беркитди-да, ғовдан ошиб ўтиб қайта отига

минди.

Атроф зимистон бўлгани учун йўлни кўриб бўлмасди. «Бирон сўқмоқ бизни тоғдан олиб тушар», деган қарорга келган Дилмурод от жоловини бўш қўйди.

Юнусбой Дилмурод билан баравар ёришга ҳаракат қиларди, аммо илк бор эгарланмаган от мингани учун қийналиб, зўрга ўзини тутарди. От эса аксига олиб, ҳа деб қоқила-қоқила ахир қандайдир чуқурчага олди оёқлари билан мункиб тушиб, ағдарилиб кетди.

«Энди ўлдим! Тамом! - деб ўйлади бой ваҳима ичида. - Отсиз қаерга бора олардим? Дилмурод кутулиб кетади. Ўз жонини сақлаб...»

- Қани, бой ота, тезроқ отга мингашинг, бўлмаса қувиб келиб қолишлари мумкин, - деди Дилмурод отини тўхтатиб.

Юнусбой Дилмуродни алқай-алқай отга мингашди.

Тоғлар ортда қолди.

Сўнгги бир-икки юлдузлар ҳам учиб, узокда куёшнинг илк заррин нурлари пайдо бўлди.

Бироқ куёш жуда тез жамолини кўрсатди-ю, ўз нуруни аямай тўқа бошлади.

Нафас олиб бўлмас даражадаги иссиқ ҳавога от ҳам бардош беролмай, қийинчилик билан судралади. «Бу ахволда бирон-бир қудуққа етиб боролмаймиз шекилли», деб ўйлади пиёда кетаётган Дилмурод.

Юнусбой кўзига қум-сахро ичра ажойиб ҳовуз, боғзорлар кўринар, беихтиёр отдан тушиб, ўша томонларга югуришдан аранг ўзини тутиб турарди.

- Чух, жонивор, чух!

От юрмай, тихирлик қилиб тўхтаб, бирдан ёнбошига йиқилди. Бир замда ҳовуз боғлар сароби кўз олдида ғойиб бўлган бой қайноқ қум устида лол туриб қолди. Сўнг ўзини қандай даҳшатли фалокатлар қутаётганини англади чоғи, жон алпозда жиловдан тортиб, отни турғазига ҳаракат қила бошлади.

Дилмурод бойга яқин келди.

- Овора бўлманг, от ўлди. Қаранг, оғзидан оқ кўпик чиқиб ётибди.

- Йўк! От ўлса ўлар, мен ўлишни истамайман!

Юнусбой жоловини ташлаганча тўғри келган томонга кета бошлади.

- Тўхтанг, бой ота. Бекорга ҳалок бўласиз-ку! - дея бақирди Дилмурод.

Бой шу сўзни кутиб тургандек таққа тўхтаб, ўтирилди-да, ортига қайтди. Унинг юзи аянчли даражада қийшайиб кетган; ҳамма нарсага тайёр, фақат омон қолса бас эди.

Дилмурод хотиржамроқ гапиришга уринди:

- Қандай бўлмасин қудуқ олдига етиб олишимиз керак. У ердан қарвон ўтиб қолиши мумкин.

- Ҳа-ҳа, - деди бой кўзларини катта очганча.

Икковлон узун-қисқа бўлиб йўлга тушдилар. Қават-қават тўнларини ечиб ташлаган бой кўп ўтмай кадамини секинлаштириб қумга чўккалаб қола бошлади.

Дилмурод бойнинг қўлидан тортиб, узокда нукта бўлиб кўринаётган қора томон юриб кетди. Лекин унинг ўзи ҳам ҳолдан кетган, беҳад чанқаган эди.

Юриш керак эди...

Нукта борган сайин катталашиб, ниҳоят қудуқ оғзи шаклини олди. Лекин манзилга озроқ қолганда бемажол Дилмурод қулаб тушди...

У кўзини очганда куёш энди ботаётган эди. Осмон ҳам, атрофдаги қумлар ҳам қизғиш ранг олиб, ажойиб манзара кашф этган. Бой шундоқ ёнгинасида ҳушсиз ётарди.

Дилмурод эмақлаб, оғзига қираётган қумларни

тупура-тупура кудукка бир амаллаб етиб борди-да, кувачада сув тортиб чиқади.

Бир кулгум сув йигитнинг танасини яйратиб юборди. У симириб-симириб узоқ ичди, қолганини бошидан куйди. Сўнг кувачани тўлдириб қайтди-да, ҳамон хушсиз ётган бой юзига сув сақратди.

Сесканиб ўзига келган бой:

- Мени ўдирманг! Раҳм қилинг! - деб хирқиради.

Дилмурод илжайиб кўйди.

Осмон қоратгир тус олиб, сахрога совуқ шамол ўз хукмини ўрнатди.

Дир-дир титраётган Дилмурод атрофга диққат билан кулоқ солди. Ниҳоят бир пайт чиябўриларнинг увиллаши орасида кўнғироқларнинг ёқимли жиринглаши эшитилгандай бўлди. Жаранг-журунг борган сайин кучаярди.

## V

Юнусбойнинг Қилич қора тўдасига йўлиқиб, бор мол-мулкидан ажралиб қолгани тезда бутун шаҳарга овоза бўлди.

Кўп ўтмай эса Дилмурод Қилич қоранинг айғоқчиси экан, деган гап ҳам таркаб қолди.

- Вой тавба, шундай йигит-а! Ҳеч ўхшамайди-ку! Ахир у ҳатол хизматкор эканлигини ўзимиз кўрганмиз-ку, - дейишарди кўпчилик ёқа ушлаб.

- Бунақаларнинг кўпини кўрганмиз. Биттаси ўтган жумада ушланган қароқчимиз? Кўрган одам кўйи оғзидан чўп олмаган қаландар деб ўйлаши мумкин эди. Аслида кип-кизил айғоқчи бўлиб чиқди, - дердилар бошқа биллари эътироз билдириб.

Уларнинг бу гапида асос бор эди - Қилич қоранинг йигитларидан бири қўлга олинди, зиндонга ташланган, яқин-орада қатл этилиши керак эди.

Шундай кунларнинг бирида Юнусбой билан Дилмурод Ёқуббек қарвонида шаҳарга эсон-омон, бироқ бир қақасиз ва бир мисқол молсиз кириб келишди. Машаққатли сафардан тинка-мадори қуриган бой касал бўлиб ётиб қолди. Қўлдан кетган молларни ўйлаган сари бойнинг касали баттар оғирлашарди. Лекин бу аҳволда ётабергани билан моллари қайтиб келмаслигини тушунган бой кўп ўтмай дўконда қолган-қутган моллари билан савдо-сотикни бошлаб юборди.

Бойга ҳаммасидан ҳам алам қиладигани қўлидаги қимматбаҳо узукнинг кетгани эди. «Нега ўшанда икки қўллаб узатдим-а муттаҳамга?! Кўзи асл тошдан ясалган эди-я?», - дерди бой афсусланиб, қайта-қайта пешонасига ураркан. Бунинг устига Дилмуроднинг оғиз пойлагандай юриши...

«Худо кўрсатмасин, агар мингбоши билиб қолсами, адои тамом бўламан. Бир бало қилиб қутилишим зарур. Ҳозирча бахтимга одамлар орасида айғоқчи деган миш-миш анча ёйилди... Фақат ҳибста олиш қолади холос»...

Дилмурод эса бойнинг ўзига нисбатан муомаласини кўриб гоҳ хайрон бўлар, гоҳ газабга келарди.

Демак, берилган ваъдалар ёлгон экан-да... Ойсулув ҳам негадир ичкари уйдан ташқарига чиқмай кўйди. «Бойга нима ёмонлик қилдим? Бунинг устига Қилич қора айғоқчиси деган ном орттирдим. Юнусбой ҳаммага очик гапни гапириш ўрнига мендан шубҳаланапти шекилли», деб ўйларди Дилмурод ўз навбатида.

Бир куни тасодифан айвон олдида учрашиб қолган Дилмурод юрак ютиб сўради:

- Ойсулув, нега кўринмай қолдингиз?

- Дадамлар рухсат бермаяптилар, - деди Ойсулув хижолат аралаш.

Шу маҳал осмондан тушгандай бир қўлида бўғча кўтариб олган Юнусбой ҳовлида пайдо бўлди.

Ойсулув ичкари уйга югургилаб кириб кетди.

Баҳона қидириб юрган бойга худо бериб қолди.

- Ярамас, тузлигимга тупуриб, энди кизимни йўлдан урялсанми? - дея бой роса бақириб-чақирди. Сўнг қўлидаги бўғчани айвонга отиб юборасола, ошиғич кўчага чиқиб кетди.

Довдираб қолган Дилмурод нима қилишини билмай айвон олдида бир зум туриб қолди, кейин хужрасига йўл олди. Бу уйда қоюлмаслигини сезиб буюмларини йиғиштиришга киришаркан: «Наҳотки Ойсулувни охириги кўришим бўлса...» деб ўйлади ўкинч билан.

...Эшик зарб билан очилиб, ичкарига тўрт қуролланган навқар, улар кетидан бой кирди.

- Ҳа, энди қочмоқчи бўлибсан-да, - деди бой гезарганча. - Йўқ, қочолмайсан! Ушланглар бу қароқчини.

Навқарлар Дилмуродга ташлашиб, дархол қўлига кишан солдилар.

- Таксир, раҳмат ўрнига тухмат экан-да, - пичинг қилди Дилмурод. - Ё ўлимдан сақлаб қолганим эсингиздан чиқдими? Мен аҳмоқ ўшанда... қаттиқ янглишган эканман, агтанг...

- Ўчир! Овозингни ўчир! - деб бақирди Юнусбой хизматқори навқарлар олдида бирон ножўя гапни гашириб қўйишидан кўркиб.

Ичкари уйнинг деразасидан мўралаб турган Ойсулув Дилмуродни навқарлар олиб чиқиб кетаётганини кўриб, пикиллаб йиғлаб юборди.

- Э, худо, айби нима ахир...

Бозорнинг юқори қисмида қатта мичит, унинг қарама-қарши томонида эса зиндон жойлашган.

Йўловчилар зиндон ёнидан тезроқ ўтиб кетишга ҳаракат қиладилар.

Бирон ўғри ёки айбдор жазоланса, дарвоза минорасининг юқори қисми супасига жойлашиб олган ноғорачилар ҳалойиқни чорлаб, жазо тугагунча ноғорани ваҳимали тарзда тарақлатаверадилар.

Айбдор одатда оғир кийноқларга маҳкам этилади ёки шу ернинг ўзида боши танидан жудо қилинади. Ўғирликка қаттиқ жазо берилгани учунми, шаҳарда ўғирлик кам содир бўлади. Бозорда савдо қилувчи кўши намоз маҳали ўз молларини очик ҳолда ташлаб мачитга бемалол кетаверарди.

Девори жуда ҳам баланд, тепасига пўлат найзалар нинадек санчилиб ташланган бу зиндоннинг дарвозасидан ичкарига киритилган айбдорларнинг камдан кам қутилиб чиқар, аксарияти шу ерда қаламушларга ем бўларди.

Зиндонбоши бош дарвоза олдида қурилган махсус хужрада маҳбусларга овқат олиб келган кишиларни қабул қиларди. Унинг икки ёрдамчиси таомларни ичкарига ташийди. Маҳбусларнинг ёру биродарлари кўпинча зиндонбошига беш-ўн танга бериб, ичкарига бирров кириб-чиқишнинг йўлини қилишарди.

Оёғига кишан урилган Дилмуродни устига темир панжалар ёпилган кичкина ертўлалардан бирига ташлаганларида, ертўлада жулдиб кийинган қаландар башара киши чўққайиб ўтирар эди. Соқчилар эшикни ташқарисидан беркитганларидан сўнг у қакқайиб турган Дилмуродга ўқрайди.

- Ўтир, нега сўррайиб қолдинг?

Дилмурод сал ўзига келди ва нотаниш киши қаршисида чордона қурди.

- Ога, сизни бу ерга нега ташлашди? - дея сўради у гап бошлаш мақсадида.

- Хабарим йўк, бошқа одам куриб қолгандек, мендек бир каландарни ташлашди. Хўш, ўзингни-чи?

- Меними? Мени ҳам сабабсиз ушлашди.

- Хунаринг нима?

- Юнусбойнинг хизматкори эдим.

Қаландар бир зум ўйлашиб қолди.

- Отинг Дилмуродми?

- Ия, отимни қаердан биласиз?

- Бойни Қилич қорадан кутқариб қолганингни эшитган эдим.

- Хим...

«Қаердан бу ерларга бу гаплар ета қолибди», деб ўйлади Дилмурод. Сўнгра каландардан исмини сўради. У ўзини Самад каландар деб таништирди.

Кечга яқин зиндонбон бир дона суви қочган нон туширди.

Самад тезда ўз улушини еб бўлиб, иккинчи бўлакка қараб қолди.

- Меникни ҳам баҳузур баҳам кўраверинг.

Самад бу бўлақни ҳам пок-покиза туширгач, тиззасига бошини кўйди-ю, тезда хуррак ота бошлади.

Дилмурод назарида вақт жуда имиллаб ўтаётгандай эди. У кўкдаги юлдузларга боққанча оғир хаёлларга чўмди.

Яқинда сахро устида худди шу юлдузларни кўргандек эди, энди бу ерда.

Ажаб кизик дунё.

Юқоридан эшитилаётган навкарларнинг шивир-шивири узоқдаги итларнинг вовулашига кўшилиб кетади.

«Бир кун бир йилдай чўзилапти. Яна неча кун ётарканман. Нахотки гуноҳсиз бўлатуриб ҳам жазога тортилсам. Айтмоқчи, Ойсулов роса гап эшитгандир, эҳтимол, қалтак ҳам егандир. Эҳ, кўр эканман... Мен сидкиддан хизмат қилсам-у, бой эса... Хозир кўлимга тушиб, қолсам...»

Хаёл оғушига ботган Дилмурод кўзи уйқуга илинганини пайқамай қолди. Лекин «ғик-ғик» этган товуш уни уйғотиб юборди. Дилмурод кўзини гирашира очиб, Самад оёғидаги кишанни эғовлаётганини кўриб қолди. Боя бепарво нимжондай кўринган каландар энди қучли, чакқон эркакга айланганди.

Самад ўзига қадалиб турган Дилмуродни пайқаб, дарҳол жулдир кийими ичидан ханжар чиқарди:

- Кўраясанми? Бировга гинг десанг - санчаман.

- Хотиржам бўл, чакимчилик одатим йўк, - деди Дилмурод биринчи маротаба ҳамхонасини сеенсираб. - Лекин бу нима қилганин? Бу катакдан қандай қилиб қочасан?

Қаландар хотиржам илжайди.

- Яхши одамлар кўп.

- Буларни қаёқдан олдинг? Бу ерга ташлаётганларида тит-питингни чиқариб юборадилар-ку.

- Ҳали содда экансан. Нон ичига суқиб ташлайдилар. Сих ҳам, қабоб ҳам қуймайди.

«Бу каландар эмас, бориб турган ўғри бўлса керак», деб ўйлади Дилмурод.

- Қутилишни хохлайсанми? - деб сўради Самад, сўнг жавоб кутмасдан эговни узатди.

«Эҳтимол бу мени адаб тузоққа туширмоқчидир. Сўнг қочишга уринди деб жазолайдилар... Йўк, бир гал таваккал қилиб кўрай. Ё қочиб қутиламан, ё бундан беш баттарига учрайман», деб ўйлади Дилмурод эговни олаётди.

Эрта тонг маҳали сўфи азони эшитилди. Дилмурод зиндонбон туширган қумғондаги сувдан юз-қўлини

ювиб, намозини ўқиди.

Кейин юқорига қараб ўтириб, ногаҳон зиндонга бўйлаётган Жаъфарали отани кўриб қолди. Демак, ота эсидан чиқармабди.

- Жаъфарали ота, мен шу ерданман! - деди Дилмурод овозини баландлатиб.

Нихоят ота ҳам кўрди шекилли, «Дилмурод болам, омонмисан», дея тугунча ташлади.

Соқчилардан бирининг ўшқирини эшитилгач, ота «омон бўл, болам» дея кўздан ғойиб бўлди.

Шовқиндан уйғониб кетган Самад тугунчани кўриб жонланди.

- Йўқловчинг бор экан-да. Тамадди қилиб олсак бўларди, - деди у шоша-пиша юз-қўлини юваркан.

Дилмурод тугунни очиб, икки дона иссиқ нон билан уч-тўрт сиким майиз олди.

Пешинга яқин эгнига эски жанда кийиб олган киши энгашиб Самадни чақирди.

Дилмурод уни кўрди-ю, юзини совуқ тер қоплагандай бўлди. Бу Қилич қорага йўлиққанда Юнусбой узутини бошмалдоғига тақиб олган қотма қароқчи эди.

«Бундан чиқди, Самад ҳам қароқчилардан экан-да»...

Энгашган киши ҳам Дилмуродни кўриши билан ранги бироз ўзгаргандай бўлди-ю, сўнг яна аввалги ҳолатига қайтиб, Самадга кўз қисганча, тугунча ташлади.

- Бўлди, узок турма. Ё сенинг ҳам тушгинг келяптими? - соқчининг бу гаплари эшитилиши билан қароқчи кўринмай қолди.

«Ўлмай қолган экан-да. Вой мутгахам-ей. Дарров таниб, ранги ўзгариб кетди-я... Кўрди шекилли. Қизик, нега зиндонга тушибди. Ўғирлик қилганмикан. Кўзимга содда кўринувчи, бало экан-ку. Ха, майли, қўлга тушгани ҳам яхши. Энди Қилич қора бир хуморидан чиқадиган бўлди-да», деб ўйлади орқасига қайтаётган Абубакир.

Жулдур кийим билан ниқобланиб олгани учун у хотиржам бозор ичкариларини айланди. Эшагини боғлаб кетган чойхонага кириб, чой чақирди.

Одатда чойхонада шаҳардаги сўнгги янгиликлар ҳақида гаплар бўлгани учун у диққат билан чойхўрлар гапини эшитиб ўтирди.

Сўнг эшагига миниб, шаҳарнинг жанубий дарвозаси томон йўл олди.

Май симириб ўтирган Қилич қора пиёласини отиб юборди. Тоза чинни экан синмади, фақат шароб оқ дастурхонда кизил доғ қолдирди. Қилич қоранинг назарида доғ Акбарнинг қонига ўхшаб кўринди.

- Нима иш қилиб қўйдим-а? Ўзимга содик бўлган одамни мана шу қўлларим билан ўлдирдим, - дея пичирлади у бўғилиб.

Ўша кун, яъни Юнусбой билан хизматкори қочиб кетганининг эртасига Қилич қора жаҳл устида Акбарни ўлдиртириб юборганди. Энди бўлса, шундай навкардан ажралгани учун азоб чекиб юрибди.

Кўргонда осойишталик. Бунақа пайтда ҳеч кимнинг Қилич қорага кўринишга юраги дов бермасди. Лекин хона эшиги ногоҳ очилиб, салом берганча Абубакир кириб келди.

- Кел, Бакир, ёнимга ўтир. Хўш, қандай янгиликлар олиб келдинг? - деди тўнг оҳангда Қилич қора.

Абубакир кўрпачага ўтириб, тўнтарилган пиёлани олди-да, май қуйиб узатди.

- Янгиликлар кўп, хўжам. Яқин орада Олимбой Хоразм томон йўлга чиқаркан. Самаднинг ҳам олдига бордим. Зиндонбон 200 тиллога кўнадиган бўлди. Яна бир кизик янгилик шуки, худди Самад ётган зиндонда



Юнусбойнинг биздан қочиб кетган хизматкори Дилмуродни кўриб қолсам бўладими!

- Нима дединг? - Қилич қора ўрнидан туриб кетгудек бўлди. - Демак, қўлга тушибди-да!

- Шундай, тақсир.

- Эшит бўлмаса, Самадни кутқаргани борганинда, қандай бўлмасин шу болани ҳам олиб кел. Зиндонбонга яна 200 тилло бер. Фақат олдимга ўлигини эмас, тиригини олиб келасан.

- Тушундим, хўжам. Ҳаммасини бажараман, - дея эгилиб жавоб қайтарди Абубакир Қилич қора узатган бўш пиёлани оларкан.

Шаҳар устида кун билан тўпланиб қолган чанг кечки шабадада ҳар ён тарқалиб, самода юлдузлар жамоли кўринди.

Жинчиروқнинг хира ёруғи ёритиб турган қулбалардаги чироклар бирин-кетин ўчиб, шаҳарни зулмат эгаллади.

Абубакир тилло солиб қўйилган ҳалтачани ушлади. Қулоғига сув жилдирагандай бўлди.

«Қандай ёқимли эшитилади-я. Наҳотки шунча олтинни қўлдан чиқариб қараб тураверсам? Ярмини бериб, қолганини олиб қолсам бўлмайдим? Бунда ҳам тўғри келмайди. Яхшиси, ҳаммасини олиб қолишим керак. Ишқилиб, омадим келсин-да...»

Абубакир ёнидаги олти отлик сабрсизлик билан ўзига қараётганлигини пайкаб, «вақт бўлгандиров» деди-да, ўйноқлаб турган арғумоғига камчи солди. Отликлар бир пасда шаҳарнинг хайбатли девори тагига етиб келдилар.

Отликлардан бири чангакли арқонни девор устига отди, лекин ҳадеганда илинавермади. Абубакир «ландовур» деб сўқинди-да, арқонни олиб, чангакни ўзи отди.

Сўнг пичоғини тишлаганча арқонга осилиб девор устига қикди. Отларни пойлашга икки навкар қолди, бошқалари девор ошиб, мозорга қарашли вақф ер хисобланган чакалакзорга тушдилар.

Абубакир қайси кўчалардан зиндонга бориш қулайлигини икки кун аввал келиб обдон ўрганиб кетгани учун, улар ҳеч қийналмасдан пасткам, хилват кўчалар билан йўлни давом эттирдилар.

Улар зиндон қаршисидаги мачит олдига етиб келганларида зиндонбоши турган хўжрадан ёруғлик тушиб турар, икки соқчи эса найзаларига тиралганича мудрардилар.

- Сен, Худойкул, Каримберган билан чапдагисини, Ортик, сен Шукур икковинг ўнг тарафдагисини йўқотасанлар. Қани, тезроқ қимирланглар! Зиндонбон билан ўзим гаплашаман, - деди Абубакир совук жилмайиб.

Худойкул билан Каримберган мушукдек эҳтиёткорлик билан зиндон девори олдига етиб бориб, сўнг соқчига яқинлашдилар.

Соқчи хомуза тортиб, атрофга ғира-шира очик кўзлари билан назар ташлагандай бўлди-ю, яна найзасига суянди.

Худойкул аста яқинлашиб келиб, қўлини азот кўтардию, пичокни соқчининг елкасига санчди. Навкар бир тўлғаниб ерга йикилди. Каримберган унинг қурол-аслаҳаларини ва янги қизил этигини ечиб олди.

Ўнг тарафдаги соқчига яқинлашаётган Ортик алланимага қоқилиб кетиб, мудраб турган соқчинин уйғотиб юборди. Навкар дарҳол қиличчини яланғочлаб Ортиқнинг ўнг елкасига зарб берди. Бирок орқасидан етиб келган Шукур унга пичок санчишга улгурди.

Иккала соқчи ҳам бартараф қилинганини кўрган Абубакир хўжра олдига келиб, эшикни уч-тўрт маротаба тақиллатганиди, аввал йўтал эшитилди, сўнг эшик очилиб, зиндонбошининг япаски юзи кўринди.

- Э, келдингми? Соқчиларни нима қилдинг? - деб сўради у Абубакирдан.

- Улар омон, фақат қўл-оёқлари боғланиб, оғизларига латта тикилган.

- Қани бўлмаса 200 тиллони ол, инингни ҳозир бошлаб чиқаман.

- Отахон, ўзингиздан ўтар гап йўқ. Яна бир инимиз ҳам Самадбой ётган ерга тушиб қолибди. Шу инимиз Дилмуродни ҳам бирга олиб чиқсангиз. Рози қиламиз.

Абубакир 400 тилло солинган ҳалтачани кўрсатиб силкитди. Зиндонбон кўзлари ўйнаб қўлини узатганиди, Абубакир ҳалтачани қайта қўлинига яширди.

- Аввал олиб чиқинг иккисини, сўнг оласиз.

Зиндонбон қалитларни шақиллатиб кириб кетиб, кўп ўтмай Самад билан Дилмуродни бошлаб чиқди.

- Азаматлар оёқларидаги кишанларни кесиб тайёр бўлиб турган эканлар. Қани энди, тиллани буёқка чўз.

Абубакир ненидир мулоҳаза қилаётгандек зиндонбон юзига тикилди.

Зиндонбоши Абубакирнинг кўзлари алланечук бўлакча совук чақнаб кетганини пайкаб кўрқувга тушди.

- Берадиганингни бериб, тезроқ жўнаб қолсанг-чи? - дейиши билан зиндонбоши кўксига ўткир ханжар санчилди.

Қонли пичоғини чопони барига артган Абубакир сесканиб кетган Дилмуродга ўгирилди:

- Қани, эски ҳамтовок, ҳамроҳ бўламиз. Лекин бу гал қочиб қутиламан деб ўйлама.

Абубакир шундай дейиши билан Шукур ва Каримберган Дилмуродга ташланиб, қўлини боғладилар.

- Ғинг десанг - ўласан. Товуш чиқазмай олдимга тушсанг ўзингга яхши.

Дилмурод қаршилик қилиш бефойда эканлигини сезиб қароқчиларга эргашди.

Абубакир Самадга кўргондаги воқеаларни қисқача айтиб берди.

- Қандай ўйлайсан, Қилич Дилмуродни нима қилади? - деб сўради Самад.

- Нима қилади? Ё осади, ё отга боғлаб сахрога қўйиб юборади-да.

- Биласанми, бу йигит биз ўйлаганча муттаҳам эмас экан, мен шунча кун бирга бўлиб синадим. Қўнгли пок. Жабр тортган. Иложи бўлса...

- Э, нима, қўйиб юбор демоқчимисан. Қаллам ҳозирча елкамга керак!

Самад Абубакирға ўқрайди:

- Ҳаммаси ёнинга қолдимми?

- Нимани айтяпсан?

- Муллажирингни айтяпман.

- Бировнинг ишига бурнингни сукмасанг-чи! Тагин Қиличга гапириб юрма.

- Анави йигитларинг кўрди-ку!

- Булар айтмайди. Манови Дилмурод оғзидан гуллаб қўймаса бас!

Девор ортида турган қорамтир қўланка буларнинг шарпасини сезиши билан арқон ташлади, қароқчилар осилиб девор юкорисига чиқа бошладилар.

Ортиқнинг елкасидан қон оқаётгани учун Абубакир устидаги қийми астарини йиртиб олиб, яра ўрнини боғлаб қўйди.

Абубакир ниҳоятда хурсанд эди. Тилла ёнига қолди, яна мана бу Дилмуродни қўлга туширди. Хали

бу иши учун Қилич бирон нарса ҳада қилиб қолса ажаб эмас...

## VI

- Қалай, яхши дам олиб чиққандирсан-а?

Қилич қоранинг Самадга айтган бу гапига уйда ўтирган қароқчилар хоҳолаб кулишди. Самад ҳам бўш келмади:

- Жуда ҳам. Ҳозир шу ерда ўтирибман-у, оёғим яна ўша ёққа тортқилаяпти. Ўрганиб қолган эканман.

Яна кулгу кўтарилди.

Катта сопол лаганда уюлиб солинган ош олиб кирилди. Қилич қора олдида ўтирган Самад безовталаниб қолди.

- Айтмоқчи, меҳмон қаерда?

- Қаёқа меҳмон? - сўради Абубакир таажжубланиб.

- Дилмурод.

- Ҳали у мишики менинг меҳмонимми? - сўради газаб билан Қилич қора якка кўзини чақчайтириб. - Ҳозироқ унинг бошини танидан жудо қиламан!

Самад пинак бузмади.

- Мен сенинг содиқ дўстингманми?

- Бўлмасам-чи.

- Ундай бўлса менинг сўзимга бир кир. Буни шундоқ ўлдириб юборганингдан ҳеч қандай наф чиқмайди. Бас, шундай экан, ундан фойдаланиб қолишни...

- Биламан, бошинг яхши ишлайди, - деб гапни бўлди Қилич қора.

- Кўрдингми, яхшиси уни ўз сафимизга кўшиб ол. Савдогарларга хужум қилиб гуноҳини ювсин. Ўзи ҳам ҳозир шундай кайфиятда.

- Ўйлаб кўраман. Лекин мен ҳали Акбарни унутганим йўқ, - деди Қилич қора мўйловини буриб.

Самад Дилмурод ҳақида ортиқ гаплашиш мумкин эмаслигини сезиб, узр сўради-да, ташқарига чиқди. Атроф қоронғу, совуқ шамол эсарди. Эти жунжиккан Самад отхона олдидаги жинчирокнинг хира нурида Зиёвуддин исмли қароқчи қиличда ер чизиб ўтирганини кўрди.

Самад унинг ёнига яқинлашди.

- Кўриқлаб ўтирибсанми дейман?

- Шу дардисар бўлмаганда ҳозир мазза қилиб ухлаб ётган бўлардим, - деди жаҳл билан Зиёвуддин.

- Ичкаридами?

- Сомон устида чўзилиб ётибди.

- Қани, кирай-чи.

Самад жинчирокни олиб, отхонага кирди.

Қўл-оёқлари боғлиқ Дилмурод ҳали ухламаган, хомуш ҳолда хаёл суриб ўтирарди.

- Сени чағоқ аҳволга солиб кўйишибди-ку!

Дилмурод бошини кўтарди ва қаршида жинчирок ушлаб турган Самадни кўриб маънос жилмайди:

- Бу ерда шундай қутиб олишаркан, илож қанча.

Самад кўзларини олиб қочди.

- Тамадди қилдингми?

- ...

Самад ташқарига чиқиб:

- Зиёвуддин, бир лаган ош олиб кел, шу ерда баҳам кўрайлик, - деди.

- Мумкинмас, - гапни қалта қилди Зиёвуддин.

- Бор, олиб келавер, мен жавоб бераман.

Зиёвуддин ажабланиб турди-да, сўнг чиқиб кетиб, озгина вақт ўтгач, ош кўтариб келди.

- Қани, энди бунинг қўлини ечиб қўй.

- Нима деясан? Мен ҳам Акбардек ўлиб кетайми?

«Демак, у бечорани ўлдириб юборишган экан-да»,

деб ўйлади Дилмурод.

- Сени қара-ю.

Самад ёнидан пичокни олиб Дилмуроднинг қўл-оёғидан арқонни кесиб ташлади.

- Қочиб кетмайди ҳечқаёққа. Қани, ошга қарайлик.

Қилич қора нонушта қилиб бўлгандан сўнг Дилмуродни олиб келишларини буюрди. Самад Қилич қоранинг афтига қараб хавотирга тушди. Чунки у ҳадеб мўйловини бурарди. Бу эса газабланиш аломати.

Эшик очилиб икки қароқчи Дилмуродни бошлаб келди.

Қилич қора мазахомуз тиржайди.

- Келдингми, содиқ кул? Ажалинг етганини аниглаётгандирсан.

Дилмурод бошини кўтарди.

- Куч сенинг қўлингда, бек. Ўлдиришинг мумкин. Лекин мен ҳеч кимнинг қули эмасман. Юнусбой хўжайиним эмас, балки душманимдир. У яхшиликка ёмонлик билан жавоб қайтариб, мени зиндонбанд этди.

- Ақлинг энди кирибди-да. Билиб қўй, оқ ит қора ит - барибир ит. Лекин... гуноҳингни кечиришим мумкин. Фақат бир шарт билан.

Дилмурод Қилич қорага қизиксиниб қаради.

- Яъни?

- Савдогарларга хужум қилиб гуноҳингни ювишинг керак.

- Бек ҳақ гапни гапирдилар, Дилмурод, - деди Самад жонланиб.

Атрофда ўтирганлар ҳам бу фикрни маъқулладилар.

- Менга қурол, йигитлар берсангиз бас, - деди Дилмурод бир муддат ўйлангандан сўнг.

Унинг қўлини ечиб, қасам ичирдилар.

- Биринчи овинг Олимбой қарвони бўлади. Яқинда Хоразм томонга ўтади. Ҳозирча Самад сени бу атрофлар билан таништиради, - деди Қилич қора.

- Қуллук, бек.

Ховлида юрган қароқчилар Самад билан Дилмурод ичкаридан бирга чиқишганини кўриб, Қилич қора авф этгани тушундилар.

- Мана, ўз одамимиз бўлдинг. Лекин қочиб қолма.

Қасам ичгансан. Мен кафил турдим. Сенинг кетганинг - менинг бошим кетгани, - деди Самад.

- Сўзим қатъий.

- Ишонаман. Юр-чи.

Икковлон сўқмоқ йўллар билан тоғ юқорисига чиқа бошладилар. Улар баланд кўтарилганлари сари ҳаво салқинлашиб борар, дарахтлар ўрнини эгаллаётган ўтлоқлар, харсанг тошлар охири қорли жойларга бориб туташарди.

Икков бир баланд тепаликка чиқиб атрофга боқдилар. Ҳамма ёқ яққол кўзга ташланарди. Ёнлари дарахтзор билан бурканган қўрғон ҳам қичкина бўлиб кўринарди. Атроф ям-яшил, пахта эса қизғиш қум. Чўққиларда қорлар музлаб ётибди. Сахрода ўтлар сувсизликдан қараб-қовжираган.

- Жуда ҳам гўзал жой эканми! - деб юборди Дилмурод.

- Мен бу ерда ҳеч қандай гўзалликни кўрмайман. Лекин биз барча йўлларни беш бармоғимиздек ўрганишимиз керак.

Улар тоғ этагига тушишлари билан иссиқ ҳаво юзларига урилди. Қарвон қаердан ўтиши, қайси томондан хужум бошлаш маъбуллигини Самад Дилмуродга кўрсатгандан сўнг ҳориб-чарчаб, кечга яқин қўрғонга қайтиб келишди.

- Қани, олға! - деди Самад қиличини ялангочлаб.

Навкарлар хайкирганларича унинг ортидан от соддлар. Отлар кишнаши, дупури оламни тутди. Осмон ёришиб, кун энди илиб келаётган пайт бўлгани учунми Дилмурод ўзини енгил сезар, кушдек учиб кетаётганга ўхшарди җазариди. Хаёлига ўзи ҳам биринчи маротаба шундай кийкириқларни эшитиб, Қилич қорага йўлиққани келди. Энди бўлса, мана ўзи қилич ўйнатиб, қароқчилар билан ҳужумга кетаяпти.

Олимбой қай аҳволга тушаётганикин ҳозир? У ҳам Юнусбойга ўхшаган бир ярамас-да. Бундайларга раҳм қилишнинг ҳожати йўқ. Лекин қарвонда камбағал хизматкорлар ҳам бор-ку? Уларда нима айб, уларни тирик қолдириш керак.

Қарвон яққол кўринди. Эллиқдан ортиқ туядан иборат бўлган катта қарвон юришдан тўхтаган, қуролланган кўриқчилари бир ерга гуж бўлиб олганларича пойлаб турардилар.

Қароқчилар яқинлашишлари билан шовқинга қиличларининг бир-бирига урилиши, қалқон жаранг-журинги кўшилди.

Дилмурод қилич ўйнатиб кўриқчиларни бирин-кетин кулата бошлади. Қароқчилар яқинлашиши билан Олимбой саҳро ичкарасига от қўйиб қочиб қолгани учунми, навкарлар ҳам ўз жонларини сақлаб қолиш мақсадида ҳар ёққа тўзиб қоча бошладилар. Қароқчилар булар ортидан қувиб, баъзиларига етиб олган бўлсаларда, беш-олти навкар Олимбой изидан қутилиб қолишга улгурди.

Туяларга қаровчи хизматкорлар, сарбон бир чеккага чиқиб турар эдилар. Улар юзиди кўркув акс этар, ҳар дақиқада ўлимни кутардилар. Қароқчилардан бири булар олдига келиб қиличини шайлаган эди, Дилмурод унинг йўлини тўсди.

- Тўхта, нима қилмоқчисан ўзи? Булар ахир бечораҳол одамлар-ку.

- Буларга туя берилиб, қўйиб юборилсин, - дея фармон берди Самад жанжалнинг олдини олиб.

Хизматкорлар омон қолганларига ишониб-ишонмай, қайта-қайта дуо қилишиб, кўрганларини ҳеч кимга айтмасликка қасам ичардилар. Улардан бири Дилмурод олдига келиб, ўзларига қўшиб олишни илтимос қилди, акс ҳолда ҳўжайини қаттиқ җазолашини айтди. Самад бўлади деган ишорани қилгач, у йигит ўзини Ҳасан деб таништирди. Шундан сўнг қўлга тушган туяларни бир ерда тўплаб, тоғ томонга йўлга тушдилар.

- Янги келган Ҳасанга ўзинг қарвон, - деди Қилич қора Дилмуродни ўз ёнига чақириб олиб.

Дилмурод кўнглидаги саволни ўртага ташлади.

- Қачон ўзим бош бўлиб овга чиқаман?

- Яқин орада. Лекин йигитларни эҳтиёт қилишни унутма.

Дилмурод маъқул ишорасини қилиб, ҳовлига чиқди. Ҳасан беш-олти қароқчига ўз ҳаётини гапириб бераётган эди. У Дилмуродни кўриши билан гапни тўхтатиб, унинг ёнига келди. Ҳасан эндигина йигирмаларга кирган, ориққина, лекин ҳаракатлари чакқон йигит эди.

- Қоладиган бўлдинг, Ҳасан, бироқ бу йўл сени яхшиликка етакламас-ов, - деди Дилмурод.

Ҳасан нима дейишини билмай, бошини куйи эгди.

Биринчи қарвонга ҳужум қилгандан кейин Дилмурод яна тўрт катта-кичик қарвонни талаб, каттагина бойлиқларни Қилич қорага олиб келгач, анча мавқега эга бўлиб қолди.

Лекин, кунлар ўтиши билан Дилмурод бундай ҳаётга бир умр боғланиб қололмаслигини сезди. Кечалари тушига ўзи ўлдирган кишилар кирар, шунда

чўчиб уйғониб кетиб, узоқ вақт ухломасди. Хаёлига тез-тез Ойсулув келадиган бўлди. «Агар Ойсулувни ўғирласам, бу Юнусбойга ҳар қандай җазодан ҳам яхши таъсир этса керак», деб ўйлай бошлади у.

- Шаҳарга чиқиб тушсам бўладими? - деб сўради бир кун Дилмурод Қилич қорадан.

- Шаҳарда нима бор?

- Бек, сиз ҳам бирор қизни севгандирсиз?

- Менми? Омон бўлсанг мавруди келганда гапириб берарман, - деди-ю Қилич қора ўйга толди. Сўнг: - Хўш, ўзи кимнинг қизи? - деб сўради.

- Қўлингиздан қутилиб кетган Юнусбой савдогарнинг қизи.

- Э, шунинг учун ўшанда химоя қилган экансан-да, Яхши, сенга руҳсат бераман, Бойдан ўчингни ол, лекин эҳтиёт бўл, қўлга тушиб қолма, ўзингга маъқул йигитлардан бештасини танлаб ол. Навкарлар кийимини кийиб боринглар. Шубҳадан холироқ бўласиз.

- Ташаккур, бек, - деди Дилмурод қувониб.

«Умуман, қизикқон йигит экан», деб ўйлади Қилич қора унинг кетидан.

Дилмурод Қилич қоранинг олдида чикқач, Ҳасанни ёнига чақирди.

- Ҳасан, иш беш! Халиги чақириб берадиган хотинга ишонса бўладими? Яна зарбага учраб қолмайлик?

- Унга ишонса бўлади. Бунақа ишларнинг пири. Пул деса ўзини томдан ташлайдиганлардан. Бизни кўча озғидаги бакатерак тагида пойлаб туради. Агар кўча ичига юрса, демак иш жойида. Юрмаса, биз ҳам орқага қайтишимизга тўғри келади.

- Бўпти, қани бўлмаса йигитларни чақириб кел.

## VII

- Ойсулув, намунча ҳаяллаб қолдинг?

Жавоб бўлавермагач, бошига паранжи ташлаб олган Хошиябиби эшикни очиб, ташқарига қаради.

- Хошиябиби, кизингизни отлиқлар олиб қочибди. Суннатбойим ҳозир кириб айтди, - деди югуриб чиққан қўшни аёл.

- Вой ўлмасам!

Хошиябиби кўнгли озиб, ерга йиқилиб тушди. Бу орада болаларидан воқеани эшитган бошқа қўшни ҳам бирин-кетин чоғиб келдилар.

Хошиябибинини суяб уйга олиб кириб, айвондаги кўрпачалардан бирига ётқизиб, пешонасига ҳўл рўмол қўйишди.

- Жаъфар, қайдасан, бу ёққа чик, - деб шаңғиллади маҳаллада оғзи «очик»лиги билан ном қозонган аёл.

Ҳовли этагидаги қулбасидан Жаъфарали чиқди. Уйқудан тургани учун бир дам каловланиб қолди.

- Хой, меров чол! Нега анқайиб турибсан? Ойсулувни олиб қочишибди. Зудликда Юнусбойга хабар бер.

Жаъфарали хайронлик билан бироз мулоҳаза қилиб турди-ю, кейин «э» деганча йўлак томон шошди.

Мачитдан чиқиб бозор бошига етган Юнусбой ўзи томон келаётган Жаъфаралини кўрди. Бойнинг кўнгли бир нимани сезгандай орзиқиб кетди.


Тез юрганидан ҳарсиллаб қолган Жаъфарали узоқданок:

- Бахтсизлик рўй берди. Пошша Ойсулувни олиб қочишибди! - деди.

Юнусбой аввал хайрон бўлиб туриб қолди, сўнг ғазабдан бақирди:

- Нима дединг, ярамас!? Сен қаерда эдинг? Ким олиб қочибди?!





Бой олдига ётиб келган Жаъфаралини елкасида ушлаб, ўзига тортиди.

- Аллақандай отликлар эмиш, бой ота. Бошим оғриб ётган эдим.

- Мана сенга бош оғриги, аблах! - деди-ю бой хизматкорини силтаб юборди. Жаъфарали «иҳ» деганча йиқилди.

Юнусбой биринчи галда мингбошидан ёрдам сўраш фикрига бордию, унинг уйи томон югуриб кетаркан, кулолчилар кўчаси оғзига келганда эски паранжи ёпинган кампирга урилиб, уни йиқитиб юборди. Ер билан битта бўлиб ётган кампир Юнусбойни йиғламсираб қаргаб қолди.

Бўлак пайт бундай ҳақоратни эшитиб индамай ўтиб кетмайдиган бой кампирга эътибор ҳам бермай чопишда давом этди.

«Қизинг ўйнаши билан қочгандир деб, мингбоши ёрдам беришдан воз кечса-я, - деб ўйлаб қолди тўсатдан бой. - Ростдан ҳам жувонмарг Ойсулув бирор йиғит билан қочиб кетдимикан. Бугун шаҳарга овоза бўлиб кетса, у эмас, мен шарманда бўламан-ку. Савдогар аҳли орасида қандай қилиб бош кўтариб юраман?...»

Эшик олдида қоровуллик қилаётган сарбоз ҳар доим шошмай, кеккайиб келадиган бойнинг хансираганча югуриб келадиганини кўриб ҳайрон қолди.

- Таксирим шу ердаларми? - сўради ховлиқиб бой навқарнинг саломига алик ҳам олмай.

- Шу ердалар, таксир.

Бой чанг қоплаган уст-бошини қоққан бўлиб, ташки ховлига кирди.

Ишқом тагига солинган супада нотаниш, кўсанамо киши билан чақ-чақлашиб ўтирган мингбоши бойни кўзлари аланг-жалам ҳолда кўриб бирор фалокат юз берганини сезди, супадан тушиб, унинг олдига келди.

- Нима гап?

- Хонага кирайлик, ўша ерда айтаман, - деди Юнусбой ўзлари томон қараб турган кашяга имо қилиб.

Кулмуҳаммадхон Юнусбойни арзчиларни қабул қиладиган хонасига бошлаб кирди.

- Фалокат юз берди, қизим Ойсулувни олиб қочишди.

Мингбоши чўғ устига ўтириб олгандек бир сакраб тушди.

- Нима? Нима дедингиз?

- Қандайдир отликлар олиб қочишибди. Таксирим, улар шаҳардан чиқиб улгурмасларидан бурун ушлашга буйруқ беринг.

- Куппа-кундуз қуни-я, - дея тўнғиллаган мингбоши эшикни очиб чақирди. - Ҳолмат, хув Ҳолмат.

Паст бўйли, тўладан келган Ҳолмат «лаббай, таксир» деганча хонага бир зумда кириб келди ва фармон кутиб жим қотди.

- Шаҳарнинг барча дарвозалари бекитилсин! Ўғрилар оралабди. Улар Юнусбойнинг қизини ўғирлашган. Каердан бўлса ҳам топиб кел. Ҳар бир кўча, ҳар бир хонадонни қараб чиқ. Бор тез!

«Худога шукр, қизим топиладиган бўлди» - деди ичида энгил нафас олган бой.

- Зап чакқон йиғит-да. Олиб кел десанг, бошини олиб келадиганлардан, - деди мингбоши Ҳолматнинг орқасидан қараб қоларкан, - Ернинг тагидан бўлса ҳам топиб келади. Лекин мен сизга айтсам яхши иш бўлмади. Шу баҳордаёқ тўйни қилавериш керак эди. Йўқ, кузда, мева-чева пишиғида дедингиз. Маңа сизга

мева пишиғи. Пишган мевани узиб қочишибди.

«Агар қўлимдан чиқиб кетган бўлса... сенинг терингли шилиб оламан, - дея ўйлади мингбоши бойга зимдан тикиларкан. - Шошма-шошма, агар қиз топилганда ҳам қора халқ, қолаверса уламолар мингбоши қандайдир бир ўғирланган қизни хотинликка олибди, деган маломатга кўймасмикан...»

- Мен қаердан билай, таксир. Ўлимдан хабарим бор, лекин бундай бўлишидан хабарим йўқ эди. Э худо, нахотки яққаю яғона қизимдан ажралган бўлсам!

Шу пайт эшиқ очилиб Дилмуродни қўлдан чиқазиб юборган мирза ранги ўчган ҳолда кириб қолди.

Мингбоши билан Юнусбой ялғ этиб унга қарадилар.

- Нега бу ёқда юрибсан? - сўради қовоғини солиб мингбоши.

- Мени кечирсинлар, ёмон хабар олиб келдим. Хозиргина мен турган дарвозадан олти қароқчи чиқиб кетди. Улардан бири аёл кишини чодирга ўраб олганди. Қандай қилиб қўйиб юборганимни билмай қолдим. Улар навқарлар кийимида эдилар.

- Аҳмоқ! Ярамак! Нега дарҳол сарбозларга тутишга буюрмадинг?

- Қувиб етиша олишмади.

- Танангни зиндонда чиритаман! Салим!

Мирзанинг гапини эшитган Юнусбой суяк тикилиб қолгандек ўтирган жойида тахта бўлиб қолди.

Қинсиз қилични ёнига тақиб олган дарвоз Салим ўқдай отилиб хонага кирди.

- Мановига йигирма беш таёк уриб, зиндонга ташла.

- Гуноҳимдан ўтинг, бегим. Раҳматли отамнинг хурматини қилингиз, ёлвораман. Тавба қилдим.

Мирза мингбоши оёқларига йиқилди.

- Бас! Ўша қизни ўнгариб олган отликнинг қиёфаси қандай экан?

- Қиёфасими... ёши йигирма бешларга борган, қорачадан келган. Кенг елкали йиғит эди. Негадир, бошига кўк салла ўраб олган.

- Дилмурод, ҳа, бу Дилмурод, - деб юборди Юнусбой тилга кириб.

Бой боя олдида ўтган отлик ким эканлигини ниҳоят эслади. Нега ўшанда танимади-я? Ўша заҳоти навқарларга туттирган бўлмасмиди. Ё кўк салла билан навқар кийимини кийиб олгани учун чалғидими?

Дилмурод номини эшитиши билан мингдошнинг пешонаси тиришди. Хали у зиндонда бўлган воқеани унитганича йўқ эди.

Тагин Дилмурод. Бу ўзи ким?

Мирзанинг гуноҳини отаси хурмати учун кечганини айтиб ўз жойига қайтишни буюриши билан у таъзим қилиб, лип этиб Салим кетидан чиқиб кетди.

Мингбоши ўйланиб қолди.

- Ойсулувни қаерга олиб қочган бўлиши мумкин?

- Бу шундай олғир ўғри эканки, Қилич қора билан ҳам алоқа қилишга шубҳам йўқ. Ҳа, у қароқчи экан-у, биз пайқамай ўз хизматимизга олаверибмиз.

- Ўх-хў, шундай денг. Бир фикр келди миямга ҳозир. Бир ҳамла билан иккисиниям қўлга туширишимиз мумкин. Ҳам қизингиз қутқарилади. Олий ҳазратлари ул қароқчининг қалласи учун қатта мукофот тайин этган эдилар.

- Лекин қандай қилиб уларнинг манзилига етиб бора оласиз? Қайси тоғу-тошда яшириниб ётганини билмайсиз-ку?

- Сиз бошлаб борасиз.

- Мен?

- Ҳа.

- Қилич қора олдига-я? Э... йўқ, бўлмади.  
- Кўрқоқлик қилманг. Сиз қандай отасиз? Ўз қизингизни қутқаришдан бўйин товлайсизми? Шахсан мен ўзим кўп сонли навкарларим билан бориб иккисиниям қўлга тушираман.

Бой мингиллаб қолди.

- Хўп, розиман. Лекин халигидай... нима десам экан...

Мингбоши илжайди.

- У томонидан хавотир олманг, бой ота. Худо хоҳласа қуруқ қолмайсиз.

Бой ялтоқланиб илжайди.

«Вой аблах-е, шу ердан ҳам фойда чиқазишни ўйлайди-я», деб хаёлидан кечирди мингбоши бой билан хайрлашаркан.

Юнусбой кўчага чиқди-ю, қадамини тезлаштирди.

Қуёш ботиб, кўчаларга қоронғулик тушаётган палла эди. Одатда бундай маҳаллар кўчалар хоргин йўловчилар билан тўлиб, бир зум серқатнов бўлади-ю, сўнг яна хувиллаб қолади. Фақат баъзи ёш-яланглар елкаларига қийиқчани ташлаб олганларича, чойхоналарга кириб бедана уриштирадилар ёки аския айтишиб, қаҳ-қаҳлашади.

Мачитларнинг мезонасига чиқиб олган сўфилар кечки тоат-ибодатни ўқирканлар, уларнинг овозлари аллақандай мунгли, гўё оҳу нола қилаётгандек эшитиларди.

Бир гала саёк итлар жин кўчаларнинг биридан чиқиб қолиб Юнусбойнинг бесаранжом юрагини кинидан чиқазиб юборай деди. Йўқ, хайтовур итлар унга қарамай юрганларича ўтиб кетдилар.

- Туф-туф. Хе, харомилар, - деди бой беихтиёр сўкиниб.

Йўлда келаркан «фалокат босиб ўша тоғларда ўлиб кетсам-а», деган совуқ фикр бойнинг хаёлидан кетмай қолди.

Бой ҳовлига кириши билан кўшни хотинлар юзларига чачвонни ташлаб чиқиб кетдилар.

- Хай, дадаси, қандай кунларга қолдик-а, - дея зорланди ранги оқариб кетган, йиллаб ётган касаллардек бутунлай ҳолсизланиб қолган Хошиябиби.

- Дард бўлди, бало бўлди, хотин! Сен эси паства неча маротаба айтган эдим, авлиё келса ҳам эшикни Ойсулув очмасин деб. Мана, қизингдан ҳам жудо бўлдинг! Жаъфаралидан бу хабарни эшитдим, эсим оғиб қолди. Қандай қилиб мингбоши олдига борганимни ҳам билмай қолдим. Биласанми қизимизни ким олиб қочибди!

- Ух, айта қолсангиз-чи, юрагим ёрилиб кетай деяпти.

- Нон кўр қилгур хизматкоримиз Дилмурод олиб қочибди! Лаънати Жаъфарали шуни билиб атайлаб касалман, деб ётиб олган. Ҳали бу мияси айнаган чолни уйдан ҳайдамасамми!

«Нима бўлганда ҳам Дилмурод Ойсулувга ёмонликни раво кўрмас. Шу бечорани зиндонга ташлатган эди, худога шукр, қочиб қутулибди», деб ўйлади Хошиябиби Дилмурод номини эшитиб кўнгли бироз жойига тушаркан.

- Биласанми, мингбоши нимани ўйлабди. Мени ўзига йўл бошловчи қилиб, тоққа чиқиб қароқчиларни тутатмоқчи. Ойсулувни қутқазиб олмақчи. Хотин, дуо қил, қайтгач, қизингга уйланади.

«Олмай ўлсин. Қизим шунга теккандан кўра ўша Дилмурод билан бирга бўлгани маъқул», деди ичида Хошиябиби.

- Нима бало, оғзинга талқон қолдингми? Нега хаёл

сурасан. Гапимни эшитмаяпсанми, бу тўғрида ҳеч кимга оғиз оча кўрма.

- Хўп, дадаси, хўп...

### VIII

Кун эрталабдан бошлаб одатдагидан ташқари исиди.

Шаҳарда ўзгача манзара пайдо бўлди, бу ҳам бўлса, эрта тонгдан найза, қилич, ойболта ва қалқонлар билан қуролланиб олган кўп сонли сарбозларнинг от чоптириб юришлари эди.

Бозор-ўчарга келаётган йўловчилар бу аҳволни кўриб «Нима бало, уруш бошланиб қолдимиз?» деб тахмин қилардилар.

Йил бўйи қилган меҳнатлари эвазига битган ҳосилни сотиб бўлиб қишлоқларга қайтмоқчи бўлган даҳқонлар шаҳар дарвозалари олдига келганларида ёпик дарвозаларни кўриб, таажжублари янада ортди.

Шаҳарнинг олти дарвозаси тезда одамлар билан тўлиб, кўкон араваларнинг тақир-туқири, туяларнинг пишқириши, эшакларнинг ханграши кишиларнинг шовқин-суронига «жўр» бўларди.

Ҳамманинг оғзида бир гап: «Нима учун шаҳар дарвозалари тақа-тақ ёпилган?» Хар ким ўзича тахмин қилади. Шаҳар ташқаридагилар ичкарига киролмай хуноблари ошади. Дехқонлар «Бу узилган мева-чевани қаерда сотамиз? Нобуд бўлади-ку», десалар, олислардан қарвон билан келган савдогарлар соқчиларга ялиниб-ёлворадилар. Лекин девор устида турган жиддий соқчилар оғзиларига мум солгандай мик этмай дам шаҳар ичида бўлаётган олаговурни тамоша қиладилар, дам ташқаридасингани.

Ташқаридагилар «Шаҳарга вабо тарқалган бўлса керак» десалар, ичкаридагилар «Уруш бошланган» дейдилар.

Хуллас, гапларнинг бари бир-бирига тескари, поймапой.

Шаҳарнинг бош майдонида ноғоралар тарақлагач, кишилар юрагида гулгула ўйнатиб юрган навкарлар бир сафга тизилдилар. Кўрғондан мингбоши ва унинг мулозимлари учқур туркман отларига миниб кўшин олдига чиққач, шимолӣ дарвоза томон йўл олдилар.

Юзбошилар ёнида Юнусбой виқор билан от миниб кетаётган бўлса-да, унинг юз-кўзларида кўрқув учқунлаётганини пайқаш қийин эмасди.

Шаҳар аҳли мингбоши ва унинг сарбозларини хайрат ичида кузатиб қолди.

- Ия, булар орасида Юнусбой нима қилиб юрибди?

- Э, шуни ҳам билмайсизми? Ахир қўлга тушган молларни бирон савдогар сотиб олиши керак-ку!

- Бой қизини қидириш ўрнига бу ёқда юрибди. Тавба, ота деган ҳам шундай бўладими?


- Қизи севган йигити билан қочган дейишади...

Бутун йўл давомида ўз шаънига айтилган бундай «илиқ» гаплардан бойнинг кулоқлари қоматга келди.

Лекин начора, оғиз очиб бўлмаса. Ишининг бундай кетишидан эса Қулмуҳаммадхоннинг кўзлари ёниб кетди. Демак, халқ булар жангга кетаяпти деб ўйламоқда. Худди шу нарса керак эди унга: «Агар шаҳарда Қилич қоранинг айғоқчиси бўлса ҳам бу найрангни пайқамайди. Пайкаганда ҳам қаноти бўлмаса, шаҳардан чиқиб кета олмайди», деб ўйлади мингбоши.

Кўшин дарвоза олдига етиб келгач, соқчилар оломонни икки томонга сиқиб йўл очдилару, охириги навкар чиқиб кетиши билан хар қанча бақирик-чақирикларга қарамай темир қопланган эшикни қайта ёпдилар.

Аввалига қўшин жадаллик билан Хева қарвон



йўлидан юрди, сўнг ўз йўналишини ўзгартириб, узокда қорайиб ястаниб ётган тоғ этаклари томон бурилди.

Тақир ерлар отлар туёғидан ларзага келиб дупирлайди. Турна қатор бўлиб чизилиб кетган навкарларнинг найза, ойболталари қуёш нурида товланиб, узокдан қараган одамга худди пўлат қалъа силжиб кетаётгандек кўринади. Қуёш юқорига келганда кўшин тезкорлик билан юриб тоғ этакларига келди. От устида бундай йўрттириб юришга ўрганмаган бойнинг нафаси озига тикилди. Дамбадам «их» ёки «ух» дея бериб мингбошининг гашини келтираётганини пайкамай, қандай қилиб, қаерда талангани ва қароқчилар қайси йўллар билан мана шу тоғ этагига олиб келганларини кўрсатиб, гапириб келди.

- Шу ерлар эканлигига аминмисиз? - сўради мингбошини норози оҳангда, атрофдаги ҳаёт нишонаси кўринмаган тоғу тошларга шубҳаланиб қараркан.

- Бу кўзлар йўлда юравериб пишиб кетган. Худди шу ерлар. Хув анави ердан юқорига чиқиб кетгандик, - деди бой гурур билан ўнг тарафдаги тоққа ўрмалаб кетган сўқмокни кўрсатиб.

Мингбоши кўтарилишга буйруқ бергач, ҳар бир ўнбоши ўзига қарашли навкар билан тепага ўрмалаб чиқиб кетмаққа уриндилар, лекин ҳарсанг тошлар, азим дарахтлар халақит берар эди. Сарбозлар кўрғонни тезроқ забт этиб Қилич қора бойликларини талаш орзусида эдилар. Мингбоши бунга бир шарт билан рухсат берган: биронта қароқчи ҳам омон қутулиб кетмасин.

«Қилич қорани кўлга туширсам олий ҳазрат юқорироқ мансабини бериши ҳеч гап эмас. Бунинг устига ҳар бир савдогар минг тилладан берганда ҳам беш-олти хум тилла тўпланади. Ҳозир қанча мол кўлимга тушади. Эҳ-е», деб ўйлади мингбоши завк билан юқориларкан.

Бугун албатта кўлга тушади бу Қилич қора деганлари!

Лекин кўрғон деворлари кўринавермади. Умуман яқин атрофда ҳаёт нишонаси, лоақал бирон қакқайиб турган чолдевор ҳам кўринавермагач, мингбошини шубҳа ўз исканжасига олди.

«Эҳтимол бу бой бизни бутунлай бўлак, қуруқ ерга бошлаб келаётгандир. Ҳа, ҳа шунинг учун бўлса керак, ўзи ҳам борган сайин кўркувга тушмоқда. Балки жўрттага бизни тоғ ораллигига олиб кириб, Қилич қорага ем қилмоқчидир», деб ўйлади Қулмухаммадхон асабийлашиб.

Юнусбой мингбошининг тез-тез ишончсизлик билан қараётганини сезгач, кўзларини қаерга яширишни билмай қолди.

Наҳотки йўлдан адашган бўлса?

- Бизни қаерга бошлаб келаяпсиз? Қани кўрғон? - деб сўради мингбоши бирдан зарда билан отни таққа тўхтатиб.

- Яна озроқ юрайлик, олдида чиқамиз. Чамамда, хув анови тепалик кўриняпти-ку, шунинг орқасида бўлса керак-ов.

- Агар шу тепаликка етганимиздан сўнг ҳам кўрғон кўринмаса, аскарларга орқага қайтишни буюраман. Сизни эса шаҳарда сазойи этиб мол-мулкингизни мусодара қилдираман, уқдингизми?

- Таксир, минбаъд ёмон ҳаёлларга бормасинлар. Иншоолло тезда кўрғонга етурмиз, - деди ранги оқариб, озги қуруқшаган Юнусбой.

- Гапни бас қилиб, олдинда кетаётган кузатувчи соқчилар олдида етиб олинг.

- Ҳозир, ҳозир.

Юнусбой юзбошилар олдида иззат нафси ерга

урилгандан хафа бўлганча, мингбоши олдида узоклашди.

Ниҳоят узокдан қорайиб турган кўрғон девори кўриниб қолгач, навкарлар отларини жадалроқ ҳайдадилар.

Дарахт тепасига ўрнашиб олган Ҳаким атрофни кузатаётиб ногоҳ бостириб келаётган навкарларни кўриб қолдию, билинтирмай дарахтдан тушиб отга минди-да, елдек учиб кўрғонга етиб келгач:

- Душманлар! - дея ҳайқирди.

Холбуки, кўрғонда жон асари йўқдек эди...

## IX

- Саломат қайтдингларми, йигитлар! Ўх-хў, Дилмурод, овинг жойида-ку, - деди кўрғонда бошчи бўлиб қолган Абубакир узун таёқ билан гулханны титкиларкан.

- Хушидан кетган. Табиб шу ердами? Чорланг, хонага кирсин.

Дилмурод шундай дея отхона томон ҳайдади, қолган беш суворий отларини оғилхонага боғлаб, гулхан атрофига жойлашдилар.

Ҳасан Дилмуроднинг имоси билан югуриб келди-да, от тизгинидан ушлади. Дилмурод Ойсулувни кўтариб кенг, бесаранжом хонага олиб кириб ёзиқ тўшакларнинг бирига ётқизди. Кўп ўтмай соқоли кўксига тушган чол ҳар хил доривор кўкатлар солинган ҳалтасини кўтариб кириб келди.

- Бўтам, қаеринг оғрияпти?

- Мен соғман, мановинга қаранг.

Табиб чол аёл кишини, тагин ёшгина чиройли бир кизни кўриб қалавасини учини йўқотиб қўйгандек ажабланиб қолгач, ранги бўзариб, лаблари бироз кимтилган Ойсулув ёнига чўккалаб ўтириб, юзига тикилди. Кейин ҳалтасини узок титкилаб ялпиз ҳидини берувчи суюқлик солиб қўйилган шишачани олиб, кўкатлардан бирига сепиб Ойсулув бурнига яқинлаштирганди, кизнинг нафас олиши тезлашгандай бўлди.

- Бўтам, эртагача ўзига келиб қолади. Ҳозир ухлаб, ором олсин.

Дилмурод пиликнинг хира ёруғида Ойсулувга бир муддат қараб, букчайиб қолган табиб кетидан ташқарига чикқач, Ҳасанга хонани кўриқлаб туришни, бирон гап бўлса чақиринини сўраб, гулхан олдида келди.

- Қани гапир, қандай қилиб кўлга туширдинг? - сўради кизикиб Абубакир.

- Нимани гапираман? Мана, йигитлар айтиб бергандир.

- Ҳа, мунча? Қовоғинг осилиб кетяпти хурсанд бўлиш ўрнига. Тўй қачон бўлади, шундан гапир.

- Қўйсанг-чи. Ток сувидан олиб кел. Бугун бир йигитларни хурсанд қилай, - деди Дилмурод ўзидаги нохушликни тарқатиш учун.

Куз бўлгани учун атрофда этни жунжиктирадиган «ғир-ғир» шамол эсарди. Юлдузларга тўла осмоннинг ғарбий чеккасида бир митти юлдуз ялт-ялт этиб кўринди-ю, ўчди.

«Бизнинг юлдузимиз хув анови ёрқин Зухро юлдузидек порлай беради. Наҳотки орзумга етиб бахт менга ҳам қулиб боққан бўлса. Ё буларнинг ҳаммаси ширин тушмикан», деб ўйлади ичи кизиган Дилмурод.

Абубакир Қилич қора хонасига кирганда у Дилмурод билан суҳбатлашиб ўтирарди.

Қилич қора мўйловини бураб илжайди.

- Бунақа жойла ўлаётган одам ҳам оёққа туриб



кетеди. Тўйни катта қиламиз-да энди.

- Қандай бўларкин, - ўнғайсизланиб деди Дилмурод.
- Зўр бўлади!
- Тўғри.

Абубакир саломлашиб хонтахта олдиға чўккалади-да, Дилмурод узатган пиёлани кўлиға олиб, икки хўплаб бўшатгач, сўз қотди:

- Катта бир ўлжа хидини сезиб қолдим. Яқин қунда йўлдан хирож ортилган қарвон ўтади.

- Чинданми?

- Чиндан, хўжам. Фақат кўриқчилариям ўзига мос чиқар...

- Қарвонға яраша олишамиз-да! Бўпти, йигитларға айт, тайёр бўлиб туришсин. Отлар дам олдирилсин. Ҳеч қаерға чиқилмасин. Уқдинги, Абубакир?

- Мен ҳам бораманми? - деб сўради Дилмурод.

- Йўқ, сен шу ерда қолсан. Ёринг ёлғиз қолмасин-да, учиб қетиши мумкин.

- Бир гап айтмоқчи эдим, - деди-ю, Дилмурод ўйлашиб қолди.

Қиличнинг йигитига айланган қуни қанчалик узоқлашиб борса, шунчалик бундай ҳаётга: қашқирлардек чўлма-чўл, тоғма-тоғ юришга кўникиб кетолмаслигини равшанроқ сезмоқда эди Дилмурод, лекин буни Қилич қораға қандай қилиб тушунтириш мумкин? Ишинг битиб, эшагинг лойдан ўтганда бизни керагимиз йўқ экан-да, деса-чи. Бироқ нима бўлса-да, гапириб керак. Бу ёқда Ойсулув бунақа турмушта, тоғларда яшашига кўнмас.

- Қулоғим сенда. Нима айтмоқчи эдинг?

Дилмурод ерга қаради.

- Қўлларим кетмонни соғинди...

- Гапинга тушундим. Бу ер сенга ёқмай қолди шекилли?

- Йўқ, аксинча, мурувватишгиздан баҳраманд бўлиб, шу қунгача тўқ-омон яшаб келдим. Лекин кишининг фақат усти-боши буту, қорни тўқ бўлиши билан иш битмас экан.

- Ўйлаб кўраман. Афсусланиб қолмасанг бўлгани. Кетмон билан қун кўриш осон эмас. Биз камбағалларни эмас, қорни меш бойларни, савдогарларни талаймиз-ку. Майли, сафардан қайтиб келганимдан сўнг ўйлаб жавоб қайтараман. Самад бошлиқ ўттиз йигитни ташлаб кетаман. Лекин, очигини айтсам, сендан бундай гапни қутмаган эдим. Майли. Омон бўл. Кўрғонга хушёр бўл.

- Кўрғон осмонига қушни ҳам киритмасликка ҳаракат қиламан, - деди Дилмурод Қилич қора юзига қарамай.

Кетганига тўрт қун бўляптики, Қилич қорадан ҳамон дарак йўқ. Бу қунлар кўрғонда қолган навкарлар беқор ўтиришдан зерикиб ўрмон ичкарасига, довонга бориб хайвон овлаб келардилар.

Дилмурод Ойсулувни олиб келгач Қилич қора шинамгина, ўлжа моллари билан безатилган бир хонани тақдим қилди.

Ойсулув аввалига даҳшатга тушган бўлса, кейин сал ўзига келиб, айниқса Дилмуродни кўргач бироз хотиржам тортиди.

Лекин ҳар гал Дилмурод гуноҳкорларча бошини эгиб егулик олиб кирганда, қиз юзини яшириб мик этмай ўтираверарди. Хафа ҳам бўлмасинми? Сўрамай-нетмай ота-онасидан айириб, қандайдир номаълум жойга олиб келди. Онажониси ҳозир Ойсулув қизим қайда қолди, деб бўзлаб ётгандир...

Ойсулув шуларни ўйласа, гапиргиси ҳам келмасди. Аммо, шундай гаплашмай ўтира берсам жаҳли чиқиб

ташлаб кетса-я, деган фикр кўрқувга солиб қўйгач, энди кирса, албатта гаплашаман деб, аҳд қилиб ҳам кўярди.

Мана, ҳозир ҳам Дилмурод эшикни очиб, кириб келди-да, ҳол-аҳвол сўради. Ойсулув ортик чиқолмай, кўнглига йиғилиб юрган гина-қудратини тўкиб солди.

- Нега мени бу ерга олиб келдингиз? Шўрлик аямнинг аҳволи не кечдйкин? Уйимга элтиб қўйинг. Қафасга солинган қушни олиб келгандек олиб келдингиз...

Қизнинг ёноқларига думалаб тушган ёш томчилари уни гапдан тўхтатиб, юзини яширишга мажбур қилди.

- Хайрият, гапирадиган қунингиз ҳам бор экан. Юрагим қон бўлиб кетай деди-я, оғзингизни пойлай бериб. Тушунсангиз-чи, Ойсулув, мен ўзим кейин... ойим Ҳошиябибига хабар қилиб, кўнглини тинчитаман. Сизни бу тоғ-тошга олиб келганим сабаби... ўзингиз ҳам биласиз. Наҳотки сизни ўша... мингбошига узатишларига рози бўлсангиз.

- Вой ўлмасам, ростми?

- Ҳали хабардор эмасмисиз?

- Аям бу тўғрида бирон маротаба оғиз очмаган эдилар. Лекин турки совуқ мингбоши уйимизга тез-тез келиб тургувчи эди. - Ойсулув кўз ёшларини артиб, хиёл жилмайганча Дилмуродга ўтирилди. Юзининг бироз қизариши унинг ҳуснига ҳусн қўшган эди. - Бу одамлар қимлар? Сизни зиндондан хойнаҳой шулар қутқазган бўлса керак. Ўша қуни, сизни олиб кетишаётганда, бирам кўрқдимки, асти қўяверасиз... Энди... сизни кўра олмайманми деб ўйловдим...

«Орзиқиб қутганим сўзлар-ку бу», деб ўйлади Дилмурод сўнгги жумлани эшитиб.

- Мени зиндондан қутқазган ҳам, сизни бу ерга олиб келишга ёрдам берганлар ҳам шулар. Лекин буларнинг максоди, йўли бўлак. Ишонинг, мен бу йўлдан кетмайман, чунки мен бу йўлга ўз ихтиёрим билан кирган эмас эдим. Биз тез қунда биргаликда тинч ерга кетамиз... агар рози бўлсангиз.

- Ота-онамнинг ҳоли не кечади?

Шу маҳал эшик шиддат билан очилиб, ранги ўчган Самад мўраллади.

- Тинчликми? - сўради хавотирланиб Дилмурод, сўнг тезда эшикка чиқди.

- Нима бўлди?

-Навкарлар босиб келаётир!

Дилмурод хонасига қайтиб, қурол-яроғларини тақиб чиқди. Кўрғонда қолган оз сонли қароқчилар ҳам алақачон қуролланган ҳолда Самад атрофига тўпланган эдилар.


Тепаликдан навкар отликларнинг бирин-кетин тушиб келаётгани кўринди.

Дилмурод ўртага чиқди.

- Биродарлар, қандай қилиб бўлмасин кўрғонни омон сақлаб қолишимиз керак. Қилич қора шу пайтгача ҳаммамизга қийим-бош, озиқ-овқат ва қурол-яроғ берди. Энди биз ҳам хизмат қиладиган пайт келди. Қолаверса, ўзимиз учун қурашайлик, - деди Самад хаяжон билан. - Сен, Ҳасан, зуллик билан тоғ тарафдан Қилич қора изидан от сол, агар келаётган бўлса воқеадан хабардор қил! Дилмурод, сен Ойсулувни яширин хонага олиб кириб қўй. Кириш йўлларини беркитиб ташлагин. Шунинг унутмагинки, у ерда барча бойликлар яширилган.

Қолганлар эса менинг орқамдан ҳужумга!

Аввалига оз сонли ҳаммасликларига эга бўлган Қилич қора шаҳарга яқин қамишзор ичида бекиниб



юрган бўлса, кейинчалик, йигитлари кўпайгач, мустаҳкам бир кўналга кераклигини сезди ва мана шу ҳозирги яшаб турган жойини танилади.

Агар қамишзорда яшаб юрганда тез-тез тўсатдан бостириб келиб қоладиган мингбоши навкарларига тўқнаш келавериб кўпгина йигитларидан ажралган бўлса, бу ер ҳақиқий кўрғонга айлиниб, сарбозлар нигоҳидан четда қолаверди.

Қилич қора-йигитлари ёрдамида кенг тош ёрларини турар жойга айлантириб, буларга тугашган кўшимча уй, отхона ҳамда бостирмалар қуриб, атрофини гов билан ўраб олди.

Қилич қора бир кун табиий ёрлардан бирини охиригача текширмоққа жазм қилиб, энсиз тешикка дуч келиб қолгач, орқасига қайтиб кўя қолмоқчи бўлди, сўнг кизиқиб қўлидаги болта билан тошларни кўпориб, тешикни кенгайтirdи-да, юришда давом этди. Ёр шини кўп ўтмай кенгайиб, каттагина гумбазсимон хонага айланди. Бундан бу ёғига йўл йўқ эди.

- Қўлга туширилган ўлжаларни сақлайдиган зап жой эканми, - деди ёнаётган тараща кўтариб келаётган Абубакир.

- Боп жой.

Шундан кейин табиатнинг ўзи холисона яратган оморхонада қимматбаҳо ўлжалар сақланадиган бўлди. Дилмурод Ойсулувни худди шу ерга олиб кирди. Унинг қўлидаги шам атрофни базўр ёритарди.

- Шу ерда кўркмай ўтира беринг. Анови бурчақдаги хумда сув бор. Ҳавотир олманг, тезда ўзим келиб, олиб чикиб кетаман.

Дилмурод кириш йўлларини пухта бекитиб, ҳовлига қайтиб чиққанда беш-олти йигити мингбошининг беҳад кўп сонли навкарлари билан шиддатли жанг олиб борар эди.

Дилмурод қиличини яланғочлаб сарбозлар устига жон-жаҳди билан ташланди. Худди шу маҳал бир серсоқол, баҳайбат сарбоз-Самадга найза санчди. Чўккалаб тушган Самад ўрнидан турмоқ ниятида ўнг қўлига тиралиб, қаддини кўтарди-ю, аммо мажоли етмасдан қайта йиқилди.

Қуршовда қолган қароқчилар мўр-малахдай босиб келаётган сарбозларга зўр бериб қаршилиқ кўрсатсалар-да, вазият борган сайин оғирлашар ва улар қилич, найза зарбидан бирин-кетин ҳалок бўлардилар.

Ўзига сарбозларни яқинлаштирмай, ўнгу сўлга қилич солаётган Дилмуродни навкарлардан бири сиртмоқли арқон отиб ерга қулатди.

Қулмуҳаммадхон ёнида гердайиб турган Юнусбой:

- Ҳа, баччағар, қўлга тушингми! - деб қийқириб юборди.

Бошқа биронта тирик қароқчи қолмагач, мингбоши кўрғонни талашга рухсат берди. Сарбозлар оч бўрилардек тўзгив кетдилар.

Икки навкар Дилмуроднинг қўлини орқасига боғлаб, мингбоши олдига олиб келдилар.

Мингбоши сўроқни бошлади.

- Муттаҳам жосус, қўлга тушинг-ку ахир. Қани, гапир, Қилич қора қаёққа қочди? Бор лашқаринг шуми ё яна борми?

Дилмурод мингбошига тик бокди.

- Билмайман.

- Билмайсанми?

Мингбоши бутун кучи билан Дилмуродни юз-кўзи аралаш қамчи солиб юборди. Шу захоти Дилмуроднинг чап бети қон талашиб, қавариб чиқди.

- Ойсулувни қаерга яширдинг!

- Билмайман.

- Ёлғон, қизимни олиб қочган сенсан, сен! - деди Юнусбой тутоқиб Дилмуродни тепаркан.

Навкарлар кўзлари ғазабга тўлган асирни судраб кетдилар.

- Қизингиз ҳеч қаерга кетиб қолмайди. Агар ҳақиқатдан ҳам Дилмурод ўғирлаб шу ерга олиб келган бўлса, Ёвингизга бир навкар олиб бу ернинг паст-баландини кўринг, - деди мингбоши ҳарсиллаб қолган бойга.

Бу маҳалда хоналардан навкарларнинг баъзилари иршайиб, қўлларида ҳар хил буюмлар, латта-лутталар кўтариб, баъзилари эса ўзларига ҳеч нима тегмай қолгани учун қуқурук ҳолда ўшшайиб чиқмоқда эдилар.

Юнусбой ҳар бир хонани кўриб чиқаётганда уларнинг бирида Ойсулув шошилинчда қолдириб кетган рўмолини топиб олди.

- Ойсулув қизим, қаердасан? - деб қичқиришга тушди бой, лекин Ойсулувнинг овози эшитилмади.

Отхона, пичанхоналарни кидириш ҳам бефойда бўлди.

- Топилмадимми? - сўради мингбоши Юнусбой олдига ёлғиз қайтиб келаётганини кўратуриб.

«Шаҳарга бораёй, ўша ерда мартабангни пасайтириб, расво қиламан. Бузуқи қизингни Дилмурод Қилич қора кўйнига солиб қўйганини шаҳардаёқ пайқаган эдим. Ҳа, шунинг эвазига Дилмурод бу ердан паноҳ топган», деб ўйлади мингбоши захарҳанда илжайиб.

- Хоналарнинг биридан қизимнинг рўмолини топиб олдим. Демак, ўлдиришган, - деди кўзига ёш олиб Юнусбой.

- Э, нафасингизни иссиқ қилинг. Балки Қилич қора олиб, қочгандир. Биз энди зудлик билан орқага қайтишимиз керак. Бу кўрғонга эса ўт қўйилади!

Юзбошилар бу фикрни маъқуллашди. Бир нечта қароқчининг қалласи халққа кўрсатиш учун қопга солинди.

Кўрғон аланга ичида қолганда кўшин йўлга тушди.

Юнусбой тушқун қайфиятда от устида чайқалиб борарди. Жудолликни англаш, оталик ҳис-туйғулари унинг қалбини кемираётган эди...

Дилмурод чиқиб кетгач, хонадаги жимжитликдан Ойсулув ваҳимага тушди. Ўзини бардамроқ ҳис қилиш мақсадида билган ашулалардан айтиб ҳам кўрди. Бироқ бу қилиғи ўзига қулғули туюлди.

Қиз атрофга боқиб шам нурида ғира-шира кўринаётган катта-кичик сандиқларни, ўртадаги гиламда аралаш-қуралаш бўлиб ётган буюмларни томоша қилди. Афтидан, булар ҳали саранжомланмаган эди.

Қизнинг назарида иссиғи чиқаётгандек бўлди ва боя Дилмурод кўрсатиб кетган қоронғу бурчаққа кўрқа-писа бориб, хумдаги муздек сувдан ичганди, тишлари қамашиб кетди.

Шу дам кимдир қичқиргандай бўлди «Ойсулув-в» деб.

«Худди отамнинг овозига ўхшайди-я», деб ўйлаган қиз диққат билан қулоқ солди, лекин бошқа қорлов эшитилмади. «Менга шундай туюлгандир. Отам бу ерда нима қиладилар», - деб ўйлади у.

Шам хира нур таратиб, аста-секин липиллади ва «пўп» этиб ўчди. Хонани зимистон чулғаб олди. Кўрқувга тушган қиз эшик томон юрди, лекин унинг қай тарафдалигини унутиб, доврираб қолди. Кўрқув ҳисси юракка ваҳм солди. Қиз ёд билган бир неча дуони айтди, лекин бу ҳам тасалли бермади. Энди

ўзини тамоман йўқотганча, хона ичида тўғри келган томонга юраётиб нимагадир қоқилиб кетди ва «А-а-а!» деб қичқирганча тошга пешонаси билан кулаб тушди.

Ойсулук хушидан кетган эди.

Отхонадан отини олиб чиққан Ҳасан яқинлашиб келаётган кўп сарбозларни кўриб, агар зудлик билан Қилични бошлаб келмаса, кўрғонни химоя қилишга қолаётган йигитларнинг ҳаммаси ҳалок бўлишини англади.

- Чух, жонивор!

Саман от ҳам хавфни сезгандек тоғ сўқмоқлари бўйлаб елиб кетди.

Бу маҳал қуёш уфқ томонга борган сайин оғиб, тоғ этакларидаги дарахтларнинг учларинигина сўнгги заррин нурлар билан чулғаган эди.

Туёқлари тошларга «тақа-тақ», тақа-тақ» урилаётган от елиб кетаётса-да, Ҳасаннинг назарида жонивор имиллаётгандек туйилиб, устма-уст қамчи босарди.

Тезда оқ кўпикка ботган аргумоқ Ҳасанни яланғоч тепаликка олиб чиқди. У чўлга синчиклаб қараб олисда келаётган отликлар издохомини кўраркан, қиличига салласини бойлаб, боши узра тез-тез силкита бошлади.

Қилич қора йигитлари бу белгини пайқашди чоғи, улардан иккитаси шу томонга от қўйишди.

Катта ўлжани қўлга киритгани боис қайфияти баланд Қилич қора яна қўлини мўйловига югуртди, якка кўзи эса қонга тўла борди.

Сабри чидамаган Қилич қора отига қамчи босиб йигитлар ортидан от сурди. Қилич қорани кўрган Ҳасан олисдан қўлини оғзига қўвача қилиб қичқирди:

- Кўрғонга мингбоши сарбозлари бостириб келди!

Ғазабдан Қилич қоранинг мўйловлари тиккайиб кетди.

- Ҳали шундайми?

Қилич қора ғазабдан отига устма-уст қамчи уриб юборганини пайқамай қолди. От суриб кетди. Сержун бақувват қўл жиловни маҳкам тортган бўлса-да, от типирчилаб кишнаганча олдинги икки оёқларини беш-олти маротаба кўтариб ташлади.

Узангига оёғини тираб қадини ростлаган Қилич қора йигитлари яқин келишини кутиб турди-да, сўнг гулдиреган оҳанга деди:

- Нихоят мингбоши билан учрашадиган кун ҳам келибди. Бугун унинг калласини қонга ботирамыз! Биз уларни тоғ этагида кутиб олиб, арпадек ўриб ташлаймиз. Қондошларимизнинг ўзини оламиз. Сен, Ҳасан, ўлжаларни беш йигит билан кўриқлаб, тоққа кўтарилавер. Кўрғонда учрашамиз. Қолганлар кетимдан!

Ғалаба завқидан маст сарбозларнинг олдинги қисми тоғдан тушганлари заҳоти кутилмаганда Қилич қора йигитларига тўқнаш келиб эсанкираб қолдилар.

«Агар барча навқарлар пастликка тушиб олгандаку-я, эҳтимол бу якка кўзни ҳам қўлга тушириш мумкин бўлармиди», деб ўйлади мингбоши алам билан. Бироқ сарбозларни бир ерга тўплашга уриниш беҳуда эди.

Қароқчилар шиддат билан ҳужумга ўтишди.

Сарбозларнинг кўплари саҳро томон от қўйиб қочиб қолишга тушганини кўргач, ўз жонини қутқазиб қолиш зарурлигини, аке холда бекор нобуд бўлишини англаган бой ҳам ҳеч кимга қарамай қочқинлар кетидан от қўйди. Лекин қароқчилардан бири Юнусбойнинг тағидаги туркман отига қизикиб, бир пасда қувиб етди-да, калласига қилич солди.

Дилмуродни ўнғариб олган Холмат эҳтиёткор мингбоши кетидан секингина бир ўнгирга туша бошлади. Қўл-оёғи, кўзи боғлиқ Дилмурод Қилич қора ҳужум

қилганини пайқайди ва бор кучини тўплаб:

- Мен бу ерданман, Қилич! - дея олди.

Холмат қамчи дастаси билан унинг бошига туширди. Таниш овозни эшитиб қолган Қилич қора Қулмуҳаммадхон кетидан қувишни ҳам унутиб, беш йигити билан Холмат изидан тушди.

Ораликдаги масофа борган сари қисқариб бормоқда эди. Дилмуроддан ажралиш мингбоши марҳаматидан маҳрум бўлишларини тушуниб турган Холмат аламиндан тишларини ғижирлатганча, пичоғини қинидан сугурди-да, Дилмуроднинг биқинига бир урдию, отидан тушириб юборди.

Оғир юқдан ҳалос бўлган от олдинга елиб кетди.

Қилич қора етиб келганда қумда гужанак ҳолида ётган Дилмуроднинг биқинидан қон сизиб, оқ яқтагини кип-қизартириб юборганди.

Қилич қора дарҳол қийиқчасини ечиб жароҳатни боғлади.

Жароҳат у даражада хавфли эмас эди, афтидан хаяжонда бўлган Холмат пичоқни мўлжалга аниқ уролмаганди.

Қилич қора бугунча кўрғонга кўтарилмай, тоғ ён бағрида туниб қолишга қарор қилди.

Беш-олти ерга гулхан ёқиб, бугунги машаққатли кун тўғрисида, мингбошини бу жойларга қим олиб келган бўлиши мумкинлиги ҳақида узоқ тортиндилар.

Дилмуроднинг ярасига наमतни қуйдириб, қулини босишганди, қон дарҳол тўхтади. Кечки изғирин маҳал у ўзига келиб бир маротабагина «Ойсулук холи нима кечди...» - дедию, яна ҳушини йўқотди.

Эрта тонгда иситмаси пасайиб, ҳушига келган Дилмурод қаршисида турган Қилич қорани кўрди.

- Қалай, оғриқ босилдимиз? - дея меҳрибонлик билан сўради Қилич қора.

Дилмурод дадил гапиришга уринди:

- Ҳа, босилиб қолди. Ойсулукга нима бўлди экан?

- У қаерда? Олиб кетишдимиз?

- Йўқ, яширин хонага обкириб қўйгандим. Лекин Самад ҳалок бўлди-да...

- Ҳа, кўп йигитимдан жудо бўлдим. Ҳар бири лочиндек эди... Ойсулук тўғрисида эса ҳам эмасанг ҳам бўлади, у ерга ҳеч ким киролмайди. Ҳозир кўтариламыз.

Кечаси жангда ҳалок бўлганларни бир ерга тўплашгаётган маҳал Қилич қора ўлиқлар ичида Юнусбойнинг жасадини кўриб ҳайрон қолди.

- Ҳа, энди билдим бу ерга навқарларни қим бошлаб келганини. Мана шу лаънати Юнусбой сабабли шунча одам ўлган. Ўз ажалини ҳам шу ерда топибди. Йигитлар, буни бир қирчанги отга боғлаб чўлга ҳайдаб юборинг. Кўзи бойликка тўймаганди, энди қумга тўлсин!

Қари отга жасадни боғлаганларида, у ор қилгандай аввалига бир ерда қимирламай тураверди. Икки-уч қамчидан сўнггина саҳро томон аста-секин юриб кетди.

Бутунлай хонавайрон қилиниб, ёндириб юборилган кўрғонни узоқдан кўриб таниёлмай қолдилар.

Кеча қарвон билан келган Ҳасан бошлик қароқчилар ўлиқларни яқин орага қўймоқда эдилар.


- Ойсулукга нима бўлдикин? - дея Дилмурод оғриққа қарамай замбилдан тушди-ю, Ҳасанни ёнига олиб гор оғзига келди.

Ҳасан қўлидаги болта билан тошларни ағанатгач, Дилмурод дим бўлиб қолган йўлакдан ўтиб, омборхонага кирди.

- Ойсулук!

Қоронғи хонадан садо чиқмади.





- Дилмурод ака, бу ёққа қаранг, - деб юборди бир пайт Хасан маъшалани баланд кўтариб ерда ҳушеиз ётган Ойсулувни кўрсатаркан.

Дилмурод Ойсулув боши томонига тиз чўкиб юзига қаради-ю, нафас олаётганини пайкаб, киз фақат ҳушдан кетганини англади.

- Хайрият, Ойсулув, тирик экансан!..

Ойсулув сезканиб кўзини очди.

- Дилмурод ака!..

## Х

- Турмушимиз осон ўтмаётган бўлса-да, мен бахтиёр эдим. Суюкли хотиним Муниса ҳамда Рустам ўғлим бор эди.

Кишлоғимизда Темирбек деган киши бўлиб, қатга ер-сувга эга эди. Бирон одам йўқ эдики, ундан қарздор бўлмаган, - дея Қилич қора гапидан тўхтади-да, кўвачадан май куйиб сипқарди. Юзлари кизғиш тус олиб, кўзлари чакнай бошлаган Қилич қора мўйловини бураб кўяркан, ҳикоясини давом эттирди. - Мана шу аблах Мунисамга кўз олдайтириб юрган-у, қайнотам рози бўлмаган экан. Бизнинг тўйимиз бўлиб ўтгач, Темирбек қарз бадалига деб, қайнотамнинг ер-сувини тортиб олди.

Лекин бу билан тинчимди. Бир куни мени кўшни кишлоққа ишга юборди. Кишлоқ олисда бўлиб, тоғ оралиғида жойлашган эди. Куёш ботганда етиб бордим. Темирбек тайинлаган бой ҳовлисига етиб қолмадим-да, керакли нарсаларни олиб орқага қайтдим.

Негадир кишлоғимизга яқинлашганимда юрагим ғаш тортиди. Шундай бўлса-да, аввал тайинланган нарсаларни Темирбекка топшириб, сўнг уйга ўтмоқчи бўлдим.

Қилич қора май тўла пиёлани қўлига олиб бир зум ушлаб турди-ю, кейин ташна одамдек устма-уст куйиб ичди.

- Темирбек ҳовлисига кирдим, тахта бўлиб қолдим. Ичкари уйдан Мунисамнинг дод-фарёди эшитиларди.

Шундагина Темирбек мени нега кишлоқдан жўнатиб юборганини тушундим...

Отдан тушиб, ўтинхона олдида ётган болтани оласола уйга бостириб кириб, қандай қилиб Темирбекни қиймалаб ташлаганимни ўзим ҳам билмай қолдим. Қарасам, ясатиллик хона ўртасида Мунисам юз тубан ётар, олдида эса эндигина бир ёшга тўлган Рустамжонининг жонсиз гавдаси...

Кейин билсам... Мунисам «Лоақал ўғлим ҳурмати учун мени булғам», деганда Темирбек... Рустамни... чавақлаб ташлаган экан...

Бу воқеадан сўнг Мунисам адои томом бўлди. Мен қамишзорда яшириниб юрдим.

Бир куни қаттиқ тепкидан уйғониб кетдим. Атрофимни сарбозлар ўраб олганди. Навкарларни Темирбекнинг саройда хизмат қилаётган ўғли Султонбек бошлаб келибди.

Ўша кунгек Султонбек Мунисамни хон саройига чўри сифатида топширди.

Бахтимга зиндонда узоқ ётмадим. Зиндонга йўлтўсар Носир ҳам тушиб қолди. Биргаллашиб тезда қочиб қутилдик.

Мен аввал кишлоққа бориб Темирбекнинг мол-мулкига ўт кўйдим, кейин тоққа чиқиб кетдим.

Мунисамни кўп суриштирдим, аммо ахири эшитсам... ўз жонига қасд қилибди...

Ўч олиш учун Султонбекнинг йўлини кўп пойладим, лекин у ҳар гал тутқич бермасди. Кейин эса ер ютгандай ғойиб бўлди-қолди. Ушанда Юнусбойнинг ўлдирмаганимнинг сабаби, ундан Султонбек ҳақида сўраб-суриштироқчи эдим.

Бу таъвишлар бошимга тушгач бутунлай ўзгардим. Хатто отим ҳам ўзгариб кетди. Асли отим Абдурахмон эди.

Қилич қора гапидан тўхтаб «ана шунақа» дегандай қалласини ликиллатди. Сўнг:

- Агар уддалаб Султонбекни тирик ушлаб келсанг, тўрт томонинг очик. Келтирмасанг - кетишни хаёлингга келтирмай, қўл остимда хизмат қила бер, - деб қўшиб қўйди.

- Ер тагидан бўлса ҳам топиб келаман, - деди Дилмурод бир дақиқа ҳам уйлаб ўтирмай.

- Қани бўлмаса, ичайлик. Э, бу дунёи кўтирларини... Улар узоқ вақтгача майхўрлик қилишди.

## ХОТИМА

Тонг палласида Урганч атрофидаги кишлоқлардан бирига ўт-ўланлар қовжираб қолган қирлар оша кўккон арава кириб келди.

Аравани ҳайдаб келаётган ўрта яшар йигит отга онда-сонда отга қамчи уриб кўяркан, орқасига ўгирилиб, соябон ичида ўтирган икки кишига ҳам кўз ташлаб кўярди. Буларнинг бири кизил духоба паранжи чачвон ёпиб олган аёл, иккинчиси эса етмиш ёшлардаги мўйсафид эди. Мўйсафид ҳаяжон билан бир воқеани ҳикоя қилиб берарди:

- ...Шундай қилиб, авжи наврўз, жума бозор куни эди. Бир пайт одамлар зиндон майдонига югуриб қолдилар. Билсам, қароқчи Қилич қора йигитлари билан жазоланаяпти экан...

Аравақаш йигитнинг туси ўзгарди.

- ...Ҳамма қатори, болам, мен ҳам жазо майдонига бордим. Сарбозлар атрофни ҳалқадек ўраб олганди. Ниҳоят ҳалойик тўпланиб бўлгач, Қилич қора яқинларининг ҳам, бошқаларининг ҳам боши биттама-битта танидан жудо қилинди...

Йигит отга жаҳл қилибми, қамчи урди, арава тарақлаб, сал тезроқ юриб кетди.

- ...Билганим шу бўлдики, бир марта сичконнинг иини минг танга қилгани учун алами ичида юрган мингбоши Қулмуҳаммадхон хондан кўп навкар сўраб олибди-да, қароқчиларни таппа босибди.

Қилич қорани ушлашга ушлашибди-ю, лекин мингбошининг ўзи жангда ўлибди. Сичконнинг ўлгиси келса мушук билан ўйнашади деганлари шу-да. Аммо сен Қилич қора билан вақтида хайрлашиб кетган экансан. Бўлмаса, худо кўрсатмасин, сени ҳам қатл қилишган бўларди.

- Э, нимасини айтасиз, Жаъфарали ота. Мард йигит эди бу Қилич қора. Султонбекни тириклайин олиб келганимдан сўнг сўзида туриб, менга жавоб берди.

- Султонбек қаерда экан?

- Бухоро хонлигида ўзига ковак топган экан. Бир куни хон саройидан ширакайф ҳолда чиқиб, уйига қайтаётганда қўлга туширдим.

Қилич қора билан хайрлашганимизда йўқ деганимга қарамай анча-мунча бойлик берганди, жуда асқотди бу ерда. Ер-сув олиб, ҳовли-жой қурдик. Хув анови икки туп садақайрағочни кўраёписими, ҳовли ўша ерда.

Хойнаҳой, Ойсулув ҳозир Азаматнинг бешиги олдида ўтириб олиб, тикиш тикаётгандир. Ҳошиябиби ая, сиз ҳозир тўсатдан кириб борсангиз, билмадим, суёнганидан қай аҳволга тушаркан.

- Хай айланай, ўзимни айтинг, ўзимни... Ахир кизгинамни кўрмаганимга бир йилдан ошди-я...

Кўккон арава янгигина паҳса девор урилган ҳовли дарвозаси олдида келиб тўхтади...

## МУАЛЛИФ ҲАҚИДА:

Анвар Собиржон ўгли (МАДРАҲИМОВ) 1948 йили Тошкент шаҳрида туғилган. ТошДУ журналистика факультетини тугаллаган. Айни кунларда «Чўлпон» нашриётида хизмат қилади.

«Нон», «Тулқининг гаройиб саргузаштлари», «Кўкчаллик боланинг жумбоқлари» каби китоблари чоп этилган.

Хосият РУСТАМОВА



# ЮРАГИМДА ЎСТАН НИЛУФАР ГУЛИМ

Тун чекинар.

Соат тунги бир,  
 Уйқусини ўчирар чироқ,  
 Кўнглим ҳануз безовтадир,  
 Сенга бир гап бўлдим, Қишлоқ?!

Ваҳималар кирар бостириб,  
 Таъқиб қилар аёвсиз хона.  
 Қўрқиб кетаётирман,  
 кўрқиб...

Сизга бир гап бўлдим, ОНА?

Сезётгандек кўнглим ненидир,  
 Типирчилар юрак безовта.  
 Балки ҳаводандир...  
 билмадим...

Сизга бир гап бўлдим, ОТА?

Тонг ёруғлик бахш этмаётир,  
 Қоронгулик чўккан кўнглимга  
 Бир дам кўзимдан кетмётир -  
 Нима бўлди бугун синглимга?

Ўй йил ахир айтишга осон,  
 Она, сиздан кетдим узоққа.  
 Бугун кетсам йиғлайди Осмон,  
 Кетиб бўлмас энди қишлоққа.

Болалигим ортимдан қараб,  
 Қўчаларда қолди мунғайиб.  
 Ўша йили туғилган бола,  
 Қолгандиров анча улғайиб...

Олиб кетган эди темир йўл,  
 Ойдин кеча,

Ойдин тунларда.  
 Ўн йил бўлди.

Наҳот ўнта гул,  
 Қолиб кетди темир йўлларда?..  
 Тун чекинар. Соат тунги бир,  
 Уйқусини ўчирар чироқ,  
 Кўнглим ҳануз безовтадир,  
 Сенга бир гап бўлдим, қишлоқ?!..

Сиз гулсиз...

Жудаям чиройли гулсиз,  
 На боғу-у,

на дала,  
 адр топмаган.

Сиз гулсиз...

жудаям чиройли гулсиз,  
 Бирорта бармоқда қадр топмаган.

Кўзларинг қувонар, кўркам-у нега,  
 Шунчалар авайлар битта жонини.  
 Гул бўлиб безатиб туролмас, ёраб,  
 Бирорта ўзбекнинг хонадонини...

Кўчаларга Сизни ишонгим келмас,  
 Асрагим келади чанг, губорлардан.  
 Беаёв тақдирнинг чангаллари маст,  
 Омон қолсангиз бас қишда қорлардан.  
 Мен Сизни уйимда иситолмадим,  
 Кўнглимда турибсиз...

Ўшал бежирим.

Лекин ҳали ҳануз унутолмадим,  
 Юрагимда ўсган Нилуфаргулим.

## ЎЗИМГА

Кеча ойдин эди.

Кўча ёп-ёруғ,  
 Мағрур боқиб турар ҳилол Самодан:  
 Сиз кетар йўлларга хазонлар тўлуғ,  
 Сиз келар кўчалар камми, Дунёда.

Ҳали мудраётган тонгача узоқ,  
 Бекагда ҳеч ким йўқ.

Туришинг бекор,  
 Автобусни кутган йўловчилардек,  
 Дарахтлар тизилиб туришар қатор.  
 Менга шу лаҳзада нимадир таниш,  
 Нимадир кунгилга солар ҳаяжон.  
 Бу гўзал кузақда шеър бўлиб ўлиш,  
 энг гўзал ўлимга ўхшар, Онажон.  
 Шукрим, меҳрибон йўлдош бергансан,  
 Дилимга энг тоза дилдош бергансан.  
 Ўзгамас...

Ўзимга отишим учун,  
 Қўлимга энг улкан бир тош бергансан.  
 Мен ҳам келаётган ўққа нишонман.  
 Кимнинг иқболи бор, йўққа нишонман,  
 Эртага ўзимга отишларичун,  
 Йўлидан тош териб юрган инсонман.  
 Кеча ойдин эди. Кўча ёп-ёруғ,  
 Мағрур боқиб турар ҳилол самодан.  
 Сиз кетар йўлларга хазонлар тулуғ,  
 Сиз келар кўчалар камми, Дунёда?!

...

Дарахтларни алами келиб,  
 Кўтаради тўс-тўполон.  
 Тун ичидан бу ҳолни кўриб,  
 Ва тонгача йиғлайди осмон.  
 Уф, тортади шамол газабнок,  
 Қўшилмайди ҳар-хил гурунга.  
 Тунни кутмас, осмон тонгданок  
 Кўз ёшини тўкар шудрингга...  
 Ҳар тонг гуллар очилиб қолар,  
 Баҳор тунга қилади таъзим.  
 Фақат дарахт йиғлаб чанг солар,  
 Ва новдада бошлайди базм.  
 Оппоқ ҳилол ойдин тундаги,  
 Оқ гулларга теккизганда лаб.  
 Не бўлса ҳам майса тундаги  
 Сирни айтиб қўяр шивирлаб...

Нуриддин ИСМОИЛОВ

# ГУЛЛАР, ГЎЗАЛ ГУЛЛАР...

**Диқон**

Хамёни пуч талабасиз, бунинг устига кўнгила бир хуриликко сиймоси. Остонада эса байрам эшик қоқиб турибди. Савол ҳам азалий: «Нима қилмоқ керак?»

Қарз ол, дейсизми? Кимлан? Талаба зоти борки, бир-биридан қарздор. Айниқса, байрам олдилан қайси аҳмоқ сизга қарз бераман деб пулини тайёрлаб турибди?!

Шундай пайтлари «янги ўзбек»ларга жула ҳавасим келади. Тўғри-да, кетворган қиз билан ресторанларнинг «дола»сила, сигаретанинг энг қимматини лабга қистириб олганча мен мазасини умримда татиб кўрмаган ё спиртли ёки спиртсиз суюқликларни ярақлаган қалаҳларла хўлаб ўтиришнинг ўзи бир жаннат эмасми.

Хуллас, ошиқман, севган қизимга ҳеч бўлмаганда бир дона гул совға қилишим керак.

Ётоқда шифтга қараб хаёл суриб ётавериш жонимга тегди. Излаганимни кўчалан тошиб оладигандек, кийиндим ташқарига чиқдим. Хаёлимга ҳали бир ҳафта бор-ку, худо бир жойдан бериб қолар деган фикр ярқ этиб келди-ю, сал енгил тортгандай бўлдим. Лекин, аминманки, бу туришимда пул бирон жойдан ўз оёғи билан келиб қолмайди.

Талабалар шаҳарчасида ўзи кичкинагина, лекин нарх-навоси сўдоқмондай бозорча бор. Бизнинг бошимиз шу тарафга оғиб кетди.

Бозорга етмасдан, йўлакчанинг ёнгинасида гул бозори бор. Сотувчи аёллар ёнидаги дўмбюкқина, лекин чиройли гуллар қошла беўхшовгина бўлиб турган сотувчи бола олдига бориб, вазиятни тушунтирсамникин деб ўйладим. Лекин унга қараб туриб, мени англашини худо билади деган фикрга келдим. Ногоҳ аёллардан орқароқда йиманибгина турган қизга кўзим тушди-ю, таваккал дея шу томонга юрдим.

- Яхшимисиз, - дедим қизнинг ёнига келиб худди эски танишлардай гапирингга уринганча.

- Ассалом, - жавоб қайтарди қиз.

- Сиз мени танидингизми?

- Йўқ, - хайрон бўлди қиз.

- Наҳотки танимаган бўлсангиз?

Қиз елка қисиб кўйди.

- Мен сиздан ўтган ҳафта гул олгандим, эсломайсизми? - деб ёлғон гапирдим унга. - Ўша гуллар худди манави ёнингизлагилар

ҳали ҳам очилиб турибди.

- Сулиб қолмадимми? - хавотирланиб суралди у.

- Бирдан жон ҳам ато этган экансиз...

- Унда ёнига яна қўшинг. Жон ато эгаман.

- Сўзингиздан қайтмайсизми? Гулни жон билан берасизми?

Қиз кинрикларини иририратиб бир зум ўйланиб қолди. Сўнг:

- Жон қиммат туралди, - деди ҳазил аралаш.

- Битта умр еталими?

- Агар «насия» бўлмаса...

- Унда бердим.

- Булдимми?

- Яна қўшайми?

- Катта нарса гувоҳлар орқали берилади-ку.

- Унда ҳамқасбларингизни гувоҳликка чақирамиз.

- Уларнинг гувоҳлиги ўтмайди.

- Нега?

- Гувоҳлар махсус сиз томондан, кейин мен томондан бўлиши керак.

- Унда оламларингизни тайёрланг, бизникилар бир неча «нортуя»ларла йўлга чиқалди.

- Шошилманг, аввал уларни «олчиликка» кўндирмайсизми?

- Кўндиришдан осони йўқ. Уларнинг ўзи тезроқ элчиликка борайлик, деб мени хол-жонимга қўйишмаяпти.

- Унда ўзимизникиларни кўндиришга мента фурсат керак.

- Қанча?

- Бори-йўғи бир йил.

- Ни-ма!?

Қизнинг табассумига ширингина кулги ҳам қўшилди:

- Қамми? - дея жавоб қайтарди.

- Унда мен чўлу биёбонга кетдим!

- У ёқда нима қиласиз?

- Мажнунсифат юришим керакми, ахир!?

- Унда манави гуллардан олиб кетинг.

- Нега?

- Эслаб юрасиз.

- Куйган жонимни багтар куйлирибми?

- Унда ўзингиз биласиз.

- Олиб кетаман, фақат жонингизни кўшиб берсангиз.

- Унда кутасиз.



- Бир хафта еталими?
- Қўраминг.
- Бўлмаса сизга бир хафта муҳлат. Хўпми?

Қиз инлаамали. Демак, розилик белгиси. Мен хайрлашиб, унинг ёнидан узоқлашдим. Қизик, Гулнозани кўндириб олишга бир йилдан кўпроқ вақт кетганли. Бу қиз дарров рози бўлиб қўяқолдими? Йўқ, бўлиши мумкинмас. Биз хазиллашдик, холос.

Эртасига дарслан қайтаётганимда яна ўша қиз ёнига бордим. Яна шундай хазил-хузил. Кейин яна бордим. Оралам уч-тўрт кун ўтиб эса ўзимнинг у қизга ўрганиб қолаётганимни сеза бошладим. Аксига олиб, чўнтакка ҳеч қаердан пул келиб тушмаяпти. Агар пулим бўлганида, балки, бормасмидим. Янаям ким билди дейсиз.

Байрам куни тонгланок қиз ёнига бордим-да:

- Вақт тугади, - дедим.
- Яна бироз кўшмайсизми? - деб сўралади у.
- Шунчасига базўр чилладим.
- Очигини айтай сизга. Агар гапларингиз чин бўлса, мен билмайман. Уйлагиларда ихтиёрим. Менга қолса...

- Унда гулларга жон ато этиб беринг!

У чиройли гул дасталаридан бирини юзлари кизариб, ҳаяжонланиб узатди.

- Қанча турали? - дедим ишқилиб, пулини айтмасин-да, деган хавотирда.

- Жон ато этилгани текин, - деди у кўзларини бир менга, бир ерга тиқиб.

Назаримда, у менга ишонгайдай эди. Мен эса гулни ундирини максалида ҳар хил чучмал

гапларни тапираётганимга бир ачинсам, бу ёлғонларга қизнинг чиппа-чин ишониб қолаётганига икки ачиниб кетдим. Лекин сир бой бермасликка ҳаракат қилиб, ёнидаги гуллардан бир дастасини олдим-да:

- Байрам билан табриқлайман, - дея қизга тутдим.

У кулимдан гулни оларкан, кулимсирали ва майин овозда:

- Раҳмат, - деди.

Биз бир фурсат жим қолдик. Кейин мен хайр-маъзурни қуюқ қила бошладим.

Қиз бўлса хавотирланиб:


- Кетасизми? - деб сўралади.

- Ҳозирча. Лекин тезла қайтиб келаман. Аввал манави гулларни аввалгиларининг ёнига қўшамам, кейин озгина ишим бор, ушани битириб келаман. Хўпми? Кутасиз-а?

Қиз ийманиб ерга қарали. Лекин ҳеч бир сўз айтмади. Мен у берган гулларни бағримга востанча бошқа ГУЛ ёнига қанот қолдим. Бироз юргач ортимга қарадим. Тахмин қилганимдай, ҳамроҳлари қаторидан олдинроқка чиққан гулчи қиз ортимдан термулиб турарди. Шошиб кўзларимни олиб қочдим.

*Муаллиф хақиқи: Нуриддин ИСМОИЛОВ  
1969 йили Самарқанд вилоятининг Иштихон туманидаги Азизбегов қишлоғида туғилган.  
ТошДУ журналистика факультетини  
битирган. Айни кўндарда «Дурият»  
газетасида ишлайди.  
«Ёшлар»да илк бор чиқиши.*





Отабек РУСТАМ



Самодаги тилим ой каби  
Юрагимни илдим сатрга.  
Қалбда ўкинч ортгани сари  
Дилим толди, куздай қадрга.

Хасталикнинг сокин тунлари  
Сабрим мени тарк этар кундай.  
Лек, армоннинг титроқ кўлларин  
Соғинч кучар, рухни тўккудай.

## ИҚРОП

Булбул эдим, сайратмасдан бўғдилар  
Хониш қарғаларга лозим экан.  
Иблис кулар; лаънатилар туғдилар...  
Ая, дайри фано зolim экан...

Ошиқ ўтдим, маъшукландим кимгадир  
Гулим тутдим, аталганди кимгадир  
Ғофил қолдим, алдангандим кимгадир,  
Ая, дайри фано хоин экан...

Тиладик беҳиштлар бўлсин ошиён,  
Билмадик, шайтон-ла тотдик ошу нон  
Кўр бўлдик, умр зойе гўрга кирар он,  
Ая, дайри фано зомин экан...

Бир йўл тутдик, тўғрилигин Ўзи билар  
Хаёл бўлдик, не чўғлигин Ўзи билар,  
Тавба қилдик; у ёғини Ўзи билар  
Ая, дайри фано ўзим экан...

# СОҒИНЧ... ШАМОЛ

\* \* \*

Кутинг...  
Тунингизга оқшомлар чўксин  
Ҳар тонг маржон изларин тўксин.

Кутинг...  
Йўлларимдан қизғалдоқ унсин  
Қабоғийзга армонлар инсин.

Кутинг...  
Соғинч бўлиб эсганда шамол  
Ўтинч бўлиб сурганда хаёл.

Кутинг...  
Унинг ишқи ошиқларин ёққанда  
Раҳмат нури иккимизга бокқанда.

Кутинг!..  
Тавбам менинг тоату тоқат  
Кутиш эрур асли ибодат.

\* \* \*

Ҳали кечалар узун  
Энг сўлим кўшиқлар айтилар.  
Умримиз бўлмас хузун  
У ҳаётга мутлақ қайтилар.

Ҳали тонгача узун  
Кўп мавсумлар гуллар очилар.  
Қайгу надир, биз учун  
Бўстонга ифорлар сочилар.

Ҳали қиссалар узун  
Дақиқа сайин - аср тингланар.  
Ҳеч қайтиб келмас бугун...  
Эртага баҳордан сўзланар.

Ҳали кечалар узун...

Отабек РУСТАМ (Жўраев) 1973 йил Қўқон шаҳрида тугилган. Қўқон педогогика институтини ўзбек тили ва адабиёти факультетини тугатган. Ҳозир ЎзРФА А.Навоий номидаги Адабиёт музейи аспиранти.

Шеърлари билан «Ёшлик»да илк бор қатнашяпти.

Холмуҳаммад КАРИМ


 Х  
 У  
 Р  
 А  
 Ў  
 Р  
 О

Баҳор.

Субҳи содиқ.

Шамол баданга игнадек санчилади.

Тоғ этагидаги Сара қишлоғининг бир чеккасида кўтарилган шовқин-сурон эса юракка қадалади. Бир умрлик бахт истаб, қутлуг билиб босган остонасини тухмату маломатлар ва таънаю дашномлар исканжасида тарк қилаётган келинчакнинг бахт азаси эди шу шовқин.

Ширин ва тотли деб билган келинчак даври кўз очиб юмгунча қора бўёқларда хотималанган, эндиликда бахтиқаро жувон бўлиб қолган Хурайро қишлоқ ўртасидаги тепалиқда пайкалга қўйилган қўриқчидек руҳсиз қотганди. Унинг мияси гўё осилиб турган сузма халтаю алам заҳри эса танасига ёйилиб, бутун вужудини куйдиради. Дарвоқе, қатиқ халтага солиб зардобидан тозаланади. Аммо ажабланарлиси, у зардоби билан-да тотли эмасми? Балким, ўткинчи дунёнинг нашъаси ҳам унда яхши ва ёмоннинг аралшиб кетганлиги, заҳру болнинг қоришқлигидадир.

Шундай телбавор аҳволдаги, ич-ичида ўкинч қайнаётган келинчак йилт этган илинж излайди. Аммаси. Ҳа, шу кунга тушишига билиб-билмай сабабчи бўлган аммаси ҳузурига боради, дардини дастурхон қилади, ҳақсизликдан синган қалбига шу йўсин малҳам кўяди. Аммо «беҳаё», «иффатсиз» тамғаси босилган жигарини амма қандай қабул қилишини у ўйлаб ҳам ўтирмади. Аслида, ўйласа-ўйламаса, бу бегона қишлоқда борадиган бошқа жойи борми ўзи?

Уч кунлик келиннинг кун қизармасдан, телбанамо, яланг оёқ ташрифи молхона эшиги оғзидаги, янги соғилган сут тўла челақ кўтарган аммани шошириб қўйди. Гап нимадалигини англаб етмаган бўлса-да, бир иснод бўлганлигини дарҳол сезган, қўни-қўшниларнинг кўзи тушса шарманда бўлмай деган хаёлдан чўчиб кетган амма, етакка жонсиздек эргашаётган жиянини уйига гап-сўзсиз олиб кирди.

Унинг гаплари аламли эди, узук-юлуқ эди, қаттиқ ҳаяжонда эди. Бироқ амма ўйлаганидек жин чалган ёки қора босган шўрпешонага ўхшамасди. Балки, балки ундан баттарроқ эди.

Қўшни хонадаги йиғи аралаш ғала-говурдан уйғониб кетган почча ҳам юз-қўлини апил-тапил юва солиб «муҳокама» устига кириб бордию, қайинсинглисининг аҳволига кўзи тушган заҳоти ўзини йўқотиб қўйди. Табиатан ҳовлиқмароқ, очиқ-кўнгилу соддалиги сабаб сирли имо-

Ҳикоя



ишораларга кўнда тушунвермай дакки эшигиб юрадиган одам эмасми, анча вақт ҳаяжонини боса олмайди, оғзига қалима келмай турди. Телба-тескари саволларига ҳам хотини хунуқдан-хунуқ жавоб айтгаверган сари эса ҳаяжони саросимага ўрин алмаша бошлади. Ва юрагининг алақаеридан эркаклик гурури бош кўтариб қолдим, умрида биринчи бор хотинини жеркиб, қизга юзланди:

- Сингим, тўғрисини айт, шу кунгача куёв билан бирга яшаётганмидиларинг ўзи...

- Ҳа-а.

- Ё, тавба, у аҳмоқларнинг ақли уч кундан кейин қирибдими? Балки, бошқа бир мақсади бордир?

Бу гапни айтишга айтди-ю, ганжина кўриқлаётган аждаҳога дуч келгандан баттар бўлди. Энди тўсатдан оловланиб кетган Амма эрига ўшқира бошлади:

- Улар балки одамшавандалик қилиб, менинг ҳурматим учун бу беорни кечиришга уриниб кўргандир. Ўзингизча уларни аҳмоқча чиқаряпсиз. Ахир шунчалик бадавлат, обрўли, кўпни кўрган одам-а. Орамизга совуқчилик солди, бу баттар бўлгур! Э, ўзи сизга ҳукм чиқаришни ким қўйибди. Ундан кўра уйқунгизни очиб, мол-ҳолга қаранг. Бу ярамас иззатни билармиди...

Лаби-лабига тегмаётган хотинининг ўз жигарини гўрдан олиб, гўрга солиши айни пайтда поччанинг қулогига кирмаётган эди. У ўз хаёлига ўрнашиб қолган Тоғани олиб келиш режасини амалга оширишга шошилди, мотоциклни ўт олдириб, тоғ тарафга ўқдай учиб кетди.

Бу орада Амма эгачисидан воқеани обдон сўраб-суриштириб, унинг моҳиятини ўзича мушоҳада қиларди. Ва, негадир, «қиёматлик тутинган оға»сининг оиласи шаънига айтилажак турли хил гап-сўзларни этак билан ёпмоқни истаётган эди. Кўнгли одиллик истамаётган Амманинг кўнглида, ўзи ҳам англамаган ҳолда, тутишганидан кўра тутинган қардоши азиз туюла бошлаган эди.

Қиёматлик оға аталмиш Қобилбой эса айни дамда уйда ўзи муалифлик қилаётган томошани - «янги оила» фожеаси давомини хаёл қилмоқда, ич-ичидан суюнмоқда эди: «Тоға, бу навбат кимнинг ҳузурига бораркансан дод-вой қилиб, қани бир кўриб қўяйлик-чи».

...

Бу қишлоққа Амма ўз оиласи билан бир неча йиллар муқаддам кўчиб келганди. Четдан келган бошқа оилалар сингари улар ҳам кўникўшчилар билан тезда борди-келди қилиб, киришиб кетишган. Аслида, ҳар жойдан одамлар йиғилганлиги учун ҳам бу қишлоқни «Сара» деб аташади. Аммо тик қоматли, хушбичим, ранги оқ-сарикдан келган, тоғликларга хос мўйлари табассум қилганида ва ё жиддий тортиганида ҳовуз суви мавжларидек жимирлаб юзига жило берадиган, қалин сочлари тақимини ўпган Амма ўзини анча севиб қолган, одамдагидан қисқароқ либосио нозли-нозли қадам ташлаши эса бу севги уни кибру ҳавонинг маълум чўққисига чиқариб қўйганлигидан дарак берарди. Бу ўз-ўзидан,

баданида гурури бор қишлоқ эркакларининг кўнглида алақандай фавқулодда туйгуларни уйғотмасдан қолмайди. Аммо Амманинг ўзи ушбу манзарадан қанчалик пинҳона завқланса-да, жигари бўлмиш Тоғага сездирмасликка уринади.

Аслида эса Тоғанинг ўз дарди ўзига етарли эди. Унинг бутун хаёли хотинидан ёдгор яккаю ёлғиз қизида. Ҳам оталик, ҳам оналик меҳрини бериб ўстиришга уринаётган шу қизи кулса кулар, йиғласа йиғлар, имкон қадар ёлғиз қолдирмас, ўз жигаргўшасининг нафаси ила яшаётгандек эди гўё. Кўнглининг туб-тубида эса кўзига хосиятсиз кўриниб қолган тоғдаги юртидан қизини мумкин қадар тезроқ узоқлаштириш нияти ётарди. Шу боис ҳам, қанча тақводор бўлмасин, ерлик халқлар урф-одатини эскилик ҳисоблашадиган, бир қадар замонавийлашган, ўзларини «маданият»ли санайдиган Сара қишлоғи одамлари билан боғланишга мажбур бўларди. Қизини аммасиникига тез-тез олиб борар, тоғаваччалари билан яйраб-яйраб ўйнаётганини кўргач, аммага омонат ташлаб қайтарди. Бироқ уйга ёлғиз қайтганида ичига чироқ ёқса ёримасди. Фақат қизининг шодлиғию қувончларигина ушбу ёлғизликка кўникишга мажбур қилар, Ҳурайрони Сара қишлоғида баъзан ҳафталаб қолдирарди.

Ўша кездеги тўйу ҳашамларда, пахта далаларида аралашиб юриб, Ҳурайро ҳам ўзига сирдош дугоналар орттирди. Вақт деганлари бир зумда ўтар экан. Тоғ билан қишлоқ орасига қатнаётган Ҳурайро болаликдан ўтиб, секин-аста кўзга яқин қизга айланди. У дугоналари билан тўс-тўполон кўтариб шўхлик қилиб юришганида мўйлаби сабза урган йигитчалар юрак ютиб бирда-ярим қочирим гап ҳам ташлай бошлади. Тоғлик қиз, дейишди. Кўзлари кийикнинг кўзидек ёнади-я, дея тегажоқлик қилишди. Бу каби гаплар ҳар гал такрорлангани сайин қизлар ўзларини бир қадар улгайгандек ҳис қила бошладилар. Балки, улгайиб қолганларини англай бошлаганларидир бу.

Ҳарқалай, анча нарсага фаросати ета бошлаган Ҳурайро ота кўнглига қарашни ўрғанди. Бу эса Тоғанинг кўнглини тоғдек ўстирди. Кўзга яқин бўлиб етишаётган қизининг ихтиёрини кўпроқ аммага топшириб отда ёлғиз қайтар экан, адирларнинг ҳувиллаган қучоғида ўзини бахтсиздек сезарди. Кимлар учундир қоп-қоп пул, кимлар учундир касофат келтирадиган «лолазор»ли тоғлар, хосиятсиз тоғларга кўзи тушганда эса дил яралари яна-яна янгиланавэрар, қизини бағридан узоқлаштиришга, ўзини ёлғизликка маҳкум этган ўша машғум воқеа кино тасмаларидек кўз ўнгидан лип-лип ўта бошларди.

....

Ўшанда кичкина Ҳурайро эндигина икки ёшга тўлган эди. Сутдан ажратиш мақсадида уни аммасига қолдириб, ўзи отда, хотини эшакда уйга қайтишарди. Тоға ою кунни яқин хотинининг эшакни имиллатиб ҳайдашидан фойдаланиб намоз ўқиб олиш ниятида отни жадаллатди.

Хотинига: «сен аста-секин боравер, мен таҳорат олиб, намоз ўқиб тураман» дея икки-уч чақирим олдиндаги булоқ томон илдамлаб кетди. У ерда намозни бемалол ўқиди. Аммо ҳа деганда хотинидан дарак бўлавермагач, кўнглидан хавотир ўтиб оти томон юрди. Шу пайт орқадан милтиқнинг гумбурлаган овози эшитилдию, саросима ичида отга сакраб минибоқ қамчи босди. Ниҳоят, қамчи зарбидан қоқилиб-мункиб бораётган от устида туриб чўзилиб ётган аёлга кўзи тушди-ю, пиёдалаб ўша томонга югурди. Аммо... Тоғанинг суюкли маҳбубаси жон таслим қилиб улгурган эди. Пешонасидан қуйилган қон ҳам қотиб бўлган, қўлда эса бир даста «лола»... Тоға алам ичида ёнар экан, кекса қишилarning «тоғдаги қўл билан экилган «лолалар»ни узсанг отиб ташлашар эмиш» деганлари ёдига тушди. Аммо шу пайтгача манави дараларда ҳам шундай «маданий лоззорлар»нинг мавжудлиги бирон марта хаёлига келмаган экан.

Икки кун ўтгач, давлат хизматчиларини дарага бошлаб келди. Аммо «лолазор»дан нусха ҳам тополмадилар...

Хурайронинг сеvimли аммаси вақти-соати келиб эгачисига муносиб йигит танлай бошлади. Ниҳоят, бўлажак келин ва куёвни уйида меҳмон қилиб юзма-юз учрашгирди. Нега айнан шу йигитни танлаганлигини эса ҳатто Хурайронинг ўзидан ҳам сир тутди. Хурайро уйда онасиз ўсган эмасми, оила ташвишлари билан бўлиб, яна икки уй тарбиясида икир-чикирларга эътиборсиз улғайди. Мактабда аъло ўқиди. Отадан сабоқ олиб, рисоладагидек муслима, очик кўнгли қиз бўлиб етишди. Балки шулар сабабдир, самимий ва мулойим, қўй орзидан чўп олишга журъатсиздек «мулласифат йигит»ни инкор этгиси келмади.

Бу тоғанинг ички туйғуларига ҳам мос эди. Ниҳоят, элчилар эшик қоқишди, нон ушатилди. Тоға куда бўлмиш инсонни бир неча бор кўрган, басавлат, йилтилаган юзидан ёғ томгудек бўлиб турадиган одам. Ўзи камгап бўлса-да, тўймаъракаларда оқсоқолчилик қилиб, элга бош бўлиб юради. Аммо у Амма билан янги куда Қобилбой ўртасида аллақачон қардошлик ришталари ҳам боғланганлигидан, қиёматлик ака-сингил тутинишганидан беҳабар эди. Хуллас Амманинг аралашуви билан тўй тезлашди. Туғишган ва тутинган икки оғаси куда-анда бўлди.

Келин-куёвга лиммо-лим қадаҳлар ила тилаклар билдирилиб, куй-қўшиқлар остида чимилдиқ сари кузатилди. Дабдабали тўй, беҳисоб таомлари ичимликлар, қават-қават саруполар таъсиринда эсанкираб қолган қудахотинларни Тоғанинг қишлоғига элтиб қўйишга ҳам махсус машина тайинланди.

Бугун ўша тўйнинг тўртинчи куни. Ҳали таассуротлар унитилганича йўқ. Аммо... қудахотинлар машинада ўйин қилиб қайтган йўлдан бугун почча шумхабар элтмоқда эди.

... Тоға сафардаги доимий ҳамроҳини бу сафар йўлга қандай ҳозирлади, ўзи ҳам билмаса керак. Қизининг аҳволини тасаввур қилгани

сайин, дунё кўзига қоронғу бўлиб борар, қулоғига жигарининг ноласи келиб урилгандай бўлар, отнинг ҳар бир қадами эса номусини эзиб кетаётгандек, ўзи дақиқа сайин қариётгандай эди.

У Сара қишлоғига етиб келганида танийдиганлар ҳайратдан ёқа ушлаб қолдилар, унинг соч-соқоли қордай оқарган эди. Бу ҳодиса ўзларини зўр жангга ҳозирлаб турган кимсаларгагина айни томоша бўлди, холос. Амма эса эндигина ич-ичидан эзила бошлади, ўзи ўзига лаънатлар ўқиди.

Тоғанинг ярадор юраги баттар тилкаланди. Телба кўйига тушган бу инсоннинг чора излашга қурби йўқ эди. Бир сўз ҳам демади, бир сўз ҳам сўрамади. У фақат бир нарсани биларди - бу ердан тезроқ узоқлашгиси келаётганини. У шундай қилди. Қизини олиб қишлоқдан чиқиб кетди.

Орқада эса ҳали-вери гала-говур тинмади. У ерда бирор нарсани ажрим қила олишга ожиз бандалар йиғилгандек эди, гўё. Аммо улар нотавон ҳам эмасдилар. Аниқроғи, Тоғанинг янги қиёфаси, Хурайронинг мунгли нолалари, куёв йигитнинг кўр-кўрона бир сўзга, «бузуқ экан» деган иввога ёпишиб олганлигию, аёлларнинг можарога таалуқсиз шовқин кўтариши ҳаммани бирдек шошириб қўйганди. Шовқин-сурон ичида кимнингдир: «судга бериш керак, «экспертиза» ҳаммасини аниқлайди», деганида куёвнинг ранги оқариб уйга кириб кетгани, ўтгидан кўз-қулоқ бўлиб турган Қобилбой унинг орқасидан бориб, пулларим фақат ўликка жон ато этолмаган, аммо бошқа ҳар нарсанинг чорасини қилган, ҳеч иккиланма. сенга бу қиздан ўн баравар сулувини олиб бераман, деганларини ҳам биров билиб, биров билмай қолаверди.


Номусини қозилашишга-да ор қилган инсонлар эса пешин маҳалда йўлда кетиб борарди. Улар бу қишлоққа қайта келишга эмас, аксинча, эртароқ бу макондан чиқиб кетишга ошиқмоқда эдилар. Уйларига яқин келганини сезган Хурайро пиёда юришга изн олиб отдан тушди. Унинг ёлғизоёқ йўлдан кетаётганини кўрган ота эса отнинг бошини текис, айланма йўлга буриб, уни беозор қамчилади.

У томонда Отанинг муборак остонасига қора ном билан топталган қадамини босишга журъат этолмай, йўл бўйи қайғуда келган Хурайро ҳаракати тобора секинлай бошлади. Шу орада кимдир, ёки нимадир ихтиёрсиз ҳаракат қилаётган қадамларни виқорли чўққилар томон етаклади, тезлашгирди.

Хурайро кўксини ошпоқ қор қоплаган мангу қоялар сари шитоб билан кетаётганини, юраётганини ўзи деярли сезмас, гўё учиб кетмоқчидек қўлларини кенг ёйган эди.

Бора-бора сезгилар вужудни тарк этди, ақл тезлиги ожизлик қила бошлади, қирлар устида яланг оёқ сузиб бораётган жисмдан қорда қон аралаш из қолабошлади.

Ҳожасининг бахтидек тим қора сочлардан сирғалиб тушаётган рўмол жароҳатли оёқларни оҳиста сийпалаб, тавоф айлаб, кўкси қонга бўялганча йиқилди.



Муҳтарам Туркой



\* \* \*

Юрагимни титганиму,  
Ёки оғу тутганиму,  
Бегонадай ўтганиму -  
Нега келдинг, нега келдинг?

Сени дилдан қуволмадим,  
Ишқ кўйлагин юволмадим,  
Севилдинг, севолмадинг -  
Нега келдинг, нега келдинг?

Гуноҳ ўтди юзин шилиб,  
Савоб ўтди кўзин тилиб.  
Муҳаббат юлдузин юлиб -  
Нега келдинг, нега келдинг?

Юрагимга қадалган тиг,  
Тилагимга қадалган тиг.  
Меҳринг менга аталган йўқ -  
Нега келдинг, нега келдинг?

Дардларимни бўлишмасман,  
Энди ойдай тўлишмасман.  
Сенинг билан кулишмасман -  
Нега келдинг, нега келдинг?

Жаръатингни қуртлар ейди,  
Кечолмас дил, онг кеч дейди.  
Севгим мени бетиг сўйди,  
Нега келдинг, нега келдинг?

Сен бермаган бахт йиғласин,  
Вафо, севги, аҳд йиғласин.  
Мени фақат Ҳақ йўқласин,  
Нега келдинг, нега келдинг?

### МУСТАҚИЛ ЮРТ АЛЛАСИ

Алла кўзим алла-е,  
Гулинг асра, гул болам.  
Тилинг асра, тил-даҳо,  
Ўзлигингни бил болам.  
Алла-ё, алла.

Алла кўзим алла-ё,  
Аллаларим хуш, алла.

# ҲАҚ ЙИҒЛАСИН

Ўзбегимнинг бошига  
Кўнди Хумоқуш, алла.  
Алла-ё, алла.

Алла кўзим алла-ё,  
Карвони бор бу элнинг.  
Комронига элтгучи,  
Сарбони бор бу элнинг.  
Алла-ё, алла.

Алла кўзим алла-ё,  
Туркистонни тик этдик.  
Дунёнинг у бурчига,  
Хурлик туғини тикдик.  
Алла-ё, алла.

Алла кўзим алла-ё,  
Зўрлик занжири занглар.  
Хурлик келтирмас хўрлик,  
Истиклол куйи янграр.  
Алла-ё, алла.

Алла кўзим алла-ё,  
Бобонг руҳи кулади.  
Қорабайир отининг  
Ёлин ёғду силади.  
Алла-ё, алла.

Алла кўзим алла-ё,  
Беминнат ейсан нонинг.  
Эркама эркингга эркдош,  
Озод Ўзбекистонинг  
Алла-ё, алла.

Алла кўзим алла-ё,  
Сут исидан маст, ўлғай.  
Озод юртнинг онасин  
Оридан тоғ паст бўлғай  
Алла-ё, алла.

Алла кўзим алла-ё,  
Оналар алла айтар.  
Алла ўлмас ғурурни  
Истикболни улғайтар  
Алла кўзим алла-ё,  
Ўчмас изим, аллаё.



## МУХАНДИС

## III



Давоми. Боши ўтган сонда

Бу дунёда ҳеч нарса ўз-ўзидан, сеҳрли таёкнинг бир ишораси билан пайдо бўлиб қолмайди. Сиз тийинлар ишлайсиз ва натижада сўм пайдо бўлади. Агар омад чоғиб, ишингиз бароридан келса бир сўмингиз ўнга, ўн сўмингиз юзга, юз сўмингиз мингга айланади. Айнан мана шунинг учун ҳам ишлаб топилган пулнинг кадри, оҳанрабоysi бўлади. Ҳаётда энг оғири - сармоядан айрилиш бўлиб қолади, ҳаётда энг лаззатли машғулот - сармояни ошириш бўлиб қолади. Инчунин, ўз пешона терингни, ақлингни, салоҳиятингни, тadbиркорлик аталмиш олтинчи туйғунгни, лозим чоғларда айёрлигу таваккалчилигингни ишга солиб топган маблагинг ўз жигарингдай вужудингнинг ажралмас қисмига эврилиди - энди ундан наинки ажралмоқ, ҳаттоки бир қисмини-да бегона кўлларга топширмоқ бениҳоя оғир кечали.

Бизнесда «беғараз ёрдам» деган тушунчанинг ўзи йўқ. Бизнесдаги ҳар қандай ҳамкорлик аввало манфаатлар тўқнашувидир. Бугун кимгадир бир сўм бераётган экансан, эртага шу пул икки сўм бўлиб келишига имонинг комил бўлмоғи жоиз. Мабодо шу ишонч йўқми, демак орага ушбу кафолатни бероладиган учинчи томон қўшилмоғи шарт. Бизнес ҳамкорлигида оға-ини, хеш-уруғ, дўст-биродар деган тушунчаларнинг ўзи мавжуд эмас. Бизнесда тараққиёт нидиратини мудом мойлаб турувчи биттагина манфаат, манфаат ва яна манфаат деган тушунча ҳукмрон, холос.

Мен ўзим бош қўшган ишнинг юқорида санаганларим янглиғ назарий жиҳатларини яхши тушуниб турардим. Ва айни пайтда, истиносиз қонда бўлмагани мисол, мен ушбу темир мантққа суянилган, ҳеч қаерда ёзилмаган қонун-қондалардан озгина чекинилади, менга, бошқа ҳеч кимга эмас, фақат менга зигирдаккаина имтиёз кўрсатилади, деган илинж оғушида эдим. Мен, очигига кўчганда, ушбу имтиёзнинг самимий бўлишига-да унчалик ишонмасдим. Майли-да, айтайлик, бу саховат пулини кейин тўлаш шарти билан берилажак маҳсулот кўринишида бўлар, маълум муддатта фоизсиз бериладиган озгина маблағ шаклида бўлар. Ахир топилади-ку йўли. Айтайлик, менинг ҳисоб рақамимга бир миллион ўтказиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олиш учун деб расмийлаштиришса, мен бу маблағни ярим йил айлангириб, сўнг «қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб ололмадим» мазмунида далолатнома тузиб, бир миллионни орқага қайтарсам шунинг ўзи қонуний тарзда ёрдам бериш эмасми? Ҳисобимда бир миллион пулим бўлса, баайни уясида ётган тилла тангалар боис думини хода қилганча, гердайиб, унча-мунча мушукниям писанд қилмай юрган сичкон мисоли товушим дадиллашиб, юриш-туришим ўзгариб, фойда келиши аниқ бўлган катта-катта шартномаларни ҳам имзолайверардим. Ўлдимми энди ярим йилда бир миллион сўмдан ҳеч бўлмаса икки юз-уч юз минг соф фойда ололмасам? Майли, агарда ўртада бир миллионнинг қайтарилишига кафолат бергучи учинчи томон йўқ, демак пулни еб кетиши мумкин деган шубҳага боришса (бундай шубҳага боришлари эса аниқ), мени ўз фирмаларининг дилери қилиб қўйишсин. Мен юриб чарчамайман. Бир йилми, икки йилми, қанча керак бўлса шунча олиб-югуриб ишлайман, ишқилиб, уч-тўрт сўм фойда кўриб турсам бас. Шубҳасиз, мен қаттиқ ишлайман, мен ҳақиқий ишлар қилишни хоҳлайман, мен ҳақиқий ишларни соғиниб яшайман, ахир. Мен ўзим вақили бўлган фирма манфаати учун туну қун тинмай чоғиб юришга, тўрт сўм манфаат чиқадиган жойда ҳафталаб ётиб қолишга, маҳсулотларни мамлакатнинг у бурчида бу бурчига олиб боришга, кечалари йўл юришга, порахўр ДАН ходимлари билан талашиб-тортишишга, боғхоналарда томоғим бўғилиб

колгунча баҳслашишга, қонуний ҳужжатларимни кўтариб исталган даражадаги амалдор ҳузурига киришга уринишга, оқшомлари юкларни кўриқлаб кўз юммай чиқишга - барибарисига тайёрман. Ҳа, мен қаттиқ ишлайман. Токи мени ишга қабул қилган муттасаддилар «янглишмабмиз» деган қатъий ҳулосага келсинлар. Токи менинг барча қилаётган ишларим, фирма манфаатларига садоқатим уларнинг назарига тушсин. Охир-оқибат эса улар менга кўр-кўрона ишона бошласинлар. Охир-оқибат улар мени фақат фидойи, ҳатто ўз манфаатиданда фирма манфаатини устун кўядиган мутаассиб деган қатъий тўхтамга келсинлар. Ошиқча ишонч эса кўзга парда тўсиб кўяди, назоратни сусайтиради. Балки ана ўшанда мен баайни раҳбариятнинг бемисл ишончига сазовор бўлиб улгурган Чичиков сингари «Ана энди вақт бўлди» деган қарорга келарману... йўк, йўк, ўғрилиқдан худонинг ўзи асрасин, биз ахир ўқиган-билган, қонунни ҳурмат қиладиган одамлармиз, ҳаммаси жойига қўйилган тарзда, қонуннинг бир нуқтасини ҳам бузмасдан, бағоят усталик ва эҳтиёткорлик билан иш юритиб, айтилик, бор-йўғи икки ёки учта келишувни ўз манфаатимга буриб юборсам бўлди эди... Ва, аминманки, ўша арзимаган «икки-уч шартнома» менинг ундан кейинги бу «н ҳаётини мобайнида ётиб етсам етадиган даражада сармога келтиради... Нима ҳам дердик, бизнесда ога-инилик, хеш-уруғлик, дўст-биродарлик йўк, манфаатлар тўқнашуви бор, ҳолос. Пул топишни эпладингми - қандингми ур, бироқ ҳам пул топиб, ҳам ортингда из қолдирмай, ўз вақтида кўздан панага ўтиб кетдингми - сен ҳақиқий замонавий ташбиркорсан, отангга раҳмат! Йиғиштири оқибат, шафқат, хижолатпазлик деган тушунчаларни. Фаровонликда ўтган бир йилнинг ўзиёқ шу тушунчаларнинг ҳаммасини сулуриб ташлайди. Оёқда маҳкам туриб, қатта сармогага эга бўлган қунингдан бошлаб сен янги туғилган чақалоқдайсан. Чақалоқда эса гуноҳ не қилсин...

Мен кўнгилинг туб-тубида умид учқунни билан яшадим. Ҳатто ишим энг юришмаган, ўзим бегона шаҳарларда, кўркинчли намозшомларда бир тийинга зор бўлиб қолган кезларимда ҳам, ногаҳон, кўнгилинг туб-тубида ўша зарра учқун оғирона бир йилтираб кўярдики, ахир, синов даври абадул абад давом этмас, бир қуни келар бу азобларнинг ҳосиласи ҳам, ўшанда мўъжиза юз берару ҳаётимда ўзгаришлар содир бўлар, фақат ўша дамни, ўша қуни эътиборсиз ўтказиб юбормасам, сўнг афеус-алам чекиб юрмасам бас... Наздимда, - ё раббий, мен адашмаслиқни қанчалик истар эдим, шуни сўраб худога илтижо қилар эдим! - ўшал қуни етиб келгандай эди... Дам шу дамдир!.. Унут бошқа барча майда-чуйда гап-сўзларни! Қаршингда сен қутган ўлжа турибди, чангалингни ботироласанми, ололасанми ўз лўқмангни? Гап шунда...

Албатта, мақсаднинг етишишнинг энг ишончли ва йиллар мобайнида синовдан ўтган усули - бўлғуси ҳамкорларимда ўзим ҳақимда яхши фикр уйғотиб олишим лозим, яъни улар мени ўзига тўқ ташбиркор, қатта-қатта ишлар қилиб юрган, айтган гапига жавоб бера оладиган ишбилармон сифатида қабул қилишсин. Чунки тенг тенгги билан. Аммо бунинг учун устимда қимматбаҳо либосларим, уларни дабдабали ресторанларда бир-икки бор бурнидан чиққунча меҳмон қилишим учун эса пулим йўк эди. Мана шу нарса менинг шахсимга бўлган эътиборни кучли даражада салбий томонга буриб юбориши қундай аён эди. Ўйин майдонидаги оддий пиёдага ким ҳам алоҳида эътибор бериб ўтирарди... Аммо бутунлай тушқунликка тушиш учун ҳам тўла асос йўқдай эди. Ахир одамга қалла нима учун берилган. Бундай мулоҳаза юритиб кўрилса, менинг қўлимда битта ишончли қурол бор: мактаб-мактаб лўлининг эшагини суғор, сўнг пулини ол қабилида, ялтироқ хушомадлар айта-айта Алишерни ийдириш

мумкинга ўхшайди чоғи. Тўғри, Нажмиддин ака ҳамон «тогли тош ёнғок». Аммо сал ўйлаб кўрилса, эҳтимол, у кишиниш ишончига сазовор бўлишининг йўллари ҳам топилиб қолар...

Аммо...

Камбағални туянинг устида ҳам ит қопади:

Тусмол қилганимдай, Алишер айсбергининг сувдан кўришиб турган юза қисми экан, ҳолос. Ва, одатдагидай, асосий, маҳобатли қисм сув остида экан...

Нафақат қиз-жувоңлар, балки мактовга андак ўч эркаклар ҳам ўзларига ҳайрат билан тикилиб турган одамларни савқи табиийлари билан ҳис қиладилар. Табиийки, бундан мамнулик ҳам туядилар. Алишерда ҳам шу туйғу жуда ривож топган шекилли, гўё унинг далли-ғулли жавобларидан қойил қолгандай кўзларимни чақнатиб, бошимни сарак-сарак қилишим, «Йўғ-э!», «Буни қаранг-а!», «Зўр-ку!», «Даҳшат!», «Беш кетдим лекин сизга!» сингари шуҳратпарст одамларнинг қонини кўпиртирадиган сўз-иборалар воситасида гап ўзанини у ёқдан-бу ёққа бура-бура, ахири ўсмоқчилай-ўсмоқчилай сўраб билиб олганим шу бўлдики, Алишер бошқараётган «Офтоб» фирмаси бор-йўғи Нажмиддин ака измидаги қаттақон бир фирманинг шўъба қорхонаси бўлиб, энг қизиғи, тўғрироғи мени ражиган томони - Алишерда имзо ҳуқуқи йўқ эди! Афтидан, бола бечора қовун туширавериб акасининг роса жонига теггач, сиз ҳам қуймасин, қабоб ҳам қабилида шундай йўл тутилган бўлса керак. Умуман, шу фактнинг ўзиданок Алишернинг юмшоқ курсида хўжакўрсинга ўтиргани шундоқ яққол билинди-қолди. Тўғри, буни аниқлаш осон кечмади - ҳамсуҳбатим ўзининг обрўйига пуғур етадиган гапларни ўлақолса озига олмасди-я, лекин мен уни тилидан илинтирдим. Аввалига ваъда қилинган қерза этик масаласини гап орасида қистириб ўтиб кетдим. Алишер оморга кўнғироқ қилиб «ходовой размер», яъни 40-45 идан икки ярим минг жуфт бор эканлигини аниқлади. Нархи - жуфтига 650 сўмдан экан. Пул ўтказиш йўли билан. Нақдига 600 дан деди Алишер. Улғуржи олсам йиғирма-ўттиз сўмга тушилар экан.

Умуман олганда, нарх жуда қиммат эмас эди. Ҳар қалай, яқинда қишлоқларда пахта терими бошланади, демек этикка эҳтиёж кучаяди. Бироқ менинг ниятим этикдан кўпроқ ва иложи борича пулини кейин тўлаш шарт билан олиб кетиш эди. Шунинг учун энди орага шартнома масаласини тикдим. Алишер тортмасидан бир даста «типовой» шартнома нуҳаларини олиб олдимга ташлади.

Хали кўп нарсалар очилмаган эди. Бунинг устига шартнома Алишернинг номидан тузилган ва унинг гажакдор имзоси билан тасдиқланган эди. Назаримда, масала менинг фойдамга ҳал бўлув томон силжимокда эди.

- Ишлагандан кейин сизга ўхшаб қатта-қатта ишлар қилиш керак экан, - дедим талғайиб ўтирган Алишерга қараб эҳтиром билан. - Майда иш қилган, чувалчанг ейди, қатта иш қилган ақула ейди, деган гап тўғри айтилган экан. Шунинг учун, хўжайин, иложи бўлса, сизнинг тажрибаларингизни яхшилаб ўргансам, ўзингиз устозлик қилиб турсангиз, зора ишим сал бўлсам юришиб қолса. Энди биз сизга ўхшаб ақуларни еб юришни ҳавас ҳам қила олмаимиз-у, лекин, агар имкони бўлса, тўримизга чавақ балиқ-палиқ илиниб қоларми деган умидда, ўзингизнинг оқ фотиҳангизни олиб, ўзингизнинг раҳбарлигингизда биронта иш қилсамми дегандим.

- Бемалол, - деб яна қўл сиртади биринчи бор «хўжайин» деб атаганим учунми, тамом ийиб кетган Алишер. - Биздан нима ёрдан керак бўлса любой пайт келаверинг, но проблем! Мақсадга яқинлашдим.

- Ўзингиз яхши биласиз, ҳозир қишлоқда пул кам. Лекин яқинда пахта бошланади, халқда пул кўпаяди. Шунга, агар сиз

маъқул десангиз - энди бу соҳада сизнинг тажрибангиз жуда катта - ёр-жўраларнинг, таниш-билишларнинг дўконига бирон минг-икки мингга этикдан обориб ташласак, бирон ойда пулини йиғиб олсак ёмон бўлмасди-ёв. Энди ўзингиз хисоб-китобнинг пири-сиз, менимча, мен сиздан 550 дан олсам, кишлоққа обориб олти юздан урсам, йўл-пўл харажати, у-бу расхотлардан сўнг қўлимда бирон йитирма-йитирма беш минг қолар-а, нима дейсиз?

- Қолади, - деди Алишер ишонч билан. - Кўпроқ ҳам қолади.

- Ўх-хў, шунча пулни нима қиламан? - дедим гапни ҳазилга буриб.

Алишерга яна бир бор ўзини кўрсатиб олиш учун имкон туғилди.

- Шуям пулни? - деди у менсимаган оҳангда. - Мен бир ҳафтада ундан икки-уч баробар кўп пул сарфлайман.

Шу чиранишдан кейин ҳам мактамай кўринг-чи!

- Айтдим-ку, - дедим икки карра икки тўрт янглиғ оддий ҳақиқатни эътироф этаётгандай, - сиз - бизнес ақулалари сафида юрасиз. Энди бизга ўхшаганларга йитирма минг ҳам даҳшатли даражада катта пул-да.

- Ишланг, - дея ҳомийларча қўл силтади Алишер. - Пул топинг. Кейин юз минг ҳам сизга ўйинчок бўлади. Истасангиз, бизга ўхшаб бир кунда икки юз минг қуритадиган бўласиз.

- Энди шунга нима дейсиз?

- Нимага? - хайрон бўлиб сўради Алишер.

Сал ичи торроқ одамман, бироқ бундай пайтлари ўзимни қандай тутиш кераклигини яхши биламан. Ҳозир ҳам ўзимни пинак бузмагандай тутишга уринарканман, бояги таклифим мактов гаплар орасида ҳўкизнинг қўлогига танбур чертилгандай бесамара кетганини тусмолладим-да, энди сал аниқроқ, адреслироқ гапириш пайида бўлдим.

- Шу.!. бир-икки мингга этик обориб сотсам дегандим кишлоқда.

- Бемалол дедим-ку.

Алишер яна паға-паға сигарет тутатди. Тушунмадим, у ё мақсадимни англамади, ё бир-икки мингга этик унинг учун чиндан ҳам писта пўчоғидай гап. Ундай десам, бой одам мундоқ орқа-олдига қараб, эҳтиёткорлик билан иш юритарди. Ё эски курсдошим деб ўйлаб эриб кетганмикин.

Ҳар қалай директорнинг обрўси балаңд шекилли, ён хонада ўтирган, кўринишидан зехлигина бир йигитча бир чойнак чой, уч-тўртта пиёла кўтариб келди. Алишер дераза ёнидаги темир шкафни очиб, икки ликопча канд-курс олди.

Алишернинг ширинликка турганидан фойдаланиб, чой кайтаришга тушдим. Мезбон келиб қаршилик қилган эди, кўнмай туриб олдим.

Оғзидан паға-паға тутун чиқариб, мен тутган бир пиёла чойдан хўплаб-хўплаб қўяётган Алишерга зимдан разм соларканман, яна бир нарсани тушунмасдим: у қачон ишлайди ўзи? Келганимдан буён на биров билан иш юзасидан гаплашди, на итоатидигиларни чақириб бирон нима сўради. Ҳар қалай, директорнинг вазифаси хонага қоровуллик қилиш эмасдир! Шуларни ўйлаб узр оҳангда дедим:

- Мен сизни жуда муҳим ишлардан қолдирдимми деб игна устида ўтиргандай хижолат бўлиб ўтирибман.

Бу гапнинг замирида «энди айтадиганингни айт» деган шаъма ҳам бор эди. Аммо Алишер ҳеч балони тушунмади чоғи, эски одатига кўра бир қўл силтаб қўйиш билан кифояланди:

- Иш қочиб қетмайди. Мен иши шундай ташкил қилганманки, мен бўлмасам ҳам у кетаверади. Мен фақат назорат қилиб тураман ҳар замонда.

Албатта, «ҳар замонда» бағоят нисбий тушунча. Бироқ бу гапга аниқ изоҳ киритиб ўтиришни эп кўрмадим-да, мавзунни безбетларча яна ўзимнинг дардимга бурдим:

- Ҳўш, анови масалани нима қиламиз энди?

Алишер яна пинак бузмади:

- Қайси масалани?

Ёпирай, нима бало, пихини ёрган доғулининг қўлига тушиб қолдимми? Наҳот одам танишда шунчалик янглишсам? Важоҳатидан, мени ҳеч ўзига яқинлаштирадиганга ўхшамайди... «Бор-е», дедиму, гапнинг дангалига кўчдим.

- Этингиздан бир-икки мингтасини насиёга бериб турсангиз, сотиб, уч-тўрт сўм фойда кўрсам дегандим-да, хўжайин.

Алишер оғзидан навбатдаги тутунни халқа-халқа қилиб ҳайдаётган чоғи, лабини чўччайтирганча пешонасини тириштириб бир муддат ўйланиб қолди. Ўлай агар, шу лаҳзаларда у суратидан мулоҳазали, вазмин тадбиркорларга жуда-жуда ўхшаб кетди. Мен ҳатто шубҳаланиб ҳам қолдимки, тирикчилик, бизнес мактаби уни қайта тарбиялаб, жиддий одам қилгану, мен билан бекорчилигидан шунчаки сичқон-мушук ўйнаётгандай. Шундай эса, роса шарманда бўлипман-да. Йўғ-э... Хайрият, ҳамсуҳбатимнинг оғзидан чиққан дастлабки жумлаёқ шубҳаларимни тумандай тарқатиб юборди:

- Этикми? Реализациягами? Ҳм-да, ўйлаб кўриш керак...

Бироқ «ўйлаб кўриш керак» деган гап шундай оҳангда айтилдики, бемалол «маслаҳатлашиб кўриш керак» ва ённки «муҳлат олиш керак» маъносида тушуниш ҳам мумкин эди. Майлида-эй. Нажмиддин ака оёқ тираб туриб олмас, қайишар сал.

Яна бир соатча у ёқ-бу ёқдан валақлашиб, чойхўрлик қилиб ўтирдик. Шу вақт мобайнида ҳам бирон марта иши хусусида оғиз очавермагач, мен балки шаҳарликларнинг «ўйлаб кўриш керак» дегани аслида «йўқ» дегани эмасмикин деган хаёллarga бора бошладим. У ёғи эса маълум: силлиққина хайришувлар, «келиб туринг» дейишлар, кўнгида эса «туркинг кўрсин, кишлоқи!» деган ҳақорат...

Гурунг орасида Алишер узатган ўрисча олди-сотди шартномасини синчиклаб ўқиб чиқаётди қарасам, «дочерное предприятие «Офтоб» деб ёзилибди. Ҳа, мана гап қаерда экан. Демак, «Офтоб» қандайдир каттароқ бир корхонанинг шўба корхонаси. Ундай бўлса, эҳтимол чиндан ҳам «ота тараф» билан «маслаҳатлашиб олиш» жоиздир.

Тушлик вақти яқинлашиб қолапти ҳамки, «ўйлаб кўриш»дан дарак йўқ. Шунда орага нечанчи сафардир ўша хал бўлмаган муаммони тикишга мажбур бўлдим. Алишер бу гап ҳам лабини чўччайтирганча, пешонасини тириштириб бир муддат ўйлангач:

- Эртага гаплашсак бўлмайдимми? - деб сўради. - Бутунам бир маза қилиб дам олайлик.

Билмадим, «маза қилиб дам олиш» деганда у нимани назарда тутди, лекин мен кеча ҳам заррача бўлса-да мириқиб дам олганим йўқ эди. Шунинг учун гапни калта қилиб қўяқолдим:

- Шу малада ҳал бўлса, кечқурун қайтсамми дегандим.


- Э, борасиз-да ўша кишлоғингизга, ошна. Атай кепсиз, бир яйраклик-да энди.

Шу «атай келганим» ҳам бошга бало бўлди-да. Лекин каттиқроқ гапириб юборишдан ўзимни тийдим.

- Энди келавериб, сизни безорам қилиб юборамиз, хўжайин. Агар шу масалада кўмаклашиб юборсангиз, катта ёрдам қилган бўлардингиз-да.

Алишер нақ беш дақиқада ўша алфозда, бу гап томоғини ҳам ғалати алфозда тақиллатиб ўйланиб ўтиргач, ниҳоят бир





қарорга келди шекилли, ўрнидан турди:

- Мен ўринбосаримдан сўраб келай-чи.

Албатта, бошлиқнинг ўз кўли остидагиларни иззат қилганига не етсин. Бироқ кимсан директорнинг арзимаган масала юзасидан ўринбосар хузурига йўргалаб қолиши, очиги, ташқаридан қараган кишига эриш туюларкан.

Орадан бир чойнак чой қайнагулик фурсат ўтгач кизариб-бўзариб кетган Алишер дарғазаб аҳволда кириб келди. У дарҳол ўзининг қаҳри кўзиганини ошкор этишга уринди:

- Буни қаранг-а, оғайни, ходимлардан ҳеч биттаси мустақил ишламайди. Бари указания кутгани-кутган.

Бу, табиийки, менинг илтимосимга ўта маданий даражада «йўқ» дейиш эди. Эҳтимол, Алишернинг бунчалик куйиб-пишишига ҳам ҳожат йўқ эди. Ахир саройни фақат подшоҳ бошқармайди, кўп нарса унинг атрофидагиларнинг қош-қовоғига ҳам боғлиқ бўлади.

Шу билан биргаликда Алишер ўзини андак ноқулай ҳам ҳис этаётганини сезиб турардим. Бироқ ошиқча гап қовламасам бас, ушбу хиёлатомузлик ҳисси бир зум ўтар-ўтмас ёдидан кўтарилиб, директор яна аввалги кайфиятга ҳеч қандай бекат-пекат қилиб ўтирмасдан, тўғридан-тўғри ўтиб кетишини ҳам илғаб турибман. Мен шу имкониятни унга ҳада этгим келмай, сал ачитиброқ гапирдим:

- Гапингизга кирмаган ходимнинг қовушини тўғрилаб қўймайсизми, хўжайин?

Алишер муносиброқ жавоб ахтариб қаловланиб қолди. Шу маҳал боя бизга чой олиб келган, нигоҳлари ўткиргина, маҳкам қимтилган лаблари, тепага таралган калта сочларининг ўзиданок қатъиятли, иродали эканлиги кўриниб турган йиғитча яна бир бор салом бериб кириб келди ва, исми мени Алишердан билиб олган шекилли, мулойим овозда тўғридан-тўғри менга мурожаат қилди:

- Муродилла ака. Узоқдан бизни йўқлаб келганингиз учун катта раҳмат. Афсуски, биз ҳозир олдиндан юз фоиз пули тўланган тақдирдагина маҳсулот беришга мажбур бўлмоқдамиз. Ахир ўзингиз яхши биласиз, дебитор ва кредитор қарзлари бўйича амалдаги қонунга бўйсунишга мажбурмиз.

Мурожаат ҳар қанча самимий бўлмасин, унинг замиридаги сезилар-сезилмас беписандиликни тахмин қилганим бойсми, жим ўтирмасдан, қарши савол бердим:

- Амалдаги қонунларга қўра, олинадиган маҳсулот умумий нархининг ўн беш фоизи тўланган тақдирда ҳам маҳсулот бериш мумкин. Сизлар шу бандга ҳам риоя қиласизларми?

- Албатта, Муродилла ака, - дея қулмсиради зукко йиғитча. - Бироқ одатда биз бу бандни кўп йиллар мобайнида биз билан ишлаб келаётган, ишончимизни қозонган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатангина тадбиқ этамиз. Таваккалчилик яхши иш, ака, лекин у иқтисодий жиҳатдан асосланган бўлгани бизга маъқулроқ.

Боплади, азамат! Бурро тилига озгина захар ҳам сепиб олганини кўринг.

Ноилж:

- Тушунарли, бошқа саволлар йўқ, - дедим.

Йиғит хайрлашиб, юмшоқ қадамлар билан чиқиб кетди. Ошиқча изох беришдек машаққатли юмушдан қутулган Алишер эса яна ҳеч нарса бўлмагандай талтайиб курсисига қайтиб ўтирди.

Ғашим келди. Қаерга борсанг камбағалга қун йўқ экан-да.

- Хўжайин, - дея илтимос қилдим Алишерга, - у ер-бу ерга борганда кўрсатиш учун, намунага бир жуфт этик бердириринг қўлостингиздагиларга телефон қилиб. Обориб кўрай-чи, бозори чаккон бўлса қарз кўтариб бўлсам бир нима опкелармиз-да. Алишер бу сафар сал безовталаниб ўрнидан турди. Сўнг

менинг атай телефонга алоҳида урғу берганимни англамадимми ё ўзини англамаганга солдимми, ишқилиб, яна чиқиб кетди.

Бу сафар нақ бир ош пишғулик вақт ўтди-ёв. Нима бало, булар чармни олиб, тозалаб, киркиб, этик тикишга тушиб кетишимми?

Ниҳоят боятидан ҳам баттар қизарган-бўзарган аҳволдаги Алишер бир жуфт лаънати керза этикни кўтариб келиб қолди. Худди шуни кутиб тургандай эрталабдан буён биринчи маротаба хонадаги телефон ҳам жириглади. Алишер этикни бир четта, кўлидаги қоғозларни стол устига қўйдию, телефонга ошиқди.

Алишер сўнг «Сизмисиз, ака... Хўп, ака...» деяётганига қараганда Алишер Нажмидин ака билан гаплашаётган эди. Мавзу тижорат сирларига ўтиб кетгани дейман, Алишер ярим ўтирилиб, мен томонга елкаси билан туриб олганча бош ирғаб, нималарнидир диққат билан эшита бошлади.

Мен бекорчиликдан Алишер столга ташлаб қўйган қоғозларга кўз ташладим.

Қоғоз ўлмасин-да, қоғоз! Ҳамма нарсани кафтдагидай аён этади-қўяди. Мен анави бурчакда буришибгина турган керза этик қандай машаққатлар эвазига бу ерда пайдо бўлиб қолганини қоғозларга бир кўз ташлашдаёқ билдим-қўйдим. Мана, Алишернинг омбор мўдирига ёзган «фармойиш»и: «Намуна учун бир жуфт этик бериб юборинг. Директор А.Исроилов». Аммо худди мана шу «фармойиш» аслида фармойиш эмас, илтимос эканлигини фош этмоқчидай, унинг чеккасига бошқа бир «кўрсатма» ёзилибди: «Бош ҳисобчига. Пули тўлангандан сўнг нақданий ёзиб беринг. Исп. дир.» Сал мулоҳаза юритиб қарасам, «исп.дир.» дегани «ижрочи директор»нинг ўрисчаси экан. Энг қизиғи, Алишер чиндан ҳам 600 сўм тўлаганлиги ҳақидаги квитанция ҳам бор эди. Демак, Алишер бош ҳисобчига борган, сўнг кассага, пулни тўлагач омбордан олиб чиққан бу бошогриқ матоҳни. Қойил-е, директор ака! Қойил-е, хўжайин!..

Қоғозларни ўқиётганимни кўриб қолса хиёлат чекмасин деган хавотирда дарҳол ўримдан турдим-да, бориб этикни томоша қилган бўлдим. Ёмон эмас, далага қийса бўлади.

- Бўлди! - деди трубкани жойига қўяётган Алишер кўтаринки кайфиятда. - Бир маза қиладиган бўлдик. Тез юринг, пастда машина кутиб турибди.

Алишер нарсаларни апил-тапил йиғиштириб, менга оғиз очгани ҳам имкон бермай ташқарига етақлади. Директор хонасидан кейинги хонанинг эшиги қия очик экан. Тез ўтаётган бўлсак-да, хонада бояги қирпи соч зукко йиғит мук тушиб қоғоз титкилаётганини кўрдим. Эшикка эса, ўйлаганимдек, «ўринбосар» эмас, «ижрочи директор» деб ёзилганди.

Лифт кутаётган маҳалимиз тилимни учидаги турган саволни бериб юборишдан ўзимни тийиб туролмадим.

- Сизга ўхшаган катта-катта раҳбарлар бир-иккита ўринбосар олиб, керак пайти ўзимни излаб юришмасин деган максалда ҳатто банкда имзо ҳуқуқини ҳам улардан бирига бериб кўяр экан-а, тўғрими?

Талқиннинг ижобий томонга буриб юборилгани, умуман, саволнинг чиройли қоғозга ўраб берилгани маъқул тушдимми, Алишер ёйлиб илжайди:

- Тўғри. Баъзан чекка қўл қўйишга вақт тополмайман иш кўплигидан. Бу ёқда солиқ ҳисоботлари. Ҳаммасига ўзим югуриб юрайми? Шунинг учун имзо ҳуқуқини ўринбосаримга берганман.

- Яхши қилсиз, ҳамма ишни ўзингиз қилаверсангиз, қачон дам оласиз, - дедим-у, аммо Алишер беихтиёр ўз сирини фош этиб қўйганини англаб, қулиб юборишдан ўзимни базўр тийдим. «Ўринбосаримга ҳам» деб сал адашдингиз чоғи, хўжайин,

тўғридан-тўғри «ўринбосаримга», янада тўғрироғи «ижрочи директорга» деб қўйверсангиз асақангиз кетадими? Хай-ҳай, хай-ҳай, суг билан кирган жон билан чиқади, деганлари тўғри экан-да.

Пастда эса бизни зулукдек қоп-қора «Нексия» кутиб турарди. Юқоридаги этик машмасидан сўнг ҳайдовчининг Алишерга кўрсатаётган ҳурмати, чунончи, эшикларни очиб туриши мени яна довдиратиб қўйди, қандайдир аниқ бир хулоса чиқаришга ҳам юрагим дов бермай қолди.

Шинамгина бир ресторанинг алоҳида бўлмасига кириб бордик. Уч кишилик стол ясашиб қўйилган экан. Алишер ресторанинг кунда-шундаларидан шекилли, бемалол нон синдириб, мени дастурхондан у-бу нарсалар олиб туришга ундай бошлади. Индамасам, ўртада турган, шишаси ғалати бир коньякни ҳам очгудек важохати бор.

Официантка келиб эшикдаги шокиладор пардани бир четга суриб турди. «Ассалому алайкум» дея Нажмиддин ака кириб келди. Мен ўрнимдан туриб кўришдим.

Ўтирдик. Фотиҳадан сўнг Нажмиддин ака яна бир бор хол-аҳволимни, уйдагиларни сўраб-суриштирди, кеча кечкурун қайтиб қиролмагани учун узр сўради, ана шундан сўнг дастурхонга маъзират қилди.

Суюк овқат келтирилди.

Ўтган йиллар мобайнида Нажмиддин акада назокат, лутф янада кучайгандек эди назаримда. У кишининг санчқи ушлаб, газаклардан ликопчасига солиб олишида ҳам, қадахда кўпириб турган «кола»ни охишта хўшлаб қўйишида ҳам, хатто муомаллада ҳам - бари-барисида ўта нозик дид, ўта нозик маданиятли зиёлига хос одоб, унсурлари манаман деб кўзга ташланиб турарди.

Нажмиддин аканинг имоси билан Алишер коньякни очиб, ангишвонадек қадахларга оз-оздан қўйди.

Нажмиддин ака қадах сўзларини унчалик ёқтирмас экан шекилли, бир оғизгина «Қани, олдик. Соғлиқ-саломатлик бўлсин», деди-да, биз билан чўкиштиргач, қадахни лабига текзиб, яна қайтариб жойига қўйди. Яхши бўлди. Йўқса, Алишернинг бир оғиз ўйламасдан айтган дастаги туфайли «олисдан атай излаб келган меҳмон» сифатида узундан-узук қадах сўзи айтишим жоиз бўлардики, ўлай агар, шунақа бачкана гапбозлик деса кўнглим озадиган бўлиб қолган.

Қарасам, Алишер қосадаги шўрвага сузма аралаштириб, иштаха билан овқатланиш тадоригида. Орага ноқулай сукут чўкмасин деган ниятда Нажмиддин акага мурожаат қилдим:

- Ишлар яхши кетаяптими, ака?

Нажмиддин ака бажонидил, хуш табассум билан жавоб қайтарди:

- Худого шукр.

- Ўзи... нима иш қиласизлар?

Нажмиддин ака яна қулимсиради.

- Тирикчилик, дўстим, тирикчилик. Лекин касбига садоқатли дўхтирларнинг айтишича, тушлик пайти иш ҳақида гаплашиш овқат хазм қилиш системасига ёмон таъсир кўрсатаркан.

Бу нозик қочиримли гапдан кейин мум тишлаб ўтиришдан бошқа нима илож қоларди?!

Бахтимга чўнтак телефони «чий-чий»лаб қолди. Нажмиддин ака шошилмасдан салфетка олиб, кўл-оғзини артгач, худди шундай шошилмасдан (мана Алишер кимга тақлид қиларкан!) кўйин чўнтагидан миттигина телефонни олди ва қопқоғини очиб, оғзига яқин олиб бораркан, бир оғизгина:

- Хўш, - деди.

У тарафдан нақ уч дақиқача гапиришди-ёв. Ниҳоят бир

оғиз сўз айтмасдан телефонни ўчириб, қопқоғини ёпиб, қайтадан чўнтагига жойлаб қўйган Нажмиддин ака оппоқ тишларини кўз-кўзлашни хуш кўрадиган америкалик актёрлардай ёқимли табассум қилди-да:

- Узр, дўстим, - деди ўнг қўлини кўкеига қўйиб. - Бир жойга боришга тўғри келиб қолди. Сизлар бемалол ўтираверинлар. Хайрлашмаймиз.

Нажмиддин ака ўрнимдан туриб сиполик ила эшик томон юрди. Қайдандир пайдо бўлиб қолган официантка яна шокиладор пардани чеккага суриб турди.

Энди сал ястаниб ўтириб олган Алишер бояги ангишвоналарни чеккароқка суриб қўйди-да, росмана қадахдан иккита олиб, лиммо-лим коньяк қўйди.

- Буни ичгандан кейин одамга ўхшаб ичиш керак-да.

Нажмиддин ака кетпач безовталаниб қолганимни беихтиёр сездириб қўйдим шекилли, Алишер сўйлоқ тишини кўз-кўз қилганча оғзини катта очиб илжайди:

- Олаверинг, пули тўланган.

Қизариб кетганимни сездириб қўймастикка уриниб, Алишернинг диққатини чалғитадиган бирор гап қилишга уриндим:

- Акангиз... акангиз худди мафиозга ўхшайди-я.

Алишер хо-холоб қулди.

- Точно!

- Лекин... сиз ҳам ундан қолишмайсиз. - Мен аста-секин ўз мақомимга тушмоқда эдим. - Шундай катта ресторанда ўзингизни худди уйингиздагидай бемалол тутишингизни қаранг, боя шофёрнинг атрофингизда гирдиқапалак бўлганини қаранг. Алишербой яна эриб кетди.

- Ха, энди, дўстим, хафтанинг тўрт-беш кунини шу ерда ўтказамиз-да! Шофирга келсак, пулини олгандан кейин қилсинда хизматни, а, нима дейсиз?

- Ҳақ гапни айтдингиз аммо-лекин, хўжайин.

- Шунинг учун олайлик!

- Олдик.

Коньяк ўткиргина экан, кўзимни ёшлаб, баданимни киздириб юборди.

- Акангиз нима иш қилади ўзи? - деб сўрадим паррак қилиб кесилган қазига пишлоқ қўшиб саяётган Алишердан.

- Э, братанинг қилмаган иши йўқ, - деди чапиллатиб овқат ейишга тутинган Алишер яна бир бор кўл силтаб.

- Барибир, бирон бир аниқ даромад манбаи бордир, - деб мен ҳам бўш келмай туриб олдим.

- Бор, қанешна бор. Катта бир корпорацияси бор. Ўнта банкда ўнта дочерний предприятия очиб қўйган.

- Йўқ, акангиз қиладиган асл иш нима деб сўрамоқчийдим: олди-сотдими ё ишлаб чиқаришми?

- Унисиданам бор, бунисиданам.

Алишернинг пинак бузмай жавоб беришига қараганда ё унинг ўзи кўп нарсдан беҳабар, ё ўзига шунчалик аниқ-тишиқ маълумотларни айтаяптики, хатто изох беришга ҳам эҳтиёж сезмаяпти. Шунинг учун савол-жавобни давом эттирдим.

- Нима ишлаб чиқаради, нима сотади?

- Ҳамма нарса ишлаб чиқаради, ҳамма нарса сотади.

- Масалан?

- Масаланми? Масадан катта-катта қурилишлар олади, уйларни ремонт қилади, ғалла сотиб олиб, ун сотади, макарон қилиб сотади. Заказ бўлса, любой нарсаларни топиб бераверади. Братан зўр, гап йўқ!

Шундан кейин тўғридан-тўғри мақсадга ўтиб қўя қолдим:

- Акангизнинг кетиб қолгани чаток бўлди-да, хўжайин.

- Иш бормиди?

- Иш эмас-у, бир илтимос бор эди. Бояги этикдан бир-

икки мингтасини насияга бериб турсангиз, деб сўрамоқчийдим. Пулини бир ойда ё нақд қилиб, ё перечисление қилиб тўлардик.

- Братан нақд пул билан ишлашни ёмон кўради, - дея бажонидаги изоҳ берди масъулият бошқанинг бўйинига ўтганидан шодланиб кетган Алишер орқа-олдини ўйламай. - Бизгаям доим «Наличканинг ғалваси кўп», деб ўргатади. Кейин, перечислениега келсак, братан кўнмади, боя гаплашганман. «Мабодо пули бўлсаям банк ё «корчёт ёпик» деб баҳона қилади, ё эмиссияни, ишқилиб областдан Тошкентга пул ўтказмай юраверди. Шунинг учун агар олдинда юз процент тўласа, майли, бир-икки сўм тушиб беринглар», деди.

Шугалларни айтиб, ёш боладай талпайиб ўтирган Алишерга қарарканман, тилимга келган аччиқ сўзларни ичимга ютганча яна хушомадомуз гап қилишга мажбур бўлдим:

- Мен учун шунча овора бўпсиз, хўжайин. Одамни жуда хижолатга қўйдиргиз-да. Ёниб кетмайдими ўша этик деганлари! Мен ўша ёқлардан сизни атай бир кўриб кетай деб келсаму, яна арзиманган нарсалар деб сизни овора қилиб, ташвишга қўйиб ўтирсам. Олинг, хўжайин, сизнинг мана шу очик кўнгиллигингизга, меҳрибонлигингизга, куйди-пишдилингизга, дўст учун жонингизни ҳам беришингизга аммо-лекин беш кетаман-да! Мен сизга бир гапни айтмай, хўжайин, мана шу эътиборингиз, мана шу ғамхўрлигингизнинг ўзи мен учун миллион сўмдан ортиқроқ, қимматроқ туради! Олдик, хўжайин! Сиз учун!

Қарасам, Алишер шўрлик сўзларимни бағоят самимий қабул қилиб, шунчалар таъсирланиб кетибдики, кўзлари гилт-гилт ёшга тўлибди. Шунинг учунми, қадаҳларни бўшатганимиздан сўнг лабини чўччайтириб келаётган мезбоннинг раъйини қайтариб ўтирмай, битта чўпиллатиб ўпиб олдим.

Ана шундан кейин, яна бир мақтангиси келиб кетдим, Алишер чўнтагидан ян-янги, шиқирлаб турган юз долларлик чиқариб кўз-кўз қиларкан:

- Ўтган куни кичкинагина бир иш қилгандим, шундан менинг долям, - деди.

«Кола» ичаётган жойимда қалқиб кетдим. Сўнг кўз ёшларимни салфеткага артиб, иложи борича хотиржамроқ оҳангда сўрадим:

- Кўп бўлиб турадим бунақанги кичкина ишлар?

- Унчалик кўп эмас-у, - Алишер лабини ялаганча осмонга қараб бир лаҳза ўйлиниб қолди, - хафтасига бир-иккитаси учраб туради.

- Кичкина ишга шунча олангиз, хўжайин, каттасидан қанча доля оласиз?

Шу саволни кутиб турган эканми, Алишер яйраб-ййраб, лаззатланиб жавоб қайтарди:

- Унда ўзлари пачкаси билан ташлаб кетишади. Бир марта бир дипломат кўкини ишлатиб қўйиб, бир ойда ўрнига қўйганман. Роса ишлаганман-да ўзиям. Ипподром қолмаган мендан, Чорсу қолмаган, Олой қолмаган...

Миям қақшаб оғриб кетиб, қолган гапларни яхши эшитолмадим...

#### IV

Бу дунёда бесабаб дарахтдан бир япроқ узилмас, дейдилар. Баҳонадан сабаб тугилади, сабабдан эса оқибат.

Биз аксар ҳолатларда ўз йўлимизни ўзимиз танлагандек бўламиз, ҳатто «қисмат, тақдир» тушунчаларини инкор этиб, ҳамма нарсани фақат ва фақат ўзимизга, иродамызга, майли-истакларимизга, хоҳишимизга боғлаб кўрсатишга интиламиз ва бунга муваффақ ҳам бўламиз. Холбуки, бизнинг иродамыз, бизнинг истақларимиздан-да устунроқ бир куч ҳам бор. Йўқ,

йўқ, мен «қисмат» сўзини тилга олмайман, мен «тақдир, пешона» сўзларини-да қаламга олмайман, мен муҳитни, атрофдагиларнинг сизга ва сизнинг атрофдагиларга муносабатингизни назарда тутаянман. Мен болалигидан то балоғат ёшига етгунга қадар фақат ва фақат чўпон бўлиш орзусида юрган, сўнг атрофдагилар куткуси оқибати ўлароқ прокурорликни танлашга мажбур бўлган, шунданми, касбига нафрат билан қарайдиган бир йигитни билардим. Ёинки «сағир» деган ҳақоратли сўзини эшита-эшита, ўзидан каттароқ болалардан узлуксиз таёқ еб, ортида ҳимоя қилувчи отаси йўқлигидан ўқсиниб, алами ичида ўтган болакай бечора онасининг сўнги чақаларини сўраб олиб пуллик қаратэ машғулотларига тинимсиз қатнаганини, сўнг, мамлакат миқёсида чемпион бўлгач, мушти кучи билан бир пайтлар ўзини хўрлаганлардан қонли қасос олган, онасини эса фақат хорижнинг енгил машинасида олиб юрадиган, бозорларга олиб чиқиб текинга кийимлик-кийимлик материаллар олиб беришни қанда қилмайдиган, айнан ўша, ўзини хўрлаб-ҳақорат қилганлардан бугун товон сифатида йигиб олаётган пулларини ҳазондай совурадиган, ҳокимнинг порасмий кўриқчисига айланиб қолган бир йигит ҳақида ҳикоя қилиб берайми?..

Биз ҳаёт сўкмоқларини фақат ўзимиз танламаймиз. Билибми-билмайми, истабми-истамайми бу борада бизга туртки берувчилар, қалбимизга кутқу уруғини экувчилар мўл бўлади. Ва бу муносабатлар асосида мулоқотлар ётажак. Илло, инсон тўрт девор ичида ихоталанган ҳолда ўса олмайди, инсон тўрт девор ичида бошқаларнинг фикр-мулоҳазаларига ўзини кўру кар тутган ҳолда ҳам ўса олмайди. Одам боласи бор экан, бошқа хом сут эмган одам боласи билан мулоқотда бўлажак. Ва ушбу тўқнашувлар хосиласи ўлароқ биз онг остидаги тушунчалар, хулосалар, тажрибалар таъсирга берилиб-да, «мана шу ёққа юрамыз» дея ўз сўкмоғимизни танлаймиз...

Шаҳарда қолиб, яна бир азобли намозшомни ўтказишга юрагим дов бермади. Керза этикни қўлтикка қисиб уйга қайтарканман, йўл бўйи изтиробли хаёллардан қутула олмадим.

Ҳа, имконият мендан ҳаракатни тақозо этарди. Нимадир қилмоқ керак эди. Аммо қай тарзда? Наҳот Нажмиддин аканинг, унга ўхшаганларнинг турмуш тарзи мен учун бир умр кўл етмас орзуга айланиб қолса?! Дейлик, кимнингдир «шарофати» билан кимдир бу дунёдан бир буйрак билан яшаб ўтишга мажбур экан, айнан менга ўхшаш омадсизларнинг саховати эмасми Нажмиддин акани, унга ўхшаганларни фаровонликнинг юксак чўққисига олиб чиққан? Инчунин қайтарилмоғи жоиз эмасми «ўтники ўтга, сувники сувга»?.. Қолган «қатикнинг пули»га яшай олармикин у зоти муқаррамлар?.. Ҳай билмадим-ов. Бироқ бошга тушганини кўз кўради, эл топиб айтганидай, арпа эмас отлар ҳам бир кун келиб ажриқларга зор бўлуви мумкин...

Йигирма йилдан бери дон қабул қилиш омборига мудирлик қилиб келаётган, «Жигули»га сиғмагани учун фақат «Волга»да юрадиган, бизга она томондан жуда узоқ қариндошлиги бор, орқаворатдан «меш» лақаби қўшиб айтиладиган Ёрлақаб аканинг улкан қасрига деярли тонг сахарда кириб келдим. Катта янга мени индамай ичкарига бошлади. Ёрлақаб ака энди кийиниб бўлиб, ишга кетиш тараддуудида экан. Ҳовлида ўт олиб турган «Волга» ҳам шундан дарак берарди.

Саломлашгач, шундай пойгакка омонатина ўтириб фотиха қилган бўлдим-да, на сўрашиш бор, на ўзимни танитиш, тўғридан-тўғри мақсадга кўча қолдим:

- Ёрлақаб ака, менга олти ой муддатга минг доллар керак. Бир ярим минг қилиб қайтараман.

Ёрлақаб ака қисик кўзларини йириб очиб менга узоқ



қараб қолди. Сўнг оғир бир уф тортиди-да, гавдасига ярашмаган интичка, ҳазин оҳангда деди:

- Жақинда бир қизга бувдай берибидим, пулидан кечибидим, ўлиб кетибди бечара. Жаҳши қиз, ишлайма деб турган қиз эди. Эшитиб, жилаб жердим. Ўзини эплаган одам ўтга уради, туврима?

Роҳила исмли қиз бошчилигидаги жинойтчилар гуруҳи амалга оширган қатор қонунбузарликлар, хусусан иқтисод соҳасидаги алдам-қалдам ишлар ҳақида вилоят газетасида қаттагина, янглишмасам, бир саҳифалик мақола чиққан эди. Бунинг устига, одамлар оғзида ҳам бу мавзу нақ ярим йилча сакит бўлганди. Шуларни эслаб, қатъийроқ оҳангда дедим:

- Мен ҳам бир уриниб кўрай, Ёрлақаб ака. Етса молим, етмаса жоним.

- Жаш жанинг ўзингга сийлов, балам. - Ёрлақаб ака шундай дея полни гичирлатиб тўрга ўтди-да, сандиқ устига терилган кўрпалардан бирининг орасига қўл сукиб, бир нима олиб қайтди. Сўнг сал эскирган, ишлатилган юз долларликлардан ўнтасини битталаб санаб ташлади.

- Кўзингга қараб, каллангди ишлатиб ишла, балам. Пул деб ўзингди туври кеган ўтга ураверма.

Миннатдорчилик билдириб ўтириш ортиқчадек туюлди назаримда. Пулни маҳкам қисимладим-да, индамасдан чиқиб кетдим.

Отчопарга келиб тўрт юз долларини майдаладим. Тахминан уч юз долларга яқини фақат уст-бошимни сўнги русумда қилишга кетди: кул ранг австрия костюм-шими, фанларнинг оппоқ кўйлаги, америкача бўйинбоғ, покистоннинг чарм курткиси, яна ўша австрияликларнинг башанг туфлиси, «буқаламун» аталмиш тилла гардишли кўзойнак, тилла суви югуртирилган занжирли соат... Табиийки, шунга яраша атир, соқол олишда ишлатиладиган хушбўй кремлар, қазғокни йўқ қиладиган шампун... Тоза чармдан қилинган иш папкаси. Тилло пероли ручка...

Алишернинг уйига яқинроқ мавзедан ўртача бир меҳмонхона топиб, телефони бор хонани бир ойга тўққиз минг сўмга олдим. Ишқилиб, ҳаммаси ўйлаганимдек бўлди. Энди арзимаган иш - режанинг асосий қисмини амалга ошириш қолганди, холос.

Берган худога ёқибди. Шу либосимда грекларнинг бир жуфт чиройли коньягига қўшиб битта «Наполеон» торти кўтариб кириб бориб, совғаларимни столга қўярканман:

- Хўжайин, сизнинг маслаҳатларингизга амал қилиб бир-иккита иш қилган эдим, омадим келиб уч-тўрт танга ишлаб олдим. Мана шу арзимас нарсалар сизга чин кўнгилдан, шогирдлик эҳтироми, - деганимда Алишер аввалига қандай маслаҳат берганини сира эслолмайд андаккина гарангсиз қолди, сўнг бунақа майда-чуйда ўйлар билан бошини қотириб ўтиртиси келмади шекилли, мени қайтатдан маҳкам қучоқлаб, бағрига босди, баайни меҳрибон устоз сифатида «оқ йўл» тилади.

Шундан кейин Алишер бир уст-бошимга қарайди, бир опкелган нарсаларимга, ё андаккина ғайирлиги ҳам келдими, ё берган нарсаларим кам кўриндими, - «Нима иш қилдинг ўзи?» деб сўрашга ор қилади, ахир, ҳар қалай гап-сўзимдан айнан ўзи мени шу йўлга бошлаган бўлиб чиқмоқда - хуллас, сал тепадан келган оҳангда:

- Бу ишни яхшилаб бир ювинг, - деди. - Шунда йўлингиз бутунлай очилиб кетади.

- Бир оғиз гапингиз, устоз! - дедим ўзимни тўлиқиб кетган одамдай тутиб. - Сизга ҳар қанча хизмат қилсак оз. Сиз бўлмаганингизда юрардим сарғайиб ойлик кутиб.

Алишер қўл силтади.

- Э, бунақа иш бўлиб турмагандан кейин юз минг ойлик

олсангиз ҳам етмайди.

- Бугун соат учдан ошибди, хўжайин, - дедим нимчам чўнтагидан занжирли соат олиб кўз-кўзларканман. - Агар вақтингиз бўлса эртагами ё индингами...

- Биз любой пайт тайёрмиз, - деди Алишер гердайиб. - Братан Қозоғистонга кетган ғалла опкелишга. Буёғи уч кундан буён эркинлик. Юрибмиз маза қиле-еб.

- Нажмиддин ака эртага бўлмайдиларми?

- Кеча звонить қилганди. Яна икки кунлардан кейин кеб қолса керак.

- Майли-да, - дедим сир бой бермай. - Насиб қилса, у киши билан ҳам алоҳида ўтираммиз. Акангиз кўриб қўйсин сизнинг ҳар маслаҳати тиллога тенг бизнесменга айланиб ултурганингизни. Қонингизда бор-да, хўжайин, қонингизда.

Шу билан хайрлашдик. Тўғриси, Алишер билан валақлашиб ўтираверишим мумкин эдику-я, лекин шаҳарда бир-иккида ишларим бор эди. Аввало, бундан икки йил бурун мендан пулини икки ҳафтада келтириб бериш шarti билан икки машина ерёнғок олган, шундан буён сувга тушган топшай дом-дарақсиз кетган бир учар танишимни дарақлаб топишим керак эди. Кўп югур-югурлардан сўнг ниҳоят биз «Ерёнғок» деб лақаб қўйган бу устомон, қув ишбилармоннинг адресини топганим...

Эртаси куни соат ўн иккиларда кириб келганимда Алишер хонасида арчилган бодрингдек сип-силлик бўлиб, байрамга боришни кутаётган ёш боладай бетоқатланиб ўтирарди.

Икковлон пастга ўша, биринчи бор овқатланган қаҳвахонага тушиб, чеккароқдаги столлардан бирига ўтирдик.

Нажмиддин ака, демак назорат йўқ эди. Шунинг учун бемалол ароқ буюраверардим. Кўзлари ялтиллаб кетганидан англадимки, Алишернинг томоғи тақиллаб турибди.

Бир қадахдан олиб, энди суяк овқатга ўтган маҳалимиз қўшни столда пиво ичиб, сигарета чекиб ўтирган ўтгиз-ўтгиз беш ёшлардаги узун-қиска икки йигитдан биттаси: новдадай интичка, бир бурда қаримсик юзига ярашмай турган сичқоннинг думдайд интичка мўйловли, шу ҳолига бўйдан ҳам қисилгани биз томонга бир-икки синчиклаб-синчиклаб қарагач, ниҳоят бир қарорга келди шекилли, ўрнидан туриб ёнимизга яқинлашди-да, Алишерга қараб туриб:

- Алишер Исроилович! - дея хитоб қилди. - Ўзингизмисиз, эй буюк инсон!

Алишер қошиқни оғзига оборган жойида хайрон бўлиб туриб қолди. Бироқ келган йигит гапдонгина экан, дарҳол масалага оидинлик киритишга шошди:

- Алишер Исроилович, наҳот танимаётган бўлсангиз? Ахир мен Зуфарман, Рустамов. «Савдо ЛТД» фирмасидан. Эсладингизми? Эсладингиз, а?

Йигит шу қадар ишонч билан гапирардики, Алишер қошиқни қайтиб қосага қўяркан, ноилож бош ирғади.

Шунда Зуфар деган бу дилипут шартта дароз Алишерни, маҳкам қучоқлаб олди. Мен сўлимни нарироқ суриб олганимча, назаримда, улар ўпишишга ҳам улгуришди.

Хаяжонланиб кетган Зуфар шеригини чакирди:

- Арон Рабинович, қаранг, ўзимиз излаб юрган одам шундай оёғимиз тагидан чиқиб турса-я.

Қатта қора кўзойнак таққан, от башара Арон Рабинович жилмайиб бош ирғаб қўйган бўлди. Бироқ булутф Рустамовни қониктирмади чоғи, илдам бориб шеригини ўрнидан турғазди-да, бизнинг ёнимизга бошлаб келди:

- Танишинлар: Исроилнинг энг таниқли бизнесменларидан бири Арон Рабинович шу киши бўладилар. Сиз, Алишер Исроилович, албатта, бу буюк инсон ҳақида эшитгансиз, тўғрими?

Алишер ноаниқ гўлдиради, лекин бош ирғаб кўйишдан ўзини тиёлмади.

Рустамов илдам бориб ўз столидаги нарсаларни бизниқига ташиб ўтди. Сўнг чиройли идишдаги Исроилнинг лимон ароғини тўртта қадаҳга қуяркан, тинмай валақлаш асносида менга ҳам ўз эътиборини қаратиб ўтди:

- Алишер Исроилович, меҳмонни танитайроқ турибман. Энди сиз билан юргандан сўнг, шубҳасиз, буюк тадбиркорлардан бўлсалар керак, тўғрими?

Алишер жавобга оғиз жуфтлаганини кўриб ўзим изох бериб кўя қолишга шошдим.

- Йўғ-э, Зуфар ака. Мен энди-энди Алишер Исроиловичнинг паноҳида туриб, шу соҳага кирсам қосам оқарармикан, деб ўйланиб турган оддий бир инженерман. Исмим Мурод.

- Раз Алишер Исроиловичдай буюк инсоннинг паноҳидамисиз, мен гарантия бераман, ука, парвозингиз баланд бўлади. Тўғрими, Алишер Исроилович?

Алишер Исроилович «шундан бошқа иложим йўқ» маъносида кўлларини ёйиб кўйди.

Аллақачон давра раислигини кўлига олиб улгурган Зуфар Рустамов «Танишганимиз учун» деб дастлабки анъанавий қадаҳ сўзини айтди. Лимон таъми бор ароқдан ичдик. Ана шундан кейин раисимиз булбулигўё бўлиб кетди.

- Бу дунёда тоғ-тоғ билан учрашмайди, азизлар. Лекин одам одам билан учрашади, тўғрими? Биз Алишер Исроилович бошқараётган фирма билан бир неча марта олди-берди қилганмиз, хар сафар тузуккина фойда кўрганмиз. Бу кишининг ўзлари ҳам бизга ҳамниша қайишиб келганлар, тўғрими? Мен, Алишер Исроилович, Исроилга бориб манави зормандадан, - Зуфар Рустамов столда турган лимонли ароққа ишора қилди, - бир вагонини олиб келдим. Энг муҳими, Исроилда ҳам, Алишер Исроилович, сизга ўхшаган бағри кенг, буюк ишбилармонларни учратдим. Арон Рабинович мана шундай буюк инсонлардан бири. Афсуски, бу мухтарам зот ҳозирча тилимизни билмайдилар. Рухсат этсангиз, мен сизни у кишига батафсил таништирсам.

- Сиз ирвигчани биласизми? - дея қизиқиб сўрадим мен ўзимнинг у-бу нарсага ақлим етишини қистириб ўтиб кетиш илнжиди.

Рустамов мен томонга ҳатто қайрилиб қарашни ҳам эп кўрмай, Алишерга тикилганча гапида давом этди:

- Мен ирвигчани эмас, инглизчани биламан. Ду ю спик инглиш?

Шундан кейин Рустамов сал эгилганча исроиллик меҳмоннинг қулоғига бир нималарни шивирлашга тушди. Ниҳоят, изох тугади чоғи, чоғохон оғзи қулоғига етган яҳудий меҳмон ўрнидан турди-да, қулоқини кенг очди. Рустамовнинг турткисидан кейин гап нимадалигини англаган Алишер ҳам сакраб ўрнидан турди. Икки бизнесмен кучоқлашиб қайтадан кўришдилар. Шунда мен дароз деб юрган Алишер ўзидан-да дароз, бунинг устига бениҳоя қорувли яҳудийнинг кучоғида йўқ бўлиб кетгандай туюлди.

Икковлон қайтиб жойларига ўтиришгач, ҳовлиқиб кетган Рустамов яна тилга кирди:

- Алишер Исроилович. Меҳмон сизнинг буюк отангизнинг исмлари Исроил бўлганмилар, деб қизиқиб сўраяптилар. Тўғрими?

- Худди шундай, - деди Алишер ўтирган жойида ним эгилиб яҳудий меҳмонга яна бир ўз хурматини изҳор қиларкан.

Ўз навбатида ним таъзимга ним таъзим билан жавоб қайтарган, ҳамон ёш боладек шодланиб қулимсирётган меҳмон яна бир нималар деб бидирлади.

- Ў, Алишер Исроилович, сиз нақадар буюк, пешонаси

ярқираган одамсиз! Сизнинг отангиз Исроил деб аталганидан қаттиқ ҳайратга тушган Арон Рабинович сизга ўзининг чексиз хурматини яна бир бор изҳор этади.

Бу сўзлардан кейин меҳмон ҳақиқатан ҳам ўрнидан кўзғалиб, росмана таъзим қилиб кўйди. Алишер тарафдан ҳам шундай жавоб бўлди.

- Арон Рабинович ўз ватанининг фидойи граждани сифатида, Алишер Исроилович, сизни ўз ватанига таклиф этади ва сиз Исроил исмли буюк одмининг фарзанди бўлганлигингиз учун мана бу ароқдан бир вагонини сизга текинга ҳада этади.

Яҳудий меҳмон билан Алишер қайтадан ўринларидан туриб қучоқлашишдилар ва бир-бирларини чўлпилаштириб ўпиб олдилар. Биз қарсақ чашиб турдик.

- Меҳмонга айтсангиз, - дея илтимоҳ билан муружаат қилдим даврамиз раисига, - бизнинг кишлоқда камида саккизта тирик Исроил бор. Уларнинг биронтасини кўшиб жўнатсам бўладими?

Бироқ соқий менинг гапларимга парво ҳам қилмасдан қадаҳларга тўлдириб ароқ куйди-да:

- Қани, саховатли Арон Рабинович учун ичамиз! Буюк Алишер Исроилович учун ичамиз! Қадаҳларни оқ қилиб ташлаймиз! - деган таклиф киритди.

Қадаҳларни чиндан ҳам оқ қилиб ташладик.

Ўрис ароғи ичиб юрган одамга яҳудий ароғининг таъми сал чучмалдек, ҳатто шириндек туюларкан аввалига. Бироқ орадан озгина вақт ўтгачина жуҳудча ароқ ўз таъсирини кўрсата бошларканми, ишқилиб, шу оқ этилган қадаҳдан сўнг бошим айланиб, тилим калмага келиши қийинлаша бошлади. Бунинг устига, илгари, назаримда, ҳеч қилиб юрмаган қилиғим - ўтирган ўрнимда бешиктерватардек тебранаманми-ей... Қисқаси, ароқ одамнинг нозик жойидан олади, деганлари рост шекилли...

Шундан кейин кўп қадаҳ сўзлари айтилди. Навбат ҳатто бир марта мен камбағалга ҳам тегиб қолди. Тўғри, каминаи камтариннинг гаплари, ростига кўчганда, унчалик эътибор билан тингланмади, аммо ўзим ҳам тилим гўлдираб, нутқни қотириб қўёлмадим-да. Балодан захил юзиданоқ ўта тулқинли билиниб турган раисимиз бало экан: на гапдан адашади, на дақиқа сайин қадаҳларни тўлдириб туришдан.

Ўз-ўзидан даврамиз қаҳрамонига айланган Алишер Исроилович эса нақ уч марта қадаҳ сўзи айтди. Дастлабки «тост» ҳар қалай, дўстлик-биродарлик, пул топилиши, дўст топилмаслиги, ниҳоят яҳудий ва ўзбек халқлари дўстлиги борасида бўлди. Кейинги сафар, мактовлардан тамом шишиб кетдимиз ё раиснинг «ўз қимматли тажрибаларингизнинг озгинаси билан ўртоқлашинг, эй буюк инсон Алишер Исроилович» деган хушомадли мактовни эритиб юбордим, ишқилиб, Алишер ўзини эплаёлмай қолиб анча суюлди: мен хоҳласам бир кунда минг доллар топаман, деди, лекин буни истамаемиз, чунки у пулдан дўстликни авло кўраркан; мен хоҳласам шу бугун «супер-салон» «Нексия» оламан, деди, лекин буни истамаскан, чунки шусиз ҳам иккита машина унинг хизматида экан; мен хоҳласам эртагаёқ, йўқ, шу бутуноқ Хиндистонга учиб кетаман, деди, лекин бунга кўнгли чопмасмиш, чунки у қандайдир қурумсоқ «челнок»лар сафида мол тўла қолларни кўтариб юришни ўзига ор деб биларкан, бунинг устига, ўша «челнок»лар инқиллаб-синқиллаб, ўлиб-тирилиб бир ойда ишлаб топган пулини у жойида ўтириб олиб, бир кунда топаркан; агар хоҳласам бир кунда ипподромдан беш юз мингта доллар сотиб олиб, бир ойда пулимни бир ярим баробар кўпайтириб оламан, деди, лекин буни қилмаскан, чунки у... чунки у... Шу ерга келганда Алишер аниқ изох



тополмай бир зум каловланиб қолди. Шунда зийрак Рустамов кўмакка келди:

- Чунки сиз қонунни ҳурмат қиладиган, солиқларни ўз вақтида тўлаб турадиган виждонли, ориятли, иймонли тадбиркорсиз, эй буюк инсон! Долларларни чангаллаб, пана-пасткам жойларда, «қора бозор»ларда савдо қилиб юриш сизга асло ярашмайди, Алишер Исроилович! Тўғрими?

- Тўппа-тўғри! - дея унинг гапларини маъқулади кўзлари сузилиб бораётган Алишер ишшайганча. - Ичимсиз, братан, ичимсиз. Қуйинг, оламиз.

Бирок бир литр арок кетадиган шиша бўшаганди. Шунда яхудий меҳмон этилиб раиссимизнинг қулогига ниманидир шивирлади. Мен бориб битта арок опкесам, жами ҳажажат қанчага тушаркин, деб ўзимча хомчўт қилиб турган маҳалим негадир Зуфар Рустамов сал ҳаяжонланган алфозда ўрнидан турди-да, бир томоқ кириб олгач, ялинчок оҳангда мурожаат этди:

- Қимматли Алишер Исроилович! Арон Рабинович сизга жуда катта бир илтимос билан мурожаат қилмоқчилар. Очиги, меҳмонимиз озроқ хижолат чекиб ҳам турибдиларки, қисқа фурсат ичида менга жуда азиз бўлиб қолган бу буюк инсонлар мени нотўғри тушунмасинлар деган хавотирда.

Ҳар қанча кайф қилган бўлсам-да, сўнги жумлалардан сўнг қулогимни динг қилдимки, бу мочағар қарз-парз сўрайдим нима бало деб. Қарасам, кўзлари филтиллаб, гўё илтимос қилишса бас, шу заҳоти бутун дунёни кўшқўллаб бериб юборадигандай алфозда турибди Алишер.

Бир ютиниб олган Рустамов гапида давом этди:

- Арон Рабинович катта умидлар, ишончлар ила сизга мурожаат қилмоқдаки, эй буюк инсон, агар кўнглингиз озор чекмаса, агар дилингизга заррача норозилик уруғи сепилмаса, буюк юрагингиз, очик дилингиз билан руҳат берсангизки, Арон Рабинович ҳозир дипломатидан биттагина Исроил ароғидан олиб очсалар ҳамда яна йиғирма-ўттизга қабоб буюрсалару, столнинг жами ҳаражатларини ўзлари тўласалар. Илтимос, Алишер Исроилович, йўқ деманг. Арон Рабинович сизнинг буюк қалбингизга ишонадилар.

Енгил тортиб кетдим, Кушдек... Таъсирланиб кетган Алишер бўлса стул суянчигига таяниб қаддини ростларкан, кўлини силтаганча:

- Йўқ! Асло! - дея хитоб қилди. - Биз ўзбекларда бундай одат йўқ. Биз ўзбекларда меҳмон отадан улуг! Ароқниям мен опкеламан, пулиниям ўзим тўлайман.

Кўрқиб кетган Рустамов энди ростакамига ялинишга ўтди:  
- Алишер Исроилович! Тушунинг, ахир яхудиёларда шундай одат бор. Улар бир кўришдаёқ ёктириб қолган одам учун жонларини ҳам аямайдилар. Йўқ деманг, Алишер Исроилович. Ахир шундай одамни ҳафа қилиб қўясиз-а. Илтимос, Алишер Исроилович, майли денг. Сиз буюк инсонсиз, Алишер Исроилович, лекин, илтимос, меҳмоннинг раъйини қайтарманг.

Алишер кўл силтади:

- Йўқ ва яна юз қарра йўқ!

- Алишер Исроилович! Илтимос...

Мен Алишернинг костюми баридан тортидим.

- Майли денг энди, хўжайин. Шундай одат бўлса, жуда ният қилиб турган бўлса, нима қиласиз ҳафа қилиб.

Алишер бўлса тўтиқушдай бир гапни такрорларди:

- Йўқ ва яна юз қарра йўқ!

Рустамов учиб ўрнидан турди-да, илдам юриб келиб Алишернинг кўлидан маҳкам тутди:

- Илтимос, Алишер Исроилович, йўқ деманг. Арон Рабинович сизнинг буюк инсон эканлигингизга ишониб шу

илтимос билан мурожаат қилган эдилар. Тўғрими?

Аблаҳ тўтиқуш бўлса:

- Йўқ ва яна юз қарра йўқ! - деб такрорлайди, холос.

Қани энди кимсасиз жойда бўлиб қолсангу, юмшок жойига ўхшатиб бир телсанг: «Мана сенга «йўқ!»!» деб...

Ҳар қалай вазиятни тушунди чоғи, Арон Рабинович деганлари раисга нимадир деб мурожаат қилиб қолди. Бирдан Зуфар Рустамовнинг юзи ёришиб кетгандай бўлди.

- Эврика, Алишер Исроилович, эврика! Арон Рабинович ажойиб бир таклифни ўртага ташладилар.

Меҳмон «Майли, пулини ўзларинг тўлай қолинглар» деб қоладими деган хавотирда вужудим музлаб кетди.

- Хўш? - деди Алишер қизиқсиниб.

- Арон Рабинович сизнинг буюк инсон эканлигингизга яна бир бор шахсан гувоҳ бўлганлари ҳолда бир ажойиб таклифни ўртага ташладилар. Яъни, Алишер Исроилович, сиз Исроилга бориб, бир вагон ароқни совғага олганингизда ўша вагондан битта ароқ олиб, қарзингизни Арон Рабинович жанобларига қайтарасиз, яъниким Қуддуснинг энг мухташам ресторанидан бирида бўлган зиёфат ҳақини сиз тўлайсиз, Қалай, зўр таклиф-а, тўғрими?

- Тўппа-тўғри, - дедим дарҳол.

Бундай мураккаб мантқиқли ечим олдида гарангсиз қолган Алишер ҳам ноилж бўйин эгди:

- Унда... майли. Қарзга бўлса майли.

Шу билан муаммо ўз-ўзидан ечимини топди-қўйди.

Дипломатдан ароқ олинди. Суюниб кетгани мамнунлик уфуриб турган юз-кўзидан бирилиб турган исроиллик танги меҳмон официанткани имлаб чақириб, қабобга имларкан, бир йўла ўнга бармоғини кўрсатиб юборди. Хуллас, ҳаммаёқ «сен же, мен же... сен ич, мен ич...» бўлиб кетди.

Кетма-кет янги-янги қадахлар сўзлари айтилди. Кетма-кет кучоқлашишлар, ўпишишлар бўлди. Бора-бора даврамиз раиснинг ҳадеб «тўғрими» деган сўзини такрорлайвериши ҳам асабимга тегмай қўйди. Мен ҳаттоки исроиллик меҳмон ҳақида ҳам «ёқимтой одам экан» деган хулосага келиб қўйдим...

...Ўзимга қолса-ку, шу-унча пул тўлашган бўлса-да, эҳтимолки, айнан шу сабабидир, иқимга унчалик ўтиришмай турган бу меҳмонлар билан ими-жимидагина хайрлашиб, кўннинг расмини чизишни маъқул кўрардим. Аммо Алишер қаҳвахона эшиги ёнида улар билан нақ ярим соат ялашиб-юлқашиб хайрлашди-ёв. Бундай қайноқ хайрлашишга чидаса ҳам бўларди, аммо Алишернинг бўкириб уларни меҳмонга чорлаши ортиқча эди-да. Хайрият, меҳмонларнинг вақти тингизроқ экан, кўнишмади.


Хуллас, улар Алишер иккаламизни бир машинага ўтказишиб, ҳатто пулини ҳам тўлаб жўнатиб юборишди.

Алишер йўл бўйи яна ўша музикани қўйиб келди: истасам ундок килодурман, хоҳласам бундок килодурман...

Кеч тушиб бормоқда эди. Яна юрагим сиқила бошлади. Назаримда, кайфим ҳам тарқагандай бўлди...

Атрофда, улкан шаҳарда икки миллиондан ортиқ одам яшайди. Лекин мен ёлғиз эдим... Намозшом бостириб келмоқда эди. Юрагим яна қатл онларини кутаётган жиноятчиники мисол типирчилаб ура бошлади. Бўғилиб кетиб, эшик деразаларини очиб юбордим, бироқ бу ҳам кўмак беролмади. Алишер кетма-кет бурқситиб чекаётган қўланса сigaretа тутунига қўшилиб кўнглимга алам-изтиробнинг қайғули, ўтмас пичоқдай азоб бергувчи туйғулари оқиб кирмоқда эди. Э, худойим! Инграб юбормай деган хавотирда тишларимни бир-бирига қаттиқ босдим, муштларимни маҳкам тутдим. Чидамок, чидамок лозим бу қийноқларга. Майли, тишларим қарсиллаб





синсин, майли, оғзим қора қонимга тўлсин, лекин мен бировнинг олдига тутурмайман, тутурмайман...

Юрагим тобора гумириб борар, ўқлоғдай бўртиб чиққан мия томирларим пешонамни ёриб юборгудай гурсиллаб урар, аини пайтда беҳад залворли, мудҳиш босим аста-секин, ҳафсала билан вужудимни эзиб, қонимни силқитиб чиқариб бормоқда ва энди ундан қутулмоқ имкони сира-сира йўқдай эди...

Биз бош-адоғи йўқдай узун бир кўприк устидан ўтиб бормоқда эдик. Пешонамни муздай ойнага босдим.

Мен ёмон кўраман бегона шаҳарнинг хиёбонларини, кўприкларини, биноларини, ҳатто томларини, Бирок ҳаммасидан ёмонроқ кўраман мен унинг намозшомларини... Мен ёмон кўраман бегона шаҳарнинг кўчаларини, ҳатто номларини, Бирок ҳаммасидан ёмонроқ мен унинг намозшомларини...

...Ваннага кирар-кирмас Алишернинг оғиз-бурнидан қусик булок бўлиб отилди. Ирганиб, иссиқ-совуқ сувни очасола ўзимни ташқарига олдим.

Худди шу маҳал эшик жиринглади. Баъзан бунақа маҳаллари қаттиқ сотувчилар келиб қолишар, лекин Алишер ҳеч қачон эшикни очмасди. Бир коса муздайгина қаттиқни кўз олдимга келтирдиму, оғзимнинг суви қочганча, илдам бориб аввал оддий эшикни ичкарига, сўнг темир эшикни ташқарига очдим. Йўлак чироғи ўчган экан, қоронғулукда турган шарпага қараб:

- Қатикми? - деб сўрадим.

Бунга жавобан ноаниқ гўлдираш эшитилди. Сўнг шарпа кўлини сермади шекилли, ишқилиб, қоқ миямга кучли зарба келиб урилгани ёнимда. Ҳар қалай, кейинроқ фаҳмлаб кўрсам, ортага учиб кетиб, орқа миям билан деворга жуда қаттиқ урилганман шекилли, ишқилиб, ўзимдан кетиб қолибман.

Кўзимни очсам... оёқ-қўлим чандиб боғлаб ташланган. Диванда ётибман юзтубан. Бўйнимдан ўтган йўғон аркон бошимни кўтаришга имкон бермасди. Яна нафасим қисилиб кетди. Оғзимга тикилган ифлос латта айниқса жонимдан тўйдириб юборди. Шунча ҳаракат қилиб кўрдим, шишиб кетган тилим билан ҳам итариб кўрдим - бефойда.

Хонада эса қиёмат-қойим кўпмоқда эди. Магнитофон гумбурлаб бақироқ чет эл кўшиғини айтар, нималардир тарақлаб ерга тушар, жавонлар гийқиллаб очилиб-ёпилар, гурс-гурс қадам товушлари тинмасди.

Кўл-оғим, бўйнимдан ташқари белимдан ҳам ўтказилган аркон қаддимни тиклашга йўл қўймасди. Жон аччиғида оёқларимни қирмирлатиб, ўзимча қўмакка чорладим. Илло, назаримда, яна беш-ўн минут шу аҳволда ётсам тилим шишиб оғзимни қоплаб оладигандек ёхуд юрагим тарс этиб ёрилиб кетадигандек эди.

Аммо бир тирик жон менга ёрдам берай демасди. Нафасим қайтиб, ўладиган аҳволда эдим. Бошимни буришга урингандим, бўйнимда тиг тилиб ўтгандай ачишиш аралаш оғриқ пайдо бўлди. Алам ва иложсизлик зўридан инграб юбордим. Э, худо, жонни оладиган бўлсанг тинчгина олиб қўймайсанми, бу азобларинг нечун? Ҳатто додлай олмаганиндан сўнг...

Ниҳоят, кўртгунлардан биронтаси андаккина бўшашдимми, ҳайтовур, минг машаққатлар ила бўлса-да, бошимни озгина буришининг иложи топилди. Ва мен кўз олдимда рўй бераётган даҳшатли манзарадан лол бўлиб қолдим.

Сиз аёлларнинг қоп-қора пайпоғини бошига кийиб олган дароз, ҳатто Алишердан-да бир яримта келадиган давангир кимсанинг стулда бемалол ялшайиб ўтириб олганча мана шу пайпоқ устидан оғзига сигарета олиб чеккаётганини тасаввур қилоласизми? Эгларим жимирлаб кетди. Ниқобдор қашанданинг оёғи остида, шундай полда эса жикка ҳўл,

афтидан сувга қайта-қайта тишиб олинган Алишер, гўё бирдан кичкинагина болага айланиб қолгандай қалт-қалт титраб, гужанак бўлиб ётарди:

Суратини кўру сийратини фаҳмла. Кўкка ҳафсала билан паға-паға тутун чиқараётганиданоқ кўп нарсадан қайтмаслиги яққол билиниб турган ниқобдор кимса олдиға худди шундай ниқобдаги, бироқ жуссаси ушқоқроқ бошқа бирови келди-да, дўстим бечоранинг устига бир кучоқ папкаларни қалаштириб ташлади. Мен унинг зарда билан:

- Сейф. Отқётлар. Бошқа шимилдиригам йўқ, - деганини эшитгандай бўлдим.

Дароз шовилмасдан ўрнидан туриб, сигаретасини очилиб қолган папкалардан бирига эғилаб ўчирди-да, ҳе йўқ-бе йўқ тўсатдан Алишернинг қорнига ўхшатиб бир тепди. Алишер жон аччиғида чинқириб юбориб, баттар гужанак бўлиб қолди. Шунда дароз, баайни тулки ёмиши бўлмиш типратиканни осмонга қаратгандай оёқ учида Алишерни туртиб, тепага қаратди. Дўстимнинг оғиз-бурни қоп-қора қонга беланган эди.

Дароз энгашиб, ҳалига довор оғзида тутиб турган тутунни Алишернинг юзига пуфлади.

- Пул қани, чўчка!

Алишер одамнинг раҳмини келтирадиган даражада чийиллаб юборди:

- Борини бердим-ку, акалар. Бошқа йўқ, ўлай агар! Қасам ичаман! Онамни ўртага қўяман!..

Дароз ёмон сўкинди:

- Ҳе, онангини...

Шундан кейин Алишернинг юз-кўзи аралаш яна уч-тўрт мушт-тепки тушди.

- Қани? Топ! Берганинг айтганининг мингдан биричаём чикмаяпти-ку, эшшак! Яширган жойингни айт! Айт деяпман! Бўлмаса ўлдириб қўяман!

Жон аччиғида тўлғониб чинқираётган Алишернинг қонга беланган афтини кўрмаслик учун кўзларимни юмиб олдим. Тил ўлсин-а, тил...

- Йўқ, деяпман-ку, ака, бошқа йўқ! Худо урсин агар... буюрмасин агар...

- Мана буни кўраяпсанми?

Бейхтиёр кўзларимни очдим. Дароз қўлида кип-қизил чўнга айланган, ҳалиги... сув қайнатадиган кипятильник турарди. Кўз қиримни ташлаб у тоққа улаб қўйилганини кўрдим.

- Мана буни кўраяпсанми, тўнгиз, - дея дароз совуқонлик билан бир пиёла сувни кипятильникка сепаб юборган эди, атрофга вошиллаб буг кўтарилди. - Ҳозир шуни орқандан тикаман-да, тўппа-тўғри оғзиндан чиқараман - шашлик бўласан-қоласан, мол!

Дароз чиндан ҳам қўлидагини Алишернинг орқасига яқинлаштира бошлади. Энди бола бечоранинг оҳ-фиғонини, дод-войини кўринг - сира чидаб бўлмайди-да...

- Охирги марта сўраяпман, ит, яширган жойингни айт! Айтсанми-йўқми?

- Акажон, акажон, бошқа йўқ деяпман-ку, йўқ деяпман-ку, худо урсин агар... мен... мен бой одамга ўхшайманми... Ўзи... акамнинг орқасидан... бори шу... бошқа йўқ... йўқ... Бор бўлса... жон деб... Пул азиз бўлдими...

Босқинчининг раҳмини келтироқчи бўлдими, Алишер энди хиқиллаб йиғлай бошлади.

Чин сўзим, бу йиғитда қандайдир самимият бор: ҳатто ўтрик сўйлаганда ҳам, ҳатто йиғлаганда ҳам...

Ҳар нечук қурбонидан ортиқ бир тийин ҳам чикмаслигига иймони қомил бўлди чоғи, дароз қўлидагини шеригига тутқазди-да, бориб магнитофонни ўчириб келгач, бир силтов билан Алишерни даст кўтариб стулга ўтказаркан, қўлини ечиб,

столга битта оқ қоғоз билан ручка қўйди.

- Ёз, эчки! Ёз деяпман. - Ҳамон ёш боладай ҳикиллаб-ҳикиллаб, энтикиб-энтикиб қўяётган, дамо-дам шўрилатиб бурнини тортаётган Алишер қўрка-писа ручкани қўлига олди. - Ёз. «Тилхат». Ёздингми? Ўртасига ёздингми? Энди пастдан давом эт. Яхшилаб қалтирамасдан ёз. «Мен», - деб ёз. Исм-фамилиянгни паспорт бўйича келтир. - Ёз: «Тилхатни шу ҳақда берайпманки, ҳақиқатан ҳам мана шу тилхат эгасидан... Хў-ўш... тўрт минг доллар қарздорман. Мен бу пулни бир ой ичида тўламасам срогидан ўтган ҳар бир кун учун процентини қўшиб тўлайман. Мен бу тилхатни гувоҳлар иштирокида ўз қўлим билан ёзим», деб ёз. Бугунги числони қўй. Энди подсинини қўй, мочагар. Чир-ройли қилиб қўй. Қўйдингми? Менга бер-чи? Хў-ўш, тагига гувоҳлар имзо чекади, бу ерига нотариус печать босади. Всё! Тўламасанг, онангни учқўргондан кўрсатаман. Тўлайсанми? - Дароз Алишернинг биқинига ниқтади.

- Тўлайман, - аянчли минғирлади бир чўчиб тушган Алишер жон ҳалпида.

- Тўламаям кўр-чи, паразит. Разборга қўйиб ўн баравар қилиб ундириб оларман. Ана ундан кейин жонингни оламан. Тушундингми, кашалот?

Алишер бош ирғади. Бу маъқулловдан қоникмаган дароз яна унинг бошига бостириб келди.

- Тушундингми, деяпман, кашалот?

Дўстим бечора яна жон алпозда бош ирғади.

- Тушундим, тушундим, акажон! Тўлайман, тўлайман!

Дароз эгилиб, Алишернинг юзига бир сония қараб қолди.

- Энангни сотиб тўлайсанми, тварь? Ё бошқа жойга яшириб қўйганинг борми, айт?

Ҳозир мушт тушади деб ўйлади шекилли, шоша-пиша қўллари билан юзини бекитиб, ўзини орқага олган Алишер стул-пути билан полга гурсиллаб қуларкан, жон аччиғида:

- Акамдан оламан, акамдан, - деб чинқиришга ургурди.

- Э, акангниям қўшиб...

Дароз бир нималарни мулоҳаза қилаётгандай хонанинг у бурчидан бу бурчига икки-уч марта шошмасдан бориб келгач:

- Ол! - дея фармон берди.

Худди шу маҳал хонага учинчи, бамисоли таёқдай орик, ингичка, паканагина бир шарпа - табиийки, юзига аёлларнинг юпка қора пайпоғини кийиб олган - сирғалиб кириб келди-да, олдиндан тайёрлаб қўйилган хўжалик сумкасига чакконлик билан, деярли товуш чиқармасдан компютерни жойлади, бошқа бир яна шундай катта сумкага факсни, магнитофонни...

Нарсалар олиб чиқиб кетилиб, хона шип-шийдам бўлгач дароз энгашиб ерда юзтубан ётган Алишернинг қўлларини орқага қайириб қайтадан боғлади-да, оғзига каттакон бир латтани зўрлаб тикди. Сўнг қора қўлқоп кийган қўлларини қоқиб қўяркан, кўрсаткич бармоғини Алишернинг кўзига тираб, иккинчи қўлига чўнтагидан нақ ярим қўлочча келадиган пичоқ олди-да, таҳдидли оҳангда таъкидлади:

- Бир ой! Тўрт минг! Ўзим сени топиб оламан! Тайёрлаб қўймасанг, мараз...

Кўзи шокосасидан чиқиб кетгудай олайиб кетган дўстим яна жон аччиғида бош ирғаб, гў-гўлаб бир нималар деган бўлди.

Шунда... дароз чап қўлидаги пичоқни бир сермаган эди, дўстимнинг қулоғидан қон сизиллаб отилди.

- Бу бошланиши, палид, - деди дароз қалдини тикларкан. - Кейинги сафар чотингнинг орасидаги безингни юлиб оламан!..

Ўз чорбоғидан қайтаётгандай бемалолхўжа алфозда у ер-бу ерини тузатган дароз ниҳоят шошилмасдан хонадан чиқиб кетди. Темир эшикнинг гурсиллаб ёпилгани эшитилди...

Оёқ-қўлим, белим, бўйним, ҳатто миям увишиб қолгандай

эди.

Қора қонига беланган Алишернинг кўзларидан катта-катта ёш томчилари оқарди...

Улкан шаҳарнинг қок марказида, хувиллаган, шип-шийдам хонада, оёқ-қўлимиз чандиб боғланган, калтак еган, хўрланган, ҳақоратланган дўстим иккаламиз узо-оқ вақт қолиб кетдик. Босқинчилар ўз ишларига пухта эканлар: минг уринсам-да, арқонларни бўшатолмадим. Фақат диваннинг гижирлаганию, менга кўзи тушган Алишернинг баттар пиқиллагани қолди...

Одам боласи, бошга тушса, кўп нарсага чидаркан. Шу алфозда бир-икки соат ётсам, юрак сикилишиданоқ ўлиб қоларман, деб ўйлагандим. Йўқ, чидадим. Ҳатто ахийри кўз ёшлари қуриган Алишер уэр сўраётгандай киприқларини қайта-қайта пирпиратган, кейин эса... пешобини қўйиб юборган маҳал, поёндоз устида оқиб келаётган сассиқ сулоқликқа термулиб турарканман, қулгим ҳам қистагани ёдимда...

Бундай пайтлари вақт имиллаб ўтади. Биз ҳам кў-ўп ётдик, орадан неча замонлар ўтди. Ниҳоят кўз қиримни ташлаб, ташқарида тонг ёриша бошлаганини иллаганим чоғда темир эшикнинг гумбураб очилгани, сўнг шошилиш чакдам товушларини эшитдим. Келган Нажмиддин ака эди...

Бизни бу аҳволда кўрган Нажмиддин ака бир муддат серрайиб туриб қолди. Сўнг ранги қумдай оқариб, тиз чўкдию, қапираётган қўллари билан бир амаллаб менинг арқонларимни еча бошлади. Оёқ-қўлим бўшар-бўшамас туртиниб-суртиниб, арқонларга чалиниб-йиқилиб ҳоҳатхонага чошдим...

Чиксам, эшик ёнида Алишер турибди корнини чангаллаганча икки букилиб...

Сал ўзига келиб олган Нажмиддин ака бизни гоят жиддийлик ила қайта-қайта сўроққа тутди. Биз биримиз қўйиб, биримиз олиб бор воқеани ипидан-игнасиғача айтиб беришга уриндик. Фақат мен ўзим бориб эшикни очганимни дoston қилиб ўтирмадим. Алишерни энди қўлтиқлаб киргандим, ўғрилар ортимдан бостириб келишди, деб қўя қолдим. Маҳкам қисилган тишлари қисираб кетган, жағида олхўридай гудда пайдо бўлган Нажмиддин ака кўзини бир нуқтадан узмай анча вақт ўйлашиб қолди, сўнг қўшн хонага ўтиб чўнтак телефонида кимгадир кўнғироқ қилиб, бир оғизгина «Кел», деди, холос.

Олдимизга қайтиб кирган Нажмиддин ака чўнтагидан қалит чиқариб Алишерга тутқазди-да, сал жеркиганроқ оҳангда деди:

- Кеннинг ишга кетган. Кириб, ювиниб, чой-пой ичиб олларинг. Холодильникда кефир бор. Бошингни созлаб ол...

Алишер иккаламиз узун-қиска бўлиб хонадан чиқдик...

Нажмиддин аканинг, учинчи каватда жойлашган бўлишига қарамасдан, кичкинагина ҳовузчаси бор, барча хоналари тилла суви югуртирилган кабарик нақшли хонадонда ювиниб, чой, қатиқ ичиб, сал ўзимизга келганимизга ҳам бир ҳафтадан ошди. Сезиларли даражада ўзини олдириб, сўлжайиб, кўзлари худди раҳм-шафқат сўраётган одамникидай ғилтиллаб қолган Алишердан сўраб-суриштириб билганим шу бўлдики, Нажмиддин аканинг қандайдир танишлари келиб босқинчилик содир бўлган хонадонни обдон элақдан ўтказишган, жўрамнинг гапи рост бўлса, бармоқ изларига олишган. Сўнг телефон қилаётган томоннинг рақамини аниқлаб бергучи аппарат ёнида уч-тўрт кун кўнғироқ кутиб навбатчилик қилиб ҳам ўтиришган. Ахири, буларнинг баридан тайинли бир натижа чиқмагач эса, Нажмиддин ака шартта бу машғум офисни сотган-да, Алишерга қўшни ўйдан бир хонали квартира олиб берган.

Янги уйнинг қалити қўлига тегишган қуни ақасининг унсиз дашномларини «эшитавериб» жонидан тўйган, қахрли





қарашларидан юрак олдириб қўйган дўстим бир яйради, бир яйради. Назаримда, энди акасида узокроқда яшаш имконияти уни кўпроқ шодлантирди-ёв...

Мен секин Алишернинг қўйнига қўл солиб кўрдимки, хўжайин, сиз тўрт минг доллар қарзим бор деб тилхат бериб юбордингиз, эртан-пертан шу арзимаган бир парча қоғоз яна бошга бало бўлиб, тинчингизни ўғирлаб юрмасин...

Дарвоқе, ўша, воқеа содир бўлган туннинг эртасига негандир тилхат ҳақидаги гапдан четлаб ўтиб кетганди жўрам. Мен бўлсам дарров маҳмадоналик қилишдан истихола этгандим.

Бирдан ранги ўчиб кетган Алишер яна ўша окшомги дахшатларни ёдладими, хайтовур, шоша-пиша аканинг ҳузурига жўнаб қолди-ку.

Бирок биз бекорга хавотирланган эканмиз. Нажмиддин ака мулақо совуққон оҳангда укасига барча ваҳималари бир пул эканини исботлаб берибди. Яъни, кўрkitув, таъйик орқали олинган тилхатлар ҳужжат ўрнида ўтмас экан. Айниқса, нотариус тасдиқдан ўтмаган ҳужжат ҳеч қандай қонуний кучга эга эмас экан. Шунда Алишер кўрқа-писа босқинчи нотариус муҳрини ҳам ваъда берганини айтиб ўтибди. Дўстимнинг гапига қараганда, буни эшитган Нажмиддин ака мийинғида илжайганмиш-да: «Қани, ўшандай қалласи иккита нотариусни менга кўрсат-чи, борадиган жойига обориб қўй!» депти...

Разм солиб қарасам, акасининг олдига бориб келгандан кейин Алишер менга нисбатан сал илиқроқ муомала қилаётгандай, ҳатто янги квартирада бирга туришимиз мақбуллингини ҳам шаъма қилиб ўтиб кетди бир-икки бор. Ваҳоланки, сўнгги икки-уч кун ичида мени кўрса сал елкаси тиришаётгандай эди. Ахир, кимга ёқарди, дейлик, иштонини хўллаб қўйганига гувоҳ бўлган одам билан ҳар қуни ҳамсухбат бўлиш. Эҳтимол, дўстимнинг бу кайфияти узок давом этмасди, бироқ бу қадар тез ўзгариб қолишида ҳам нимадир бор чоғи...

Гапни айлантириб, илмоқли саволлар бериб, ўзимни ҳеч нарсани тушунмаётган одамдай тутиб шуни англадимки, Нажмиддин ака Алишерга «Дўстинг ҳар эҳтимолга қарши узокроқ кетмай тургани маъқул. Мабодо ишлар унақасига кетиб, гувоҳ-пувоҳ керак бўлиб қолса, излаб юрмайлик», мазмунида гап қилган экан.

Акасининг олдида ўлиб-тирилиб ўзини оқлаб олиш ҳаракатида юрган Алишер эса бу ишоратга шартта ёпишиб олгану, шу боис, уқувсизлик билан бўлса-да, менга сал илиқроқ муносабатда бўлишга уринаётган экан.

Ҳа, афтидан босқинчиларнинг мажбуран олган тилхати ҳеч бир қаромат кўрсатолмайди чоғи. Ҳар қалай, Нажмиддин ака бозор кўрган йигитлардан, инчунун, қонун-қоидаларни ҳам сув қилиб ичиб юборгандир...

## V

Осмондан қачон чалпақ ёғилибди...

Осмондан қачон пул ёғилибди...

«Ҳоким бово»ми ёинки «қози бово»ми, ишқилиб, шуларга ўхшаган катта-катта амалдорлар эҳтимол ўтирган ўрнидан қирмирламай туриб даста-даста назр-ниёз йиғар. Бирок тадбиркор зоти борки, пулни осонлик билан топмайди. Айттайлик, у менинг оғзимдагини қилиб олиб бойийди. Ва тўғри ҳам қилади. Бозорми - бозор-да! Чидаланга чиқарган! «Бозор, бозор...» деб қанча одамларнинг оғзидан суви қочганди, мана, етиб келдик-ку ўша кунларга. Эпласанг - яша, яхши яшашни истасанг - яхшилаб эгла...

Қатик турган ховончада ҳеч бўлмаса юки қолади-ку.

Иш ҳам, бари бир, ўз номи билан иш-да.

Алишерда фойда чиқиши мумкин бўлган жойни инстинктив ҳис қилиш туйғуси оз-моз шаклланиб улгурганда чамаси...

Оппоқ нимчали оппоқ костюм-шим, оппоқ кўйлак кийиб, капалакнусха қулранг бўйинбоғ тақиб олган, юзи роса қорайган, лаблари пўрсиллаб ёрилган қирк-қирк беш ёшлардаги кичгинагина, тўлагина киши юмшоқ ва, табиийки, оппоқ пойабзалда хонага пилдираб кириб келди-да, салом-алиқдан сўнг ўзини:

- Павел Павлович, тойис, Пал Палич Пак, - деб таништиргач, оғзини кафтида бир артиб оларкан, дарҳол мақсадга кўчди: - Акажон, бизга икки юз тонна атрофида труба керак. Срочно! Горим. Объектни шу ойда топширмасам, ҳоким қалламини олади. Ёрдам бериб юборинг, акажон. Срочно. Бизга вообше йўқ бўлиб кетди.

- Қаерга? - дея сўрадим энсам қотиб.

- Сурхондарёга, акажон, Сурхондарёга, - деб дарҳол мен томонга ўғирилди Пал Палич деганлари. - Ёрдам қилингизлар, акажонлар. Бир-икки сўм қиммат бўлсаям майли.

Мен қўлларимни кенг ёзиб, Алишерга ишора қилдим.

- Бунақа ишларни хўжайиннинг ўзлари ҳал қиладилар, Пал ака.

Сал зингил солиб қарасам, Алишербой чиндан ҳам улкан миқёсдаги маҳобатли олди-сотдиларни ҳал қилиб юрадиган уйли-жойли, давлатманд бизнесмен янглиг савлат тўқиб ўтириш тадоригига тушиб қолибди.

Шу гапимдан кейин Пал Палич менинг хонада борлигимни тамоман унутгандай бугун эътиборини Алишерга қаратди.

- Ёрдам қилинг, акажон. Горим!

- Қанақасидан керак, Пал Палич, қанча керак? Мўлжалланган нархингиз?

Дарҳақиқат, «хўжайин» ўз ролига ўтиб улгурганди: овози босиқ, салобатли, қарашлари жиддийликка мойил. Ҳатто бунақа ишларни бажаравериб, одамларга яхшилик қилавериш, ақл ўргатавериш салгина чарчаган одамга ҳам ўхшаб кетадими-ей...

Пал Палич бу қармоққа илинди-қолди.

- Жон акажон, бизга икки юз тонна атрофида керак. Етмиш тўққизлигидан юз элликкача. Мўлжалимиз, қанча арзон бўлса шунча яхши-ю, лекин, акажон, заказимиз срочний, шунинг учун, майли, акажон, перечисленига етмишгача, нақдига бир эллик бешгача оламиз, акажон.

Алишернинг кўзларида кизикиш учқунлари пайдо бўлди.

- Ҳали нақдига ҳам оласизларми?

Пал Палич ўнг қўлини кўксига қўйиб, ним эгилди:

- Форма оплаты любая, акажон.

- Комбинированныйсига ҳам юрасизларми, Пал Палич?

Ҳа, бунақанга саволлар беришда ҳам гап кўп-да: Пал Палич деганлари хоксорлик ила бошини янада қуйи эгди.

- Сиз нима десангиз шу, акажон. Бизга труба топиб берсангиз, ҳоким бованинг қаҳридан қутқарсангиз бас, акажон, буёғини бизга қўйиб бераверинг.

- Хўш, «буёғи» қанча бўлади?

Алишернинг тағдорроқ оҳангда берган саволи Пал Паличчи яшнатиб юборди.

- Акажон, «буёғи»дан хавотир олманг. Шу ишларнинг ичида юрган одамларданмиз. Бировни хафа қилиб қўядиганлардан эмасмиз, акажон.

- Яъни масалан... - дея гўдранди Алишер.

Пал Палич гапни илиб кетди.

- Гапнинг данғалига ўтсам, акажон, етмишдан ками бўлса тоннасига беш мингдан нақд берамиз. Бу перечисление. Нақдига бўлса, сиз айтинг, биз ўйлаб кўрайлик. Бизга қолиб кетмайди, акажон.

Алишер чиндан ҳам ўйланиб қолди. Орадан уч-тўрт дақиқа ўтгач, у мижозга мурожаат қилди:



- Сиз, Пал Палич, тўғри бир ярим соатдан кейин хабар олинг. Мен ўртоқлар билан маслаҳатлашиб кўрай.

- Хўп бўлади, акажон.

Пал Палич ним эгилган кўйи хонадан зипиллаб чиқиб кетаркан, эшикни оҳиста ёпди.

Мен ўзимча маслаҳат берган бўлдим:

- Бу қарисни Нажмиддин акага ўтказиб юборинг-кўйинг-да, хўжайин. Нима қиласиз бош оғритиб?

Алишер мамнун тарзда ишшайиб столида турган бир парча қоғозни менга кўз-кўз қилди:

- Манавини ўқиганимдингиз?

Мен яқинроқ келиб қоғозга қарадим. Қандайдир фирма Россиядан келтирилган цемент, кум, ёғоч, қувурларни сотмоқчи эканлигини билдириб компьютерда кичкинагина эълон чиқарибди.

- Пакни шу ёққа юбормоқчимисиз? - деб сўрадим.

Алишер пихиллаб кулди.

- Аҳмолинг йўқ. Бу ёққа ўзим бораман. Адресни қаранг, адресни.

Қарасам, фирма худди ўзимиз ўтирган бинода, еттинчи каватнинг 14-хонасида жойлашган.

- Об-бо, - дедим ҳайрон бўлиб. - Шунисига қарамаган эканман-да, хўжайин. Ўзи бу эълонни қаердан олдингиз?

Алишер елка қисди.

- Кеча эшикка кистириб кетишган экан. Керак бўлиб қолар деб об кўйгандим. Мана...

Алишернинг мактов эшитишни нитик кутаётган болақайдай талғаяётганини кўриб дарҳол пишанг беришга шошдим.

- Ҳа, энди, хўжайин, худо берса қулига - чиқариб қўяр йўлига, деб бежиз айтишмаган-да. Аммо-лекин ўзингизам бунақа ишларда бурганинг кўзини чўқийсиз-да. Бизга ўхшаган оми одамлар бу эълонни аллақачон бирон керакли жойга ишлатиб юборарди-да, қоғози юмшоққина экан деб.

Алишер ёйилиб илжайди.

- Шунақа.

Алишер варақчани чўнтагига тикди.

- Қани, юринг-чи.

Икковлон 7-каватта кўтарилдик. «Орион» фирмаси деб ёзилган лавҳа осиелик 14-хона эшигининг бир тавақаси очик экан. Кирдик.

Хона тўрида, ялтироқ эман стол ортидаги юмшоқ креслода бениҳоя семиз бир одам бит кўзларини аранг очиб ўтирарди. Ўнг томондаги кичкинароқ стол ортида бир йигирма-йигирма беш ёшлардаги сочи қалта кўхликкина жувон калькуляторда нималарнидир ҳисоблайпти.

Ўзини «Ибодулла» деб таништирган бит кўз бақалок маҳсулотлар намуналари турган стол томонга ишора қилди:

- Марҳамат, образецларни кўрингизлар.

Юмшоқ стулга бемалол ўрнашиб ўтириб олган Алишер у томонга қиё ҳам боқмади.

- Мен «Офтоб» фирмасининг бош директори Алишер Исроилов бўламан. Тасодифан сизнинг эълонингизга кўзим тушиб қолди. Қани, бир нарҳини кўрай-чи, тўғри келиб қолса запарга озрок олиб кўяй, деган ниятда шу этажга йўлим тушганда бир кўриб ўтай дегандим.

Бақалок пинак бузмади.

- Марҳамат, кўраверингизлар.

Алишер жойлашиброқ ўтириб олди.

- Бизга труба керак эди.

Бақалок шошилмасдан кўйин чўнтагидан бир варақ қоғоз олди.

- Қанақасидан?

- Ҳар хилдан.

Бақалок тилла кўзойнагини тақиб, қоғозни ўқишга тутибди.

- Хў-ўш... Юз эллиқликдан 38 тонна, юз йигирмадан 41 тонна, юзликдан... йўқ, юзликдан қолмапти, саксон олтиликдан бор. 61 тонна.

Алишер чўнтагидан бир пачка «Мальборо» сигаретидан олиб стол устига ташлади-да, бир дона олиб чекаркан, беписандроқ оҳангда деди:

- Унча ходовой размерлардан эмас экан. Нарҳи қанча, ака, нарҳидан гапиринг.

Бақалок бўш келмади: столи устида турган бир қути «Пал Мал»ни берирокка суриб қўяркан, ачитиброқ деди:

- Мана шу ходовой бўлмаган размерлардан тўрт юз эллиқ икки тоннасини бир ҳафта ичида сотиб юбордик, ука. Нарҳига келсак, тоннасига етмиш мингдан.

- Қани борми?

- Йўқ. Бўлиши шу.

- Оптом олсак-чи?

- Улгуржигами? Ҳа, тушсак бир-икки мингта тушармиз. Бундан ортиги бўлмайди. Ҳозир ўзингиз яхши биласиз, Тошкентда қувур кам. Айниқса Россиядан келтирилгани. Бизники асл мол. Хоҳласангиз машина бераман, бориб омбордан кўриб келинг.

Алишер қўл қилтади.

- Машина ўзимизда ҳам бор. Сиз бўладиган нарҳини айтинг, ака.

Бақалокнинг юзига қизил доғ тепчиди.

- Мен бўлишини айтдим, ука. Хоҳласангиз шу, хоҳламасангиз катта кўча. Мен сизни мажбурлаётганим йўқ, Кечагина биттаси областдан келиб шу нарҳга олтмиш тонна обкетди. Кейинги ҳафта келиб яна юз тонна олмоқчи. Асл мол ерда қолиб кетмайди.

Ҳали ярмийам чекилмаган сигаретасини қулдонга эзгилаб ўчирган Алишер бақалокка тик қаради:

- Биз нақдига ҳам ўйнашимиз мумкин, ака.

Билмадим, бу таъкиднинг сеҳри борми, ишқилиб, бирдан мулоим тортган бақалок ҳам сигаретасини эзгилаб ўчирди.

- Шунақа демайсизми, ука. Гаплашамиз, ука, гаплашамиз. Келишиб қолармиз.

- Энди, ака, - яна бепарвороқ оҳангда сўзлашга уринди Алишер ҳаттоки ёлғондан хомуза ҳам тортиб қўйишга уринаркан, - қўлимда озрок пул бор эди. Шунга труба олиб қўйсамми дегандим. Кейин бир-иккита братанлар ҳам сўрагандай бўлудди.

- Тўғри қиласиз, ука, тўғри қиласиз. Қувур - ўлмайдиган мол. Бундан кейин нарҳи ошса ошадик, асло тушмайди.

- Бўлиши қанча, ака, айтинг?

Бақалок безовталаниб бир менга, бир жувонга қаради. Жувон сезгиргина экан чамаси, қоғозларини йиғиштирди-да, «Мен банкка бориб келай, кечаги икки ярим миллион тушгандир» дея узр сўраб чиқиб кетди. Мен ҳам ўрнимдан турдим.


- Бир чекиб келсам дегандим.

Бақалок тасдиқ маъносида бош ирғади. Ўйинга берилиб кетган Алишер ҳаттоки мен томонга ўтирилмасданок бош ирғаб қўйган бўлди.

Мен ташқарига чиқиб эшикни ёпдим-да, йўлак охирига бориб сигарета тутатдим.

Орадан ўн дақиқа ўтар-ўтмас Алишер бояги бақалок билан бошлашиб чиқиб келди. Ишчан қиёфали, кўзларидан ўт чақнай бошлаган, катта ўлжани ҳис қилаётган овчи сингари бурун катаклари керилиб кетган дўстим менга: «Хонага бориб туринг. Пал Палич келса қўйиб юборманг, чой-пой беринг, мен складга бориб, трубаларни ўз кўзим билан кўриб келаман», деб шипшишга улгурди.

(Давоми келгуси сонда)



# БУЛОҚ ЭШИЖ

Элмурод ХОТАМ

## КУЁШ

### УЧАДУ...

#### РУХНИНГ МАСКАНИ

Мен - кишварман бир уй, бир зотли  
Кўкрагимдир ўша чоқ кулба.  
Шу хонада яшар қанотли -  
Фариштага айланган телба.

Сигсам эди ўз кўкрагимга,  
Чоқ қилардим фариштам, кўксинг!  
Кирар эдим сўнг юрагингга  
Телба бўлиб яшамоқ учун.

#### ЛОРКА ҲАҚИДА КЎШИҚЛАР

I

Айданамар!\*

Кўз ёшларинг оқар шашқатор,  
Қандай ғаминг бор?!  
(Ваҳоланки ёнингдаги тош  
берар ғамга дош)  
Сен йиғлайсан, фақат йиғлайсан  
Бу кўзларинг неларга гуноҳ.  
Кўрганларнинг бағрин тиглайсан,  
Бизни эт огоҳ.

Қандай сирлар бунда кечганди,  
Бир пас овун - сўзлаб бер бизга.  
Тонгми, кундуз, тунда кечганди  
Майли йиглаб - бўзлаб кир сўзга.

Айданамар!  
Кўз ёшларинг оқар шашқатор  
Қандай ғаминг бор?!  
Сенга таскин - тасалли бекор -  
Кўз ёшинг бисёр  
Айданамар.

II

Август.  
Жазирама август  
Кечмоқда...  
...Ёзнинг сўнгги оловли боши...  
Булоқ ёшин Куёш ичмоқда,  
Тарс ёрилар бу сабр тоши.

Тунда нафас олар ютоқиб,  
Сўнг булоққа интилар секин.  
Орзу қилар кетмоқни, оқиб  
Булоққа ҳеч етолмас лекин...  
Тарс ёрилар бу сабр тоши...

Алмашар кун-тун-кун. Алмашар...  
Куёш қачон чиқиб, қачон ботади?!  
Кунлар шошар, бу тунлар шошар  
Тош ҳамон жойида ётади.  
Тарс ёрилар бу сабр тоши.

#### ЁЛҒОНЧИНИНГ ШЕРИГИ

Бу тилсимот  
Сарҳадига  
Қадам кўйгач у нодон,  
Саёхатин  
Поёнига  
Шошиб борар саргардон.

Дастур бўлар  
Йўлдошларин  
«Мағруб» таъмал тошлари.  
Зое кетган  
Умри учун  
Тўкилади ёшлари.

Ўкинч билан  
Асаб тори  
Таранг бўлиб боради.  
Тек туради  
Изн сўраб,  
Топмай маъқул чорани.

Иродасин  
«Қаттол тақдир»  
Макр билан буқади.  
Истиқболи  
Мавҳумликдан  
Сувга тошдек чўқади.

Ҳақиқатдан  
Кўрқади у  
Айтолмайди дардини,  
Юрагига  
Тўплайверар  
Кўҳна очун гардини.  
Ачинмангиз,  
Бу шарпа ҳам  
Сизу-биздек тирикдир.  
Ҳақиқатни  
Айтолмас, бас  
Ёлғончига шерикдир.

\* Кўз ёш булоғи. Лоркани шу булоқ ёнида отишган

Каттақўрғон.

# «БАХТЛИ БЎЛИШГА ҲАҚҚИМ ЙЎҚМИ?»



ёхуд собиқ талаба  
фожиаси

Тун. Поезднинг бир маромдаги тақа-туқи қандайдир ҳузур бағишлайди. Йўловчиларнинг бақир-чақири аллақачон тинган, бу эса вақтнинг анча одимлаганидан нишона эди.

Фақат... негадир ҳамроҳимиз бўлмиш бир жувон ухلامасди. Тўғрироғи, ухлай олмасди. Унинг бир нуқтага тикилган кўзларида оғир дард борлигини ҳис қилиш мумкин эди, бироқ у қандай дард эканини англаш бир жумбоқ бўлса, аҳвол сўраб аёл изтиробини янгилаб қўйиш яна бир андиша эди. Лекин шуниси аёнки, бу аҳволда Тошкентгача кетиш ҳам мумкин эмасди. Охири бўлмади...

У ўзини Зоҳида таништирди. Асли андижонлик экан, лекин айти кунда Тошкентда яшаётганлигини айтди. Сўнгра... сўнгра тўсатдан ҳиққиллаб йиғлаб юборди. Ва тўлиб турган эканми, дардини тўкиб сола бошлади:

- ...Одамлар ҳаётни мураккаб дейдилар. Мен бу фалсафага қўшилмайман. Аслида ҳаёт осон, фақат шу «осон»ликни тушуниш мураккаб. Бунинг учун ақл керак. Ақл эса ҳаммамизда бор. Йўқса биз бошқача шаклда яшашимиз керак эди. Фақат энди гап, шу бор ақлимизни керакли пайтда ишлата олишимизда.

Мен ҳам бир пайтлар Тошкентдаги олий ўқув юртларидан бирининг талабаси бўлганман. Талабаликни олтин давр дейишади. Энди ўйласам, ундай эмас экан. Чунки мен ҳозир хоҳлаган пайтда олтин сотиб олишим мумкин. Бироқ у даврларга қайтиш... Бунинг ҳеч иложи йўқ. Агар мен қайта олсам эди...

3-курсада ўқиб юрган пайтимда бир йигит билан танишиб қолдим. Келишган, муомалали, хушчақчақ. Ким билсин, балки менга шундай туюлгандир. Шу йигит кўп ўтмай менга севги изҳор қилди. Мен эса, ростини айтишим керак, уни аллақачон севиб қолгандим.

Шу ўринда яна бир гапни айтишим керак. Тўғрироғи, бу менинг ўз хулосам. Йигит билан киз ҳеч қачон дўст бўлолмайди. Билиб қўйинг, бу хил дўстликда барибир бир кунмас-бир кун таъма пайдо бўлади. Инсоннинг энг даҳшатли душмани - таъма. Мен шу душманимдан мағлуб бўлганман...

Мен у йигит билан тез-тез учрашадиган, киноларга борадиган бўлдим. Кунлар ўтди, ойлар ўтди. Мен бахтиёр эдим. Бир куни... оҳ, ўша қора куни, яъни менинг фожиам бошланган куни, дарсдан чиқиб ётоқхонага келсам, У кутиб ўтирган экан. У менга бугун ижара хонасига олиб кетишини айтди. Мен эса... Энди ўйлайман, шунчалар иродам бўшмиди?

Ўша куни унинг хонасида қанча гаплашиб ўтирдик Сўнгра у мени кучоқлаб ўпа бошлади.



Мен унга ишонардим. Ҳолбуки, мен уни қанчалар севмайин, барибир, ҳали унинг қўллари менга ҳалол эмас эди-ку! Умуман, мен тушунмайман, яхши кўриш дегани бир-бирини ялаб-юлқашдангина иборатми ёки унинг бундан ҳам бошқачароқ мезонлари борми? Нима бўлганда ҳам мен ўша куни ўзимни онгли равишда Унга топшириб кўйгандим. У менинг бу хатоимдан усталик билан фойдалана бошлади. Ҳароратли шивирлашлар, ўтли бўсалар аро эгнимдаги кўйлагимни ечиб ташлаётганини сезмадим дейсизми? Асло! Сездим, фақат унга қарши ҳеч чора кўролмадим. Тўғрироғи, ҳеч чора кўргим келмасди. Чунки мен унга шу қадар ишонардимки, бугуннинг эртаси нима бўлади деган саволлар менга мутлақо алоқаси йўқдек туюларди. Унинг ваъдалари, эркалашлари мени шу қарорга олиб келганди-да.

Мен нима учун бу воқеаларнинг икир-чикиригача айтиб берайман? Бунинг маълум сабаблари бор. Бугун хиёбонларда бемалол ошиғининг бўйнига осилиб ўтирган маъшуқаларни тез-тез учратаман. Мен уларга ҳайқириб, йиғлаб, ёлвориб айтгим келади: сингилжонлар, эсингизни йиғинг, ҳалол билан ҳаромни фарқланг, менга ўхшаб фарёд уриб қолманг.

Дарҳақиқат ўша кундан бошлаб У билан эр-хотиндек яшай бошладик. Энди мен уни тез-тез тўй қилишга ундай бошладим. Бир куни У уйига бориб, мени ота-онам бошқа қизга уйлантирмоқчи, сенга рози бўлмапти, деб келди. Биласизми, мен худди ўша пайт уйқудан уйғонгандек бўлдим. Қаршимдаги одамнинг ёқасига дод деб осилдим, йиғладим, ёлвордим.

... Афсус, энди кеч эди. Эшитяпсизми, ҳис қилаяпсизми, дунёдаги энг ишонган одамим, суянган тоғим мени бадном қилиб тўй-томоша билан бошқасига уйлангани кетди. Бундан ҳам дахшатлиси, мен... мен ҳомиладор бўлиб қолган эдим. У кишим ҳеч бўлмаса қорнимдаги боласини ўйламади. Ахир менинг айбим уни севганимми? Мен уни севардим-ку! Мен уни бахтли қилмоқчи эдим-ку! Мен унинг болаларига она бўлмоқчи эдим-ку!

Мен учун энди ўлимдан бошқа йўл қолмаган эди. Бироқ дунё фақат фирибгарлар дунёси эмас экан. Аҳволимни зимдан кузатиб юрган бир ўқитувчим мени бу йўлдан асраб қолди. У менга эсон-омон болани дунёга келтириш, сўнгра болалар уйига топшириш кераклигини маслаҳат берди. Шундан сўнг уйга ҳам, ўқишга ҳам бормасдан боламнинг туғилишини кутдим.

Бир куни, мен... мен она бўлдим. Энг бахтсиз, энг бахти қора она бўлдим. Кечалари унинг миттигина кўзларига тикилиб, кечир, болажон, деб йиғлардим. Боламни ҳечам ташлаб кетгим келмасди, лекин, начора.

Боламни етимхонага топширмадим. Ўқитувчимнинг маслаҳати билан уни бир бадавлат хонадоннинг эшигига ташлаб кетдим.

Мана, шунга ҳам олти йил тўлди. Ўғлим бу йил мактабга боради. Мен уни танийман.

Бироқ унга мен сенинг онангман деб айтолмайман. Бунга ҳаққим ҳам йўқ.

Ўзим эса ўша қаро кунлардан сўнг қишлоғимга кетиб қолдим. Орадан анча вақт ўтиб турмушга ҳам чиқдим. Аммо мана шунча йил ўтибдики ҳануз фарзандим йўқ. Ҳозир Тошкентда яшайпмиз. Ёйиш-ичишдан камимиз йўқ. Фақат... Турмуш ўртоғимга ачинаман. У киши ўтган воқеалардан мутлақо беҳабар. Лекин менга бу турмуш ҳам шу кунларда омонатга ўхшаб қолди.

Яқинда мен Уни кўриб қолдим. Ҳа-ҳа, ўша бир пайтлар мени зор қакшатиб кетган кишини. Тирик етим қолган боламнинг отасини. Қизиқ, мени кўриб уялмади, аксинча рўпарамга келиб таҳдид қила бошлади. Энди... эшитаяпсизми, энди бу «меҳрибон ота»нинг эсига боласи тушибди. У менга боламни топиб берасан, йўқса ҳамма сирни эрингга айтиб берасан деди. Далил сифатида эса ўша бахтиёр дамларимизда бирга тушган суратларни кўрсатишини айтди.

Мен... мен энди нима қилишим керак? Севиб ишониб, суяниб, шунча хато қилдимми? Тасаввур қилинг, кеча сизни кучиб, эркалаб турган қўллар бугун ўлдирмоққа шайланиб турса. Ахир унинг бугун хотини, боласи, рўзғори бор-ку! Нима кипти энди мен ҳам озгина ёруғлик кўрсам? Менинг бахтли бўлишга ҳаққим йўқми? Ахир мен шу одам туфайли фарзанд қарғишига учраб, фарзандсиз куйиб ўтяпман-ку.

Бугун ўғлим ўша бадавлат хонадоннинг кучоғида бахтиёр улғайяпти. Мен боламни отасидан қизғанаётганим йўқ. Уларни бир-бири билан таништиришим мумкин, лекин бола бошидаги бу савдоларни эшитса, кўнгли ўксимайдими? Отасини топган бола тукқан онасини изламайдими? Агар шундоқ бўлса, менинг бугунги турмушим нима бўлади?

... Тун. Поездининг бир маромдаги тарақтуруғи боягина кўнгилга хузур бағишлаётган бўлса, энди у гўё кўнгилга урилиб тарақлаётган бўлади. Жонингиз гўё поездининг остида қолаётгандек жонсарак бўласиз. Ахир қаршингизда жавобсиз савол ўтирибди, тирик фожиа ўтирибди.

Аёл чуқур хўрсинди. Унинг хўрсиниқларидан пойимизга дув-дув саволлар тўкилди. Энди қандай йўл тутаё? Энди қандай...

Алқисса, азиз ўқувчи, сиз ушбу воқеани қандай шарҳлайсиз? Наҳот ҳаммамиз шунчаки ачиниб қўяқолсак? Аслида биз бу тафсилотни кимларгадир сабоқ бўлсин деган мақсаддагина ёзмадик. Негаким, ақлли киши фожиадан эмас, дунёнинг сувратига боқиб ҳам ибратлана олиши мумкин. Лекин буни ҳаёт дейдилар! Шундай экан, шундоқ ҳолатлар пайдо бўлса, сиз қандай йўл турар эдингиз? Келинг, муҳтарам ёшлар, шу ҳақда мусохаба этайлик.

Мактубларингизни кутамиз!

Алишер НАЗАР,  
Шоира ТҲУТАБОЕВА

Шеърят аслида инсон қалбининг, руҳиятининг сўзда чизилган ҳаққоний манзараси бўлиши шарт. У ҳаёт ва инсон муносабатларининг шоир қалби, руҳияти қабатларидан ўтиб, чинакам гўзаллик либосини кийган маънавий хилкат сифатида ўзга қалблар, руҳиятлар сари йўл олади.

Шу маънода Усмон Азимовнинг 80-йиллар ижодини ўргансак, у замондошлари шеърятдан ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туришига гувоҳ бўламиз. Унинг шеърларида лирик қаҳрамон руҳиятида кечаётган жараёнлар ҳар қандай пардалардан холи равишда таҳлил этилади. У туйғулар жунбушини ташқи осойишталик билан эмас, балки тошқинлиги, жўшқинлиги, қолаверса, исёну тугёни билан очик ифода этади.

У. Азимов шеърятти замондошлари муносабатлари шеърятти билан ҳамнафас. Бу унинг лирик қаҳрамони жамиятга муносабатининг кун-кундан салбийлашган, унинг қонун-қоидаларига нисбатан норозилик ва исён туйғуларининг теранлашган бадий ифодасида яхши кўзга ташланади.

Бу ҳол айниқса, У.Азимовнинг «Кўксимни очаман...» деб бошланувчи шеърда ўзини кучли намоён этади. Лирик қаҳрамон шахсида тақдирдош, қисматдошлар ҳаётининг аянчли, бўғиқ ҳолатлари мужассам этилган. Лирик қаҳрамоннинг барча кечинмалари трамвай билан боғлиқ равишда юзага чиқади. Зеро, темир излар - социалистик жамият солган излар инсонни эркин ҳаракатдан, изланиш, интилиш, ташаббус ва ҳур фикрлиликдан маҳрум этган ёвуз кучга айланди.

*Кўксим очаман. Чекинар гафлат,  
Карахтлик тўкилиб борар манглайдан...  
Қайси муюлишида юрибсан йиглаб -  
Трамвай, мен сени англайман.*

Трамвай тимсолида гавдаланган инсон фожиаси ниҳоятда даҳшатли. Эрки, ҳуқуқи ҳар томонлама бўғилган, сиёсатнинг чизган чизиғидан чиқолмайдиган манқуртликнинг зўрловлар йўли билан яратилаётганлигини ҳис қилиш, англаш, аммо бундай даҳшатли ҳолатдан омон қолганларнинг ҳаёти ва кураш йўлларини кўз олдида келтириш инсоннинг қанчалар ақлли, бардошли мавжудотлигини, илоҳий

қудрат, руҳ унга мадақкорлигини кўрсатади. Ахир «трамвай» бўлиш қисматга айлантирилган, қалб кўзларига тупроқ сочилиб, тафаккур уммонлари чайқатилган бир даврда шоирнинг:

*Бунчалар бешафқат бу қўш темир из,  
Бу тақдир чангали - бераҳм, маҳкам.  
Тақдирдош, қийналдик, ахир иккимиз,  
Бу темир из билан, темир из билан. -*

деган фикрлари тинч осмонда чақнаган чакмоқдек даҳшатли ва кутилмаган эди.

Маҳкум этилганларнинг барчасининг маънавий даражаси, руҳий етуқлиги бир хил эмас эди. Маънавий, руҳий тенглик, уйғунлик бўлмаган жойда ҳаракатда ҳар хилликнинг сақланиб қолиши табиий. Шунинг учун ҳам лирик қаҳрамон руҳиятидаги галаён ранглари баъзан

сарғайган ҳолда:

*Ана, трамвайлар осиб қўйилган  
Совуқ симдорлардан ўт чиқиб борар. -*

тарзида намоён бўлади.

У. Азимовнинг кўпгина шеърлари инсон руҳий дунёси кашфининг рангин манзараларидан бир лавҳа. Бу лавҳаларда табиат, жамият баркамоллиги учун кураш мужассам. Зеро, табиати асралган жамиятда инсон кадр-қиммати ҳам йўқолмайди. Чунки инсон табиатнинг ақлли, идрокли бир мўжизаси сифатида жамиятни шакллантиради. Ватанида кадр, эъзоз топган руҳий эркинликдан баҳраманд бўлади. У. Азимов лирик қаҳрамони ҳамиша руҳ эркинлиги учун курашади. Шоир бу курашни кўпинча руҳнинг исёнли, галаёнли ҳолатларини чизиш баробарида тасвирлашга эришади.

Шоирнинг трамвай ҳақидаги шеърда баёнга нисбатан ҳаяжон ранглари, туйғулар жунбуши тасвири устунлик қилади. Лирик қаҳрамон руҳини қақшатган жамиятнинг иллатлари ғазаб, нафрат туйғуларига қорилиб мисралар бағрида портлай бошлайди. Натижада ўқувчи ўзининг шеър руҳига, шоир руҳига кириб қолганини, лирик қаҳрамон ҳолатига тушиб, дилида бош кўтарган эрк, ҳақиқат истаган туйғуларнинг тошиб бораётганлигини ҳис қилади.

**Жумагул ЖУМАБОВА,**  
филология фанлари номзоди.



Ҳиндистон деганда, аксарият ёшларимизнинг кўз ўнгига севги-муҳаббат саргузаштларига лиммо-лим бадиий фильмлар келади, қулқига кўнгилларга ором бахш этувчи сеҳрли куй-қўшиқлар эшитилади. Ваҳоланки, Ҳиндистоннинг тарихи, бугунги куни шу қадар улкан ва ранг-баранг воқеа-ҳодисаларга бойки, уларга астойдил қизиқаман деган ниятдаги одам адоқсиз рақамлар, факт ва далиллар уммонига «ғарқ» бўлиб кетиши ҳеч гап эмас.

Мамлакатимиз жамоатчилиги, хусусан халқ таълими мутахассислари бевосита Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган кадрларни тайёрлаш миллий дастурида белгиланган ишларни амалга ошириш билан банд бўлиб турган бир палада жаҳондаги мамлакатлар бошдан кечирган тажрибаларни ўрганиш, умуминсоний тажрибалардан миллий манфаатларимиз йўлида фойдаланиш жамиятимиздаги демократик тамойиллар талабларига ҳар жиҳатдан жавоб беради.

Маълумки, Ҳиндистон 1947. йилнинг августида мустақилликни қўлга киритгач, ўз тарихида тубдан бурилиш ясади. Аммо мустабид тузумдан унга таълим соҳасида бир қанча муаммолар мерос қолганди. Аҳолининг бор-йўғи 14 фоизи саводли бўлиб, таълимга мамлакат бюджетининг 1 фоизи (570 млн.) сарфланган.

Гап шундаки, кўпчилик болалар мактабда ўқиш имкониятидан маҳрум эдилар. Минтақалараро тараққиётнинг нотекислиги аҳволни беҳад қийинлаштирган, эркак ва аёллар ўртасида катта тенгсизлик мавжуд эди. Аммо илми жамиятга, саводли аҳолига эга бўлиш, бунинг учун аҳоли орасида мажбурий бошланғич таълимни жорий этиш зарурлиги Гопал Кришна Гокхале, Мохандев Говинд Ранаде, Махатма Ганди сингари озодлик кураши фидойилари томонидан жуда кўп таъкидланган.

Мустақилликдан сўнг Ҳиндистон ҳукумати иқтисод ва маданиятнинг турли жабҳаларида қатъий режа асосида ривожланишни бошлаб юборди. Мақсад битта - ҳаётнинг барча соҳасида, хусусан, таълим жабҳасида қолоқликни тезлик билан бартараф этиш бўлди. Саводсизликни тугатиш эса таълим соҳасини ислоҳ қилишдаги энг катта вазифа эди. Бошланғич таълимнинг ўсиши билан саводсизликни тугатиш муаммосини ечиш анча енгиллашди. Қиёс

учун олсак, бошланғич синфларда 1946/47 ўқув йилида 14,1 млн. ўқувчи ўқиган бўлса, 1961-62 ўқув йилида бу рақам 34,3 млн.ни ташкил этди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида катталар таълимини йўлга қўйиш борасида махсус ташкил этилган «Маориф карвонлари»нинг хизмати катта бўлган. Улар 3-4 та автомашина ва прицеплардан иборат бўлиб, унда кўчма саҳна, кутубхона, кўргазма экспонатлари, кино қурилмаси мавжуд эди. Маориф карвонлари катта-кичик қишлоқларда кўргазмалар ташкил этганлар, спорт мусобақалари ўтказганлар, ихчам саҳна томошалари қўйганлар.

Саводсизликни тугатиш машғулоти очик майдонда ҳар куни 1-2 соат 10-15 кишидан иборат гуруҳлар томонидан олиб борилган. Аёллар ва эркаклар алоҳида шугулланишган. Қишлоқ жойларда эркаклар билан машғулотлар кечқурун олиб борилган.

Аёллар марказларида саводсизликни тугатиш билан бир қаторда ҳунар ўргатишга алоҳида эътибор берилган: тикиш-бичиш, тўқиш, йигириш ва ҳоказо. Булар аёлларнинг оила қуришга тайёрланишида катта ёрдам берган. Бундан ташқари аёллар болага қараш

ва уни парваришлаш билан танишганлар, уй-рўзгор ишларини ўрганишган, гигиена ва санитария кўникмалари ҳосил қилишган.

Дарсларда

миллий эпос билан таништирилган. Шу билан бир қаторда тарих ва жўрофиядан асосий маълумотлар берилган, фуқаролик онгини ривожлантириш, унинг ҳуқуқлари, бурчлари билан таништиришга катта эътибор қаратилган.

... Бир мамлакат миқёсида аҳолини саводхон қилиш, улар орасидан кўплаб малакали касб соҳибларини етиштириш, назаримда, ҳар қандай мустақил давлат зиммасидаги энг машаққатли ва шарафли вазифалардандир. Тўғри, ҳар бир мамлакат ўзига хос ва ўзига мос йўлдан бориши табиий. Шу билан бирга дунёдаги бошқа мамлакат тажрибаларининг энг илғор ва ўхшаш тамойилларини ўрганиш, улардан фойдаланиш маҳаллий муаммоларнинг осонлик билан ҳал этилишига катта туртки бўлади, албатта.

Дилором Комилова,  
Тошкент давлат Шарқшунослик  
институтининг ўқитувчиси

## САВОДХОНЛИКНИНГ МУШКУЛ ЙЎЛИ

*Ҳиндистон мустақилликни халқнинг  
саводини оширишдан бошлаган*



Абдугани АБДУВАЛИЕВ

# “АХМОК”



Ҳажвий қисса



Афандининг хотини айтган экан: «Хар куни бир нарса қиламан дейсиз-у - қилмайсиз», деб. Мен ҳам ўзим ҳақимда бир нарса ёзаман деб устулга ўтираман-у - ёзолмайман. Эпллолмайман деб кўркаман. Бирон иктидорли ёзувчиға айтиб бериб, ўзим унга ҳаммуаллиф бўлиб олаймикин, деган хаёлга ҳам бордиму шайх Саъдийнинг гаплари эсимга тушиб - айнидим. У улуг зот айтганларки: «Кўшинининг соясида жаннатга борадиган бўлсанг, дўзах билан баробардир».

Газетамиз таъририятига ўғри тушган куни кечкурун уйга келиб, энди ёзаман, деб аҳд қилдим, кейин юқорида айтганимдек, қўлимдан келмаса кераг-ов, дея хотинга мўлтираб қараб кўйдим. Сабзи тўғраб ўтирган хотиним гапни ҳам сабзига ўхшаб ғарт-ғурт қилиб тўғраб ташлади:

- Ёзганингиздан кимга фойда? Сизнинг ёзганингизни ўқийман деб одамларнинг кўзи учиб турмагандир, ҳозир ҳаммининг хаёли бозорда. Ундан кўра, бизнес қилинг. Тўрт қоп сабзини бозордан олиб кетиб олиб келиб, Фишткўприкда сотсангиз икки кило гўштнинг пули чиқади.

- Ҳей, сен тушунмайсан, - дедим донишмандларча тикилиб. - Одам вақтида сиймаса, буйрағида тош пайдо бўлади. Агар ичидаги гапни ташқарига чиқармаса, юрағида ғаш пайдо бўлади. Ғаш дегани - импарк дегани.

- Билганингизни қилинг, менга ош-нон топиб келсангиз бўлди. Эртага ачамланикига кетуттиман. Уй бўш, ёзаверинг.

Бу биззи хотин шунча йил журналист бирла яшасаям, адабий гапирмайди, оми. Ҳанузгача тили ўзгармай қолутти.

- Ҳа, энди, сен бирла бир маслаҳатлашай дегандим-да, - дедим кўнгли учун. Биров айтган эди: хотинингиз билан маслаҳатлашинг. У нима деса, сиз тескарисини қилинг. Шунда ҳаммаси тўппа-тўғри чиқади. Кейинги пайтда шу қоидага амал қиламан. Ахмоқ эканман, ёшлигимда кўп тортишардим, ҳақиқатнинг тағига етмоқчи бўлардим. Хотин билан кўп сан-манга бориб қолганман. Айнқиса анави масалада... ҳеч келишолмасдик - у болаларини ёнига олиб ётволарди. «Хой, мусулмони комил. Эр-хотин бир кун ётмаса, фаришталар то азонгача ўша хотинга лаънат айтиб туришади», дейилган Ҳадисда», десам, соқолингизга оқ кирсам уялмайсизми, мен болаладан уялиб кетуттиман! - дерди.

- Ҳей, ғирвонлик, ўз уйимда ўғрига ўхшаб яшайманми?! - дедим тўқиб бир куни. - Нимага уяласан? Ухлатиб қўйиб - чиқавер!

- Биронтаси «аба-а» деб уйғониб қолса нима қиламан!

- Ўл қиласан, дард қиласан!

Шунга ўхшаш гиди-биди гап бўлаверди. Кўча эшикнинг олдида бир хужрам бор эди. Шу ерга кўчиб алоҳида кўрпа-тўшак қилволдим. Орадан беш-ўн кун ўтгач, сал ҳовримиздан тушиб, мулоимлашдик. Бир тадбир тузиб, икковимиз шартлашдик. Ҳовлимизда шохи эгилиб турган қари беҳи бор эди. Хотин менга керак бўлиб қолса, шу куни беҳининг шоҳига қизил латта боғлаб қўядиган бўлдик. Хотин қизил латтани кўрган куни кечаси болалар ухлагач, хужрамга кириб келаверадиган бўлди. Бир куни пионер галстугини латта ўрнида беҳининг шоҳига боғлаб қўйдим-да, астойдил тайёргарлик кўриб ётдим. Орадан бир соат ўтди, икки соат ўтди, кўзим ачишиб, уйкум келиб кетаяпти, аққа ағдариламан-баққа ағдариламан, бу зоти пастдан дарак йўғ-да... Шарт ўрнимдан туриб,

хотин ётган уйга бостириб кирсам, икки боласи бир чеккада, ўзи бир чеккада кўкка қараб пишиллаб ухлаб ётибди. Оёғидан ушлаб секин торта бошладим. «Ҳаҳ!» деди хотин сесканиб уйғониб. «Тиш-ш», дедим бармоғимни лабимга босиб.

- Вой, нима қилуссиз? - деди шивирлаб. - Оёғимни қўйворинг!

Хотин билагимга бир мушт солувди мускулим ёнғокдек ўйнаб чиқди.

- Нимага бормадинг?! - дедим шивирлаб, аини пайтда хансираб турибман.

- Қани латтангиз?! - деди хотин ҳам хансираб.

- Кўзинг кўрми? Қаерда бўларди, келишилган жойда-да!

- Қани, менга кўрсатинг-чи!..

Икковимиз қоронғида пайпасланиб бориб, беҳининг шохи-ю, дарахтларнинг тағи-ю, жўяқларнинг орасини тит-пит қилиб ташладикки - ҳеч вақо йўқ-да!

- Ҳе, ғирвонлик жинни!

Хотин шундай деб шарт бурилди-да, гезариб уйга кириб кетди.

Эртасига билсам, болаларнинг каттаси кечкурун ёзилгани чиққанида, дарахтдаги галстукни кўриб қолиб олиб қўйган экан. Ваҳоланки, унга галстук керак эмас эди, ёзги таътил пайти эди. Яна мендан: «Дада, бу ерга ким боғлаб қўйди?» деб сўраса бўладими...

Хулласи калом, шу воқеадан кейин хотин икковимизни боғлаб турган қизил ип узилиб, хўкиз қизил матони кўрса жаҳли чиққандек, мен ҳам хотинни кўрсам ғазабим қайнайдиган бўлдим. Бунинг устига нафсониятимга тегиб: «Ўқитувчиам одам бўлдим, пешонам шўр бўлмаса ўқитувчиға тегармидим», деб қолди бир куни. Ўша пайтда ўқитувчилик қилардим. Болаларни олиб ота-онасиникига кетиб ҳам қолди. Раҳматли қайнотам яхши одам эдилар. «Нега уришиб қолдинглар?» деб сўраганларида, икковимиз ҳам тайинли бир жавоб айтолмадик. Иккита боланлар бор, уришсанлар айб бўлади, урушли хонадонда файз-барака бўлмайди, дея насихат қилди у киши. Негадир шу воқеадан кейин икковимиз жуда апоқ-чапоқ бўлиб кетдик. Ҳа, ёшликда ҳар қандай оила бир қайнаб оларкан-да. Ёш ўтган сайин хотинингиздан меҳрибонроқ одам тополмайсиз. Шунинг учун хотинни эҳтиётлаб асраш керак. Баъзан хотини ўлган одамларни кўрсам, яхши одам эмас экансан, хотининг ўзингдан аввал ўлибди, деб қўяман. Яхши хотиннинг қадрига етиш керак.

Гапдан чалғиб кетдук. Хуллас калом, бир асар ёзиш тўғрисида хотин билан узоқ маслаҳатлашиб, барибир чиқармайди деб юрувдим, бахтимга мустақиллик бўлиб қолди-ку. Худо ол, қулим, деса ҳеч гап эмас экан. Агар бундан бундан бир йил аввал биров СеСеСер деган давлат ер юзидан йўқ бўлиб кетади деса - отиларди. Ана энди ёзишга аҳд қилдим. Хар куни беш-ўн қоғоздан ёзсам ҳам бир ҳафтада етмиш қоғоз. Етмишвой етмиш қоғоз бир нарса ёзибди, деган гап улуг гап. Хў-ўш, бугун шанба. Бугун ёзмайман, наҳс кун ҳисобланади. Келгуси жумадан бошлайман. Жума - саъд кун. Сайийдул айём. Бева-бечора, мушфику мискинларнинг ҳаж куни, дуолар ижобат бўладирғон, кун.

## Ж У М А

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Мана, энди ёзишни бошласак бўлади. Нима, сиз мени ҳафтобиография ёзади, деб ўйлайсизми? Э-э, йў-

ўғ. Мен редакциядаги ўғирлик ҳақида ёзмоқчиман. Юқорида айтганимдек, илгарироқ ёзмоқчи эдим, лекин кўрқдим. Юрагимга савит даврида кириб ўтириб олган кул то хануз чиқиб кетмайди. Хей, қизталок, мустақил бўлдинг, чик энди ташқарига! десам ҳам кўнмайди. Зада бўлиб қолган.

Хўш, гапдан ҳам чалғиб кетдук. Хў-ўш, шу десангиз, бир куни энг покиза даргоҳ деб ҳисоблаб юрганимиз редакцияда, яъни масалан, тахририятда ўғирлик содир бўлди. Ўғри баттол ҳеч кимнинг хонасига кирмай, гўё қасди бордек, муҳаррирининг хонасига тушди. Тушганда ҳам устма-уст уч марта.

- Менда кимнингдир қасди бор! - деди муҳаррир кўрсатгич бармоғини устолга уриб, сўнг негадир менга тикилиб қараб кўйди. - Мен бу аҳмоқни барибир топаман!

- Шу-у, бир маслаҳат, - дедим кўл кўтариб. - Битта апчарка ит олиб келиш керак. Ўша аҳмоқ ўғрини искаб топади.

- Сиздан шунақанги аҳмоқона гаплар чиқади! Энди бир камимиз редакцияга ўғри тушибди, ит олиб келибди, деб овоза қилишми? - деди муҳаррир кўлининг орқаси билан бурнини ишқаб.

Унинг тез-тез бурнини ишқаб турадиган одати бор. Афтидан бурнидан чиқиб турадиган жуллари қичитса керак. Бурнининг жунини қайчилатиб олса бўлмасикин, дердим ичимда. Ундай десам, кўлининг тирноғини олмайдиган одам бурнининг жунини олармиди? Қачон хонасига кирсам тирноғининг кирини коғоз кистиргич сим билан тозалаб ўтирарди. Устолнинг устида ҳамиша менинг мақолам турарди. Менинг мақоламини шахсан ўзи кўрарди, ҳукуматга қарши бирон гап ёзворади, деб кўрқарди. Кўлдошвой деган яна бир журналист бор, бало, жуда истеъдодли. Унинг мақоласиниям шахсан ўзи кўрарди. Кўлдошвой бор гапни ёзарди, бичиб-тўқимасди. Хар бир сўз, хар бир жумла устида муҳаррир билан тортишарди, бўғиларди. Мабодо бирон мақоласи чиқадиган бўлса эрталаб ўзгариб қолган бўларди, чунки муҳаррир уни кечаси билан қайчилаб чиқарди. Бир куни летучкада икковиси жанжаллашиб кетди. Муҳаррир Кўлдошвойнинг «Қабоҳат» сарлавҳали мақоласини «Балоғат» деб ўзгартиргани етмагандек, мазмунини ҳам кийма-ялма килиб ташлаган эди. У доим кечаси келар, навбатчилар, корректор-мусаххиллар ўқиб, босишга тайёрлаб кўйилган саҳифаларни чизиб, бўярди. Баъзан ярим тунда навбатчига кўнгирак қилиб, фалон сўзни олиб ташланг, дерди. Қайтадан матрица (нусха) олдирарди. Тахририят ходимлари ҳам, босмаҳона ишчилари ҳам хуноб бўлишар, бу қанақа аҳмоқ одам деб тутатишарди. Аммо муҳаррир мақолаю хабарларга кўлим тегиши шарт деб биларди ўзини. Мутлако фаросати етмаган шеър ва ҳикояларни ҳам қалам теккизиб, расво қиларди. Бир куни денг, Алишер Навоийнинг газалини ўзгартириб берасан, деб туриб олди. Ҳазрат Навоий таваллуд кунларига «подборка» тайёрлаган эдик. Шу куни шаҳарда атеист-дахрийларнинг семинар кенгаши бўладиган бўб қолди.

- Баққа қаранг, қори! - деди газетанинг хомаки саҳифасини силкитиб. У мени «қори» деб атарди. Вунинг сабабини кейинроқ тушунтириб бераман. - Новвойини шеърини сиз туширганмисиз?

- Ҳа, нима бўлпти?

- Новвойи атеистми?

- Ие, нима деяпсиз? Ул ҳазрат Низомиддин унвонига эгалар. Динимизнинг ҳимоячиси, руҳонийларнинг

пешвосидирлар, - дедим.

- Бўлмаса, бошқа материал топинг. Новвойини кейин берасиз.

- Ҳеч иложи йўқ. Эртага ул зотнинг таваллуд куни.

- Эртага атеистларнинг семинар кенгаши бўлади. Новвойини бериб бўлмайди.

У десам - у деди, бу десам - бу деди, хуллас, тушунтириб бўлмади. Ахийри сиёсат билан кўрқитишга ўтдим:

- Эртага ҳамма республика газеталари Навоийга бағишлаб саҳифа беради. Агар биз бермасак, обкомдан балого қоламиз.

- Бўлмаса, манави атеист олим Пайзиллаевнинг мақоласи тагидан Новвойининг битта шеърини берворинлар.

Шундай қилиб, шоирнинг тўрт газалидан биттаси қолди.

Бу ҳолва экан. Эртасига эрталаб газетани кўлимга олдим-у, йиглаб юборай дедим. «Истадим» радиопли газалининг бошланиш қисмидаги

«Қон ютиб умри жаҳон аҳлида бир ёр истадим», сатри йўқ эди. «Буни қайси аҳмоқ қилди?!» деб суриштирсам, масъул котиб:

- Биласиз-ку, бизда битта аҳмоқ бор ҳолос, - деди.

Муҳаррир кечаси саҳифани ўқиётиб, «Бизнинг совет давримизда нега қон ютаркан?» депти-ю, ўчириб ташлабди.

Янги йилга бағишланган саҳифамиз бундан ҳам баттар кулғили бўлди. Шу сонда бир талабанинг ўқув юртида машрабхонлик бўлгани ҳақида «Шоир руҳини шод этиб» сарлавҳали хабари бор эди. Эрталаб келсак муҳаррир шу сарлавҳани «Машраб янги йил кутади» деб ўзгартириб қўйибди.

- Шу пангбошни бизга ким муҳаррир қилиб қўйган? - дедим қизишиб.

- Ўзига ўхшаган пангбошлар-да, - деди масъул котиб тўнғиллаб.

Масъул котиб ҳам ажойиб одам эди-да. Бечора ўзича ҳеч нарсани ўзгартиролмасди. Пангбош муҳаррирнинг ёки ўта расмиятчи ўринбосарнинг оғзига қараб турарди. Ўринбосар ҳам камёб нухсалардан. Газетада бериладиган хар бир хабарни обком, яъни масалан, вилоят фирма кўмитасидаги йўриқчи йигитларга тасдиқлатиб оларди. Уларга кўнгирак қилиб:

- «Ака, фалон кишининг лавҳасини беряпмиз, ўзи коммунист. Нима қилайлик?» ёки «Фалон бригадада гўза гуллабди, нима қилайлик, беверайликми?» дерди. У ёқдаги «доно» «та-ак», деганича бироз жим турган бўларди-да:

- Ўйлаб кўринлар, - дерди.

## ШАНБА

Тахририятда ўғри тушгани ҳақидаги хабар тез тарқалган шекилли, муҳокама чўққисига чиқиб турган пайтда хонага виқор билан матбуот бошқармасининг бошлиғи Қахҳорович кириб келди. Ҳамма ўрнидан турди.

- Келинг, Отакул ака, - деди муҳаррир шошиб ва ўрнини унга бўшатиб, ўзи-тик туриб олди.

- Та-ак, пожалиста, ўтиринлар - деди Қахҳорович аввал шифтга, кейин атрофга нигоҳ ташлаб. У ўғри тушган уйни назардан кечираётгандек эди.

- Ҳозир «Союзпечат» нутқ сўзлайди, - деди ёнимда ўтирган Кўлдошвой қулоғимга шивирлаб.



Каҳҳоровичнинг лақаби «Союзпечат» эди. Бунга обкомнинг ўша пайтдаги котиби сабабчи эди. У матбуот ходимлари байрами куни: «Хозир сўз «Союзпечат» бошлиғи ўртоқ Каҳҳоровичга», деган. Котиб ўричасига қисқартиб айтиладиган «Облпечат» билан «Союзпечат»нинг, яъни газета-журнал сотадиган дўкон билан матбуот бошқармасининг, шунингдек босмаҳона билан редакциясининг фарқи бормасди.

Хуллас калом, «Союзпечат» атрофга назар ташлаб чикди-да:

- Да-а, ўртоқлар, бу «ЧП» политический, - деди. Ўричани яхши билмайдиган бу чаласавод одам ашаддий коммунист эканлигини намоён этиш учун битта ўзбекча сўзга иккита русча қўшиб гапирарди. - Агар бу «ЧП» СеКага етиб борса, жуда катта шум бўлади. Чунки бу - пазор. Так что, ўгрини абизателно топиш керак!

- Топамиз, албатта топамиз, Каҳҳорович. Ўғри четдан келмайди. Бизга иснод келтирмоқчи бўлган аҳмоқ, совет халқининг душмани орамизда, - деди муҳаррир ва мен томонга қараб ўқрайиб қўйди. - У бизнинг монолит бирлигимизга зарба бермоқчи. Аммо чувварани хом санабди.

- Бўпти, мен совешанияга боришим керак, - деди «Союзпечат» ўрнидан кўзголиб. Устул гижирлаб кетди. Салмоқланиб чиқиб кетаркан остонага етганда тўхтаб, ортига ўгириди. - Захридин Маҳридинович, буларнинг ҳаммасининг (у биз - ўтирганларни бармоғи билан кўрсатди) кўлидан отпечаткасини олинг. Кейин менга далолат қилинг!

- Муҳаррир «албатта» деди-да, «Союзпечат»ни кузатиб қўйгани шошиб ташқарига чикди.

- Аҳмоқ, эшшак! - деди Қўлдошвой тутаким менга юзланар экан. - Хой, редакция ижодий, гоёвий даргоҳ бўлса, сен редактор бўлсанг, нега манави молнинг олдида етти букиласан? У хўжалик мудир, завхоздек одам-ку. Ахир у аксинча, етти букилиб бизга хизмат қилиши керак! Мана шунақа аҳмоқлар журналистнинг обрўсини туширяпти. Качонгача ўзи бир сатр нараса ёзолмайдиганлар бизнинг истеъдодимиз, меҳнатимиз ҳисобига яшайди?!.. Хей, қори, шарт ўрингиздан туриб гапирмайсизми? Сиззи йўқотадиган нарсангиз йўқ. Редаксиядан ҳайдаб юборса, икки қалима тиловат қилиб қўйсангиз ҳам дуо олиб яшайверасиз. Биз гапирсак, дарров партмажлиса қўяди.

- Йў-ўғ, аксинча, ўша партмажлиса сиз гапиринг. Ҳақиқий коммунист эканлигингизни кўрсатиб қўйинг, - дедим Қўлдошвойга. - Биззи бунақа мажлиса қўйишмайди. Биз улар учун ёт одамлармиз. Ўзимизникилар орасида бегонамиз.

- Бўпти, мен умумий мажлисада бир ясайман. Мени қўллайсизми?

- Албатта. Мени биласиз-ку, Алҳамдулиллоҳ муслмонман, деган ҳар бир инсонни қўллаيمان, - дедим.

- Ўринбосариниям ясаймиз, - деди Қўлдошвой панжасини лабининг четига тўсиб. - Эшагига яраша тушови деганларидек, икковисининг бир-бирига мослигини қаранг. Битта лавҳа ёзсангиз, усталининг устида бир ой ётади. Обкомдагилар билан маслаҳатлашиб олади, ҳар бир сўзни лўғатта солиштириб чиқади. Битта мақолам анча вақт зим бўлиб кетди. Масъул котибдан сўрасам, «зам»да, деди. Ўринбосарга учрасам, қўлимга мақолани тутқазди. Бундай қарасам, «қалдирғоч» деган сўзнинг тағига қизил қалам тортиб қўйибди. «Ҳа, нима гап? десам, «Мана шу сўзни

лўғатдан ўзингиз бир қўриб қўйинг-чи - «Қалдирғоч»ми ёки «қалдурғоч»ми?» деди. Эшакнинг тезағи, дедим жаҳлим чиқиб. Ҳаҳ, илгариги «зам» зўр эди-да.

Ҳа, Қўлдошвой ҳақ эди. Илгариги ўринбосар зўр эди. Бироқ аҳмоқ бошлиққа ақлли ўринбосар тўғри келмас экан. У ёғидан чўкилаб муҳаррир уни бездирди. Ўринбосар яхши шоир ҳам эди. Раҳбарлар икковисининг ўт билан сув эканлигини сезишди шекилли, ўринбосарни туман газетасига муҳаррир этиб сургун қилишди. Тўғрироғи, партия топшириғи деб қутулишди.

Мен ушбу сатрларни ёзар эканман, Тошкентда ишлайдиган бир журналист оғайнимнинг гапи эсимга тушди. У шундай деган эди: «Биз «мафия-мафия» деймиз. Қўллаб мафиялар ҳақида ёздик. Аммо матбуот мафияси ҳақида ёзмадик. Ваҳоланки Шўро матбуоти бош мафиячи - Комфирканинг қуроли эди. Биз бу қурол билан Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир ва бошқаларни ўлдирдик. Ватаннинг минглаб асл фарзандларини дардманд ва дардчил қилдик. Улар аввал матбуот билан мажруҳ қилиниб, сўнг маҳв этиларди».

- Хўш, қори, мени қувватлайсизми? - деди Қўлдошвой яна оғзини қулоғимга яқинлаштириб.

- Айтдим-ку, ўғил боланинг гапи битта бўлади, деб.

- Аммо манави «Бурга»га ўхшаганлар қовун туширади-да, - деди Қўлдошвой.

«Бурга» деганимиз бўлим мудир Самсоқов бўлиб, ёлгон ёзиш ва бичиб-тўқишнинг ҳадисини олганди. Бамисоли хашак ишлаб чиқарадиган агрегат машина эди. Агар газетанинг бирон бетига маҳсулот етишмай қолса, «Бурга» беш дақиқада ишлаб чиқарарди. Икки қоғозлик мақоланинг бир қоғозини Комфирканинг қарори ва бир қоғозини бош котибнинг нутқидан олинган иқтибос билан тўлдирарди. Комфирканинг қарори ҳар ҳафтада чиқар, бош котиб эса кун ора қаердадир сўзга чиқарди. Халқ шўрлик бу қарор ва нутқларнинг қай бирини оғишмай амалга ошираётганини билмасди. Аммо матбуотда халқнинг муносабати «отклик»лар тўхтамай чиқиб турарди. «Бурга» мана шу «отклик»ларни тўқишга уста эди. «Отклик» муаллифлари «Бурга»ни мутлақо кўришмас, «Бурга» ҳам уларни деярли билмасди - сирдан танишроқ бўлган бирон илғор кишининг имзосини қўйиб юборарди. Бир гал шу усули панд бериб, қовун туширди. Бундан ярим йил аввал ўлиб кетган бригада етакчисининг имзосини қўйиб юборибди. Ўлик ўз «отклик»ида жумладан шундай деб ёзган эди: «КПСС Марказий Комитетининг «Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ҳақида»ги қароридан руҳланган коллективимиз бир ғайратига ўн ғайрат қўшиб ишламоқда. Қарордаги эл соғлиги - юрт бойлиги, деган сўзлар биз дала лочинларини янада юксак парвозларга чорламоқда. Биз бригадамиз аъзолари билан бирга бу йилги ҳосил чўғини чамалаб чиқиб, тектаридан олтимиз сентнердан «оқ олтин» топширишга аҳд қилдик. Бу бизнинг партиямизнинг тарихий қарорига амалий жавобимиз бўлади».

Энг даҳшатлиси, бу бригадир пахтазорда ишлаётганда устидан самолёт дори сепаб юбориб, захарланиб ўлган экан. Муҳокама пайтида «Бурга»: «Мен кечагина бу одам билан телефонда суҳбатлашганим», деб қўларини пирпиратиб тураверди. Унга ҳайфсан беришди. Кимдир уни ҳайдаш керак, деди. Муҳаррир индамади, кузатиб турди бироз. Сўнг ўрнидан кўзголиб танбех берди:

- Сиз хатойингизни тан олмайсиз, сиззи ушлаб бўлмайди. Сиз бургасиз! Обкомга тушунтириш хати

ёзинг!

«Бурга»нинг масаласи ёпиқ партия мажлисида алоҳида кўриладиган бўлди. Бироқ «Бурга» деган лақабни орттириб олди холос.

Мухаррир бу йигитни барибир бўшатолмасди. Чунки уни мухаррирнинг ўзи аллақандай мактабдан олиб келиб, тарбиялаб, коммунистлар сафига олиб кирганди. Тахририятда партия сафига лойиқ истеъдодли журналист каламкашлар кўп эди. Аммо истеъдодлиларни комфирка хушламасди. Шу боис матбуот, радио-телевиденида истеъдодларни истеъдодсизлар бошқарди. Мухаррир Заҳриддин Маҳридиновичнинг истеъдодлиларни бездириб, уларнинг ўрнига топиб келган кадрлари нуқул қовун туширарди. Газетани луғат билан ўқийдиган ўринбосарни ҳам обкомдаги «опаси» билан маслаҳатлашиб ўзи топиб келди. «Луғат» ҳам ишга келганига кўп ўтмай қовун туширди. У телетайпдан келадиган материалларни масъул котибга ҳам ишонмай ўзи қабул қиларди. Гўё партия уни журналист ижодкорларга кўз-қулоқ бўлиб турасан, сиёсий хушёрликни қўлдан бермайсан, деб тайинлаб қўйганди. Натижада эса, Америка президенти Картер истеъфого чиқди деган жумладаги «Картер» сўзи «Брежнев» бўлиб чиқиб кетди. Партиянинг «кўз-қулоғи» бўлган ўринбосар телетайпдан келадиган «Тузатиш»га эътибор бермади. Бу хатонинг жабрини корректор-мусаххихлар тортди - улар бўшиб кетди. Энг алам қиладигани, матбуот ходимлари куни ва бошқа байрамларда мукофотларни, фахрий ёрликларни ман шу қовун туширадиганлар олар, обком котибининг қабулига, йиғинларнинг ҳайъатларига шулар таклиф қилинарди. Хуллас калом, аравани от тортар, соясида ит ётарди.

Локин мен ўша вақтларда бунақа масалаларга унчалик эътибор бермасдим, ҳозиргидек фикрлай олмасдим. Назаримда болалигимдан сал гўлроқ бўлиб ўсдим шекилли. Гўл бўлмасам, тандирни танамга кийиб кўтариб келардим. Мана ҳали-ҳануз шу тандирнинг таъсири бор. Сал белимни эгиб, оксаброк юраман. Дадам раҳматли бир куни фалон жойдан тандир гаплашиб қўйдим, бориб олиб кел, дедилар. Айтилган жойдан тандирни олиб, арава кутиб турсам, падаркусур тандирчи:

- Хой, қап-қатта йигит шу Пастгузаргаям арава кутиб ўтирасанми? Бака кел! - деди-да, тандирни устимга кийгизиб қўйди.

Бошда зингилаб кетдим. Аммо озгина юргач чарчадим. Тандир борган сайин гавдамни эзиб борарди. Нафас ростлай деб бундай ўтирсам, иссиқда нафасим қайтарди. Тамом ҳолдан тойиб уйга келсам, кўча эшик берк-да! «Аба-а!» дея уч-тўрт бақирдимки, ҳеч ким садо бермайди. Онам раҳматли кўшниникига чиқиб кетган эканлар, кейин билдим. Атрофга аланглайман, биров кўринавермайди. Атайин менга ўчақишиб ҳамма кўчиб кетганга ўхшарди. «До!» девораи дедим-да. Ниҳоят гурунглашиб келаётган икки киши мени кўриб қолди. Икковиси устимдан тандирни олар-олмас қалламини шундоқ кўтарувдим, тандирнинг четига чўққимни уриб олиб, гурра бўлди. Онам раҳматлини чақириб чиқдим. Кейин шошиб бориб ариқда ювиндим. Ичим қуйиб кетган экан шекилли, муздек сувга тушишим билан умуртқамда бир нарса жиз этди. Кўп даволандим, аммо асорати кетмади, ёш ўтган сайин билдириб борапти. Ўша тандир аслида бизга насиб қилмаган экан. Бир марта нон ёпдик холос. Нон ёпган кунимиз иккита нон орқа ташлади. Онам қайта

ёпиштириб қўйиб, эсдан чиқардилар. Бир маҳал кечкурун бундай қарасам, бир эшакдек итнинг белидан уёғи тандирнинг ичида-ю, белидан буёғи чиқиб турибди. Тандирда қолган нонни ғажиб турган экан. Нон анқонинг уруғи бўлган Хрушчўпнинг даври. Белкуракни кўтариб келиб итнинг белига битта солса, жон талвасасида ўзини тандирнинг ичига жаҳд билан урувди, тандирнинг тепасини ўпириб чиқди...

Ана шу тандир воқеаси эсимга тушиб, хаёл суриб турдим-да, нимадир муҳим гапни Кўлдошвойга айтаман деб турсам, мухаррир кириб қолди:

- Эртага ҳамма қўлини совунлаб ювиб келсин. Бармоғининг «атпечаткаси»ни оламин! «Атпечатка» нима, биласизларми? Бармоқларнинг изи. Ўғрини равшан кўрсатади!

У шу сўзларни дағдаға билан айтarkan, негадир менга қараб қўйди.

## Я К Ш А Н Б А

Бугун - арвоҳлар ташриф буюрадиган куни, бомдоддан сўнг «Ёсин»ни тўла ўқиб, кейин ёзишга ўтирдим. Ёзиш ҳам илоҳий бир мўъжиза. Ёзгучи эса - сабабчи. Мен ҳам бир сабабман холос. Сартчасига айтсам, бир оддий симман. Ёруғлик - нур мана шу сим орқали ўтиб, сизнинг қалб ҳужрангизни ёритяпти. Мен нур эмасман, мен - симман, воситаман. Дадам раҳматли шундай деганлар: Навоий ҳам, Жомий ҳам, Бедил ҳам воситадир. Мана, мен ҳозир шу сатрларни ёзишим билан, арвоҳлар ташриф буюрадиган кун, дейишим билан отам раҳматли Халим қорининг жилмайиб турган чехралари шундоқ кўз олдимда пайдо бўлди. Жуда ҳалим, бегубор киши эдилар. Шундай инсонни мана шу, ҳозирги мухарриримиз Заҳриддин Маҳридинов бир вақтлар жуда диққат қилган, дилларини оғритган. Ўша даврда Заҳриддин мактабимизда кашшофлар етакчиси эди. Жуда заҳар одам эди. Шунинг учун биз ўқувчилар уни Заҳар Махар дердик.

Кузда одатдагидек пахтага чиқдик. Чамамда еттинчи синфда эдик. Йўқ, олтинчи синфда эканмиз. У пайтлар учинчи-тўртинчи синфлар ҳам пахтага чиқарди, қорда янги йилгача терилаверарди. Мен пахтазорни баъзи қаламкашларга ўхшаб: «Мовий осмонда чараклаб турган юлдузлардек оппоқ пахталар ўзига имлайди. Қуёш заррин нурларини «оқ олтин» денгизи узра таратишга тараддуз кўрмоқда. Мана, у бошини оппоқ паркут болишидан кўтара бошлади. Дала шоввозларининг шўх-шодон овозларига ҳамоҳанг бўлиб, меҳнат симфонияти янграб кетди», каби чучмал, ёлғон, бетаъсир сўзлар билан тасвирламайман. Хўмрайган, туманли, изғиринли дала концлагерни эслатарди. Эрталаб, гира-ширада бу ерга Заҳар Махарга ўхшаган домлалар уйқусираган биз гўдакларни дилдиратиб ҳайдаб келарди. Бир тишлам қора бўлкани чала қайнаган чой билан ютиб, эгатлар оралаб кетардик. Ўн-ўн беш метр юрмасимиздан тиззаларимиз шилта бўларди. Ниҳоят қор ҳам ёғарди. Кечаси осмонга қараб: «Илоҳим қор тинмасин», дея илтижо қилардик. Чунки қор ёғса, биз қорни қоқиб берардик, юқори синфлар кўсак терарди. Янги йил яқинлашиб қолганига қарамай, бизни даладан олиб кетиш ҳеч кимнинг хаёлига келмасди. Бир ўртоғимизнинг онаси шаҳрдан келиб, боласини кўргач, роса йиллади. Қўлларимиз яра-чақа, башарамиз қаримсиқ бўлиб қолганди-да. «Боламини олиб кетаман» деса, домлалар «Бизга гап



тегади», деб унашмади. Қизларимиз нукул кўз ёши қилиб кун ўтказарди. Ҳозирги қони кам, дардчил, ранги заъфарон, сочи барвақт оқарган бувиларимиз, оналаримиз бу иллатларни ўша қизлик давриларида орттиришган. Қанийди, шў меҳнатлари эвазига яхши еб, яхши кийишса. Дарёлар бўйида сувга эдик зор, деган шоир ҳақ эди. Эшигимиз тагида пахта очилиб ётардию, бир кийим читга зор эдик.

Хуллас калом, ўша кунлари зах босган, сассик, похол тўшалган ётоқхонамизда, хуфтондан сўнг, кўрпага бурканиб олиб, эскичага ихлоси бор уч-тўртта бола саловот айттардик. Отамдан ўрганган бу саловотни мен ўргатардим.

*Саллоллоху сайидино Муҳаммад,  
Хар ким айтса дуо бўлур ижобат.  
Лаилаҳа иллолох,  
Муҳаммадур расулulloх.*

Бир куни шундай деб турсам, кимдир устимдаги увадаси чиққан кўрпани шарт тортди-да, қулоғимнинг тагига қарс этиб қўйиб юборди. Бундай қарсам, шу, ҳозирги муҳарриримиз Захар Махар гезариб турибди.

- Сен қоривачча, итвачча, кимларнинг онгини заҳарламоқчисан!

У чап юзимга ҳам бир шапати солди. Мен йиғлаб юбордим. Захар Махар қулоғимдан чўзиб, диконглатиб кетди-да, ароқ хиди анқиб турган ўқитувчилар ётоқхонасига олиб кирди.

- Бу аҳмоқ нима билан шуғулланаётганини биласизларми? - у ҳаммани «аҳмоқ» деб сўкарди. - Диверсия билан!

Мен «диверсия» сўзининг маъносини тушунмасдим. Кейин билсам, «қўпоровчи» дегани экан.

- Ҳа-а, исломий диверсия билан! - деди Захар Махар яна қўлини қилич қилиб. Кейин у яширинча намоз ўқиётганимиз, «Аллоҳ ақбар» деяётганимиз ҳақида гапирди.

- Да-а, - деди папирос буркситиб, каравотда чалқанча ётган илмий бўлим мудиримиз бошини кўтариб ва гўё қўлга тушган жосусни томоша қилаётгандек менга ўқрайиб тикилди.

Шу пайт Мамадалихон деган домламиз жонимга оро кирди:

- Қани, бўлди, йиғиштир, қўйвор болани! - деди Захар Махарга. Сўнг ўрнидан туриб ёнимга келди-да: - Бор, боравер, ўғлим, - деди.

Шудомлани ҳаммаиз яхши кўрардик. Кечкурунлари бизга эртақ, уруш воқеаларини айтиб берарди. Жаҳон урушида танқичи бўлган экан, орден, медаллари бор. Бақувват, барваста киши эди. Айтишларича, насли тоза, уламо кишиларнинг фарзанди экан. Ундан ҳамма домлалар кўрқар, айни пайтда ёмон кўрарди. Шунга хайрон бўлардим: нега болалар яхши кўрадиган одамни домлалар ёмон кўради? Ғивир-шивир гапларга қараганда, бир куни илмий бўлим мудиримиз у кишининг гашига теккан экан, жағидан даст кўтариб, ерга қозик қилиб қоқиб қўйибди. Ваҳоланки, илмий мудир жуда бесўнақай, бадфеъл одам эди. «Шундай одамники қозик қилиб қоқиб қўйибдими, э, қойил!» дедик. Шундан кейин Мамадалихон домламизга янада меҳримиз ортди. У киши ўзиям доим «болаларим» деб мурожаат қиларди. Юқори синф ўқувчилариям, хулқи энг ёмон болалар ҳам домлани кўрганда дарҳол ўзгариб салом берар, қўлида сигарет бўлса - ташларди. Ўша вақтдаги юқори синф ўқувчилари сўлоқмондай йиғитлар бўларди. Уйланганлари ҳам, бир синфда уч-тўрт йил ўқиётганлари ҳам бор эди. Мана шундай

ўқувчилар бирон ноҳўя ҳаракат қилса, Мамадалихон домламиз секин имлаб чақирардилар-да, қулоғига охистагина қилиб: «Ҳали сал бор», деб кўярдилар. Халиги ўқувчи шолғомдек қизариб кетарди. Биз ҳаммамиз домладан шу гапни эшитмасликка ҳаракат қилардик. Мен ҳали-ҳануз бу жумланинг сири нимада эканлигини чуқур англолмайман. Эҳтимол унинг сири шу гапни айта оладиган домланинг ўзидадир.

Хуллас калом, Мамадалихон домла менинг бошимни силаб чиқариб юборган бўлсалар-да, эртасига кечкурун «ким қанча пахта терди?» линейкасида Захар Махар мени сафнинг олдига бир қадам чиқариб, захрини сочди. Умуман унинг тийнатида заҳар сочиш мавжуд эди.

- Қани, аҳмоқ, бир қадам олдинга!

Мен олдинга бир қадам ташладим.

- Ким шў аҳмоқнинг гапига кирса ёки қилганини қилса, мендан хафа бўлмасин! - деди Захар Махар болаларга қараб ва анча гапирди.

Орада илмий бўлим мудири лўкма ташлаб турарди:

- Тарбияси бузук. Бош бузук - оёқ бузук. Бунинг отаси ўзи бузук - сибириак!

У дадамнинг Сибирда ўтириб келганларига ишора қилди. Элтигинчи йилларнинг бошида дадам раҳматли бир издиҳомга борганларида биров ҳол-аҳвол сўраб: «Қалайсиз, қори ака, юрибсизми?» деса, «Ҳа, шу пашшаларнинг ичида биз ҳам юрибмиз гингиллаб», дептилар. Шу гап учун ётиб келдилар.

Гапдан чалғиб кетдук. Хў-ўш, хуллас калом, ўша куни Захар Махар мени олдинга чиқариб қўйиб, роса савалади. Йиғлаб юбордим. Мен унинг ҳақоратлари учун йиғламадим. Синфимиздаги Латофатхон исмли қизни яхши кўрардим. Шу қизнинг олдида изза бўлганимга йиғладим. Бу қизга сизни яхши кўраман, деб хат ёзганимда, «Мен ҳам сизни яхши кўраман-у, дадам унамайдилар. У киши киммунист. Намоз ўқийдиган одамга бермайдилар», деб жавоб ёзган. Оҳ, бу мактабда болалигимнинг маъсум туйғулари, қувончларим, орзуларим, армонларим, андуҳларим қолган.

Пахтадан келгандан кейин ҳам мени тинч қўйишмади. Масалам педсовет, яъни ўқитувчилар кенгашида кўриладиган бўлди. Муҳокамага отамни чақириб келишди.

- Ўғлингиз болаларнинг коммунистик онгини заҳарлапти! - деди илмий бўлим мудири.

- У намоз ўқийди, худога ишонади! - деди Захар Махар.

Дадам раҳматли Захар Махарга жилмайиб турдилар-да, савол бердилар:

- Сиз худога ишонмайсизми?

- Агар худога ишонганимда мачитда ўтирардим. Мен совет мактабида турибман!

- Бўлмаса, сизга бир оддий савол: нега сиз таппак ташлайдию, қўй қумалоқ ташлайди?

- Қори ака, бу ер ҳазил қиладиган чойхона эмас! Ёш авлоднинг тақдири ҳал бўлапти!

- Ҳа-а, жавоб беролмайсиз. Бу - Аллоҳнинг мўжизаси. Сиз тезак билан қумалоқнинг фарқи бормайсиз-у, болаларимизни тарбиялай оласизми?.. Юр, ўғлим, бошқа мактабда ўқийсан!

Дадам шундай деб қўлимдан етаклаб, ўқитувчилар хонасидан олиб чиқиб кетдилар.

## Д У Ш А Н Б А

Орадан беш-тўрт кун ўтгач Мамадалихон домла



кириб келдилар уйимизга. Дадам билан анча суҳбатлашиб ўтирдилар.

- Энди, қори ака, қори оёқ, икки қўли, тили забони бор ҳар бир зот ҳам одам бўлиши қийин экан-да. Хафа бўлмайсиз. Ўғлингиз анча зеҳли, одобли бола. Исломи тарбия кўрган-да. Ўғлингизни ўзим ўқитаман, - дедилар домла.

- Йў-ўғ, ўқитмайман, ишлайди. Пешонасида борини кўради, - дедилар дадамлар.

- Қори ака, булар ҳам фалон бола мактабдан кетиб қолибди, деган гапни эшитишни хоҳламайди. Партиянинг сиёсатидан кўрқади.

- Буларнинг худоси - партия. Ҳамма нарсани партия ҳал қилади, дейди. Ўша партиянгиздан сўранг-чи, манави бешта панжамни олтига қилиб берадими? Манави қулоғимни пешонамга ўрнатиб берса, унинг қудратига қойил қоламан. Манави бурним бир парча гўшт. Шу гўшт ҳидни қандай сезади? Шуни тушунтириб берсин!

- Қори ака, сиз китоб кўтган одамсиз. Бир соатлик илм бир кунлик ибодатдан афзалдир, деганлар Сарвари олам. Бола илмсиз бўлиб қолмасин.

Хуллас калом, мен бир ҳафтадан сўнг мактабга чиқдим. Май ойларида бизни усти очик машинага босиб, колхозга - яғанага олиб кетишди.

Яғана, қатқалоқ юмшатишнинг азоби пахтаникидан кам эмасди. Тонг гира-ширасида, туриб, то кун тик келгунча асосий ишни бажаришимиз, ҳар биримизга ажратилган эгатни топширишимиз шарт эди. Уйкуга тўймасдик, шомдан кейин чивин талаб, ҳаммаёғимиз кизамик тошгандек бўлиб кетганди. Бу ернинг чивини йирик ва тажовузкор эди: қирувчи самолётлардек гуруҳ-гуруҳ бўлиб, визиллаб келарди-да, оёқ-қўлларимизга тащланарди. Уларни йўлатмаслик учун ётоғимиз агрофига поҳол тутатардик. Барибир тунда хужум давом этарди. Биз эса, алламаҳалгача қашиниб-қашиниб ухлаб қолардик. Биз-ку, ўн-ўн беш кунга ҳашарга келганмиз, ўтиб кетар. Бир умр шу ерда яшаётган болалар нима қиларкин, дея хаёл сурардим.

Шундай кунларнинг бирида, икки эгатни қўлдан чиқарганимдан сўнг захартаг қилиб қолди. Шеригимга «Ёзилгани борасанми?» десам, «Йўқ», деди. «Бўлмаса, қараб тур», дедим. Даладан ярим чақиримча нарида тарвақайлаб кетган икки-уч туп остида дўнроқ жой бор эди. Шу ёққа қараб юрдик. Шеригим дўннинг бир ёғида пойлоқчи бўлиб қолди. Мен атрофга аланглаб, дўннинг орқасини мўлжаллаб юра бошладим. Узокда яғана қилаётган қизларимиз мени кузатиб тургандай ниҳоятда хижолат чекардим. Бир амаллаб дўннинг ортига ўтиб олдим. Ўтиб олдим-у, довдираб, гарансиз, тўхтаб қолдим. Нина Петровна деган, ёшгина яқинда мактабимизга ишга келган рус тили ўқитувчиси бор эди. Жуда дуркун эди. Азонда далага жемпер кийиб келар, кун қизигач ечиб елкасига ташлаб оларди. Шунда ярим очик оппоқ кўкси дўппайиб кўриниб турар, эгилганда одамнинг кўнглини беҳаловат қиларди. Шу аёлни, биласизми ким?.. Захар Махар пуйпалаб турган экан! Захар Махар шошиб мен томонга ўтирилган эди, мен ҳам «шип» этиб ортимга бурилдим. Юрагим така-пука эди.

- Бўлдими? - сўради шеригим.

- Йў-ўқ. Бу ер мазор экан. Юр, анави ёққа.

Икковимиз киргоғига тутлар экилган закан томонга қараб юрдик...

Кечки овқатдан сўнг бир маҳал Захар Махар мени «Етмишвой, бақа қараб қўй», деб имлаб чақирди.

- Хў-ўш, чарчамайпасанми, қийналмайпасанми? - ҳол-аҳвол сўраган бўлиб, четроққа юрди у.

- Йўқ, - дедим ортидан эргашиб.

- Ҳали нима қилиб юрувдинг уёқда?

- Ёзилгани ўтувдик.

- Менгаям, анави, Нина, рус тилини ўргатаман, деганди... Машқ қилаётгандик... - Захар Махарнинг гапи қовушмасди. Бошини қашиб туриб менга яқинлашди: - Ҳеч кимга гулламадинг-ми?

- Йўқ.

- Хў-ўш. Эртадан бошлаб далага чикмайсан. Жа-а, қорайиб кетибсан. Ошпаз қизга ёрдам берасан, хўпми?

- Хўп.

Орадан икки кун ўтгач, Захар Махарни яна бир қалтис ҳолатда учратиб қолдим. Кечаси чивин талаб, ҳеч ухлай олмадим. Бир маҳал аллақимнинг ўхтин-ўхтин ўқчиган товуши келди. Бирон киши қасал бўлиб қолибди шекилли, деган хаёлда ташқарига чиқдим. Нарироқда, дарахтзорлар орасида биров дарахтга таяниб туриб ўқчир, ахён-ахён итнинг ириллаган овози эшитиларди. Яқинроқ борсам, шу ўзимизнинг Захар Махар. Кўзи сузилиб тебраниб турар, рўпарасида бир малларанг ит унга қараб ирилларди. Ит мени кўриб тинчиди. Захар Махар ўгирилиб менга нигоҳи тушгач: «Қори, сенмисан?» деди. Кейин итга қараб: «Хў-ў, онангни!» деб ташланган эди, ит қочиб кетди.

- Юр! - деди Захар Махар менга ва йўл-йўлақай галдираб, қўйлигини ечди. Биз этакдаги катта арик бўйига келдик.

- Ушлаб тур! - деди қўйлагини узатиб. У ярим яланғоч бўлиб ювинди. Сўнг қўйлигини ювиб, сиқиб, яна менга узатди. - Хо-о, ёғоч панжарага ташлаб қўй!

У ўз хонасига, мен ўз ётоғимга кириб кетдик.

Эртасидан эътиборан Захар Махарнинг менга нисбатан муносабати анча мулоим бўлиб қолди. Ошпаз қизга «Менинг тегишимни қори болага бериб қўй, суякни яхши кўраман», дерди. Мен унинг тегиши - суякни эҳтиётлаб олиб кўярдим. Шундай одам менга ўз суягини ишонганидан хурсанд эдим.

## С Е Ш А Н Б А

Истироҳат боғини эслатувчи бу кичкинагина шаҳарда ёмон кўрган одамнингиз кунора рўпарангиздан чиқиб туради. Ундан узокда, яшириниб яшаб бўлмайди. Такдир мени орадан йиллар ўтиб, яна Захар Махарга рўпара қилди. Мен Оллоҳнинг инояти билан дорилфунуннинг шарқшунослик куллиётига ўқишга кирдим. Бу жиҳатдан мамнун эдим. Аммо ўқишни битиргач, камбағалнинг товуғига тулки учрабди деганларидек, яна Захар Махарга дуч келганимга ҳайрон эдим. Захар Махар халқ таълими бўлимининг мудир экан. Бунга қадар у Маданият саройининг директори бўлиб ишлаган, бироқ бир воқеа сабаб бўлиб ишдан бўшатирилган экан. Буни кейинчалик билдим. Ҳозир эшитганим шу воқеани сизга айтиб бераман. Авжи қаҳратон, ташқарида қор гупиллаб уриб турган кунларнинг бирида директор Захар Махар билан бадий раҳбар юзга-юзга қилиб ўтиришса, Собир сурнайчи йигирма сўм қарз сўрабди. Шунда бадий раҳбар: «Агар ҳозир қипяланғоч ҳолда Маданият саройининг атрофини бир марта югуриб айланиб чиқсанг, йигирма сўм эмас, икки юз сўм бераман», депти. У пайтдаги икки юз сўмга битта новвос берарди. «Бўпти, айланмаган номард. Чўз!» депти сурнайчи. «Ечин!» депти бадий раҳбар. Собир ечинибди, бадий



рахбар пулни нақд берибди. Сурнай-чи пулни чапгалаганча ташқарига чопибди. У улқап бинони айланиб чиққунча булар эшикнинг ичидан беркитиб олибди. Сурнайчи эшикни тортсаки - берк!

- Эшикни оч! - депти қалтираган кўйи сурнайчи.

- Икки юзни чўз, кейин очамиз, - дейишибди ичкаридагилар.

- Эшикди оч, деяпман, энағарлар!

- Икки юзни чўз!

- Мен буни ҳалол ишладим!

- Бўлмаса кўчада ишлатиб юравер!

- Хей, оч деяпман, судга бераман!

Кўчада у ёқ-бу ёққа ўтиб турган одамлар эшик тортқилаётган қипяланғоч кимсани кўриб, кулишармиш.

- Бўпти, пулингди бераман, жалабди балалари! - Бақирибди сурнайчи қалтираб.

- Пулни эшикнинг тирқишидан узат!

У пулни узатибди, булар очибди. Сурнайчи ўзини ичкарига урибди.

Бу хангома тезда ёйилибди. Аммо бу воқеадан кейин Захар Махар бўшатилиб, партиявий танбех олибди: Орадан бироз ўтгач эса, халқ маорифига мудир бўлибди. Бу, партиянинг жазосими ёки мукофотими, мен масалан, тушунмадим. Захар Махарнинг обкомдами-горкомдами опахони бор, алоқаси яхши, деган гаплар юради. Энди уни эгамнинг ўзи билади. Алоқа деганда ҳар ким ҳар нарсани назарда тутати.

Хуллас калом, Захар Махар мени маориф бўлимида қабул қилиб, ўқишни битирганим билан табриклади. «Халиям намоз ўқиб турасизми, аҳмоқвой?» деб сўради. Кейин ҳужжатларим билан танишиб бўлгач:

- Бизда шарқ тиллари ўқитиладиган мактаб йўқ-ку? - деди.

У ҳақ эди. Бутун бир вилоятда бундай мактаб йўқ эди. Мен энди уни айблай олмасдим.

- Ҳеч бўлмаса, бирон мактабда ўқитайлик, эски ёзувимизни ўргатайлик, бусиз биз ўтмишимиз, тарихимизни билмай, ота-боболаримизни танимай сўқир бўлиб қолаверамиз, - дедим.

- Дарсни жорий қилиш менинг қўлимдан келмайди.

Ҳа, у яна ҳақ эди. Унинг қўлидан келмасди. Партия унинг бошида шўрвой қиличини тутиб турар, сал кимирласа калласи кетарди.

Тарвузим қўлтигимдан тушди. Дорилфунунни битирсанг-у, ҳеч кимга керак бўлмасанг! Жуда диққат бўлдим. Хомуш бўлиб қолганимни кўриб:

- Эртага бир хабар олинг-чи, бирон ишни ўйлаб топармиз, - деди.

Бир марта эмас, ой давомида уч марта хабар олдим. Ниҳоят менга туғилиши лозим бўлиб, декретга чиқаётган йўриқчи аёлнинг ўрнини таклиф этишди. Рози бўлдим. Бошқа иложим йўқ эди.

Халқ маорифи бўлимига ишга кирган кунимдан бошлабқол дилим хира торта бошлади. Бир куни Захар Махар ҳаммамизни шошилишч тўплаб:

- Ўртоқлар, ҳозир Расул Расулович айтдилар: индинга саккизинчи март экан. Ҳаммамиз хотинларимизни у кишининг номидан табриклаб кўйишимиз керак экан, - деди.

Бу қандай чучмал гап дея хаёл сурардим: нега биз хотинларимизни табриклашимизни ўша фирқа кўмитасининг котиби эслатиши ва буни Захар Махар бизга муҳим бир янгилликдек етказиши керак? Нега бу одамнинг мустақил фикри йўқ. Умуман буларнинг ҳаммаси бир гўр шекилли. Бир-бирига бир томчи

суддек ўхшаш. Агар тепадаги тўнка бир гап айтса, бу гапни гўё Сукрот айтгандек, ҳикмат ва шиор қилиб ҳаммаёққа ёпиштириб ташлашади. Масалан, Хрушчўп «Маккажўхори тўйимли озуқа» деган эди, шу гапни ҳатто ҳожатхонага ҳам олиб кўйишди. Брежнев «Нон коринни тўйдиради» деса, шу жумла билан барча ошхонаю емакхоналар, корхоналар ташкилотлар безаб чиқилди. Эссиз қоғоз, эссиз бўёқ, эссиз меҳнат. Наҳотки халқни шу қадар гўл, унга нон корин тўйдиришини эслатиб туриш керак, деб ўйлашса? Бу халққа ҳурматсизлик, шаънини булғаш эмасми? Бир маҳаллий раҳбар «Келажакдаги қурилишларда ёшлар ишлайди» деган эди, шуни шиор қилиб олиб, шаҳардаги биноларнинг пештоқига осиб чиқишди. Шу шиорнинг ёнига ўша раҳбарнинг ўзини ҳам осиб кўйилса жуда соз бўларди-да!

Мен бу гапларни бугун, сўз эркинлиги кафолатланган озод, демократик мамлакат фуқароси сифатида гапиряпман. У пайтларда ўйлардим, изтироб чекардим, бўғилардим, холос.

Орадан беш-тўрт кун ўтгач Захар Махар: «Эртага соат саккизга ҳамма мактаб директорлари, боғча мудирларини тўпланг!» деб менга уқирди. Эртасига айтилганлар йиғилгач, уларга топширик берди:

- Ўртоқлар, шу ҳафтадан қолдирмай ўқитувчилардан ўн сўмдан, ўқувчилардан беш сўмдан пул йиғиб, хўжалик мудирига топширасизлар. Гул байрамига тайёргарлик кўрамиз.

Мен илгари «Гул байрами»га ҳар ким, ҳар бир жамоа ўз қўли, меҳнати билан етиштирган ноёб гуллар билан қатнашади, деб ўйлардим. Энди билсам, кўпчилик ташкилоту муассасалар бозордан сотиб олинган гуллар билан қатнашишар экан. Биров айтгудики, кишлоқ хўжалик маҳсулотлари кўрғазмаси ҳам шундай усулда ташкил қилинади, деб. Ташкил қилинмаса фирқа кўмитасида жазоланаркан. Бу, фирқа жазолашга жуда ишқибоз-да. Ҳар куни жазолаб турмаса, кўнели ёришмайди.

Захар Махарнинг истеъдодига қойил қолдим. У халқ маорифининг гул байрамида яхши қатнашувини таъминлади. Иккинчи ўринга сазовор топилиб, телевизор соғга қилинди. Бироқ телевизор йўқолиб қолиб, мудирнинг уйига равона бўлганини орқаваротдан эшитиб, дилим хижил тортди.

Халқ маорифидаги ишлардан кўнглим тўлмас, гаш эдим. Қаллоблик кўп эди. «Иккисиз ва икки йиликсиз ўқиш» шиори ҳам, даволат, ҳисоботлар ҳам қалбаки, топшириклар тутуриксиз, ижролар хўжақўрсин эди. Истеъдодли, ориятли эркак ўқитувчилар бирин-кетин мактабларни тарк этиб, бошқа соҳаларга ўтиб кета бошлашди. Бир воқеа туртки бўлиб, мен ҳам даргоҳни тарк этишни мўлжалладим.

Ўша куни кечкурун энди уйга кетаман деб турсам, Захар Махар ҳовлиқиб чақириб қолди.

- Бугун уйга кетмайсиз, босмахонага бориб ётасиз! - деди у.

- Нега? - дедим мен.

- Эртага вилоят газетасида бизнинг гороно (халқ маорифи) мақталган мақола чиқаркан. Шу газетдан икки нусха эрталаб соат бешда Расул Расуловичнинг устолларида бўлиши шарт. У киши азонда биринчи рейс билан Тошкентга учадилар. У ерда, кенгашда халқ маорифи ҳақида сўзга чиқадилар.

Босмахонага борсам, бу қорхонада бегона одамнинг ётиши у ёқда турсин, махсус руҳсатномасиз останадан ҳатлатмас экан. Қолаверса, бир йилит айтдики, газета



эрталаб аранг олтида тайёр бўларкан.

Хонамга қайтиб келиб Захар Махарнинг уйига қўнғироқ қилсам, хотини «Горонода мажлисдалар», деди. Ие, бу қанақаси бўлди? «Гороно» дегани бизнинг ишхона бўлса, бу ерда қоровулу мендан бўлак ҳеч ким бўлмаса?.. Лекин мен бу ҳақда индамадим-да, гўшақни қўйдим. Кейин «бор-е», деб уйга жўнавордим. Хуфтондан сўнг телефони бор қўшнимникига чиқиб, яна Захар Махарнинг уйига қўнғироқ қилсам, яна ўша тўтининг овози эшитилди: «Горонода мажлисдалар».

Э-э, мажлисинг билан басар бўл, эшшак! дедим ичимда. Қўшника раҳмат айтиб уйга чиқдимда, ухладим. Тушимда Захар Махар қўлини қилич қилиб мени роса сўкаётганмиш. Ёнида илгари менинг ўрнимда ишлаган аёл турганмиш ва мени масхара қилгандек кулармиш. Ўтган куни шу жувонни ўнгимда мудирнинг хонасида кўргандим. У Захар Махарга суйкалаётгандек туюлди менга. Ёмон ҳаёлга борган бўлсак Оллоҳ ўзи кечирсин.

Одатим бўйича азонда дик этиб ўрнимдан турдим велосипедни миниб, босмаҳонага зингилладим. Қоровул: «Ҳали соат олтида дежур қўл қўйгандан кейин газет тарқайди, ука», - деди. Унинг хужрасида бомдодни ўқиб, кутиб турдим. Бироқ соат олтида ҳам газета тайёр бўлмади. Кечаси иш чўзилиб кетганмиш. Аллакаерда гўза гуллаган экан, шу хабарни бериш учун обкомнинг руҳсатини кутиб туришибди. Обком котиби эса, аллақайси гўрга кетган экан.

Оёғи куйган товукдек типирчилаб турардим. Ниҳоят газета соат саккизларда тайёр бўлди. Мен қоровулга горқўмнинг муҳим топшириғи эканлигини айтиб, ўн дона газетани бир тангага сотиб олдим-да, халқ маорифига олиб кетдим. Захар Махар эндигина хонасига кириб турган экан.

- Ҳа? Газетани обориб бердингизми? - сўради шошиб.

- Газета мана, ҳозир тайёр бўлди.

- Вей, аҳмоқ! Мен сизнинг аҳмоқ эканлигингизни билардим. Нега сизни ишга олдим?

У шошиб фирқа қўмитасига қўнғироқ қилди:

- Алло, Иқромжон! Расул Расулович Тошкентга кетдиларми? Бизда битта аҳмоқ бор. Газета кеч чиқибди, ҳозир олиб келди. Нима? Чикмабди? Нега?! Да-а, ҳа, майли...

У гўшақни қўйиб, олдида турган газетани синчиклаб varaқлаб, кўз югуртириб чиқди. Кейин менга юзланди:

- Бўпти. Бораверинг. Мақола босилмабди. Сизни оёғингиз ёқмабди.

Ақду хушимни йиғштириб, масаланинг тагига етсам, редакциядагилар ваъда беришган экану, бироқ расмий материал келиб қолибди.

Бу хашақи мақола ўн беш кундан кейин чиқди. Энди у ҳеч кимни қизиктирмади. Менинг эса, шу кундан эътиборан ҳафсалам пир бўлди. Бунақа мухитда узок ишлаб бўлмасди. Ишга биров бўйнимдан боғлаб судраб олиб келаётгандек эдим. Нозим Ҳикмат: «Бахт - ишга иштиёқ билан бориш ва уйга иштиёқ билан қайтишдир», деган эди. Менда эса негадир икковисиям йўқ эди.

Ишдан зерикиб уйга, уйдан зерикиб ишга қатнаб юрган кунларимдан бирида музей директори Матвеев мени учратиб қолиб, эскичани биладиган битта мутахассис жуда зарурлигини айтиб қолди. Ўрис бўлсам дилкаш, феъли кенг, билимли одам эди. Шу соҳага ўтишга қарор қилдим.

Захар Махарга аризамни кўтариб кирсам:

- Ана, энди жойингизни топибсиз, - деди қувониб.

- Ҳозир қўл қуйиб бераман. Фақат битта шарт билан: келгуси ҳафтадаги сайловни бирга ўтказиб берасиз. Биласиз, мен участка сайлов комиссиясининг раисиман. Аъзолар рўйхатида сизнинг фамилиянгиз бор, газетада эълон қилиб қўйилган. Эрталаб соат олтида, олтио нол-нолда тўқсон тўққизу юздан тўқсон тўққиз фоиз овоз бериб бўлишимиз шарт.

- Тўқсон саккиз фоиз бўлса-чи?

- Тўқсон саккиз бўлиб қолса, сиз билан мени қамайди!

Сайловдан кейин халқ маорифи остонасидан оғир юкдан халос бўлгандек енгил тортиб чиқдим.

Музей - мозийгоҳ менга ёқди. Бемаза топшириқлардан холироқ маскан. Орадан кўп ўтмай мени давлат хужжатгоҳи - архивга таклиф қилишди. Эскичадан хабардор битта мутахассис ниҳоятда зарур экан. Ўриндошлик йўли билан бу ердан ҳам маош оладиган бўлдим. Фаолиятим жонлиб қолди. Газета-журналларга меросимиз, тарихимиз, осори-атиқаларимиз ҳақида мақолалар ёза бошладим. Мақолаларим деярли таҳрирсиз босиларди. Фақат кимдир мақоламнинг бошланиш қисмига ёки охирига марказкомнинг бирон қарори ёки бош котибнинг нутқидан иқтибос ёпиштириб қуярди. Ҳа, майли, шунга ҳам шукр.

Ҳокимият тепасига Горбачёв келгач ҳамма тармоқлардаги раҳбарлар ўзгара бошлади. Жумладан вилоят газетаси маҳаррири ҳам. Мана шу янги муҳаррир мени газетга жалб этди. Ёзганларимни ўқиб бораркан. Анча суҳбатлашдик. Архивдаги ярим маошлик вазифадан ажралмаган ҳолда ўзимни журналистлик касбида синаб кўришга аҳд қилдим. Хатосиз ва виждонан, ёлгон-яшиқсиз ёзишимга ишонардим.

## ЧОРШАНБА

Янги муҳаррирнинг иш услуби менга маъқул бўлди. Бировга зугум қилмасди, буйруқ бермасди. Топшириқни маслаҳат тариқасида, самимий айтарди. Бирон бўлимга ўзи аста кириб келарди-да, ҳол-аҳвол сўраб бўлгач, бирон ходимга: «Фалон мавзу ҳозир жуда долзарб бўлиб турибди-да. Шу ҳақда бирон нарса ёзиб кўрмайсизми?» дерди. Бир куни летучкада: «Орангларда шеър, ҳикоя ёзадиганлар борми? Бор бўлса - ёзсин. Сиз билан биздан шу қолади», - деди. Яна бир летучкада: «Мабодо даволанишга, дам олишга муҳтожлар бўлса - айтсин, бепул йўлланма топиб терамиз», деди.


Афсуски, бу йигит икки йилдан ортиқ ишламади. Обком котиби билан чиқиша олмабди, деб эшитдик.

Бу йигитнинг ўрнига бизга янги муҳаррир олиб келиб, таништиришди. Ким деб ўйлайсиз? Шу, ўзимизнинг Захар Махар. Фирқа қўмитаси мафкура бўлимининг мудирини уни таништирар экан, Заҳриддин Мухриддиновичнинг тажрибали коммунист, улдабурро ташкилотчи эканлигини, ҳозирги жадаллаштириш даврида шундай кадрлар бизга ниҳоятда зарурлигини айтди.

Ҳамма нарса ўзгариб, яшариб, жадаллашиб кетаётган бир пайтда бу эски, шалағи чиққан аравани нега ижодий ташкилотга судраб келишганига ҳайрон эдим. Захар Махарнинг газетга муҳаррир бўлиши мол дўхтирининг симфоник оркестрга дирижёр бўлиши билан баробар эди. Ким билади дейсиз, эҳтимол юқоридагилар «Бу бевош журналистларни бир жазолаб берасан», дейишгандир.

- Кимда қандай фикр бор? - деди мафкура бўлимининг





мудири.

Хамма анграйиб, жим тураверди. Матбуот бошқармаси бошлиғи салмоқланиб ўрнидан турди.

- Ҳозир «Союзпечат» латифа айтади, - деди шипшиб Кўлдошвой менга.

- Ўртоқлар, мен бутун коллективнинг, - деди Қаҳҳорович икки панжаси билан доира ясаб, - фикрини айтаяпман десам янглашмайман. Заҳриддин Маҳриддиновичнинг бизнинг соҳага раҳбар бўлиб келиши партиямизнинг, КПСС политикасининг нақадар ҳаётийлигини, келажакни, яъни переспективани олдиндан кўрабилишини, вот, ойнадек кўрсатиб турибди. Как зеркало. Так что, давайте, Заҳриддин Маҳриддиновични табриклайлик.

Ҳаммамиз тарвузимиз қўлтиғимиздан тушиб, ташқарига чиқишимиз билан:

- Бу қанақаси бўлди? - дедим.

- Ҳеч ажабланманг, - деди Кўлдошвой гижиниб. - Тўрт қатор хабар у ёқда турсин, ўз исми-шарифини ҳам тўғри ёзолмайдиган бир газета раҳбари яқинда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист» унвони олди. Давр шуларники бўлиб қолди.

Дарҳақиқат, ўша фармон чиққан куни ундаги «Профессионал маҳорати учун» дейилган жумлани ўқиб, ҳаммамиз мириқиб кулган эдик. Мана энди, мириқиб йиғласак керак.

Хой, парихон эканман. Уч кун ўтмасдан муҳаррирнинг хонасидан котиба қиз йиғлаб чиқди. Бир ҳафтадан сўнг қишлоқ хўжалик бўлимининг муҳбири Захар Махарни ўсма-сурмаси қолмай дангал сўкиб, радиога ишга ўтиб кетди. Бир ойдан кейин муҳаррир ўринбосари туман газетасига муҳаррир бўлиб кетди. Бир йилнинг ичида шофёр, қоровул, хўжалик ишлари мудири, корректор-мусахҳих бирин-кетин бўшаб кетишди. Масъул котиб Журналистлар уюшмасидан паноҳ топди. Навбат фаррошларга келди.

Мана энди бу ҳақда алоҳида тўхталамиз. Ўша, яъни таҳририятга ўғри тушиши муносабати билан ўтказилган йиғилишдан кейин, ҳамманинг бармоқ изи олиб бўлингач, бир ҳафтагача жимжитлик ҳукм сурди. Бир куни эрталаб ишга келсам, Рисолатхон деган фаррошимиз ўз ҳамкасби билан ҳасратлашиб турган экан, нигоҳлари намли.

- Ҳа, тинчликми? - дедим ҳол сўраб.

- Э-э, нимасини айтасиз, - деди фаррошнинг ҳамкасби. - Анави Азозил Рисолатхонни жуда хафа қилибди-да.

- Хафа бўлмайсиз, бу одамнинг феъли шунақа. - дедим тасалли бергандай

Аёлларнинг айтишларича, Захар Махар шунчаки хафа қилган эмас, балки бу аёлга тўхмат қилган экан. Уни ўз хузурига чақириб, хе йўк-бе йўк:

- Гилам қани? - депти.

- Мен қаёқдан билай. Эрталаб келсам - йўк. Қоровулни чақириб сўрасам, кечаси бу ерга пашша ҳам кирмади, деди.

- Менинг хонамни сиз тозалайсиз, сиз олмасангиз, ким олади?

- Мен бу ерда йигирма йилдан бери ишлайман, бировнинг игнасиғаям тегмаганман. Бу гиламни иккита эркак ҳам кўтаролмайди. Аёл бошим билан мен қандок кўтараман.

- Сиз судраб бориб, деразадан пастга ташлагансиз, пастда эрингиз кутиб турган!

- Сен қандай имонсиз одамсан. Менга тўхмат қилма. Судга бераман!

Рисолат фаррош шундай деб йиғлаб юборибди. Бечоранинг эри икки йил бурун ички сариқ бўлиб ўлиб кетган экан.

Захар Махар ишга келгандан буён унинг хонасидан бирин-кетин янги телевизор, телефон аппарати, гилам ғойиб бўла бошлади. Телефон аппарати билан рангли телевизор ғойиб бўлганда миш-миш бўлувди-ю, аммо муҳокама бўлмагани, бости-бости бўлиб кетгани. Кўзи ўйнаб турадиган бадковок хўжалик мудири: «Бўлди, шов-шув қилманглар, бош-кўзимиздан хайр-худойи», деган эди. Аммо гиламдан сўнг гап кўпайиб кетди, юқорида айтганимиздай, ҳамманинг бармоқ излари олинди. Таҳририят жамоаси бир нарсанинг тағига етолмасди - нега айнан муҳаррирнинг хонасига ўғри тушяпти. Ваҳоланки Захар Махар ҳамиша эшигини калитлаб юради, бунинг устига котибанинг назоратида туради. Аксинча, бошқа хоналар доимо очиқ, кириб-чиқувчилар билан гавжум бўлади, одам тинмайди. Бу хоналарда ҳам телефон, чиройли палослар, айримларида телевизор бор-ку?.. Афтидан ўғрининг муҳаррирда қасди бор.

Фаррош аёлнинг қалби қаттиқ яраланган экан, ишга келмай қўйди. Эртасига муҳаррирнинг хонасидан «Бурга» тутақиб чиқди. Айтишларича, фаррошларни ҳам текшириб кўриш лозимлигини муҳаррирга «Бурга» маслаҳат берган экан. Шу маслаҳати учун муҳаррир сўкканга ўхшайди. Баттар бўл, дедик. Икковиси жуда иноқ эди-да. Қаердан манфаатли мақола ёзиш керак бўлса, Захар Махар шу ерга «Бурга»ни юборарди. Шу топшириқларни бераётганда, обкомдан айтишди, шу корхонада оммалаштирса бўладиган зўр иш кетяпти экан, дея кистириб кўярди.

Захар Махар мenden «Баҳор» сўзида дум бўладими-йўқми, «к» ёзиладими, «г»ми, «ни»ми ё «нинг»ми каби ўзига муаммо туюлганларни сўрарди. Топшириқлари ҳам туғуриқсизлиги билан асабимга тега бошлади. Бир куни ҳовлиқиб чақирди-да:

- Облонога югуринг, Германиядан немислар келибди. Интервью олиб келинг, номерга берамиз! - деди.

Ташқарида жала қуйиб турарди. Таҳририятнинг иккита машинаси бўлса-да, муҳбирларга берилмасди. Пиёда юриб вилоят халқ таълими бошқармасига кириб келганимда шалаббо бўлиб кетгандим. Бошқарма бошлиғининг ўринбосари аввал гапимга тушунмади. Кейин деди:

- Э-э, ҳа-а, энди эсладим. Немислар эмас, Англиядан бир мутахассис келадиган. Беш-тўртта мактабимизга компьютер ўрнатиб беради. Ҳозир у Тошкентда. Қовунни кўпроқ еб қўйган экан, қорни оғриб қолибди. Икки-уч кундан кейин келиб қолса керак. Мен Заҳриддин Маҳриддиновичга инглиз меҳмон келяпти, газетангизда бир ёритиб берасиз, дегандим.

Унинг хонасидан муҳарриримизни ичимда бўралатиб сўкиб чиқдим. Ўринбосар ивиб кетганимга раҳми келди шекилли, ҳайдовчини чақириб, бу кишини редакцияга ташлаб қўй, деди.

Шу куни кечга бориб аъзойи баданиб қакшаб, иситмаладим. Тунда бел ва оёқларим визиллаб оғриб, бир ҳафта ётиб қолдим.

Ишга чиққан куним Захар Махар мени зудлик билан чақиртирди.

- Қаёқларда юрибсиз, аҳмоқвой? Сизни қидириб топиб бўлмайди-я! - У менга «Совет Ўзбекистони» газетасини узатди. - Мана, Тошкент биздан олдин бериб юборибди. Номерга киргизлар тўғрисида бирон нарсга тайёрланг. Эртага улар областимизга келсаю,

биз жим турсак, нима деган одам бўлаемиз.

Мен газетани бундай кўлимга олиб қарасам, Ўзбекистонда бўладиган Қозоғистон адабиёти ва санъати декадаси олдиан мақола берилган экан.

- Булар қирғиз эмас, қозоқ-ку? Қолаверса, хали декаданинг кунни аниқ эмас, - дедим.

- Ҳм-м, да-а, қозоқ эканми? - деди муҳаррир қошларини чимириб. Сўнг бурнини ишқаб кўйди. - Ҳа, майли. Қирғизлар тўғрисида бирон нарса таяёрлаб кўяверинг-чи, барибир улар ҳам бир кун келади-да.

Орадан икки-уч кун ўтгач: «Ҳозир гизиллаб Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимига боринг. Фафур Фулом келаркан. Номерга ахборот қилиб берасиз» - деб қолди Захар Махар мени йўлакда учратиб. Ҳайрон бўлиб турганимни кўриб сўради:

- Нега анқайиб турибсиз?

- Фафур Фулом оламдан ўтиб кетганига анча бўлган.

- Қани, бу ёққа юринг-чи.

Ортидан эргашиб унинг хонасига кирдим. У кўнғирок килди:

- Эркинбой, бугун сизларга қайси шоир келади? - У андак жим турди-да, - бўлти, биздан Етмишвой қатнашади, - деди. Сўнг менга юзланди: - Ҳамид Фулом экан. «Сен етим эмассан»ни шу одам ёзганми?

- «Тошболта ошиқ»ни ёзган, - дедим ва жаҳл билан чиқиб кетдим.

Шу ҳақда тушлик пайтида Қўлдошвойга гапириб берсам:

- Маңа кўрасиз, шу аҳмоққа хизмат кўрсатган журналист унвони берилади, - деди.

- Агар мен сенга ўхшаш эркин қуш бўлсам, алақачон гўзал Тошкентга қараб учган бўлардим. Истеъдодингни бу ерларда хор қилма, йигит. Биз гаприлар учун бу ерларда кун кечирмак мажбурий, сенга эса увол, - дедим машхур драмадаги Навоий тимсолига тақлид қилиб. Фақат «Гўзал Ҳирот» ўрнига «Гўзал Тошкент», дедим. Бу гапни бежиз айтмадим. Қўлдошвой жуда истеъдодли, ёзганлари республика матбуотида пешма-пеш чиқиб турарди.

- Йў-ўк, қори ака - деди Қўлдошвой сигарета кулини чертиб. - Мен шу ерда туғилдим, шу ер менинг ватаним. Мен ўз шаҳримга, ўз элимга хизмат қиламан, ота-онамнинг дуосини оламан, деганман. Мен Захар Махарга ўхшаган тўнқаларни, обкомдаги акахону опахонларини бир тийинга олмайман. Мен билан тортишаман деса, БМТ гача бораман.

Чиндан ҳам Захар Махар у билан тортишиш бефойдалигини сизди шекилли, топшириқларни ўринбосари - «Луғат» орқали берадиган бўлди. Қўлдошвойни кўллаб-қувватловчилар кўп эди. Ходимлар мажлисларда ўзлари айтишга ҳайкадиган фикрларини Қўлдошвой воситасида айтишарди. У гапириб бўлгач, ташқарига чиқишганда «Бошлади» дейишар, аини пайтда, бир фалокатга йўлиқмасайди, деб ҳадиксирашарди.

Мана, бугун ҳам газетани ҳафталик режалаштиришдан сўнг, муҳаррир «Бошқа гаплар йўқми?» дегач Қўлдошвой дик этиб туриб тутокди:

- Бу қанақа шармандалик, а? Бир ҳафтадан буён ўғирлик ҳақида шов-шув бўляпти. Бугун областга тарқалиб бўлди. Эртага республикага етиб боради. Уят эмасми? Бир неча йилдан бери ишлаб келаётган фаррошларга тўхмат қилишибди, уйда касал бўлиб ётиб қолибди. Ҳуқуқ органлари ўғрини тезроқ топиб берсин ёки бу гапларга бу ижодий даргоҳда чек қўйилсин!

- Қўлдошвой жуда тўғри гапирди, - деди муҳаррир ўрнидан туриб. - Редакциянинг битта эмас, ўнта гилам, ўнта телевизор олишга ҳам қурби етади. Бўлди, бундан кейин бу ҳақда бошқа гапирмайлик.

Шу билан нуқта қўйилди. Ўғирлик бости-бости бўлди.

## ПАЙШАНБА

Газетанинг обрўйи пасайиб, ихлосмандлар қамайиб борарди. Обуна мавсуми бошланган, барча ходимлар шаҳар ва туманларга сафарбар этилганди. Обуначилар тўплаш режасини бажармаган ходимларнинг маошини қисқартириш ҳақида қарор қабул қилинди. Бундай таклифни «Луғат» киритди. Умида тўрт қатор нарса ёзиб, газетхонларни ҳушнуд қилмаган ўринбосар ходимларни жазолаб ҳафа қилишга ўч эди. Летучка ва ҳафталик режалаштириш - «планёрка»ларда газета мазмундорлиги ва сифатини ошириш эмас, нуқул обуна ҳақида гап борарди. Кимдир сўқиш эшитар, кимдир оғохлантириш оларди. Газетанинг ҳар сониди албатта бирон «ЧП» - фалокат рўй берар, хатоларга йўл қўйиларди, навбатдаги сонда «тузатиш» бериларди. Ижодий муҳит бўлганиб, асаблар таранглашиб, ҳамма жиззақилашиб борарди. Битта гап кам, иккитаси ортиқча эди. Гўё таъририятга шайтон оралагану журналистларни йўлдан оздираётгандек туюларди.

Газета тарихида биринчи марта навбатчилар икки кишидан қўйиладиган бўлди. Бари бир фалокат рўй берди. Бунга «Луғат»нинг режалаштиришга ёпишиб олиш касали панд берди. Газета ҳаёт ойнаси ва у кундалик ҳаётни акс эттириши лозим бўлса-да, «Луғат» бўлимлардан чорак, ярим йиллик ва йиллик режа талаб қиларди. Хулиас калом, қаерни ва кимни мақташ ёки танқид қилиш вилоят фирқа кўмитаси билан келишиб олдиндан белгилаб олинарди.

«Луғат» навбатдаги летучкада биз ўтирганларни бармоғи билан кўрсатиб:

- Булар давлат планини бажармаяпти, Заҳриддин Маҳриддинович, - деди.

- Ким ўша, режани бажармаган? - деди муҳаррир гезариб.

- Мана масалан, Саримсоқовни олайлик. - «Луғат» ён дафтарига кўз югуртирди. - Ўтган кварталда Эскиқўрғон районидан қурилиш мавзуида фельетон ёзиши керак эди...

- Саримсоқов, туринг-чи! - «Бурга» ҳайрон бўлгандек елка қисиб ўрнидан турди. - Пелетон эртага менинг усталимда таяёр бўлсин!

Индинига газетанинг биринчи бетиди «Туя гўшти еган қурилиш» сарлавҳали лукма чиқди. Бирок лукма эмас, гўё бало чиқди. Муҳаррирдан тортиб «Бурга» гача ҳамма вилоят фирқа кўмитасига тушунтириш хати ёзиб берди. Маълум бўлишича, бу иншоот обком томонидан номақсадли қурилиш деб, тўхтатиб қўйилган экан. Қурилиш аҳоли истиқомат жойидан узокроқда бўлиши зарур экан...

Шундай ҳолатда орадан бир-икки йил ҳам ўтди. Ҳаёт бирдан чапмасига айланиб, Масковда галаёнлар бошланди. Бир кун эрталаб ишга келсам, бир тўп одам Горбачёвнинг каттақон сурати олдида уймаланиб турган экан. Улар орасида матбуот бошқармасининг бошлиғи ва Захар Махар ҳам бор эди. У мени кўриб:

- Э-э, мана, қори бошлайди. Қани, оёғидан кўтариб юборинглар! - деди.

- Хў-ўш, нима гап? - дедим ҳайрон бўлганнамо.



- Манави аҳмоқнинг суратини олиб ташланг! - деди муҳаррир Горбачёвнинг суратини кўрсатиб:

- Йў-ўғ, дадам раҳматлик: «Икки нарсга - худонинг ишигаю ҳукуматнинг сиёсатига аралашма!» деганлар.

- Э-э, дадангиздан ўргилдим. Саримсоқов, бу ёққа келинг! - «Бурга» югуриб келди. - Оёғидан кўтаринглар!

Икки-уч киши «Бурга»нинг оёғидан кўтариб туришди, у Горбачёвнинг суратини олди. Кейин, буни қаёққа кўяй, дегандек анграйиб турди.

- Буни олиб чиқиб ёқиб ташланглар. Аҳмоқ! Бутун мамлакатни «ошкоралик» деб хароб қилди.

- Нет-нет, падаждите, - деди одатига кўра ўрисчалаб бошқарма бошлиғи. - Бу инвертар. Олдин списат қилиб, кейин ёқамиз. Завхозга беринг.

- Келинг, ака, бир кучоқлаб кўяй, - деди қулочини ёйиб муҳаррир.

«Союзпечать» ҳам қулочини ёйиб Захар Махарни бағрига босаркан, ҳамма эшитгудек қилиб гулдирос овозда деди:

- Мен бу суволочнинг ишдан китишини давно сезганман...

Шу кунни кечкурун «ГКЧП»чилар, яъни давлат тўнтариши қилганлар қамалди. Горбачёв ўрнига қайтди. Эрталаб ишга келсам, йўлақда ҳамкасблар гурунглашиб туришган экан.

- Сиззи худо асради, кори, - деди Қўлдошвой кулиб.

- Агар кеча Горбачёвнинг суратини сиз олганингизда - қамалардингиз. Энди Саримсоқовни қамайди.

- Нега экан? Мен буйрувни бажардим, холос, - деди «Бурга» кўлларини ёзиб ва шошиб хонасига кириб кетди.

Шу орада йўлақда муҳаррир кўринди.

- Ҳозир манави тўнкани боплаймиз, - деди Қўлдошвой.

Захар Махар хонаси томон юраркан, биз томонга бурилди-да, сўрашгандай бўлди. Сўнг «Нега тўпланиб турибсизлар?» - деди.

- Бир қизил шапкали одам келувди, ҳаммамиздан суриштириб... - деди Қўлдошвой.

- Нимани суриштирди?

- Горбачёвнинг суратини бу ердан ким олди, деди.

- Нима дединглар? - Ранги ўзгариб кетди муҳаррирнинг.

- Хабаримиз йўқ, дедик.

- Жуда тўғри айтибсизлар. Ўртоқ Горбачёвнинг суратини ҳеч ким олгани йўқ. Чангини артиш учун фаррошларга берилган.

Муҳаррир хонасига кирмай, бурнини ишқаб кўйди-да, «Союзпечать»нинг хонасига йўл олди.

Бир соатдан сўнг деворда Горбачёвнинг янги сурати пайдо бўлди.

Орадан бироз муддат ўтгач, тушдан кейин муҳаррир мени чақириб топшириқ берди:

- Гўрқўмга бориб, ўртоқ Расуловичнинг номидан битта мақола тайёрланг. «Ошкоралик тантанаси» деган мавзуда.

- Комфирка қулади-ку, энди горком бўлмайди.

- Ҳей, аҳмоқвой, ўртоқ Расулов гўрқўм секретарлигидан бўшасаям, шахарга ҳоқим бўлиб қолаверади. Партия билан ҳазиллашманг. Бугун йиқилса - эртага туради.

- Хар бир бўлим ўз ишини қилиши керак. Мен партия аъзоси эмасман. Ана, Қўлдошвой тайёрласин.

- Хой, шу болага мени рўпара қилманглар!

- Ахир мен коммунист эмасман. Қуш тилини қуш билади.

- Яхшиям коммунист эмаслигингиз. Бўпти, боринг. Саримсоқовни айтворинг!

«Бурга»дек одам ҳам муҳаррирнинг хонасидан бўзариб чиқди. «Нега мен бошқа бўлимнинг ишини қилишим керак?» деган экан, «Аризангни ёз!» депти Захар Махар.

Мақолани тайёрлаш алалоқибат муҳаррир ўринбосари «Луғат»нинг зиммасига тушди. У принсипли, яъни қатъиятли коммунист бўлгани боис мақолани ижикилаб қайта-қайта ёзаверди, горкомга маслаҳатлашиш учун обориб-обкелаверди, натижада салкам бир ой вақтни ўтказди. Бу ўртада яна бир фалокат рўй берди. Армиячилар байрамга бағишланган саҳифада ҳарбийда хизмат қилаётган тирик аскар билан Афғонда ҳалок бўлган аскарнинг суратлари остидаги ёзувлар алмашиб чиқди. Марҳумнинг сурати остидаги ёзув бундай эди: «Ушбу суратда кулиб турган бу азамат йигитнинг ота-оналарига яқинда командирдан хат келди. Унда қурилиш бригадасида пешкадамликни қўлдан бой бермай, бир ғайратта ўн ғайрат қўшиб ишлаётган Қосимжонни қисмда ҳамма ҳурмат қилиши ва командир ташаккурномасига сазовор бўлгани баён қилинган. Шундай фарзандлар бор бўлсин!»

Эртасига газетада «тузатиш» берилди. Котибиятдаги йигит корректурага ўтказилди.

Нихоят «Луғат»нинг тайёрлаган партиявий мақоласи Расулов номидан «Ошкоралик тантанаси» сарлавҳали остида лўп этиб чиқиб қолди. Бироқ у ортидан бутун бир фожеани бошлаб келди. Мақоланинг чиқиши вилоят фирқа кўмитасининг барҳам ейтиши ва ҳоқим тайинланиши кунига тўғри келиб қолди. Мақола муаллифи бўшади, уни тайёрлаган «Луғат»нинг масаласи журналистлар бошқаруви йиғилишида алоҳида кўриладиган бўлди. Захар Махар анча шумшайиб, чўкиб қолди. Кўп ўтмай шифохонага ётди...

Бу воқеалар Обидийда вилоятида бўлиб ўтди. Воқеалар эмас, «гаплар» десак тўғрироқ бўларди. Чунки бу вилоятда гап воқеадан анча илгари ҳаракат қилади, ва, ҳаммиша голиб чиқади. Тахририятда Захар Махар бўшармиш, деган гап тарқалди. Шу гапдан кейинок тафтишчилар пайдо бўлди. Улар тахририят ҳисобхонасига қамалиб бир ҳафта нимадир қилди. Бош ҳисобчи ҳам, хўжалик мудири ҳам жонсарақ бўлиб қолишди. Муҳаррирнинг хонасида йўқолган телевизор билан телефон аппарати пайдо бўлди. Аммо йўқолган гиламнинг ўрнига янги гулли палос солинди. Узун-қулоқ гапларга қараганда, гиламни муҳаррир катта қизининг «уй кирди»сига совға қилиб юборган экан. Яна, Оллоҳ билади - валлоҳи аълам биссавоб.

Гап тўғри ва голиб чиқди. Захар Махар бўшади. Санокли ҳафталардан сўнг эса, биринчи сентябр Мустақиллик кунини деб эълон қилинди.

Мен Захриддин Махридиновични деярли икки йил кўрмадим.

## Ж У М А

Мен қиссамнинг аввалига берган ваъдамнинг устидан чиқдим. Асарни жумадан жумагача ёзиб тугатаман, деган эдим. Бунинг учун хотинимга ҳам раҳмат. У «Бир нарса ёзаман дегандингиз - ёзинг», деявериб, ҳоли-жонимга қўймаган эди. Қолаверса, ижодни таҳора: қилиб, мўмин-мусулмон, бева-бечора, ғарибу ғуроболарнинг ҳаж кунини бўлмиш Жумадан бошлаб шу кунини тугатаётганимда ҳам бир хислат бор. Яна бир муҳим гап шуки, асарнинг қаҳрамони мен эмасман,



менинг танишим. Мен, юқорида айтганимдек, воситаман, бир сабабман.

Ушбу сўнги бобни тугатар эканман, бир воқеа ёдимга тушдики, уни айтиб бермасам, қиссам тугат бўлмайдигандек туюлди.

Мен қолган умримни Истиқлолга, Мустақилликка бахшида қилишга тайёрман. Шу буюк неъмат туфайли ота-боболарим бир умр орзу қилиб ўтишган беназир имтиёзга мен эришдим - Оллоҳнинг инояти, эркинлик шарофати билан ҳаж сафарига борадиган бўлдим. Эгнимга эҳром қиярканман, кўзларимдан дув этиб ёш тўкилди. Самолёт фалакда сузиб бораркан, ҳаёлимда тасаввур қилганим Кабатуллоҳга кетаётганим нахотки ўнгим бўлса, деб баданларимни сийпалаб қўярдим.

*Осмон ҳафтумдаман,  
Худонинг қафтидаман.*

Яратганинг ишқи билан маст бўлиб, нигоҳларимни юмдим. Шу пайт кимдир мени туртгандек бўлди. Ўгирилиб қарасам, ким деб ўйлайсиз? Шу, эски кадрдоним - Захар Махар! Ё, товба! «Эҳромли шайтон!» Дарҳол миямга шу ибора келди. Бир вақтлар Захар Махар депутат бўлганда, бу шайтон олий кенгашда нима қиларкин, деб ҳайрон бўлардим. Мана энди, у Маккага нега кетяпти, дея анграйиб турибман. Бир умр мусулмонлар боши узра қилич ўйнатган жаллод хожи бўлиб, тасбеҳ ўгириб ўтирса-я! Бандаси тавфиққа келса ҳеч гап эмас экан-да. Яратнинг ўзи биледи. Унинг ғитоби бор: «Инни агламу маъла таъламун» (Мен билурман, сизлар билмасиз).

Ҳай, ўзига хавола. Бироқ мени яна бир ажаблантиргани, муборак сафарга тайёргарлик асносида кўплар билан кўришдим ва танишдим, Захар Махарни учратмаганим. Демак, бошқа гуруҳда экан-да.

- Хей, қори, ахийри ниятингизга етибсиз-да, а? - деди Захар Махар.

- Ота-боболаримизнинг эркинлик деб тўккан кўз ёшлари беҳуда кетмади. Оллоҳ борлигини аён қилди.

- Келинг, бу китобий гапларни қўяйлуқ. Ҳаётий гаплардан гаплашайлуқ. Доллардан қанча олволдингиз?

- Мен Байтуллоҳга фақат юрагимни олиб кетяпман.

- Аҳмоқлигингиз қолмабди, қори. Сиз бу ландовурлигингиз билан ҳеч нарсага эришолмайсиз. Ҳаёт бешафқат. Сизни мажақлаб ташлайди. Мана шу самолётни бир кема деб фараз қилайлик. Агар шу кема ҳозир қўкиб кетса, сиз фарқ бўласиз, мен омон қиламан. Чунки мен бировларнинг оёғига тирмашиб оламан.

- Қадарда борини кўрамыз. Худонинг буюргани бўлади.

- Э-э, худо ҳам эпчил одамларни хуш кўради. Ҳукумат ҳам тadbиркор бўл, деяпти. Сиз энди бундай қилинг: у ерга боргандан кейин фақат ибодат қилиб, тижорат қилмайдиган бўлсангиз, долларни қайтариб олиб кетинг. Мабодо сизда доллар бўлса. Ўзбекистонда долларга анча нарса беради. Совға-саломни ўзимизда олаверасиз. Хў-ўш, сиз менга анча кадрдонсиз, арабчани яхши биласиз. Менга борганимиздан кейин ёрдам берасиз, у-бу харид қиламан. Алмаштириб берган доллари ҳеч нарсага етмайди. Лекин мен бопладим, божхона ходимларини алдадим. Совунни пармалаб, ичига долларни жойлаб, ўтиб кетдим. Компьютер ҳам

сезмади. Э-э, аҳмоқвой, қаллангиз ҳали ҳам пишмабди!

«Ха-а, бу одам ҳажга эмас, бозорга кетаётган экан».

- Ариқнинг бир томонига ўтиш керак, қори, - деди Захар Махар ҳаёл суриб қолганимни сезиб. Унинг нимага шаъма қилганини пайқадим. Шўро даврида «Ариқнинг икки соҳили» деган мақола ёзган эдим. Мухаррир бердирмаган. «Ариқнинг ўртасига шалопа этиб тушиб, оқиб кетманг, қори!» деган. Ўша мақолада шундай мулоҳаза бор: шаҳримиздаги қабристон ўртасидан ариқ кесиб ўтган. Ариқнинг ўнг соҳилидаги ҳашаматли қабрларда совет ва партия ташкилотларининг собиқ раҳбарлари, коммунистлар ётади. Чап соҳилидаги ғариб ва одми қабрларда оддий инсонлар мангу уйкуга кетишган. Бир куни, отамнинг қабрларини зиёрат қилиб бўлгач, мрамор ва суратлар билан безатилган, гулчамбарлар тўшалган коммунистлар қабрини томоша қилмоқчи, бизни коммунизмга олиб бормоқчи бўлган «доно»лар билан танишмоқчи бўлиб айланиб юрсам, мендан сал нарида дока рўмол ўраган бир онахон ҳам сайр этиб юрган экан. Онахон менга бироз ўгирилиб:

- Буни қаранг, ер ютқурлар шу ерда ҳам алоҳида бўлволибди! - деди.

Бу гап менга қаттиқ таъсир қилди ва мен тириклигида халқдан ажралиб қолган ва ўлгандан сўнг ҳам қабристонини алоҳида қилиб олган одамлар ҳақида мушоҳада юритдим. Мақоламни Искандар ва гадо ҳақидаги асотир билан тўлдирдим. Маълумки, ўша ривоятда бир гадо икки кўлига икки суякни кўтариб олиб Искандарнинг тахти олдидан ўтади. Искандар гадодан сўрайди:

- Бу суякларни нега кўтариб юрибсан?

Гадо айтди:

- Бу суякларнинг бири шохники, иккинчиси гадоники. Қани, айт-чи, уларнинг қай бири шохникию, қай бири гадоники?

Искандар жавоб беролмади. Шунда гадо деди:

- Ўлганда-ку иккиси ҳам бир экан, нега тирикликда низо қиладилар?!!

Искандар сукутга чўмди.

Мен ушбу ҳикоятни келтиргач, «Порахўр ва қаззоб амалдорларнинг мусобақаси нега ўлгандан кейин ҳам қабристонда давом этапти? Ўнг соҳил билан чап соҳил ҳуқуқий, маънавий, инсоний жиҳатдан қачон бирлашади?» дедим.

Заҳриддин Маҳриддинович ўшанда мақолани ўқиб чикқач кайфи учиб кетди ва «Сиз бориб турган аҳмоқсиз!» деди.

Ҳозир самолётда кетарканмиз, ариқнинг бир томонига ўтинг деганда унинг ниятини пайқадим. Соҳиллар бирлашмайди, демоқчи. Майли. Зотан улар Машҳаргоҳда албатта бирлашадилар.

Мен муқаддас Каба сари нурга талпингандек учокда елиб борарканман шу одам билан ёнма-ён кетаётганимдан дилим ғашланди.

- Кечирасиз, мени захартанг қилди, - дедим ва ўрнимдан туриб, ундан узоклашдим.

*Т а м о м  
1996-98-йиллар*

# ОРИЯТ МАЙДОНИ

Тошкентда кураш бўйича I Жаҳон чемпионати бўлиб ўтди



KURASH  
BO'YICHA  
I JAHON  
CHAMPIONATI

Акобирнинг, Камолнинг бўйнига олтин медал тақилганида қувончимдан кўзёшларимни яширолмадим. Ҳакамлар Тоштемирнинг мутлақ чемпионлигини эълон қилишганда, сўз билан изоҳлаб бўлмайдиган ҳолатга тушгандим. Ўн иккита совриннинг ўнгасини ўзбек полвонлари олганларидан сўнг эса “бизнинг бунга ҳаққимиз бор эди, биз бунга ҳақли эдик”, деган ўй шууримга ўрнашиб олди. Бу ўзбекнинг кураши, менинг полвоним чемпион бўлиши керак, чунки ўзбекман, деб ҳайқиргим келарди...

Мукова-мизнинг

1-4-бегларига қаранг

Полвон йиқилсин, полвон йиқитсин, лекин унинг ори, гурури ўлмасин. У эли қувончидан гурур туйсин, элининг музтар бўлганидан ерга кирсин. Полвон овулининг, юртининг шаънини, ишончини ўртага қўйиб кураш туйсин. Унинг билаклари кучига дўсту душман кўз тикиб турганини сезсин. У шундагина — полвон. Зеро, кураш майдони — орият майдонидир.

Эсингизда бўлса, ўтган йилги Президент соврини учун ўтказилган кураш бўйича мусобақадан сўнг полвонларимизга таъна қилдик, ишончимиз сўнганини бот-бот такрорладик. Ва шунинг баробарида йиғитларимизнинг ҳамиятига, иззат-нафсига тегдик. Ўзбекнинг курашида ажнабий полвоннинг голиб бўлганини, қанча уринмайлик, ҳазм қилолмадик. Кўнглимизга сиздир олмадик. Янаям тўғрироғи, тан бера олмадик. Назаримда, ана шунинг ўзи бу йилги муваффақиятларимизнинг пойдевори эди.

Тагин мавзуга қайтадиган бўлсак, ўзбекнинг онаси турк паҳлавони Селим полвон Татар ўғлидек алқомат ўғил тугмаганидан ранжидик. Полвонларимиз гуржиларнинг Давид Хоҳлашвилисидек билагии бакуват эмаслигидан ичимиз куйди. Манаман деган паҳлавонларимизнинг уч ажнабий полвон қаршисида юлдуз санаганидан саросимага тушиб қолдик. Селиму Давид қаршисида ўзимизни ожиз ҳис қилдик. Аммо кечаги чемпионат кўнглимиздаги саросимани, хавотирни тарқатиб юборди.

Кураш бўйича I Жаҳон чемпионати очилиш маросимида Халқаро Кураш ассоциациясининг доимий фахрий президенти Ислоҳ Каримовнинг ташаббуси билан

қарата андек ишончсизлик, андек таъна аралаш сўзлари полвонларимизнинг ориятини кўзгаб юборди, назаримда. Негаки, Президент, бугунги чемпионатда голиб бўлмасаларинг ҳам ҳар бирингизни бағримга босаман, деган эди. Чоғимда, болалар учун отанинг бу гапидан-да ортиқ ҳам меҳр аралаш, ҳам таъна аралаш ишонч бўлмаса керак. Полвонларимизнинг галабаси боиси ҳам шунда экани аён.

Умуман, бу йилги биринчи чемпионат ҳақида гапирадиган бўлсак, илк мусобақалардаёқ эликдан ортиқ мамлакат полвонларининг майдонга чиқиши ҳазилакам гапмас. Бу, албатта, ўзбек курашининг дунё мамлакатларини забт эта олганидир. Турли давлатлардан ташириф буюрган мутахассисларнинг эътирофи этишларича, бизнинг курашимиз каби ўта содда, айни чоғда, ўта қизиқарли спорт тури ҳали кузатилмаган экан. Мусобақада иштирок этган ҳар бир



мухлису мутахассис, ҳакаму меҳмоннинг юзида зоҳир бўлган табассумдан, кайфиятдан ҳам ўзбек курашининг қандайдир сеҳрли кучга эга эканлигини англаб етса бўларди. Дарвоқе, ушбу чемпионат турли хорижий телеканаллардан тўғридан-тўғри олиб кўрсатилди. Аниқроғи, ўзбек курашининг кучи кўпчилик хорижликларни ҳайратга солди. Мусобақанинг Юнусобод теннис кортидан турли замонавий широкларга эга бўлган “ЖАР” спорт мажмуига кўчирилиши, умуман, курашнинг кенг майдонда ўтказилиши ҳам мантиқан, ҳам зоҳиран тўғри эди. Бу кураш ишқибозларининг олқишларига сазовор бўлди. Курашнинг келажакдаги муваффақиятларига кўнглимизда умид тугилди. Иншооллоҳ, умид рўёбга айланажак.

Абдуҳолик ТАШАНОВ

"Ёшлик" нинг келгуси сонларида ўқийсиз:

- Тўхтамурод РУСТАМ. Капалаклар ўйини. Роман.
- Нашъат ЧИФАТОЙ. Ваҳҳобийлик (туркчадан таржима).
- Вафо ФАЙЗУЛЛО. "Кўлёмалар ёнмайди!"



**ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ  
ЁНИБ ЯШАШ КЕРАК!****Муассислар:**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,  
Ўзбекистон Республикаси ёшларининг  
"Камолот" жамғармаси

**Жамоатчилик кенгаши раиси:**  
Абдулла ОРИПОВ

**Жамоатчилик кенгаши:**  
Алланазар АБДИЕВ  
Ўрол АБИЛОВ  
Келдиёр ИСРОИЛОВ  
Абулқосим МАМАРАСУЛОВ  
Низомиддин МАХМУДОВ  
Нурмат ОТАБЕКОВ  
Аҳмад ОТАБОЕВ  
Қобил СОЛИХОВ  
Йўлдош СУЛАЙМОН  
Аҳмад УСМОНОВ  
ШУКРУЛЛО

**Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:**  
Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ

**Масъул котиб:**  
Акбарали МАМАСОЛИЕВ

**Таҳрир хайъати:**  
Ҳотам АБДУРАИМОВ  
Одил ЁҚУБОВ  
Абдул Ғани ЖУМА  
Абдусайд КЎЧИМОВ  
Тўхтамурод РУСТАМ  
Вафо ФАЙЗУЛЛО  
Йўлдош ЭШБЕК  
Собир ЎНАР  
Муҳаммад ЮСУФ  
Ғаффор ҲОТАМОВ  
Шодикул ҲАМРОЕВ

Ёшларнинг адабий-ижтимоий жўрнали  
1982 йилдан чиқа бошлаган

Ушбу сон "Ёшлик" жўрнали таҳририяти-  
нинг компьютер марказида саҳифаланди.

**Саҳифаловчи:**  
Саодат ТЎЛАГАНОВА

© "Ёшлик" № 3 (167) 1999 й.

**Муқовамизда:**

- 1 - 4 - б е т л а р . Тошкентда бўлиб ўтган  
кураш бўйича биринчи жаҳон  
чемпионатидан лавҳалар (63-бетдаги  
"Орият майдони мақоласига қаранг).  
2 - б е т . Тошкентда бунёд этилган  
Хотира майдонидан бир кўриниш.  
3 - б е т . Устоз адиб, Ўзбекистон халқ  
ёзувчиси Одил Ёқубов.  
(А. ЖУМАЕВ фотолари)

**МУНДАРАРИЖА****ТАФАККУР**

Мустақиллик - орзулар рўёби 1

**НАСР**

Анвар СОБИРЖОН ўғли. Юлдуз тўла  
осмон. Қисса 5

Нуриддин ИСМОИЛОВ. Гуллар, гўзал  
гуллар... Хикоя 25

Холмуҳаммад КАРИМ. Хурайро. Хикоя 28

МУҲАНДИС. Бегона шаҳарнинг  
намозшомлари. Қисса 32

Абдуғани АБДУВАЛИЕВ. "Аҳмоқ".  
Ҳажвий қисса 50

**НАЗМ**

Сирожиддин САЙЙИД. Бир беғам,  
безавол давронинг... 3

Ҳосият РУСТАМОВА. Юрагимда ўсган  
нилуфаргулим 24

Мухтарама ТУРКОЙ. Ҳақ йўқласин 31

Элмурод ҲОТАМ. Булоқ ёшин куёш ичади... 46

**ИШҚ БОШҚА, ХАВАС БОШҚА**

Алишер НАЗАР, Шоира ТЎХТАЕБОВА.  
"Бахтли бўлишга ҳаққим йўқми?" 39

**ТАДҚИҚОТ**

Жумагул ЖУМАБОЕВА. "Кўксимни очаман..." 41

**БИРИНЧИ УЧРАШУВ**

Отабек РУСТАМ. Соғинч... шамол 27

**ТАРИХ**

Дилором КОМИЛОВА. Саводхонликнинг  
мушкул йўли 49

**СПОРТ**

Абдуҳолик ТАШАНОВ. Орият майдони 63

Манзилмиз: 700000, Тошкент, Жавоҳарлаъл Неру, 1-  
уй Телефон: 133-40-83, 133-44-73

Босишга 30.04.1999 йилда руҳсат берилди. Қоғоз  
формати 60x84 1/8. Шартли босма тобоғи 12,2.  
Наشريёт ҳисоб тобоғи 12,0 Буюртма №4033 Индекс 822

Жўрналдан кўчириб босилганда "Ёшлик"дан олинди  
деб изоҳланиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси "Шарк" наشريёт-матбаа  
концернининг босмаҳонаси, Тошкент, Буюк Турон  
кўчаси, 41-уй.